ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС ИНСТИТУТИ

«ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИ ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНИШИНИНГ МУАММОЛАРИ»

мавзусида халқаро илмий-амалий анжумани

VI-ҚИСМ

(2017 йил, 25-27 май)

Самарқанд 2017

УДК: 338.46

“**Хизмат кўрсатиш соҳаси инновацион ривожланишининг муаммолари”.** Ҳалқаро илмий-амалий анжуман материаллари.

Самарқанд, СамИСИ, 2017 йил 25 – 27 май 312-бет.

«Проблемы инновационного развития сферы услуг» Материалы международной научно-практической конференции. Самарканд, СамИЭС, 25-27 май 2017г., с. 312.

Ушбу илмий тупламда иқтисодчи олимлар, катта илмий ходим изланувчилар, магистларнинг хизмат кўрсатиш соҳаси инновацион ривожланишининг назарий масалалари, иқтисодий-молиявий механизмини такомиллаштириш, АКТ, менежмент ва маркетинг хамда бу соха учун рақобатбардош кадрларни тайёрлаш муаммоларига бағишланган мақолалар ва маъруза тезислари киритилган.

Тупламдаги материаллардан профессор ўқитувчилар, катта илмий ходим изланувчилар, магистлар, талабалар ва амалиёт ходимлари фойдаланиши мумкин.

В научный сборник включены статьи и тезисы докладов ученных – экономистов, старших научных сотрудников, магистров, посвященные методологическим аспектам, совершенствованию финансово-экономического механизма, внедрению информационно-коммуникационных технологий, менеджменту и маркетингу инновационного развития сферы услуг, а также проблемам повышения конкурентоспособности кадров этой сферы. Сборник предназначен для преподавателей, старших научных сотрудников, магистрантов и практических работников.

Ташкилий қўмита аъзолари

Д.Х.Асланова	СамИСИ илмий ишлар бўйича проректор, раис
К.Б.Уразов	СамИСИ«Бухгалтерия ҳисоби ва аудит» кафедраси мудири, аъзо
З.Д.Ниёзов	СамИСИ«Банк - жамғарма иши» кафедраси мудири, аъзо
О.Ж.Суюнов	СамИСИ«Касб-ҳунар таълими» кафедраси мудири, аъзо
Ж.Р.Зайналов	СамИСИ«Молия ва суғурта хизматлари» кафедраси мудири, аъзо;
И.С.Тухлиев	СамИСИ«Халқаро туризм ва туризм сервиси» кафедраси мудири,аъзо;
Р.Амриддинова	СамИСИ«Халқаро туризм ва туризм сервиси» ўқитувчиси, аъзо;
Л.Н.Халикова	СамИСИ«Касб-ҳунар таълими» кафедраси ўқитувчиси, аъзо
Н.Р.Зайналов	СамИСИ«Ахборот технологияси» кафедраси мудири, аъзо
Ш.А.Султонов	СамИСИ «Иқтисодиёт» кафедраси кафедраси мудири, аъзо
Э. Файзиев	СамИСИ«Иқтисодиёт» кафедраси ўқитувчиси, аъзо;
М.Қ.Пардаев	СамИСИ«Статистика ва менежмент» кафедраси профессори, аъзо
Р.Н.Нормахматов	СамИСИ «Маркетинг» кафедраси профессори, аъзо
С.Ў.Ҳусенов	СамИСИ Босмахона директори, аъзо
Ф.Ишанкулова	СамИСИ«Илмий бўлим»ходими
Х.Мадиллоева	СамИСИ«Илмий бўлим»ходими

Муаллиф нусхасидан чоп этилди.

Мақолаларнинг мазмуни ва орфографик хатоси учун муаллифлар ўзи жавобгар

Отпечатано с авторских оригиналов

За содержание и достоверность указанной информации несут ответственность авторы

I ШЎЪБА. ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИ ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНИШИНИНГ НАЗАРИЙ МАСАЛАЛАРИ

XXI-АСРДА ИҚТИСОДИЙ-СИЁСИЙ ВА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИДА ГЛОБАЛЛАШУВ ЖАРАЁНЛАРИ, ОҚИБАТЛАРИ ВА ЕЧИМИ.

Н. Иммомов ўқитувчи
З.Эшпулатова Бҳ-313 гурух талабаси

Анотация: *Мақолада бугунги кунда иқтисодий – сиёсий ва хизмат кўрсатиш соҳаларидаги глобаллашув жараёнида муаммо ва ечимлари ёритилган.*

Таянч иборалар: *глобаллашув, иқтисодий-сиёсий, хизмат кўрсатиш, технология, ижобий ва салбий оқибатлар.*

Анотация: *В статье приведено на сегодняшний день экономическо-политической и сфера услуг, их преимушества и необходимость. В том числе выевленны проблем возникающие в результате указаны пути и их преодоления.*

Ключенқе слова: *глобализация, экономико-политическое, сфера услуг, технология, положительнқй и отрицательнқе результатқ.*

Annotation*: In the article today, economic-political and services their advantages and the need. Including identification of problems caused and the ways to overcome them.*

Key words*: globalization, economical- political, service, technology, positive and negative results.*

XXI- асрда кечаётган глобал интеграция жараёнлари, дуньёвий ғоявий-мавқуравий қиёфасини ўзгартириб, янгича таффакур услубини тақозо қилмоқда. Ҳозирги замон глобаллашув жараёнлари – жамитимизнинг сиёсий, ижтимоий-иқтисодий , маънавий, маданий, комуникацион соҳаларни қамраб олиб , одамлар ўртасидаги ўзаро таъсир ва боғлиқликни кучайган ҳолда, инсоният учун келтириб чиқараётган оқибатлар моҳиятини тезда тушуниб англаш осон кечмаяпти.

“Глобаллашув жараёнининг тобора тез ва чуқур кириб келаётганлигининг асосий омили ва сабаби хусусида гапирилганда шуни объектив тан олиш керакки, - деган эдилар **Биринчи Президентимиз Ислом Каримов – бугунги кунда ҳар қайси давлатнинг тараққиёти ва равнақи нафақат яқин ва узоқ қўшнилар, балки жахон миқиёсида бошқа минтақа ва худудлар билан шундай боғланиб бораяптики, бирор мамлакатнинг бу жараёндан четда туриши ижобий натижаларга олиб келмаслигини табийки, буларнинг барчаси глобаллашув таъсирининг натижасидир.”**[1]

Бугунги кунда глобаллашув ўзининг қамровли таъсир кучи, тобора оммавий тус олмоқда. Масалан, иқтисодий таъсир кучи орқали салбий оқибатларни келтирилишида қуйидагиларни қамраб олган:

1. “Баъзи мамлакатларнинг технологик ютуқлар соҳасида мутлоқ илгариликни кўлга киритганлиги асосида сайёрамиз заҳиралари ҳам, иқтисодий фаолият ҳам жаҳон миқиёсида транснационал корпорациялар томонидан бошқариш тизими шакилланаётган ва тобора мустаҳкамланиб бораётганлиги

[1] Каримов И.А. “ Ўзбекистоннинг 16 йиллик мустақил тараққиёт йўли”.- Т.: Ўзбекистон, 2000.-Б.28.

2. Иқтисодий тенгликка эришишни енглаштирмайди , балки қийнлаштиради. Бадавлат мамлакатлар аҳоли даромадлари пас ва ўрта даражали мамлакатлар аҳолисиникига нисбатдан илгарилаб ўсишига барқарор мойиллик сақланиб келмоқда

3. Иқтисодий жараёнлар тазиқига бардош бера олмай, узоқ вақт жахон силсиласининг қуйи квадратларидан чиқиб кетаолмаётган ва фуқаро низоларнинг фавфи остида қолмоқдадир

4. Иқтисодий ижтимоий нотекислик қашшоқ мамлакатларидан бадавлат мамлакатларга аҳоли кўчиш оқими туғдирмоқда. “Тафаккур оқиб кетиши” туфайли малакали кадрларни тайёрлаш бўйича харажатлар ривожланаётган мамлакатлар зиммасига тушмоқда, фойдани ривожланаётган мамлакатлар олмоқда

5. Замонавий мулоқот воситалари улкан молиявий бозорга айланган жаҳон молия бозори алоҳида касб этмоқда

6. Жиноий муомалага ҳар қандай мисли кўрилмаган даромад келтирувчи “мол”- қурол- яроқ, гиёҳванд моддалардан тортиб , инсон тана органларга жалб қилаётган транснационал жиноий, шу жумладан, мафия тузилмалари пайдо бўлиши билан боғлиқ глобал жараёнлар рўй бермоқда.”[2]

Ҳар қандай жамият ривожланиши натижасида аннавийликда

замонавийликка ўтади. Бу иқтисодий муаммолар гирдобидан чиқиш жараёнини ҳам англатади. Модернизация айнан жамиятни замонавийликкаайлантиришнинг дастлабки босқичи ҳисобланади шу сабабли ҳам дунёда юз берган иқтисодий ўзгаришлар сиёсатини амалга оширмаган давлат йўқ.

Иқтисодиётимизни бугунги кунда глобаллашув жараёнларида мамлакатимизда ривожлантиришни кучайтиришнинг дастлабки босқични хизмат кўрсатиш соҳасига даҳилдор бўлган иқтисодий секторларга кирувчи барча соҳаларни тубдан ислоҳ қилиш асосий мақсадимиз бўлиб ҳисобланади.

Шу боиз, мамлакатимиз Президенти Ш.Мирзиёев 2017-2021 йиллар даврига тузган дастурларида хизмат кўрсатиш соҳасига катта эътиборларини бериб ўтган эдилар.

“2017-2021 “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича харакатлар стратегияси тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Президентнинг Фармони тасдиқланди. Бу Фармонда Ўзбекистон Республикасининг ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича ҲАРАКАТЛАР СТРАТЕГИЯСИ ишлаб чиқилди.[3] Айнан шу харакатлар стратегияси учинчи стратегиясида “ Иқтисодиётни ривожлантириш ва либераллаштиришнинг устувор йўналишлари

-Макроиқтисодий барқарорлигини янада мустаҳкамлашда ва иқтисодий ўсиш суръатларни сақлаб қолиш;

-Таркибий ўзгаришларни чуқурлаштириш , миллий иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини модернизация ва диферсификация қилиш ҳисобига унинг рақобатбардошлигини ошириш;

-Қишлоқ хўжалиги модернизация қилиш ва жадал ривожлантириш;

[2] “МИЛЛИЙ ҒОЯ: АСОСИЙ ТУШУНЧА ВА ТАМОЙИЛЛАР” ФАНИДАН ЎҚУВ – УСЛУБИЙ МАЖМУА Тошкент 2014 4-слайд

[3] Strategy. Regulation.gov.uz

-Иқтисодиётда давлат иштирокини камайтириш, хусусий мулкнинг хуқуқларини ҳимоя қилиш ва унинг истиқболи ролини янада кучайтириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожланишини рағбатлантиришга қаратилган институционал ва таркибий ислоҳотларни давом этиш;

-Вилоятлар, туманлар ва шаҳарларнинг комплекс ва мувозанатли ижтимоий – иқтисодий ривожлантириш, уларнинг салоҳиятидан самарали ва оптимал фойдаланиш;

-Туризм соҳасини ривожлантиришга замин бўлиб келади.[4]

"Сиёсий институтларнинг глобаллашуви-бугун дунё турли қарашлар, ғоялар, нуқтаи назарларнинг тамомила янгича ривожланиш палласига кириб, бу унда яшовчи ҳалқларнинг турмуш тарзи, ғоя ва мавқураларига ҳам бирдек салбий катта таъсир кўрсатмоқда. Глобаллашув жараёнида бугунги кунда мамлкатимизда ёшлар тарбиясига катта эътибор берилмоқда. Мамлакатимиз **Биринчи Президенти И.А.Каримов " Келажак – ёшлар қулида"** деган шиори хозирги замон ёшларни дунёга чиқишига ва Ўзбекистонни дунёдаги мақомини янада юксак даражада кўтаришга имкон яратиб бермоқда."[5]

Ёшларимизга бугунги берилаётган катта эътибор, катта марраларга эришига ёрдам бермоқда, лекин бугунги замон глобаллашув жараёнида ёшларга оммавий-маданий, яъни инсоннинг маънавий – аҳлоқий, психологик қиёфасига таъсир ўтказади. Ахборот-комуникацион технологиялари ривожланаётган бир пайтда инсониятга ақлни шоширадиган даражада кенг имкониятлар яратиб келмоқда, аммо бундай технологиялар салбий оқибатларга олиб келадиган, онгини заҳарлайдиган, турли бузғунчиликларни, ғаразли мақсадларни амалга оширишни ҳам қуллаб – қувватлайди.

Тилимизда "ахборот уруши", "компьютер жиноятчилиги, "кипертерроризм", "ахборот хуружи" каби сўзлар пайдо бўлмоқда.[6] Буни олдини олиш мақсадида глобаллашув ва модернизация жараёнида "Миллий ғоя мураккаб тизим сифатида ёшларнинг маънавий дунёсини шакиллантириш, юксалтириш, ватанимизнинг барча миллатларини ўз атрофида бирлаштириб олиб борилаётган бугунги кунда ислоҳотлари натижасида, мамлакатимизда глобалашув салбий куч оқибатлари ва жиноятчилик аҳлоқ захарланиш оқибатлари ўз таъсирини бошқа давлатларга нисбатан ўтказа олмаяпти.

"Сиёсий дипломатик салоҳиятига таянган ҳолда, ўзга давлатлар билан ўзаро манфаатли ҳамкорлик алоқаларни ўрнатади. 1992 йилдаёқ, Биринчи Президентимиз Ислом Каримов бунга шундай таъриф берган эди: "Жаҳонга , бутун дунёга олиб чиқадиган йўлимизни кенгайтирамиз. Тараққий этган мамлакатлар қаторига демократия, инсон ҳуқуқлари ва сармоя учун кафолат шароитини яратишимиз лозим" Дунёнинг ривожланган давлатларнинг тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, мамлакатни сиёсий жиҳатдан қайта қуриш, бозор мунособатларига асосланган иқтисодиётни ислоҳ қилиш , жамият ижтимоий муаммоларини хал қилиш, миллий маданиятнинг маънавий аҳлоқий томонидан бойиши масалалари халқаро ҳамкорликни мувафақиятли амалга оширишга

[4] Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида" Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

[5] www. Fikr.uz

[6]www. Fikr.uz

чамбарчас боғликдир. Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти И. А. Каримов ... ташқи сиёсатимизнинг устувор йўналишларини белгилашда ... ҳаётий аҳамиятга эга бўлган миллий манфаатларимиз ва мамлакатимиз хавфсизлигини таъминлаш нуқтаи назаридан ёндошмоғимиз керак", - дея таъкидлаган эдилар. Шунинг билан бирга, у киши ўз диққатини ташқи сиёсий фаолият масалаларига қаратар экан, таъкидлаган эдилар"... давлатимиз ташқи сиёсатнинг маъно - мазмуни ва мақсади битта у ҳам бўлса Ўзбекистон манфаати ва яна бир бор Ўзбекистон манфаатидир. Биз миллий манфаатларимиз мос келадиган барча мамлакатлар билан фаол ҳамкорлик қилишга тайёрмиз."[7]

Бизнинг фикримизча, албатта, глобаллашув жараёнида, салбий оқибатларни ва таъсирини келтирувчи энг биринчи омиллардан бири бўлиб келган бугунги XXI-асрда ташқи сиёсий, маданий, манавий, иқтисодий-ижтимоий, ахборот - комуникатив таҳдидларни кишилик жамиятида бутунлай бартараф этиш қийн. Чунки замон шиддат билан ўзгармоқда, одаларнинг онги ривожланиш даражаси ўсиб бормоқда, шунинг учун глобаллашув жараёнларнинг оқибатларини таҳлил қилиб бориб омиллар таъсирини ўрганиб тез суръатларда салбий таъсир кўрсатадиган оқибатларга қарши дастурларни , тузиламларни ишлаб чиқиш зарур. Ёшлар тарбиясига эътиборни янада кучайтириб, инсонлар ўртасидаги меҳр оқибатни кучайтириш зарур деб ўйлаймиз. Иқтисодий глобаллашувда "ХАРАКАТЛАР СТРАТЕГИЯСИ" дастурини ўз олдимизга мақсад қилиб бошқа соҳалари билан биргаликда хизмат кўрсатиш соҳасининг сифатини янада оширишга ҳар биримиз ҳаракат қилишимиз лозим.

ИҚТИСОДИЁТНИ ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ

Рузибаева Н. Х. – СамИСИ "Молия ва суғурта хизматлари" ассистенти
Абдурасулов Ж. А. Сам ИСИ БҲ-116 гуруҳ талабаси
Рахимов М. Ў.Сам ИСИ БҲ-114 гуруҳ талабаси

Аннотация: *Мақолада ҳозирги кунда мамлакатимизда иқтисодий фаолият жараёнларида инновацион технологияларнинг ривожлантирилишига алоҳида эътибор берилаётганлиги ва жадал ривожланишини таъминлашга эътибор қаратилаётганлиги келтириб ўтилган. Мақола сўнгида эса тегишли таклиф ва тавсиялар берилган.*

Калит сўзлар: *Инновация, модернизация, диверсификация, бизнес субъектлари, инновацион технопарк, макроиқтисодий сиёсат.*

Аннотация: *Статья демонстрирует развитие экономической деятельности и обеспечение, а также обращают внимание на интенсивную экономику. В конце статьи также были представлены необходимые предложения и рекомендации.*

Ключевые слова: *Инновация, модернизация, диверсификация, инновационные предприятия, , технопарки и макроэкономическая политика.*

Annotatiton: *The article demonstrates development of innovative technologies of small business and private entrepreneurship and paying attention to intensive rise of*

[7] www. Fikr.uz

small business and private entrepreneurship. At the end of the article necessary proposals and recommendations were also given.

Key words: *Innovation, modernization, diversification, innovative businesses, technoparks, and macroeconomic policy.*

Ҳозирги замон талабларига мувофиқ миллий иқтисодиётни жадал суръатлар билан юксалтириш янгича қарашлар, янгича ёндашув ва албатта янги инновацион ғояларни талаб этади. Бир сўз билан айтганда янги инновацион ғоялар иқтисодий ўсишнинг асосий тамойили ҳисобланади. Дарҳақиқат, XXI аср инновацион ғоялар, янги техника ва технологияларни қамраб олган давр бўлмоқда. Ишлаб чиқариш соҳасини ҳар бир бўғинида янги технологиялар, янги хизмат турлари, янги маҳсулотлар пайдо бўлди ва бизнеснинг интенсивлигини оширди. Маълумки, дунёда иқтисодий ривожланишнинг муҳим омили сифатида эътироф этилган илмий-техник тараққиёт бевосита инновацион жараён билан боғлиқ ва инновацион технологияларни янада ривожлантириш, таълим, илм-фан ва ишлаб чиқаришнинг самарали итеграциялашувини таъминлайди. 2017-йил 7-февралида Президент Ш.М.Мирзиёевнинг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида фармони қабул қилинди. Унга кўра: “илмий-тадқиқот ва инновация фаолиятини рағбатлантириш, илмий ва инновация ютуқларини амалиётга жорий этишнинг самарали механизмларини яратиш, олий ўқув юртлари ва илмий-тадқиқот институтлари ҳузурида ихтисослаштирилган илмий-экспериментал лабораториялар, юқори технология марказлари ва технопаркларни ташкил этиш.”[8] белгилаб қўйилди. Инновацион ривожланишнинг аҳамиятига янада чуқурроқ назар солсак қуйидагиларни таъкидлаб ўтишимиз мумкин:

1. Иқтисодий ўсиш жараёнида иқтисодий ўсишнинг мақсадга эришиш йўли ёки йўналишидир. Саноатда маҳсулот ишлаб чиқариш юксалмоқда, шу сабабли, бозор талаби кундан-кун ошиб бормоқда, янги билимлар ва янги кашфиётларни саноатда, ишлаб чиқариш жараёнларида амалда қўллай билиш инновациянинг асосий омили ҳисобланади. Бундан ташқари, инновация янги тадбиркорлик фаолиятларини кашф этади ва тадбиркорликда иқтисодий ўсишнинг фундаментал омили ҳисобланади. Ҳозирги вақтда инновацион технологиялар энг муҳим стратегик ресурслардан бирига айланди. Ижтимоий-иқтисодий масалаларнинг муваффақиятли ҳал қилиниши, янги саноат ва молиявий технологияларнинг амалиётга жорий этилиши, инвестиция инфратузилмасининг ривожланиши, интеллектуал салоҳиятнинг ошиши, экспортга йўналтирилган, импорт ўрнини босувчи маҳсулотларнинг ишлаб чиқарилиши ҳамда мамлакатда валюта заҳираларининг жамғарилиши, кўп жиҳатдан, миллий инновацион фаолият даражасига боғлиқ.

2. Инновациялар ишлаб чиқаришни кучайтиришда, янги иш ўрнини яратишда, инсоннинг моддий ва номоддий эҳтиёжларини етарли даражада қондиришда ва инсониятнинг тараққий этишида янги имкониятлар эшигини очиб беради. Инновация исталган жамиятнинг тараққиётида катта аҳамиятга эга. Мамлакатимизнинг мустақилликка эришган дастлабки давридаги миллий хўжалиги, жумладан, саноат таркиби юқори технологияга асосланмаганлиги,

[8] www.Lex.uz

илмий-техника тараққиёти ютуқларидан кенг фойдаланишга етарли даражада йўналмаганлиги ва экстенсив омилларга асосланганлиги билан тавсифланса, ҳозирда интенсив омилларга таянган, қўшилган қиймат улуши юқори, ички ва ташқи бозорда рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқараётган, замонавий технологиялар билан жиҳозланган саноат корхоналари кўпайди. Миллий саноат ва унинг соҳалари иқтисодиётнинг динамик ўзгаришда бўлган ҳамда ишлаб чиқариш суръатлари жадал ошаётган тармоқлари ҳисобланади. Айниқса, саноатнинг қора металлургия, нефть ва нефть кимёси, машинасозлик, қурилиш материаллари, енгил ва озиқ-овқат соҳаларида ишлаб чиқариш ҳажми сўнгги йилларда тез ўсмоқда.

3. Бозор иқтисодиёти шароитида энг асосий ролни рақобат эгаллайди. Рақобат ишлаб чиқариш жараёнини кучайтиришга, корхоналар ўртасида беллашувнинг кучайишига сабаб бўлади. Бу ўз-ўзидан ишлаб чиқариш жараёнини кенгайтиришга, бир ишлаб чиқариш жараёнидан бозор талабига биноан кўп тармоққа ўтишга ундайди ва янги инновацион ғоялар орқали юксак натижага эришилади. Рақобат жараёни даврида эса кўпроқ фойда олишга имкон туғдиради.

Шуниси аҳамиятлики, инновация янги имкониятлар калити бўлиб, инновацион ғоя, фикрлар орқали жамиятимизда. иқтисодий тузумимизда юксак марраларга эришишимиз мумкин. Бунинг ҳаммаси инсондан тўғри фикрлай олиш, билимни етарли ва тўғри даражада тақсимлай олишгагина боғлиқ. Давлат инновацион сиёсати маҳаллий маҳсулотлар рақобатбардошлигини ошириш, барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш, аҳолининг турмуш сифати ва даражасини ошириш, технологик ва экологик хавфсизлигини таъминлаш учун инновацион фаолият устуворликларини тан олишдан келиб чиқиб шакллантирилади ва амалга оширилади. Инновацияни ривожлантиришни республикамиз миқёсида қарайдиган бўлсак, инновацион ғоялар орқали кўпгина иқтисодий фаолият турларини ривожлантира олишимиз мумкин. Биринчи Президентимиз И.А.Каримовнинг 2008-йил 15-июлдаги “ Инновацион лойиҳалар ва технологияларни ишлаб чиқаришга тадбиқ этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори бу борада муҳим аҳамиятга эга бўлди.[9] 2009-йилнинг 22-майидан эса “Хўжалик бошқаруви органларини модернизациялаш ва янги технологиялар билан таъминлаш ҳақидаги низом” кучга кирган бўлиб, унга мувофиқ улар ўзларида ишлаб чиқариш соҳалари ва корхоналарнинг инновацион ривожланишига ёрдам берувчи шундай фондларни ташкил этиш имкониятига эга бўлдилар.[10] Авваламбор таъкидлаб ўтиш жоизки, мамлакатимизда қабул қилинган қатор қарорлар инновацион тараққиёт учун хизмат қилади ва инновация келгусида ишлаб чиқариш корхонаси мисолида оладиган бўлсак, ривожланиш омили ва муваффақият калити ҳисобланади.

Айни пайтда, Ўзбекистоннинг инновацион тараққиёти жараёнларини янада жадаллаштиришга доир стратегик муҳим вазифаларни ҳал қилишда саноат соҳаси вакиллари, олимлар, тадбиркорлар саъй-харакатларини бирлаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги ва Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш кўмитаси томонидан кўплаб ишлар амалга оширилмоқда. Айни пайтда Ўзбекистон

[9] Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й., 38-сон, 446-модда Lex.uz

[10] www.academy.uz

Республикаси Солиқ кодексида кўплаб имтиёз ва енгилликлар яратилган. Далил сифатида шуни таъкидлаш лозимки, Солиқ кодексида корхоналар мулкдорларида стратегик режалаштириш ҳамда ўз тадқиқот ва лойиҳаларини ўтказишга етарли даражада йўналтирилгандир. Шу сабабли, илмий-техник секторида мамлакатни инновацион ривожлантириш вазифаларини ҳал қилишга йўналтириш учун қуйидагиларни амалга ошириш зарурлиги белгилаб қуйилган:

1. Ишларни бажаришнинг ташкилий шаклларини диверсификациялаш: давлат томонидан тадқиқот ва лойиҳаларни инвестициялашда давлат шартномалари, грантлар ва кооператив битимлардан фойдаланишнинг ҳуқуқий ва институционал асосларини ишлаб чиқиш.

2. Давлатнинг анъанавий жавобгарлик ҳудудларида қуйидагилар йўли билан дастурлашни ислоҳ қилиш: давлат инновацион ва технологик сиёсатининг бошқа мақсадлари билан давлат ижтимоий ролининг мақсад ва вазифаларига максимал тузатишлар киритиш тамойилини амалга ошириш; фан, саноат ва ҳукумат намоёндалари билан мулоқот қилиш интерактив жараёнларига асосланган дастурлар шакллантиришнинг очиқ жараёнларини ишлаб чиқиш.

3. «Фуқаролик йўналишидаги фан ва техникани ривожлантиришнинг устувор йўналишлари бўйича тадқиқот ва лойиҳалар» минтақавий мақсадли дастурини ислоҳ қилиш: илмий-техник ривожланиш ва технологияларнинг устувор йўналишларини ҳукумат, давлат ва нодавлат секторидаги илмий ташкилотлар, саноат ва молия бизнеси вакиллари билан қалин ўзаро алоқаларда махсус интерактив жараёнлар асосида шакллантириш.

4. Давлат молия ташкилотларини молиялаштириш тизимини улар томонидан ҳақиқатда амалга оширилаётган фаолиятга мувофиқ ҳолга келтириш. Ташкилотларнинг илмий фаолиятининг базавий молиялаштиришдан илмий лойиҳаларда иштирок этишга асосланган молиялаштиришга ўтиш; хўжалик фаолиятининг молиявий таъминлаш ва ташкилот фаолиятидан олинган даромаддан фойдаланишни аниқ тартибга солиш.

5. Давлат секторида илмий тадқиқот ишлари ижрочиси ҳисобланган ташкилотлар фаолиятини баҳолаш ва уларнинг структурасини ислоҳ қилиш жараёнларини ривожлантириш. Ташкилот илмий-тадқиқотчилик фаолияти сифатини баҳолаш иккита мезон – ўтказилаётган илмий тадқиқотлар ишларининг сифати ва уларнинг ташкилот муаммоли йўналишига мувофиқлигидан келиб чиқиб амалга оширилиши лозим. Релевант таркибий қисм ташкилотнинг давлат жавобгарлик ҳудудидаги вазифаларини ҳал қилишга қўшадиган ҳиссасини (жумладан шартнома ва грантларни молиялаштириш ҳажмини) ва унинг мамлакат иқтисодиёти рақобатбардошлигини оширишга қўшадиган ҳиссасини (патент ва лицензия фаолияти, саноат билан кооперация) баҳолаш бўйича белгиланади.

6. Солиқ имтиёзлари, пасайтирилган кредит ставкалари бўйича заёмлар йўли билан саноатнинг тадқиқот ва лойиҳаларига инвестициялар киритишни рағбатлантириш.[11]

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш лозимки, Мустақиллик йилларида иқтисодий ва ижтимоий муносабатлар тизимида чуқур сифат ўзгаришлар амалга оширилди, миллий иқтисодиётнинг тармоқ тузилиши инновация хисобига

[11] Абдусаттарова Х.М. «Инновация стратегияси» - ўқув ўлланма. Тошкент 2011-й, 60-бет.

янгиланди. Айни пайда, мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамиятидаги ўрни ва мавқеи тобора мустаҳкамланиб бормоқда. Бозор иқтисодиётига ўтишнинг талабларидан бири иқтисодиёт тармоқларида инновацион ислоҳотлар қилиш ҳисобланади ва бу борада қуйида ўз таклиф ва мулохазаларимизни келтириб ўтамиз:

Биринчидан, ташқаридан импорт қилинадиган маҳсулотни ички ишлаб чиқариш жараёнига мослаштириш ва маҳаллийлаштириш албатта инновацион ғояларга таянади. Яъни, давлат бюджетидан катта миқдордаги нақд пулни тежаш имконини беради.

Иккинчидан, Инноватцион ғояларни ривожланитириш хорижий моделлардан андоза олган ҳолда натижага эришиш мақсадга мувофиқ йўлдир. Чунки, янги ёндашув ва фикрларни амалда тадбиқ этиш иқтисодий жиҳатдан кўп маблағ ва меҳнат талаб этади. Шунинг учун, чет эл моделларидан андоза олиш кам ҳаражат ва синалган услуб ҳисобланади. Далил сифатида шуни таъкидлаш лозимки, АҚШ ва Европада мавжуд инновацион технопарклар республикамиз пойтахтида ҳам қад кўтариш арафасида бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Тошкент шаҳрининг Яшнаобод ва Олмазор туманларида инновацион технопаркларни яратиш тўғрисида"ги қарор қабул қилинди.[12]

Учинчидан, яна бир муҳим аҳамиятга молик омиллардан бири бу хорижий инвестиция бўлиб, ҳар томонлама давлат ва ишлаб чиқариш корхонасига фойда келтиради. Бу орқали моддий техник база тубдан инновацион тарзда янгидан вужудга келади.

Шу жумладан, Ўзбекистон ҳам шу йўлдан дадил одимламоқда. Республикамизнинг биринчи Президенти И.А.Каримов таъкидлаганидек "Ушбу сиёсат, аввало, мамлакатнинг иқтисодий қудратини янада мустаҳкамлаш, бой табиий, хом-ашё ва меҳнат ресурслари, интелектуал ва илмий-техникавий салоҳиятимиздан тўла ва самарали фойдаланишга йўналтирилган бўлиши даркор. Шуни такрор айтиш жоизки, бугунги кунда мамлакатимизни, аввало иқтисодиётимизни ислоҳ этиш, эркинлаштириш ва модернизация қилиш, унинг таркибий тузилишини диверсификация қилиш борасида амалга оширилаётган, ҳар томонлама асосли ва чуқур ўйланган сиёсат бизни инқирозлар ва бошқа таҳдидларнинг салбий таъсиридан ҳимоя қиладиган кучли тўсиқ, айтиш мумкинки, мустаҳкам ва ишончли ҳимоя воситасини кўрсатди".[13] Дарҳақиқат иқтисодиётни модернизация қилиш, унинг таркибий тузилишини диверсификация қилиш жуда ҳам муҳимдир. Бу эса ҳар бир мамлакат учун инновацияни ривожлантириш зарурлигини кўрсатади. Шундай экан биз мамалакатимизда янада кучли инновацион муҳитни яратишимиз керак. Зеро инновация – кучли иқтисодиёт олиб боришнинг кучли омилларидан биридир.

[12] www.kun.uz ma'lumotlari asosida

[13] Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. И.А.Каримов, "Ўзбекистон" 2009-й. 31-бет.

РЕСПУБЛИКАМИЗДА ТРАНСПОРТ ХИЗМАТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

Саттарова З.И – иқтисодиёт кафедраси ката укитувчиси
Рузиева Н – иқтисодиёт кафедраси ассистенти
Норқулов Ф.Т. – Самиси. Ик-214 гурух талабаси

Аннотация. Мамлакатимиз тараққиётининг, хусусан, иқтисодий ўсишининг энг муҳим ташкил этувчиларидан бири хизмат кўрсатиш соҳаси ҳисобланади. Ушбу соҳани ривожлантириш – Ўзбекистон иқтисодининг устувор йўналишларидан бири бўлиб қолмоқда.

Калит сўзлар: Хизмат, Транспорт хизмати, Сифат, Автомобиль, Автобус

Аннотация: Сфера услуг является одной из важных отраслей экономики. Развитие транспортных услуг в Узбекистане – одно из важнейших направлений.

Ключевые слова: Услуга, Транспортные услуги, Качество, Автомобиль, Автобус

Annotation: Sphere of service is one of the important branches of the economy. Development of transport service in Uzbekistan is one of the most important areas.

Key words: Service, Transport of service, Quality, Automobile, Bus

Мамлакатимиз тараққиётининг, хусусан, иқтисодий ўсишининг энг муҳим ташкил этувчиларидан бири хизмат кўрсатиш соҳаси ҳисобланади. Ушбу соҳани ривожлантириш – Ўзбекистон иқтисодининг устувор йўналишларидан бири бўлиб қолмоқда. Мустақилликнинг биринчи кунлариданоқ унинг имкониятлари аҳоли бандлигини ошириш ва даромадини кўтаришнинг доимий манбаи сифатида алоҳида эътибор касб этди.Шу ўринда, транспорт соҳасининг ривожланиши жадаллик билан юз бермоқда.

Мамлакатимизда автомобиллар ҳам ишлаб чиқарила бошлади. Андижондаги Асака ва Самарканд вилоятидаги SamKochAvto ва MAN заводларида турли русумдаги автомобиллар, автобуслар ва юк машиналари ишлаб чиқарила бошланди. Бундан ташқари мамлакатимизда аҳолининг узоғини яқин қилиш мақсадида транспорт хизматидан фойдаланишга янада эҳтиёж орта бошлади. Шу мақсадда Республикамизнинг барча вилоятлари ва туманларига аҳолини ташиш учун автобуслар, микроавтобуслар ва йўналишсиз таксилар қатнови йўлга қўйилди.

Самарқанд вилояти мисолида қарайдиган бўлсак, аҳолига қулайлик яратиш мақсадида 2012 йилда вилоятда ишлаб чиқарилган автобуслардан 444 таси 61 та йўналишда аҳолига хизмат қилган бўлса, 1,5 мингдан ортиқ йўналишсиз таксилар йўловчилар узоғини яқин қилиб келган. 2014 йилга келиб Самарқанд шаҳрида 73 та йўналишда – 595 та автобус ҳамда 2 та микроавтобуслар йўналиши белгиланган жадваллар асосида қатнаб аҳолининг узоғини яқин қилмоқда.

2016 йилнинг 10 ойи ичида 30 миллион нафар, ўтган йилларнинг шу даврига нисбатан 1 миллиондан кўпроқ мижозга хизмат кўрсатган.

Йўловчиларга қулайлик яратиш мақсадида автобус жетонлари жорий этилди. Бугунги кунда 12 та гавжум бекатларда автобус жетонлари савдоси ташкил этилди. Бундан ташқари “Самарқанд - Пайариқ” йўналишида қатновчи автобуслар терминаллар билан жиҳозланди.



Бугунги кунда аҳолига ҳизмат кўрсатиш билан бирга юк ташиш транспорти ҳам ривожланиб бормоқда. Бу ҳақда эътиборингизни қуйидаги статистик жадвалларга қаратмоқчиман.[14]

	2000 й.	2001 й.	2002 й.	2003 й.	2004 й.	2005 й.	2006 й.	2007 й.	2008 й.	2009 й.	2010 й.	2011й.	2012й.	2013 й	2014 й	2015 й
Юк ташиш	6,7	8,3	12,0	14,7	19,7	24,6	27,2	34,7	38,1	39,5	41,6	43,2	45,6	104,3	105,2	104,7
Йўловчи ташиш	30,0	34,6	39,5	48,3	57,6	65,7	69,4	75,7	78,4	78,8	79,4	81,8	83,4	104,2	105	103,7



[14]Маълумотлар Statistika.uz сайтидан олинган

Ўтган йилларга назар соладиган бўлсак кўрсаткичлар(фоиз) йилдан йилга ошиб бормоқда бу эса ўз навбатида транспорт хизматларининг янада ривожланаётганини билдиради.

Бугунги кунга келиб аҳолига янада қулайлик яратиш мақсадида Самарқанд шаҳрида трамвай транспорти ҳам йўлга қўйилди. Бугунги кунда битта йўналиш бўйлаб ахолига сифатли хизмат кўрсатмоқда. Бундан ташкари яна иккита йўналишни йўлга қўйиш учун реконструкция ишлари олиб борилмокда.

Бугунги кунда темир йўллар соҳасида ҳам бир мунча ўзгаришлар қилинмоқда. Аҳолининг узоғини яқин қилиш мақсадида "Афросиёб" тез юрар поезди йўлга қўйилди. Бошида бу поезд фақат Тошкент – Самарқанд йўналишида ишга туширилган бўлса, бугунги кунга келиб Қарши – Тошкент, Бухоро – Тошкент ва Самарқанд – Тошкент йўналишларида аҳолига хизмат қилиб келмоқда. Яқин орада Хоразм – Тошкент йўналиши ҳам ишга туширилиши кутилмоқда. Бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси худудида темир йўлларнинг узунлиги 6464 км.ни ташкил этади. Шу жумладан 1592.3 км электрлаштирилган темир йўллар хисобланади. Кайта тамирлаш ишлари якунига етгандан сўнг жами электрлаштирилган темирйўллар узунлиги 2347 км ташкил этиши кутилмокда бу эса жами йўлларнинг 55 % ни ташкил этади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 10 январь куни "Ахолига транспорт хизмати кўрсатиш ҳамда шаҳарлар ва қишлоқларда автобусларда йўловчилар ташиш тизимини янада такомиллаштириш чора – тадбирлари тўғрисида"ги қарорни имзолади.[15]

Ушбу қарор автотранспорт хизматлари билан таъминлаш соҳасини янада такомиллаштириш, худудларни комплекс ижтимоий – иқтисодий ривожлантиришга эришиш ҳамда мамлакат шаҳар ва қишлоқларида аҳоли бандлиги муаммоларини ҳал этишда автотранспорт хизматлари кўрсатишнинг ролини кучайтириш, йўловчилар ташиш хавфсизлигини ошириш ва атмосферага зарарли ташламаларини қисқартириш мақсадида қабул қилинди. Бунинг учун 2017 – 2021 йилларда шаҳарлар ва қишлоқларда автотранспорт хизматларини янада ривожлантириш дастури тасдиқланди.

Бу давр мобайнида 303 та янги йўловчи ташиш йўналиши, улардан 240 тасини (79.2 фоизи) шаҳар атрофида ва қишлоқ жойлардан ўтадиган шаҳарлараро қатновларда очиш назарда тутилмоқда. Янги йўналишлар очиш билан биргаликда, асосан автобуслар етишмаслиги туфайли қатнов тўхтатилган йўналишлар тикланади.

Келгуси беш йилда 8600 та йўловчи ташиш автомобили, шу жумладан, 5700 та умумий фойдаланишга қулай микроавтобус сотиб олинади.

Йўловчиларга сифатли хизмат кўрсатишни таъминлаш мақсадида автобус ва микроавтобусларнинг ишини масофадан онлайн режимда (GPS)доимий кузатиш режалаштирилган.

Келгуси беш йил мобайнида дастурни молиялаштиришга 840 миллиард сўмдан зиёд, асосан "Ўзавтосаноат - лизинг" ва бошқа лизинг компанияларининг маблағлари, тижорат банклари кредитлари, хсусий инвесторларнинг ўз

[15]Бу хақда "газета.uz" хабар берди.

маблағлари, шунингдек, маҳаллий бюджетлар маблағлари ҳамда қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа маблағлар йўналтирилади.

Биз қуйидаги хулоса ва таклифларни бермокчимиз:

- Республикамиз худудида замонавий автобус ва микро автобусларни янада кўпайтириш;
- Аҳолига енгиллик яратиш учун туманлараро ва қишлоқлараро электро – поездлар (электричкалар) қатновини йўлга қўйиш;
- Вилоятлар ва қишлоқлараро қатновчи автобуслар учун замонавий автостанцияларни ташкил қилиш ва қайта реконструкция қилиш;
- Автостанцияларда аҳоли учун қулайлик яратиш мақсадида кутиш заллари, ошхоналар ва бошқа қулайликларни яратиш.

ИШЛАБ ЧИКАРИШНИ ВА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ИНФРАТУЗИЛМАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ХОРИЖИЙ МАМЛАКАТЛАР ТАЖРИБАЛАРИ

А.Б.Инобатов ассистент ТошДАУ

Аннотация: *В данной статье описаны важные и эффективные аспекты развития сферы услуг в условиях модернизации экономики. Автор уделяет большое внимание исследованию ключевых элементов экономики сферы услуг в нашей стране. Более того, он анализирует конкретных аспектов инфраструктуры сферы услуг в банковской сфере.*

Annotation: *This article describes the important and effective aspects of development of service industry in conditions of economic modernization. Author paid great attention to researching the fundamental elements of service industry economy in our country. Especially, it is so interesting that the characterized the concrete aspects of service industry infrastructure in relationship with banking sphere.*

Калит сузлар: *томонларнинг натижалари, иқтисодиётни модернизациялаш, хизмат кўрсатиш инфратузилмаси*

Ключевых словы: *эффективные аспекты, модернизации экономики, инфраструктуры сферы услуг*

Key words: *effective aspects, economic modernization, service industry infrastructure*

Иқтисодиётнинг барқарор ва мутаносиб равишда ривожланиши унинг таркибий қисмлари ўртасидаги нисбатларнинг туғри шаклланиши ҳамда рўй бераётган ижтимоий-иқтисодий ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда такомиллашиб боришига боғлиқ. Жумладан, бугунги кунда иқтисодиётнинг реал сектори тармоқларини жадал ривожлантириш кўп жихатдан ишлаб чиқаришнинг турли тавсифдаги шарт-шароитларини қамраб олувчи инфратузилма тизимини изчил равишда тараққий эттиришни тақозо этади. Бу борада мамлакатимиз Биринчи Президенти ўз маърузаларида “2013 йил ва ундан кейинги йилларда дастурий вазифаларимизни амалга оширишда йўл- транспорт ва коммуникация инфратузилмасини жадал ривожлантириш устувор ахамият касб этади. Бугун мамлакатимизни модернизация қилиш ва янгилаш, иқтисодиётимизнинг сифат жихатидан янги, замонавий таркибий тузилмасини шакллантириш, худудларимизни комплекс ривожлантириш бўйича барча режаларимизнинг

муваффақиятли амалга оширилиши инфратузилма тармоқларини юксак суръатлар билан ривожлантиришга узвий боғлик экани хакида гапиришнинг хожати йук, деб уйлайман” [1], деб таъкидлашлари мазкур соханинг ахамиятини намоён этади.

Маълумки ишлаб чиқариш хажми, турлари ва сифати жихатидан канча тез ривожланиб борса, уни модернизациялаш кучайиб борган сари унинг инфратузилмаси хам унга мос равишда тараккий килиб бориши объектив заруриятдир. Албатта бу қоида ҳамма даврлар ва мамлакатлар учун умумийдир. Лекин ишлаб чиқариш инфратузилмасининг ривожланиш даражаси, манбалари ва хусусиятлари турли мамалакатларда турличадир.

Ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш ва унинг самарали амал қилишини таъминлаш хозирги инкирозларнинг таъсирини юмшатиш ва унинг хар бир мамлакат, унинг миллий иктисодиёт олдида турган долзарб масала хисобланиб, дунёнинг куплаб ривожланган давлатларида мазкур масаланинг тугри хал этилиши тараккиёт омили булиб хизмат килмокда. Шунга кура, ишлаб чикариш инфратузилмасини ривожлантириш борасидаги хориж тажрибасини урганиш мухим илмий ва амалий-услубий ахамият касб этади.

Мураккаб иктисодий жараёнлар руй бераётган шароитда мавжуд иктисодий салохиятдан максимал фойдаланган холда иш юритиш лозим. Шу боисдан мамлакат иктисодиётида инфратузилмани ривожлантиришда жахон амалиёти тажрибасидан утган илгор усуллардан фойдаланиш максадга мувофик. Инфратузилма сохасида тубдан узгаришлар, самарали йуналишлар, янгича тизим асосида ислохотлар олиб бораётган ва асосийси шу ислохотлар оркали ишлаб чикариш инфратузилмаси сохасини сезиларли даражада ривожлантиришга эришган мамлакатлар каторига Австралия, Англия, А^Ш, Бразилия, Испания, Канада, Франция, Хитой, Х,индистон ва бошкаларни киритиш мумкин.

Жумладан, Англияда ишлаб чикариш инфратузилмаси сохаси юкори даражада ривожланган булиб, бу борада мазкур соха тараккиётини таъминловчи хар йиллик миллий инфратузилма режасининг ишлаб чикилиши хамда бажарилишини таъминлаш катта имкониятлар яратмокда [2]. Тарихга назар солинса, Англия XIX асрда сув транспорти тизимида, шахар ва узок манзилларни богловчи автомобиль ва темир йуллар тизими билан жахонда етакчи булиб хисобланган. Мамлакат иктисодиёти дастлаб киритган инвестицияларидан хозирда хам яхши даромад олмокда. 1950-1970 йиллар мобайнида автомагистраль, атом энергияси, шимолий денгиз нефть ва газ назоратининг давлатга утиши натижасида Англия инфратузилма сохаси янада ривожланди.

Шунингдек, мамлакатда 498 та аэропорт мавжуд булиб, 2015 йилгача Британия хаво йуллари оркали йилига 300 млн. нафар пассажирга хизмат курсатиш максади куйилган.

Бирок, ишлаб чикариш инфратузилмаси сохасининг самарадорлигини таъминлаш унинг мунтазам равишда замонавий талаблар асосида такомиллаштириб ва ривожлантириб борилишини такозо этади. Мамлакатдаги инфратузилма таркибига кирувчи автомобиль ва темир йуллар, алока тизимининг эскириб, таъмирталаб холатга келиши жуда катта микдордаги бюджет маблагларини талаб кила бошлади. Шунга кура, юзага келган бюджет муаммолари туфайли айрим ишлаб чикариш инфратузилма лойихалари бошкарувини хусусий секторга утказиб бериш жараёнлари кузатилди. Бу максадга эришишда икки хил,

яъни Давлат-хусусий-хамкорлик ва Хусусий маблаглар ташаббуси дастурларидан фойдаланилди. Мазкур дастурлар оркали давлат фондлари асосида хусусий корпорациялар ташкил этилади ва улар инфратузилмани шакллантириш ёки ривожлантириш лойихалари билан шугулланадилар. Ушбу корпорациялар лойихаларни амалга оширишда хар кандай таваккалчиликни уз зиммаларига оладилар ва фойдани хам узларида саклаб колиш хукукига эга буладилар.

Англия хукумати 1980-1990 йилларда биринчилардан булиб мамлакатдаги телекоммуникация, сув, энергия ва темир йул сохаларини хусусийлаштирди. Бунинг натижасида ишлаб чикариш инфратузилмасида давлатнинг улуши 29 фоиз, хусусий секторнинг улуши 65 фоиз, давлат ва хусусий секторнинг биргаликдаги (аралаш) улуши 6 фоизни ташкил этди [3].

Кўплаб мамлакатлар транспорт инфратузилмаларини ривожлантириш ва модернизация килиш жараёнларига инфратузилмани ривожлантиришга каратилган махсус дастурлар оркали ёндоша бошладилар. Жумладан, 2010 йилда Канада уз ялпи ички махсулотининг 4% ни транспорт тизимига инвестиция хамда бошка сарф-харажатларни коплаш максадида ажратган, Хитой эса мазкур сохага ЯИМнинг 9% ни ажратган. Маълумот тарикасида айтиб утиш жоизки, АКДТда. транспорт сохасига ЯИМнинг 1,7% сарфланган. Умуман олганда, жахоннинг бир катор мамлакатларида ишлаб чикариш инфратузилмасини ривожлантириш борасидаги амалга оширилаётган чора- тадбирлар тугрисида куйидаги жадвал оркали тасаввур хосил килиш мумкин (1- жадвал).

1-жадвал. Қатор мамлакатларда ишлаб чикариш инфратузилмасини ривожлантириш борасидаги амалга оширилаётган чора-тадбирлар

Мамлакат	**Ишлаб чикариш инфратузилмасини ривожлантиришга оид чора-Тадбирлар**
Австралия	Транспорт, энергия, алока, сув таъминоти ва бошка сохаларни ривожлантириш истикболларини белгиловчи комиссия тузилган (2008). Хар йили Австралия инфратузилма дастури ишлаб чикилади. Хукумат транспорт инфратузилмасини ривожлантириш максадида сунги 2 йил ичида 36,8 млрд. АҚШ долл. микдорида инвестиция килди. Хусусан, йул сохасига киритилиши керак булган инвестицияларни 2 баробарга оширди [5].
Канада	Инфратузилма сохасини ривожлантиришда давлат кумагига алохида эътибор каратилади. Канада инфратузилмасини ривожлантиришнинг 7 йиллик дастури ишлаб чикилган (2007). Мазкур дастур доирасида 33,7 млрд. АҚШ долл. микдорида пул ажратилган. 2009 йилда кушимча равишда яна 4,1 млрд. АҚШ доллари (ЯИМнинг 2,9%) микдоридаги маблаг инфратузилма сохасини ривожлантиришга сарфлаш учун ажратилди [6].
Европа Иттифоки	ЕИга аъзо мамлакатларнинг узаро алокаларини таъминловчи транспорт инфратузилмасини ривожлантириш, молиялаштириш ва амалга ошириш буйича 2000-2013 йилларга мулжалланган “Trans-EuropianTransportNetwork” (TEN-T) дастури ишлаб чикилган.

Хитой	Инфратузилмани ривожлантириш дастурлари асосида 2000 йилдан буён 3,3 трлн. АҚШ долл. микдорида маблаг сарфланди. 2010 йилда 23 та мухим инфратузилма дастурини амалга ошириш учун 105,2 млрд. АҚШ долл. микдорида инвестиция киритилди [7].
Бразилия	Сунги 3 йил мобайнида хусусий ва давлат маблаглари асосида шакллантирилган 240 млрд. АҚШ долл. микдоридаги маблагни инвестиция килди. Шунингдек, бу борадаги тадбирларни амалга ошириш учун келгуси 3 йил учун 340 млрд. АҚШ доллари микдоридаги маблагни инвестиция килиш учун ажратди [8].
Хиндистон	2012 йилга кадар инфратузилма дастурлари асосида 500 млрд. АҚШ долл. микдорида инвестиция киритилиб, 2012-2018 йилгача булган даврдаги инфратузилма дастурлари учун 1 трлн. АҚШ долл. микдорида инвестиция киритиш мулжалланган [9].
Франция	Кейинги 20-30 йил ичида транспорт сохасини ривожлантиришга йуналтирилган умумий киймати 219,9 млрд. АҚШ долл.ни ташкил этувчи янги миллий транспорт инфратузилмаси дастури кабул килинган (2010 йил, август). Маблагнинг 95% дан купрок кисми темир йул, хаво транспорти ва автомобиль йулларини ривожлантиришга йуналтирилган дастурларга ажратилган [10].
Испания	Инфратузилма ва транспорт сохасини ривожлантиришнинг стратегик дастури ишлаб чикилган (2005 йил). Инфратузилма дастурларини амалга
	ошириш учун 2005-2020 йиллар мобайнида 320,4 млрд. АҚШ долл. микдоридаги инвестиция жалб килинади. Унинг 140,99 млрд. АҚШ долл. (яъни 44%) Испания темир йул сохасини ривожлантиришга йуналтирилади [11].
Англия	Англиянинг “Миллий инфратузилма дастури” жорий этилди (2010 йил, октябрь). Дастур доирасида инфратузилмани ривожлантиришга 141 млрд. АҚШ долл. микдоридаги хусусий ва давлат инвестициялари йуналтирилади. Шундан 46,7 млрд. долл. (ЯИМнинг тахминан 2%) кейинги 4 йил мобайнида транспорт инфратузилмасини ривожлантиришга йуналтирилади [12].

Юкоридаги фикр-мулохазалардан куринадики, дунёнинг етакчи мамлакатлари иктисодиётида ишлаб чикариш инфратузилмаси тараккиётига алохида эътибор каратилиб, давлат иктисодий сиёсатининг мухим йуналишларидан бирига айланган. Ишлаб чикариш инфратузилмасини ривожлантиришга узок муддатли дастурий ёндошув алохида ахамият касб этиб, айни пайтда бундан иктисодиётнинг етакчи тармокларини модернизациялаш, иктисодий усиш суръатларини рагбатлантириш, ишчи кучи бандлигини таъминлаш ва ахоли даромадларини ошириш каби масалаларни самарали хал этишда кенг фойдаланилмокда. Бу борадаги илмий тадкикотлар асосида куйидаги хулосаларни келтириш мумкин:

1) жахон тажрибасидан келиб чиккан холда, мамлакатимизда ишлаб чикариш инфратузилмасини яхлит тизим сифатида ривожлантиришнинг турли (киска, урта ва узок) муддатларга мулжалланган режа (дастур)ларини ишлаб чикиш жараёнларини янада такомиллаштириш максадга мувофик;

2) ишлаб чикариш инфратузилмаси фаолиятини молиялаштириш ва бошкаришда уларнинг ахамиятидан келиб чиккан холда хусусий сектор имкониятларидан кенгрок фойдаланиш лозим;

3) иктисодиётдаги циклик тебранишлар салбий окибатларининг олдини олиш хамда миллий иктисодиётнинг ракобатбардошлигини оширишда ишлаб чикариш инфратузилмаси сохасини ривожлантиришдан мухим дастак сифатида фойдаланиш;

4) хозирги шароитда ишлаб чикариш инфратузилмасини молиялаштиришда давлат бюджети, хусусий сектор ва хорижий маблагларнинг аралаш шаклларидан кенг фойдаланиш максадга мувофик хисобланади.

ХЎЖАЛИК ЮРИТУВЧИ СУБЪЕКТЛАРНИНГ ИННОВАЦИЯ ФАОЛИЯТИ ЗАРУРИЯТИ

Ахроров З.О. – “Молия ва суғурта хизматлари” кафедраси ассистенти
Амонов Б. – МК-114 гуруҳ талабаси

Аннотация: *Мақолада хўжалик юритувчи субъектларнинг инновация фаолияти ва инвестиция билан таъминлаш йўллари ёритилган.*

Аннотация: *В статье освещены инновационная деятельность хозяйствующих субъектов и пути ее обеспечения инвестициями.*

Abstract. *The article highlights innovative activity of economic entities and ways of providing it with investments.*

Калитли сўзлар: *инвестиция фаолияти, инновация, инновацион фаолият, хўжалик юритувчи субъект.*

Ключевые слова: *инвестиционная деятельность, инновация, инновационная деятельность, хозяйствующий субъект.*

Keywords: *investment activity, innovation, innovation activity, business entity.*

Мамлакатнинг иқтисодий салоҳиятининг ўсиши инновацион корхоналарни фаолиятини ташкил этмай амалга ошириб бўлмайди. Аммо инновацион корхоналарни қўллаб-қувватлаш учун қабул қилинаётган ҳукумат қарорлари ва уларнинг самарали фаолият юритиши учун яратилаётган замонавий инфратузилмасига қарамай, инновацион корхоналар фаолиятининг ривожланишига таъсир этувчи салбий омиллар юзага келмоқда.

Бундай омиллар қаторига инновацион аҳамиятга молик бўлган кичик хўжалик субъектларини қўллаб-қувватлашнинг етарли бўлмаслигини, уларга бюджетдан ва тижорат банк тизимлари томонидан самарали фаолият юрғизишлари учун имтиёзли маблағларни ажратиб берилишида мавжуд маъмурий омилларни киритиш мумкин.

Шунингдек, солиқ юкининг юқорилиги ҳам инновация инфратузилмасининг молиявий жиҳатдан таъминланишига нисбатан таъсирчанлиги сезиларли бўлиб қолмоқда. У белгиланаётган миқдори маҳсулотнинг янги яратилган қиймати миқдори, олинган фойда ҳамда мавжуд бўлган мулк қийматига бевосита боғлиқлигида ўз аксини топмоқда.

Амалдаги солиқ тизими инновацион корхоналар фаолиятини яратишда етарли даражада эътиборга олинмаяпти. Шуни таъкидлаш жоизки инновация

корхоналари бошқа ноинновацион корхоналар каби фойда солиғини тўлаш пайтида солиққа тортиладиган фойда миқдорини аниқлашда имтиёзга эга бўлиб қолмоқда, холос. Шунингдек, айтиш жоизки, айрим инновацион корхоналарга ишлаб чиқаришни кенгайтириш, қайта ташкил қилиш, техникавий жиҳозлаш учун йўналтирилган фойдани чегириш ҳуқуқи тақдим этилган, у ҳам бўлса ишлаб чиқариш учун мўлжалланган маҳсулот ҳамда қурилиш материалларини етказиб берадиган баъзи бир корхоналар олган фойдаси ушбу корхона рўйхатга олинган кундан бошлаб, дастлабки икки йил мобайнида солиққа тортилмаслигида намоён бўлмоқда.

Аммо шунга қарамасдан, ушбу хусусиятларга эга бўлган солиқ имтиёзлари тугатилган ёки санация натижасида қайта тузилган инновация корхоналари, уларнинг филиаллари ҳамда тузилмавий бўлинмаларга тегишли эмас. Тараққий этган мамлакатлар тажрибасидан келиб чиқадиган бўлсак, унда инновация корхоналари учун қабул қилинган ҳамда иқтисодиётнинг устувор соҳаларида амал қилаётган барча имтиёзларни қўллаш мумкин. Бундан ташқари, илмий изланишларни бажараётган инновация корхоналари тадқиқот ишлар учун илмий-техник асбоб-ускуналарсотиб олган йилнинг ўзидаёқ 50 %га тенг амортизация ажратмаси ҳуқуқига, қолган асосий маблағлар ҳисобидан эса жадаллашган амортизация ажратмаси ҳуқуқга эга бўлишлари кўзда тутилган. Бундай тажрибаларни маамлакатимизда фаолият кўрсатаётган инновацион корхоналарга қўллаш муҳим аҳамият касб этиши мумкин.

Инновацияларни жорий этадиган саноат соҳасидаги кичик корхоналарга лицензиялар ва “ноу-хоу”ларни сотиш жараёнида ишлаб чиқаришни кенгайтиришни амалга оширадиган корхоналарга нисбатан эса солиққа тортиладиган базадан янги асбоб-ускуналар қийматини чиқариб ташлаш ҳуқуқи берилишини таъминлаш муҳимдир.

Оқилона инвестиция сиёсатини юритишда давлат томонидан инновацион корхоналарга сармоя қўйилишнинг ўзига хос афзалликлари яратилиши лозим. Салоҳиятли инвесторлар учун қимматли қоғозлар айланишини самарали ташкил этишга хизмат қилувчи қонунчилик базасини такомиллаштириш кредит ташкилотлари томонидан эса тақдим этилган қарз кафолатлари ўта жозибадор бўлиб ҳисобланмоғи лозим.

Корхоналарни инвестициялаш механизми, инвестициялаш усуллари билан аниқланади. Улар эса инвестицион фаолиятни инвестициялаш мабалари билан биргаликда, корхона ва компаниялардаги инвестицион жараёнларни молиявий таъминлаш тизимини ташкил этади. Шундай қилиб, инвестиция жараёнини молия билан таъминлаш тизими инестициялашнинг усул ва манбаларидан иборатдир.

Корхоналарни молиялаштиришнинг инновацион инвестиция усулларидан кенг фойдаланишга ҳаракат қилиши лозим. Ўзини ўзи молиялаштириш инвестицион усулида корхонанинг ўз капитали (фойда, амортизация) ва ички активларни сафарбар этиш (харажатларни ва айланма маблағларни камайтириш) инвестицион манбаини ташкил этади. Кўриниб турибдики, ўз фаолиятини қанчалик самарали ташкил этганлиги ва ишлаб чиқаришни тўғри ташкил этилганлиги корхонанинг ўз-ўзини молиялаштириш салоҳиятини белгилайди.

Бозор иқтисодиётига ўтиш билан корхоналар фаолиятининг ўзгариши, шунингдек, Ўзбекистон иқтисодиётининг ўзига хос хусусиятлари, аҳоли

қобилиятининг пасайиши, рақобат муҳитининг тўла шаклланмаганлиги, бундай шароитда нархлар шаклланишидаги нисбатларнинг бузилиши, хом-ашё базасининг кескин камайиб кетиши ва шу кабилар саноат корхоналарида ташкилий бошқарув муносабатларига янада юқорироқ талабларни қўймоқда. Чунки ушбу муносабатларнинг такомиллашиши, пировард натижада, корхоналарнинг самарали ҳаракатланиши таъминлайди.

Бундан ташқари, ҳозирги даврда корхоналар олдида ҳал этилиши лозим бўлган бир қатор масалалар мавжуд, хусусан:

- иқтисодий ўсишни ҳар хил муқобилларидан бирини танлаш ва амалга ошириш;
- корхона ўз маблағлари, айниқса айланма маблағлари дефицити шароитида ҳаракатланмоқда, бу эса шубҳасиз, капитал айланиш ва уни ички жамғаришга йўналтирилишини чеклаб қўйиш;
- бозор ноаниқлиги шароитида моддий. меҳнат харажатлари, инфляция индексларини аниқлаш ва ҳисоблаш, маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва сотиш, харажатлар қийматини прогнозлаш, молия-иқтисод омилларни мувофиқ нисбатини таъминлаш ва х.к.

Бу ҳол саноат корхоналарида янги шароитга мослашиш механизми тўла шаклланмаганлигидан далолат беради, бунг эришиш эса корхоналардан ўз фаолиятларини бозор талабларидан келиб чиққан ҳолда ислоҳ этишни талаб этади. Саноат корхоналарида ушбу жараён бошланган, аммо охирига етказилмаган. Амалиётда саноат корхоналарининг ҳаракатланиши жараёнларида уларга бир қатор ташқи муҳит омиллари таъсир этади.

Бунда энг муҳими, бозорнинг реал эҳтиёжларини ва корхонанинг потенциал имкониятларини баҳолаш корхонанинг унга мос стратегиясини ишлаб чиқишни ва амалга оширишни таъминловчи механизмини яратишдир.

Саноат корхоналарининг ташқи муҳит омилларига қуйидагиларни кииритш мумкин: улар ички ва ташқи бозор конъюктурасидаги ўзгаришлар; иқтисодиётда иқтисодий муносабатларни тартибга солувчи ҳуқуқий ва меъёрий база; ишлаб чиқариш ресурсларининг қимматлашишига олиб келадиган бошқарилмайдиган инфляцион жараёнлар; корхоналарни хусусийлаштириш оқибатлари; хўжалиу юритувчилар ўртасидаги рақобат кураши; ўзаро боғлиқ тармоқ ва корхоналардаги аҳвол; ишлаб чиқаришнинг ривожланиши ва инновацион жаражаси; бозор инфратузилмаси ва товар ҳаракати каналларидаги ўзгаришлар; корзона маҳсулотига бўлган талабнинг ўзгаришидан иборат.

Ташқи муҳитдаги ўзгаришлар саноат корхоналарига икки ёқлама таъсир этиши мумкин, яъни ривожланишига янги имкониятлар ёки хавф туғдириши мумкин. Шунинг учун корхонанинг ривожланиш стратегиясини ишлаб чиқишда ташқи муҳитнинг таҳлили комплекс таснифга эга бўлиб, иқтисодий, сиёсий, бозор, технология, ижтимоий ва халқаро соҳаларни қамраб олиши лозим. Бунда икки масалани аниқлаб олиш муҳимдир: биринчидан, ташқи муҳитда вужудга келган имкониятлардан фойдаланиш учун корхона ички имкониятларга эга эканлиги масаласи, иккинчидан эса, корхонанинг қайси бир заиф жиҳатдан ташқи хавф билан боғлиқ муаммоларни кескинлаштириб юбориши мумкинлиги масаласи.

Шундай қилиб, саноат корхоналарини ўраб турган ташқи муҳитдаги ўзгаришлар бир тарафдан ишлаб чиқаришни бир тарафдан ишлаб чиқаришни узоқ

давр мобайнида бир сифат даражасида ҳаракатланиб туришига имкон бермайди, иккинчи тарафдан эса, такрор ишлаб чиқаришни эски усул ва механизмларини такомиллаштириш асосида ҳар доим янада юқорироқ сифат даражасига ўтиб ҳаракатланишини талаб этади. Аслини олганда янги шаролитларга мослашиб бориш бошқаришни стратегик шаклига ўтишни назарда тутади ва у қуйидаги тамойилларга таянади: қонунийлик, бошқарув стратегиясининг узлуксизлиги, мақсадга йўналганлиги, стратегик янгиланиш, ижтимоий йўналганлиги, тизимийлик. Агар ушбу тамойилларга назар ташласак, бундай бошқарув турида ишлаб чиқаришнинг доимо янгиланиб туриши, ташқи муҳитга мослашиши ундаги ўзгаришларга муносиб жавоб қайтаришга асосланганлигини кўришимиз мумкин.

ТЕХНОЛОГИЧЕСКОЕ ИНКУБИРОВАНИЕ В РАЗВИТИИ ИНФРАСТРУКТУРЫ РЫНКА ИННОВАЦИЙ В УЗБЕКИСТАНЕ

Ахмедова А.Т асс.
Умаров Ш.ст.гр. МК-215

Аннотация. *В данной статье рассматриваться технологическое инкубирование в развитии инфраструктуры рынка инноваций. Предлагаемые положения, на основе которых было проведено исследование, обусловило ее отличие от ранее используемых подходов к оценке и прогнозированию, инноваций в развитии инфраструктуры рынка.*

Ключевые слова: *коммерческое финансирование, инвестиционный фонд, рисковый капитал, венчурный фонд, коммерческий фонд, инкубатор.*

Annotation. *In this article, we consider technological incubation in the development of the innovation market infrastructure. The proposed provisions, on the basis of which the study was conducted, led to its difference from the previously used approaches to assessment and forecasting, innovations in the development of market infrastructure.*

Key words. *commercial financing, investment fund, risk capital, venture fund, commercial fund, incubator.*

Аннотация. *Мазкур мақолада инновацион бозор инфратузилмасининг технологик ривожлантириш масалалари кўрилган. Берилган таклифлар эса инновацияларни тадқиқот йўналишларидан фарқ қилиб, унда инновацияларнинг баҳолашдаги башоратини акс эттирган.*

Калит сўзлар: *тижоратли молиялаштириш, инвестицион заҳира, хавф-хатарли капитал, венчур заҳираси, тижорат заҳираси, инкубатор.*

На протяжении более десяти лет Республика Узбекистан осуществляет координальный переход к системе отношений рынка. Социально-экономическая переориентация национальной экономики, как свидетельствует международная практика, наряду с прочими аспектами реформы должна реализовываться путем широкого освоения современных технологий. Достаточно высокий интеллектуальный потенциал Узбекистана часто нейтрализуется недостаточно высокой эффективностью инновационного процесса. Отсутствуют должные механизмы развития инновационной базы: нормативно-законодательная и институциональная среда, мотивация, инвестиционно-финансовый инструментарий и т.д. Для практической реализации интеллектуального

потенциала страны необходимо решить целый ряд проблемных вопросов, в том числе, создать принципиально новые структуры, позволяющие обеспечить среду, стимулирующую инновации и осуществление их промышленного внедрения.





Результаты научных исследований и опытно-конструкторских разработок должны стать эффективным источником доходов для республики и в большей степени отвечать потребностям рынка. В условиях рыночной экономики НИОКР приобретают характер товара, отвечающего законам товарного производства. С одной стороны, являясь фактором развития производительных сил, НИОКР должны обеспечивать повышение эффективности общественного производства. С другой стороны, являясь товаром исследовательской или проектной фирмы, они призваны обеспечить необходимый уровень прибыли и рентабельности ее деятельности. Анализ ситуации в странах с рыночной экономикой показывает, что существует большое многообразие механизмов, обеспечивающих логическую увязку цепочки «идея – исследования – разработка – производство – сбыт - обслуживание». Помимо механизмов, созданных внутри крупных предприятий (и других монополий), во всем мире быстро развивающимися формами интеграции науки и производства, органически вписывающимися в социально-экономическую среду региона (отрасли), являются структуры типа технологических инкубаторов, которые представляют собой одну из форм инкубаторов бизнеса. Инкубаторы бизнеса можно разделить на два основных вида: инкубаторы наукоемкого бизнеса (технологические) и инкубаторы низко — и нетехнологических фирм (бизнес-инкубаторы). Если для Европы характерны инкубаторы первого вида, то для США — второго. Однако, несмотря на эту тенденцию, технологические инкубаторы в США, как показано ниже, составляют 30 % всех существующих инкубационных структур, а большинство многопрофильных инкубаторов имеют в своей структуре технологический блок. Международная практика убедительно доказывает, что инкубаторы бизнеса наиболее эффективны в отношении инновационного предпринимательства и именно здесь максимально проявляется их собственная инновационная сущность.

Практически все из существующих в Узбекистане 23 инкубаторов (кроме одного – «STBI», г. Ташкент) относятся к категории бизнес-инкубаторов, поскольку работают с предпринимателями-практиками, действующими в секторах агробизнеса, промышленности, услуг и т.д. и использующими, в основном,

готовое и, часто, морально устаревшее оборудование. При этом, в силу поставленных задач, требуемых учредителями результатов работы и общих условий функционирования, «STBI» также не возможно отнести к категории «классического» инкубатора наукоемкого бизнеса. Приведенная здесь диаграмма наглядно показывает распределение инкубируемых предприятий по видам деятельности. Но необходимо обратить внимание, что указанные 5% инновационных компаний – это субъекты одного лишь БИ «STBI», а значительное число узбекистанских инкубаторов расположено при университетах или имеют ВУЗы в качестве своих учредителей. Таким образом, объективно существующий потенциал инновационной работы используется незначительно, несмотря на достаточное понимание среди руководства бизнес-инкубаторов важности и перспективности такой деятельности.

Как правило, помощь инкубатора на первых порах деятельности компании носит льготный характер, затем, поэтапно, по мере успешного становления компании, приобретает более коммерческий характер. Закончив период «инкубации» и окончательно «встав на ноги», фирмы покидают инкубатор и перед ними, привыкшими к жизни в кругу единомышленников, встает вопрос, где осесть..

На сегодняшний день в Республике Узбекистан сформирована значительная система научно–производственных организаций, научно-исследовательских институтов, высших учебных заведений и т.д. Существует ряд государственных программ, направленных на развитие научно-технических и инновационных разработок. Имеет место богатый интеллектуальный потенциал. Кроме того, большое количество местных промышленных предприятий располагают всеми необходимыми производственными ресурсами для практического осуществления инновационных проектов. Колоссальная проблема имеет место там, где необходимо поддержать начинающего и не имеющего требуемой технической базы предпринимателя в его научно-техническом творчестве (уровень «талантливая и перспективная идея»): предоставить современную технику, хорошее лабораторное и промышленное оборудование, помочь в привлечении передовых технологий, закупе сырья и материалов, приглашении квалифицированных специалистов и т.д.

В этой связи, существует объективная потребность в создании инновационного инкубатора (сети технологических инкубаторов) как фабрики инновационного бизнеса для его последующего продвижения на рынок или продажи. Такой инкубатор может быть активно задействован в процессе коммерциализации технологий (как продукта, генерированного этим инкубатором). Инкубатор может обеспечивать рост инновационных фирм путем прямого участия в развитии их бизнеса для обеспечения их выживания и долговременного роста. Ключевые задачи этого процесса состоят в следующем:

- создание инновационных инкубаторов малого и среднего бизнеса на территории высших учебных заведений в стратегически ключевых местах;
- создание и поддержка ресурсного центра в рамках инкубатора, который собирает, систематизирует и применяет ресурсы развития бизнеса в пределах места нахождения инкубатора и из других мест для поддержки ранних стадий роста инновационных фирм;

На первом этапе работы, для упрощения организационно-технической стороны вопроса и минимизации расходов, можно не перемещать сами фирмы в какое-то одно место. Инкубатор может быть создан в виде виртуальной модели. Однако, для реализации начального этапа требуются несколько вполне материальных вещей:

- отбор нескольких фирм для стартовой работы (если они уже есть, нужно договориться с ними о работе в новом контексте);
- телефонная «Горячая линия» – своеобразная «Скорая помощь» для питомцев инкубатора по любым вопросам ведения бизнеса (это также может быть самостоятельным бизнесом, если его рекламировать под солидной вывеской и грамотно подавать начинающим и развитым фирмам);
- база данных хороших материалов, пособий, тестов и полезной компьютерной информации, доступ к Internet, а также библиотека, где можно брать или покупать книги.

Следует отметить, что Ассоциация Бизнес-инкубаторов и Технопарков Узбекистана располагает в настоящее время уже достаточным опытом образования инкубационных структур и сам процесс организации технологического инкубатора не представляет большой сложности. Необходимо только обеспечить проведение глубокого исследования прикладного научно-технического потенциала различных учреждений науки, включая вузовские организации, для формирования пакета «ярких» с большим коммерческим потенциалом инновационных проектов. Нельзя забывать, что опыт создания первого (пилотного) технологического инкубатора должен быть крайне позитивным для придачи мощного импульса развитию этого движения.

Ситуация в Узбекистане осложняется тем, что отсутствуют или находятся в начальной форме развития элементы конструирования модели технологического инкубатора: инфраструктура технологического инкубирования (например, нет института рискового капитала), необходимая методологическая подготовка, профессиональные кадры и т.д.

Как указывалось выше, технологическое инкубирование не возможно без соответствующего финансового инструментария, которым мог бы оперировать сам инкубатор (возможно, через ассоциированный фонд или банк). Капитал в данной сфере носит характер венчурного (рискового) и имеет свои очень специфические характеристики формирования и оборота Характерным является то, что финансирование научно-технических разработок ведется на уровне НИР и ОКР, а внедренческая практика не имеет под собой необходимой финансовой инфраструктуры.

Коммерческое финансирование инновационных проектов сегодня также не соответствует потребностям данного рынка. Эта проблема является ключевой, в первую очередь, для тех инновационных компаний, для которых, несмотря на привлекательную коммерческую перспективу разрабатываемых ими технологий, банковские кредиты недоступны либо не привлекательны. Учитывая сложившуюся ситуацию, крайне необходимо активизировать работу по созданию в Узбекистане институтов рискового финансирования инновационных проектов.

Решение этой проблемы, как показывает мировой опыт, возможно на двух уровнях:

- инициатива государства по созданию целевой межведомственной рабочей группы, когда вся предварительная подготовка нормативной документации и отработка методологии осуществляются «сверху»;
- образование независимого учреждения (например, в форме ННО), в рамках которого инициативная группа с подключением заинтересованных партнеров, донорских ресурсов могла бы обеспечить выполнение мероприятий подготовительного этапа.

Важно заметить, что инициатива «снизу» имеет место на примере ранее упомянутого бизнес-инкубатора “STBI”, который на протяжении последних двух лет при финансовой поддержке МФ «Евразия» осуществляет мероприятия, результатом которых должна стать подготовка пакета предложений по образованию в Узбекистане институтов венчурного финансирования.

Выводы и предложения

Вне зависимости от уровня решения настоящего вопроса, на данном этапе представляется необходимым выполнить следующее:

1. Образовать высокопрофессиональную команду экспертов в области венчурного финансирования инновационных инвестиционных проектов, которая составит основу управленческого звена всей последующей работы в рассматриваемом направлении.

2. Разработать:

- концепцию создания и развития в Узбекистане институтов рискового финансирования инновационных проектов как основы системы поддержки инновационного предпринимательства;
- проекты нормативно-законодательных актов, регулирующих деятельность в стране институтов рискового капитала;

3. Сформировать учебно-методологическую базу для подготовки и повышения квалификации специалистов в области рискового финансирования инвестиционных проектов в научно-технической сфере, а также самих представителей инновационного бизнеса.

Создав надлежащие рамочные условия для аккумулирования и обеспечения дееспособности рискового капитала, возможно привлечь реальные денежные потоки к развитию инновационного предпринимательства. Имея в наличии такого рода финансовый ресурс, технологические инкубаторы в состоянии активно начать работу и в течение 3-5 лет превратить его в динамично используемый и постоянно пополняющийся инвестиционный фонд.

АҲОЛИ ТУРМУШ ДАРАЖАСИНИ ОШИРИШ ВА ФАРОВОНЛИГИНИ ЮКСАЛТИРИШНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ

Х.М.Мадиллоева СамИСИ магистранти

Аннотация: *Мақолада аҳолининг турмуш шароитини ошириш, турмуш даражасининг кўрсаткичлари, уни аниқловчи омиллар, аҳолининг турмуш сифати, истеъмол бюджети хусусида фикрлар билдирилган.*

Таянч сўзлар: *турмуш тарзи, камолот индекси, аҳолининг турмуш сифати, минимал бюджет, реал истеъмол бюджети, илмий асосланган истеъмол бюджети.*

Аннотация: *В данной статье научно обоснованы повышения качества жизни населения, показатели уровня жизни и факторы его определения, качество жизни населения, потребительский бюджет.*

Ключевые слова: *Жизнедеятельность населения, индекс развития, качества жизни населения, минимальный бюджет, потребительский бюджет, научно обоснованный потребительский бюджет.*

Annotation: *In this article is defined the enhancing the quality of life of the population, the indicators of the standard living and the determining factors, the quality of life of the population and the consumer budget.*

Key words: *The vital activity of the population, the development index, the quality of life of the population, the minimum budget, the consumer budget, the scientifically based consumer budget.*

Ишлаб чиқаришнинг ижтимоий самараси аҳоли фаровонлигида, яъни турмуш даражаси ва сифатида намоён бўлади. Кишилар ҳаётий эҳтиёжларининг қондирилиш меъёри турмуш даражаси дейилади. Унинг муҳим жиҳати ноз-неъматлар истеъмоли ҳисобланади. Истеъмол миқдори ва таркибининг ишлаб чиқариш ҳолатига қараб шаклланиши қонуний ҳодисадир. Мазкур тадқиқот турмуш фаровонлиги миллий даромадининг ҳажми ва унинг тақсимланишига боғлиқлиги ҳамда аҳоли турмуш даражасини оширишнинг йўналишларини ёритиб беради.

Ривожланган бозор иқтисодиётига хос қоидалардан бири-миллий даромадда истеъмол ҳиссасининг ортиб боришидир, яъни миллий даромаднинг тобора кўпроқ қисмининг фаровонликка қаратилишидир. Буни қуйидагилар билан изоҳлаш мумкин.

Биринчидан, иқтисодиётни модернизациялаш шароитида милий даромаднинг камроқ қисмини жамғарган ҳолда (масалан, 15-20%) барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш мумкин, чунки инвестициялар илғор техника ва технологияда моддийлашиб, меҳнат унумини ошириб боради, бинобарин жамғариш самарадорлигининг ортиши истеъмолини кенгайтиришга хизмат қилади.

Иккинчидан, иқтисодий ўсишда инсон омилининг аҳамияти беқиёс ортади, бу истеъмолни кенгайтириш орқали ишчи кучи малакасини оширишга олиб келади, чунки юксак технология сифатли ишчи кучини талаб этади.

Учинчидан, энг муҳими, бозор иқтисодиёти ривожланган шароитда аҳолининг талаб эҳтиёжини қондириб, унинг фаровонлигини оширишдан иборат инсонпарварлик тамойили кучайиб боради, бу эса истеъмолни кенгайтиришни тақозо этади.

Турмуш даражасининг икки кўрсаткичи мавжуд:

1. Қиймат пул кўрсаткичлари-иш ҳақи, фойда, фоиз, рента, диведендлар.
2. Моддий-натурал кўрсаткичлар-озиқ-овқат, уй-жой ва ҳоказо.

Аҳоли турмуш даражаси пул даромадига эмас, балки реал даромадга боғлиқ бўлади. Аҳоли турмуш даражасига қуйидаги омиллар таъсир кўрсатади:

1. Аҳоли эҳтиёжларининг ривожланиш даражаси.
2. Эҳтиёжларни қондириш учун ишлатиладиган ҳаётий неъмат ва хизматларнинг миқдори ва сифати (1 – расм)



1- расм. Аҳоли турмуш даражасини аниқловчи омиллар

Аҳоли турмуш даражасининг миқдор ва сифат кўрсаткичлари тизими қуйидагилардан иборат:

1. Истеъмол қилинаётган моддий неъмат ва хизматлар ҳажми.
2. Аҳолининг реал даромадлари.
3. Истеъмол қилинаётган товар ва хизматларнинг ЯИМдаги улуши.
4. Озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат товарларнинг истеъмол даражаси.
5. Ўртача иш ҳақи миқдори.
6. Ижтимоий истеъмол ва социал фондлар миқдори.
7. Меҳнат шароити.
8. Иш вақти ва бўш вақтнинг узунлиги.
9. Уй-жой билан таъминланиш даражаси
10. Таълим ва соғлиқни сақлаш аҳволи
11. Аҳолининг машҳурлиги

Турмуш даражасининг табақаланиши дифференциация дейилади. Даромаднинг турлича бўлиши натижасида бир оила ҳисобига ва жон бошига тўғри келадиган истеъмол фарқланади. Ривожланган иқтисодиёт шароитларида тафовутлар оммабоп товар истеъмоли жиҳатидан эмас, балки замонавий янги обрўталаб товарлар истеъмоли жиҳатидан пайдо бўлади. Истеъмол тузилишига қараб у ёки бу мамлакат аҳолисининг турмуш фаровонлигига баҳо берилади.

Турмуш даражаси ошган сари, аҳоли пул харажатларининг тобора кўпроқ қисми ноозиқ-овқат товарларини харид этиб, истеъмол қилишга сарфланади, шунга кўра, унинг тобора кам қисми озиқ-овқатга кетади. Бу қонунда ифодаланган силжишлар аҳолининг айрим тоифалари, ҳудудлар ва мамлакатлар доирасидаги пул харажатларига хос бўлади.

Аҳолининг пул даромадлари кундалик тирикчилик харажатларидан ортиб қолиб жамғарма ҳосил бўлиши, унинг капитал сифатида ишлатилиши ҳам турмуш даражасини кўрсатади. Турмуш даражаси юқори бўлган шароитда аҳоли қўлида

даромад келтирувчи акция, облигация, заём ва ҳоказо каби қимматбаҳо қоғозлар кўпаяди.

Аҳоли тумуш даражасини аниқлашда ҳар бир мамлакатда инсоннинг камолот индексидан фойдаланилади. Унда қуйидагилар инобатга олинади:

1. Кишилар жон бошига тўғри келадиган ЯИМ улуши.
2. Мамлакатдаги ўртача яшаш ёши узунлиги.
3. Мамлакат аҳолисининг таълим даражаси ва малака, касб-корлик даражаси.
4. Аҳолининг турмуш сифати.

Истеъмол бюджети-бир кишининг нормал шароитини таъминлаш учун зарур бўлган истеъмол товарлари ва хизматлар йиғиндисининг бозор баҳосидаги кўринишидан иборат. Истеъмол бюджети 3 турга бўлинади:

1. Минимал бюджети- бу инсонга энг зарур, кундалик эҳтиёжлари учун керак бўлган истеъмол буюмлари ва хизматлар йиғиндисининг пул кўринишидан иборатдир.

2. Реал ҳақиқий истеъмол бюджети-шу кунда шаклланган истеъмол буюмлари ва хизматлар йиғиндисининг пул кўринишидан иборатдир.

3. Илмий асосланган истеъмол бюджети - иқтисодчилар, тиббиётчилар, социолог мутахассислар томонидан инсоннинг нормал турмуш даражасини таъминлаш учун зарур бўлган истеъмол буюмлари ва хизматлар йиғиндисининг пул кўринишидан иборатдир.

Ўзбекистон Республикасида ялпи ички маҳсулот, маҳсулот ва хизматлар ишлаб чиқаришнинг юқори суръатларда барқарор ўсиб бориши, бюджет соҳаси ходимларининг иш ҳақи, пенсия, нафақа ва стипендиялар миқдорининг мунтазам қайта кўриб чиқилиши, таълим, соғлиқни сақлаш ва илм-фан соҳалари хизматчиларининг меҳнатини рағбатлантириш, аҳоли турмуш даражасини тубдан яхшилашга қаратилган бошқа чора-тадбирлар турмуш сифатининг юксалиб боришини таъминлади.

ИННОВАЦИОННЫЕ ПОДХОДЫ К УПРАВЛЕНИЮ В СФЕРЕ ПРОМЫШЛЕННЫХ ПРЕДПРИЯТИЕМ

Хасанов Б.Т.СамИЭС
Рахимова И.Студентка группы Ик-414

Аннотация: *Кўрилаётган ушбу мақолада саноат корхоналарида инновацион бошқарув фаолиятини имий-техник тамоиллари асосида ривожлантириш ва шакллантириш атрофлича тўхталиб ўтилган.*

Калит сўзар: *Инновация, инновация аспектлари, инфратузилма, бошқарув.*

Аннотация: *В данной статье расмотрены основные направления развития сферы новые инновационное подходы управление и внедрения новых технологий, активизации научно-технической деятельности всех субъектов научно-технической сферы на промышленных предприятие.*

Ключевые слова: *Инновация, новшества аспект, инфраструктура, управления.*

Annotation: *In this article, the main areas of development of the sphere are new innovative approaches to management and introduction of new technologies, activation*

of scientific and technical activity of all subjects of the scientific and technical sphere to industrial enterprises.

Key words: *Innovation, innovation aspect, infrastructure, management.*

Проходящая в настоящее время организационно- экономического перестройка народного хозяйства коренным образом сказывается на работе основного субъекта, звена рыночной экономики промышленных предприятия. В условиях углубления экономических реформ проводимых в Узбекистане инновации необходимы, прежде всего, для её устойчивого экономического роста. Переход к устойчивому экономическому росту во всех отраслях промышленных производства экономики невозможен без стимулирования использования достижений науки и техники, внедрения новых технологий, активизации научно-технической деятельности всех субъектов научно-технической сферы на промышленных предприятие.

Дело в том, что появление любого новшества (инновация) и его внедрение в значительной мере связано с информацией. Вот почему практическая деятельность менеджера по инновациям связана со сбором и обработкой информации, касающейся развития инновацией в стране. Эта специфическая функция инновационного менеджмента обусловливается особые методы и инструменты его осуществления указана (на таблицу 1)

Анализ различных определений инновации приводит к выводу, что специфическое содержание инновации составляют изменения, а главной функцией инновационной деятельности является функция изменения. Австрийский ученый И.Шумпетер выделял пять типичных изменений:

1. использование новой техники новых технологических процессов или нового рыночного обеспечения производства;
2. внедрение продукции с новыми свойствами;
3. использование нового сырья;
4. изменения в организации производства и его материально технического обеспечения;
5. появление новых рынков сбыта.

Эффективность инновационной деятельности на предприятии зависит от многих факторов. Основным из них являются степень вовлеченности работников промышленных предприятия в этот процесс, придание инновационной деятельности на промышленных предприятии организованный и целеустремленный характер, уровень стимулирования к поиске новшеств и их внедрению.

Таблица 1

Методы инновационного менеджмента

№	Тип метода	Наименование метода
1	Методы выявления мнения	Интервью. Анкетирование мнений. Выборочные опросы, экспертиза.
2	Аналитические методы	Системный анализ. Сетевое планирование. Функционально-стоимостной анализ

		Экономический анализ
3	Методы оценки	Оценка продукта. Оценки научно-технического уровня и конкурентоспособности разработок. Оценка организационно-технического уровня производства. Оценка затрат. Оценка порога прибыльности. Оценка риска и шансов. Оценка эффективности инноваций.
4	Методы генерирования идей	Мозговая атака. Морфологический анализ Деловые ситуация
5	Методы принятия решений	Экономико-математические модели. Таблицы решений. Построение решений. Сравнение альтернатив
6	Методы прогнозирования	Экспертные. Экстраполяции. Аналогии. Метод Дельфин. Регрессивный анализ Эконометрические Имитационные модели
7	Методы наглядного представления	Графические модели Физические модели Должностные описание и инструкции
8	Методы аргументирования	Презентации. Ведение переговоров

Источник: Разработано автором на основе использованной литературы

Важным аспектом, определяющим действенность формулируемой инвестиционной программы, является проведение ее научно-технической экспертизы, которая может проводиться как на основе независимой экспертизы, так и внутренней. Внешняя экспертиза проводится в случае, когда инновации касается решения кардинальных проблем развития промышленных предприятия, и это связано с большим затратам и риском. При проведении внутренней экспертизы, важной задачей управления должна стать объективизация экспертных оценок различными экспертами. Это обусловливается тонким различиями, экспертами. Это обусловливается тонкими различиями, определяемыми психологическими и профессиональными факторами самих экспортов. Поэтому приобретает важность подбора экспортов и оценка уровня их компетентности. Это довольно не просто, поскольку приходится привлекать специалистов зачастую в новых или пограничных областях знаний. Данная проблема решается на основе интеграции мнений специалистов по предлагаемому списку экспертов. Организационное воплощение различных форм организации инновационного

процесса (ИП) происходит путем формирования соответствующей организационной структуры управления ИП. Ее элементами выступают отдельные руководители и работники, службы и подразделения ИП. Организационная структура формируется из двух взаимосвязанных составных частей:

1.Структуры управления инновациями

2.Научно-производственной структуры ИП.

Структура управления инновациями определяется как форм распределения и координации управленческой деятельности в инновационной сфере. Она включает состав органов управления и устанавливает характер отношений между ними. При формировании структуры управления инновациями выбирается тип структуры определяется состав и функции органов управления, распределяются полномочия между руководителями разного уровня, устанавливаются процедуры и методы обоснования управленческих решений, порядок их согласования и организации исполнения, информационное обеспечения органов управления инновациями.

Научно-производственная структура инновационной деятельности определяется масштабами ИП, спецификой выпускаемой продукции или оказываемых услуг.

Важно подчеркнуть, что в силу динамичности изменений внешних и внутренних условий развития инноваций управление ими и организационные структуры не должна быт жесткими.

Таким образом, что бы добиться результативности в промышленных предприятии инновационной деятельности, ею следует управлять, как и любой другой деятельностью. Это зависит как от прогрессивности применяемых методов стимулирования, так и от существующей системы финансирования.

Динамичное изменение технологий, борьба за потребителя и качество продукции рост конкуренции заставляет промышленных предприятия по новому инновационному рассмотреть весь комплекс вопросов управления. Управленческая деятельность в современных условиях выступает как один из важнейших факторов функционирования промышленных предприятия. Перестройка внутрифирменного управления в последнее время стала сердцевиной реорганизации всего хозяйственного механизма промышленных предприятий. Гибкость управлении, способность и умение быстро перестраиваться, не упустить новые возможности, открываемые нововведениями и рынком, в настоящие время становятся важнее, чем прямая экономия управленческих расходов. Ориентация на потребительский спрос, проведение маневренной научно-технической, инновационной и рыночной политики, стремление к инновациям стали основополагающими новой управления в промышленных предприятиях. Большое внимание в последние годы уделялось формированию инновационного менеджмента созданию организационных и экономических условий для «выращивания» новшества целенаправленному управлению процессом нововведений в промышленных предприятиях.

Таким образом, обобщая разработки в области менеджмента промышленных предприятия можно сформулировать следующие принципиальные положения современного управления.

ХУСУСИЙ БИЗНЕС СУБЪЕКТЛАРИ ВА ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ЎРТАСИДАГИ ИННОВАЦИОН ҲАМКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ

Тухлиев Б, СамДУ “Иқтисодиёт” кафедраси ассистенти,
Турсунов О, Алимов А СамДУ талабалари

Асоснома: *Ушбу мақолада хусусий бизнес субъектлари ва олий таълим тизими ўртасидаги инновацион ҳамкорликни ривожлантиришнинг асосий йўналишлари тадқиқ этилган.*

Калит сўзлар: *бизнес, олий таълим тизими, инновация, таълим сифати, корпоратив ҳамкорлик, рақобатбардош мутахассислар.*

Основные направления развития инновационного сотрудничества частного бизнеса и системы высшего образования

Аннотация

В данной статье изучены основные направления развития инновационного сотрудничества частного бизнеса и системы высшего образования.

Ключевые слова: *бизнес, система высшего образования, инновация, качество образования, корпоративное сотрудничество, конкурентоспособные специалисты.*

Directions of development of innovative cooperation of private business and higher education system

Annotation: *The article explores the main directions of the development of innovative cooperation between private business and the higher education system.*

Keywords: *business, higher education system, innovation, quality of education, corporate cooperation, competitive specialists.*

Бугунги кунда таълим инсон фаолиятининг барча соҳаларига инновацион технологияларни жорий этиш, рақобатбардошликни ошириш, турмуш даражасини кўтаришнинг муҳим шартига айланиб бормоқда. Олий таълимнинг асосий вазифаларидан бири ҳар бир ёш мутахассиснинг тез ўзгарувчан меҳнат бозорида харидоргир бўлиб қолиши, ривожланиб бораётган инновацион иқтисодиётда тўлақонли иштирок этиши ва бизнес соҳаси талабларига жавоб берадиган малакавий ва ижтимоий кўникмалар олишидан иборатдир.

Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида, давлатимизда таълим ислоҳотлари устивор масалалардан бирига айланган бир вақтда олий таълим муассасаларида рақобатбардош юқори малакали кадрлар тайёрлашнинг сифат кўрсаткичлари муҳим масала ҳисобланмоқда. Бу эса ўз навбатида олий таълим тизимида кадрлар тайёрлашнинг самарали йўлларини излаб топишни кун тартибига қўймоқда.

Бугунги олий таълим муассасаларидаги мутахассислар тайёрлаш энг аввало меҳнат бозоридаги ўзгаришлар ва янгиликларга қараб амалга оширилмоқда. Университетларнинг таълим хизматлари бозоридаги ва битирувчи ёш мутахассисларнинг меҳнат бозоридаги рақобатбардошлигини оширишда албатта биринчи ўринга тайёрланаётган мутахассисларнинг сифат кўрсаткичлари чиқади[16].

[16] Г.Ахунова. Правда Востока. Атрибуты маркетинга образовательных услуг и профессиональное образование. 10.10.2002 г.

Олий таълим сифат кўрсаткичларининг мезонлари сифатида сифат кўрсаткичларининг белгиланган нормалар, стандартлар ва эталонларга жавоб бериш даражаси ҳисобланади. Н.А.Селезнева фикрига кўра, олий таълимда сифат тушунчаси – олий таълим тизимининг кўп қиррали талаблар, мақсадлар, нормалар ва стандартларга мос келишини билдиради[17].

Мутахассисларга бугунги шароитда қўйиладиган талаб барчага маълум бўлиб, бу умумий билимларга эга бўлиш, информацион технологияларидан фойдалана олиш, мутахассислигидан қатъий назар иқтисодиёт ҳуқуқ ва менеджмент соҳаларида билими мавжудлиги ҳамда чет тилларни билишидир. Барча соҳаларда билимга эгалигидан қатъий назар мутахассисларнинг тайёргарлик сифати даражасини такомиллаштириш олий таълим тизимида асосий масалалалардан бири бўлиб қолмоқда.

Бизнинг фикримизча, потенциал иш берувчига малакавий тайёргарликнинг натижаси унинг сифат даражаси ҳисобланади ва ёш мутахассиснинг шахсий, малакавий ва ижтимоий хусусиятларининг ишлаб чиқариш ва жамият талабига мос тушишига боғлиқ бўлади. Ҳар бир соҳа вакиллари уларга мутахассислар тайёрлаётган олий мактаб муассасаларига ўз фаолиятларидан келиб чиққан ҳолда ўқув режаларига ўзгартиришлар киритишлари ва буни амалиёт ўтказиш вақтида ҳам битирувчилар билимларини корхоналар йўналишига мос ҳолда эгаллашларига шароит яратиши керак.

Олий таълим муассасаларида малакали ва рақобатбардош мутахассислар тайёрлашда илмий ва амалий муаммоларни ҳал қилишда айрим зиддиятлар мавжуд. Улар энг эввало мутахассислар учун режалаштирилган билимлар мажмуаси ва талабанинг шахсий ўсиши ўртасидаги фарқда; мутахассислар тайёрлашдаги анъанавий сифат баҳолаш ва таълим хизматлари бозори ўртасидаги тавофутда; мутахассислар тайёрлашнинг сифатини баҳолашнинг самарали диагностик усулларига эҳтиёжнинг вужудга келганлиги, аммо талабалар билимини жорий ва якуний баҳолашдаги илмий-услубий таъминотнинг етишмаслигида; мутахассиларга меҳнат бозоридан келиб чиқиб қўйиладиган талаблар ва ўқитувчиларнинг битирувчи рақобатбардош мутахассислар тайёрлашга тайёргарлиги даражаси ва бошқаларда намоён бўлмоқда.

Олимларнинг фикрича ҳар бир соҳада ёш мутахассислар тайёргарлигининг сифат кўрсаткичи уч асосий бўғиннинг мавжудлигига бевосита боғлиқдир: таълимнинг мақсади (нима учун), таълимнинг таркиби (нимани ўргатиш) ва таълим жараёнини ташкил этишнинг тартиби (қай тартибда таълим бериш)[18]. Ўз ўрнида таъкидлаб ўтилган ҳар бир бўғин жамият ривожининг ҳар бир босқичида ўзгача намоён бўлади.

Мутахассисларни сифатли тайёрлашнинг иккита кўрсаткичи мавжуд бўлиб уларни қуйидагилар ташкил этади**:**

1) битирувчиларнинг ўз мутахассислиги бўйича эгаллаган иш ўринларидаги мослашиш даврига сарфланадиган вақти;

[17] Селезнева Н.А. Качество высшего образования как объект системного исследования. Лекция-доклад. – М.: ИЦ ПКПС, 2001.– 79 С.

[18] Селезнева Н.А. Качество высшего образования как объект системного исследования. Лекция-доклад. – М.: ИЦ ПКПС, 2001.– 79 с.

2) кам куч сарфлаб, ўз мутахассислигига турдош, ўрганиб олиши мумкин бўлган мутахассисликлар сони.

Таълим сифати нуқтаи-назаридан сифат кўрсаткичларининг қуйидаги турларини: таълим даргоҳининг моддий-техник таъминоти, битирувчиларнинг эгаллаган билимлар сифати, битирувчиларга талаб мавжудлиги, меҳнат бозорида битирувчиларнинг рақобатбардошлиги, битирувчиларнинг талабалик йилларидаги ютуқларини алоҳида ажратиб кўрсатиш мумкин.

Олий таълим муассасалари моддий-техник базаси, таълим жараёни ва илмий тадқиқотларга хизмат қилувчи мавжуд базанинг ҳажми ва қийматида акс этади (бинолар, машиналар, лабораториялар, компьютер синфлари, техника, кутубхона ва бошқалар).

Таълим жараёнининг асосий йўналтирувчиси албатта истеъмолчилар – талабалар ҳисобланади. Талаба учун барча турдаги адабиётлар ва ўқитишнинг янги таълим технологиялари яратилади, лекциялар тайёрланади. Шу сабабли олий таълимнинг самарали фаолиятининг асосий натижаси битирувчининг сифат даражаси ҳисобланиши лозим.

Талабанинг тайёргарлик сифатини қўйидаги кўрсаткичларда акс эттириш мумкин: ихтисослик фанларидан эгаллаган билими, компьютерда фойдаланиш билимлари, чет тилларини эгаллаганлиги, билим олиш ҳохиши, интеллекти, маънавий билимлари, қобилияти, хотираси, интизомлилиги, тиришқоқлиги, ишбилармонлиги, зийраклиги, хизмат мартабаларини режалаштириши ва бошқалар. Таълимнинг сифати эса ўқитиш жараёнидаги фанларнинг фундаменталлиги ва чуқурлилиги ҳамда олий таълим муассасаларини битиргандан сўнг унга бўлган талабнинг даражаси билан белгиланади.

Ташкилий, молиявий ва таълим соҳаларида кўрилаётган чора-тадбирларга қарамай, республика олий мактаблари бугунги кунда меҳнат бозорининг янги талабларига мос келадиган малакали инсон ресурсларини тайёрлашни айрим мутахассисликлар бўйича имкониятга эга бўлмаяпти. Ижтимоий тадқиқот доирасида тадбиркорлар ўртасида ўтказилган сўров натижалари шуни кўрсатдики, мамлакатнинг иқтисодий йўналишдаги олий ва ўрта-махсус таълим муассасалари битирувчиларининг тайёргарлик даражаси сўралган респондентларнинг фақат 18,2 фоизини, техник мутахассисликлар бўйича 18,6 фоизини, юридик таълим бўйича 17 фоизини, ахборот технологиялари бўйича 28,9 фоизини тўлиқ қондиради[19].

Кўпинча олий ўқув юртлари битирувчилари ривожланиб бораётган бизнесда муваффақиятли иш бошлаш учун зарур кўникмаларга эга эмаслар, уларнинг корхона иқтисодиёти бўйича амалий билимлари етарли эмас. Бизнеснинг кадрлар тайёрлашга бўлган эҳтиёжи давлат таълим муассасаларининг бундай талабни қондириш қобилиятидан анча юқори ва тезкор бўлмоқда. Бундай шарт-шароитларда меҳнат бозоридаги талаб билан кадрлар тайёрлашни мувозанатга келтириш қийин. Натижада кўп сонли мутахассислар тайёрлангани ҳолда ижтимоий соҳа тармоқларида (соғлиқни сақлаш, таълим) мавжуд иш ўринларининг(штатларнинг) шу ихтисосликлар бўйича мутахассислар билан таъминланиши муаммоси сақланиб қолмоқда.

[19] Аналитическая записка. Результаты социологического исследования «Бизнес в Узбекистане: факторы и проблемы развития, социальная ответственность», ЦЭИ, 2006. "Problems of Economic Transition" выпуск 52, №.2, M.E.Sharpe, Inc., Июнь 2009 г. – С. 86-94.

Айни пайтда олий ўқув юртлари битирувчилари ривожланиб бораётган бизнесда муваффақиятли иш бошлаш учун зарур кўникмаларга эга бўлмаяптилар. Бизнеснинг кадрлар тайёрлашга бўлган эҳтиёжи давлат таълим муассасаларининг бундай талабини қондириш қобилиятидан анча юқори ва тезкор бўлиб, қуйидаги йўналишларда намоён бўлмоқда.

1) Мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий тизими ривожланишининг стратегик йўналишларидан бири олий таълим муассасаларининг инновацион имкониятларини ривожлантириш асосида ишлаб чиқариш масштабини кенгайтириш ва фан-техника ютуқларини кенг жорий этиш ҳисобланади. Бунинг натижасида фан сиғими, илмий-инновацион янгиликларга асосланган корхоналар ҳиссаси сезиларли ўсиб бормоқда. Оқибатида, инновациялардан фойдаланиш самарадорлигини таъминловчи ташкилий-иқтисодий механизмларни ишлаб чиқишга эҳтиёж кучайиб бормоқда. Бу ҳол хорижий мамлакатлар тажрибасини ўрганишни ва уларнинг энг мақбулларини қўллаш зарурлигини келтириб чиқаради.

Кўплаб ривожланган мамлакатларда олий таълим инновацион фонди шакллантирилган. Унинг таркибига илмий ва технологик ташкилотлар, университетлар, институтлар, савдо ташкилотлари, фирмалар (корхоналар) киради. Бу ҳамкор ташкилотнинг мақсади илмий, технологик ва бизнес соҳаларини ўзаро манфаатли ҳаракатини ташкил этишдан иборатдир.

Олий таълим инновацион фонди университетларга танлов асосида молиявий маблағларни тақдим этади. Оқибатда университетлар бизнес соҳасига технологияларни бериш, марказлашган маркетинг тадқиқотларини таъминлаш, корхоналарга илмий, амалий, хуқуқий маслаҳатлар бериш, мустақил фирмаларни ташкил этиш, талабаларни тадбиркорлик кўникмаларига ўқитиш каби имкониятларга эга бўлади.

2) университет ва хусусий (ва бошқалар) корхоналар билан ҳамкорликни йўлга қўйиш:

Бу ҳамкорлик икки йўналишда амалга оширилади:

- хусусий компаниялар тадқиқот буюртмачиси сифатида бўлиши;
- давлат томонидан молиялаштирилган илмий тадқиқотларга хусусий компания вакилларини жалб этиш.

Олий таълим ва бизнес соҳасини ўзаро фаолияти турларини тўрт категорияга бўлиш мумкин:

- тадқиқот фаолияти билан боғлиқ хизматлар;
- амалдаги билимлардан фойдаланиш (яъни илгари амалда бўлган тажрибаларни умумлаштириб консультациялар беришда қўллаш);
- кадрларни касбий ҳаракатчанлигини ошириш (яъни олий таълим муассасалари талаблари ва ходимларини ўзаро алмашиш, корхона ходимларини ўқув жараёнига жалб этиш);
- инновацион корпоратив ҳамкорликнинг янги йўналишларини ташкил этиш.

3) Ҳозирги вақтда бизнес соҳаси – олий таълим ва илмий марказларнинг ҳаққоний буюртмачиси бўлмоғи лозим. Буюртмачи ва бажарувчи ўртасидаги ҳамкорлик икки томонлама манфаатли булиши зарур. Масалан, буюртмачи томонидан тўланган тўлов ҳақи олий таълим муассасининг ўқув юртини ривожлантиришга йўналтирилади. Ҳамкорлик натижасида олинган материаллар

ўқитишда амалий қўлланма сифатида фойдаланилади. Бу ҳолда ишлаб чиқариш ва олий таълим муассаси ўртасида узвийлик кучаяди. Ҳамкорлик илмий изланишларида иштирок этган талабалар олий таълим муассасини битиргандан сўнг муқобил иш ўринларига эга бўладилар.

4) Шу билан бир қаторда олий таълим муассаси ва бизнес соҳасининг ўзаро ҳамкорлиги баъзи муаммоларни келтириб чиқаради. Масалан: интеллектуал мулк реализацияси (сотиш) ҳуқуқи. Бунинг учун фикримизча, интеллектуал меҳнат маҳсулотларини алмашиш бўйича марказлар олий таълим муассаси ва бизнес соҳаси ўртасида воситачилик ролини бажаради. Уларни олий таълим муассаси таркибида ҳуқуқий шахс сифатида шакллантириш мумкин.

5) Ўзбекистонда таълим тизимини ислоҳ қилиш жараёнида ижобий чет эл тажрибасига таянган ҳолда васийлар ва кузатиш кенгашларини ташкил этиш орқали таълим муассасаларини жамоатчилик томонидан бошқариш тизими жорий этилмоқда. Уларнинг таркиби, Низомга мувофиқ таъсисчи ташкилотлар, маҳаллий ҳокимият идоралари, тадбиркорлар доиралари, жамоатчилик ташкилотлари, жамғармалар ва ҳомийлар таркибидан шакллантирилиб, олий ўқув юртлари улар орқали ўз муаммоларини мустақил равишда ҳал қилишлари мумкин. “Васийлар Кенгаши” олий таълим муассасаси ва бизнес соҳаси ўртасида бевосита алоқаларни таъминловчи ташкилот сифатида намоён бўлиши лозим.

Айни пайтда кичик бизнес ва олий таълим тизими ўртасидаги инновацион ҳамкорликни ривожлантириш Ўзбекистон иқтисодиётининг янада кучли, барқарор ва мутаносиб ривожланган ҳолда майдонга чиқиши, ҳар бир ёш мутахассиснинг тез ўзгарувчан меҳнат бозорида харидоргир бўлиши, ривожланиб бораётган инновацион иқтисодиётда тўлақонли иштирок этиши ва бизнес соҳаси талабларига жавоб берадиган малакавий ва ижтимоий кўникмаларга эга мутахассис бўлишида муҳим омил ҳисобланади.

Дарс жараёнининг сифатини тубдан яхшилаш мақсадида энг замонавий илғор педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларига асосланган аудиторияларда мультимедияли воситалар, электрон доскалар, ясси экранли симметрия шаклида қўйилган телевизорлар, аудио-видео, лингафон ускуналар, замонавий проекторлар комплекси ва дарсларнинг спецификациясига мос замонавий кўргазмали қуроллар билан жиҳозланган бўлиши керак.

ТАЪЛИМ ХИЗМАТЛАРИНИНГ ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ЙЎЛЛАРИ

О.Б.Ғайбуллаев, Н.А.Алиева Тошкент давлат аграр университети

***Аннотация*:** *Таълим хизматларининг сифати уларнинг бозорда рақобатбардошлигини таъминловчи етакчи омилдир. Таълим хизматларини кўрсатиш жараёнининг ҳуқуқий, ташкилий ва моддий жиҳатдан етарли даражада ташкил этилиши кадрлар тайёрлаш сифатини оширишни таъминлашнинг асоси бўлиб ҳисобланади. Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида таълим хизматларини ривожлантиришда таълим муассасалари ва ишлаб чиқариш ўртасидаги ҳамкорликнинг самарадорлигини ошириш борасида ҳамда ушбу соҳани молиялаштиришни такомиллаштириш масаласи бўйича таклифлар берилган.*

Калит сўзлар: *таълим хизмати, самарадорлик, солаҳиятли кадр, фан таълим, рақобатбардошлик, модернизация.*

Аннотация**:** *Качество услуги в области образования является ведущим фактором конкурентоспособности на рынке. Организация правовые, организационные и финансовые аспекты процесса в услуги в области образования обеспечивает основы подготовлений качественных кадров. В Статье предложены идеи по повышение эффективности сотрудничества между образовательными учреждениями и промышленностью, а также предложений по вопросу улучшения финансирования этого сектора, для развитие услуг в области образования в условиях модернизации экономики.*

Ключевые слова: *образование, сервис, эффективность, персонал, наука, образование, конкурентоспособность и модернизация.*

Annotation: *The quality of educational services is the leading factor in competitive market. Education services for the legal organizational and financial theoretically sufficient to ensure the quality of the organization of the training base. The development of educational services in the modernization of the economy , improve the efficiency of cooperation bet ween educational institutions and industry, as well as proposals on the issue of improving the financing of this sektor*

Key words: *education service efficiency, potential worker, education, competeteve, modernization.*

Мамлакатимизда барқарор ва самарали иқтисодиётни шакллантириш борасида амалга ошириб келинаётган ислоҳотлар бугунги кунда ўзининг натижаларини намоён этмоқда. Хусусан хизмат курсатиш соҳасининг жадал суръатларда ривожланиши натижасида мамлакат ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқаришининг ошишига ҳамда аҳолини иш билан таъминланиши учун кенг имкониятлар яратилди. Шу боис, ушбу соҳани тараққий эттириш республика ҳукуматининг доимо диққат эътиборида бўлиб келмоқда.

Мамлакатимизда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш ва иқтисодиётни модернизация қилиш инновациялар тизимини ривожлантиришни талаб этади. Инновациялар эса билимларни эгаллаш, илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш асосида яратилади. Шу боис, мамлакатимизнинг ижтимоий иқтисодий ривожланишини жадаллаштириш ва унинг иқтисодий хавфсизлигини таъминлашда таълим тизимининг ўрни беқиёсдир. Ҳозирги кунда энг долзарб масалалардан бири бўлган таълим сифатини ошириш ва малакали кадрларни тайёрлаш учун эса энг аввало таълим хизматлари соҳасига эътибор қаратиш мақсадга мувофиқдир. Таълим хизматлари соҳасининг барқарор ривожланиши мамлакатимизнинг жадал ижтимоий-иқтисодий тараққиётини таъминлашнинг гаровидир. Унга эришишда таълим хизматларидаги иқтисодий муносабатларни такомиллаштириш асосида таълим муассасаларининг самарали фаолиятини таъминлаш муҳим аҳамият касбэтади. Чунки, Ўзбекистон Республикасида иқтисодиётни эркинлаштириш ва модернизация қилиш даврида, ишлаб чиқариш омилларидан оқилона фойдаланишни таъминлаш юқори иқтисодий ўсиш суръатларига эришишнинг етакчи омили бўлиб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси таълим хизматлари давлат асосий мавқега эгадир. Давлат таълим хизматлари асосий таклиф кўрсатувчи бўлса, талаб томонидан асосий истеъмолчи ўқишни истовчи ёшлар бўлиб ҳисобланади. Таълим

хизматлари деганда, инсонинг давлат, жамият ва бошқа билим олиш истагидаги субъектларнинг билимга бўлган, узоқ муддатга мўлжалланган эҳтиёжларини қондиришга қаратилган, наф келтирадиган хизмат жараёни билан боғлик эгаларининг онгли фаолияти тушунилади. Бундан ташқари, субъектлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш вазифасиниҳам бажаради. Таълим тизимини ислоҳ қилишнинг учинчи босқичида вужудга келтирилган узлуксиз таълим тизимининг сифатини оширишустувор вазифа бўлиб ҳисобланади. Давлат таълим хизматлари ва инсон капиталини шакллантиради.

Бинобарин, таълим хизматлари соҳасида вужудга келадиган иқтисодий муносабатлар ижтимоий-иқтисодий тавсифга эга бўлиб, улар кўпроқ даражада таълим хизматлари динамикасини аниқловчи омиллар билан боғликдир. Таълим хизматларини кўрсатувчи олий ўқув юртларининг ўқув дастурлари меҳнат бозори талабларига мос бўлиши, талабалар эса уни тўлиқ ўзлаштиришдан манфаатдор бўлишлари лозим. Ишлаб чиқариш меҳнат бозори орқали таълим хизматлари бозорида олий ўқув юртларига ўз талабини қўяди. Талабнинг мавжудлиги ўқув муассасалари ихтиёридаги ресурсларни ушбу талабларни қондиришга йўналтириш имконини беради, бу эса талабаларни ўқитиш сифатининг ошишига олиб келади. Демак малакали ишчи кучига талаб динамикаси таълим хизматлари бозорига таъсир этувчи нархдан ташқари омил бўлиб ҳисобланади.

Маълумки, мамлакатимиз меҳнат ресурслари таркибида олий ва ўрта махсус маълумотга эга бўлган шахсларнинг сони муттасил ошиб бормоқда.Бироқ, ушбу ҳолат таълим хизматлари тизими ва ишлаб чиқариш ўртасида ёки таълим хизматлари бозори ва меҳнат бозори ўртасидаги муносабатлар ҳали етарли даражада мукаммал шаклланмаганлигидан далолат беради. Ушбу ҳолат мавжудлигининг асосий сабаблари қуйидагилардан иборат:

- олий таълим муассасалари ҳали меҳнат бозори ва таълим хизматлари бозоридаги талабдан эмас, ўз имкониятларидан келиб чиққан ҳолда мутахассислар тайёрламоқдалар;

- олий таълим тизимида таълим хизматлари моддий-техника базасининг талабга жавоб бермаслиги сабабли тайёрланаётган мутахассислар амалий кўникмаларининг пастлиги;

- ёшларнинг мутахассисликни танлашда бозор талабларидан эмас, балки ота-оналарининг хоҳиши ва уларнинг имкониятларидан келиб чиқаётганликлари;

- мутахассисларни тайёрлашда ишлаб чиқариш субъектларининг иштирок этиш механизмининг етарли даражада шаклланмаганлиги.

Мамлакатимизда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш ва иқтисодиётни модернизациялаш давридаги долзарб муаммолардан бири таълим хизматлари шакллантириш ва самарали ривожлантиришдир. Бунга эришиш таълим хизматларидаги иқтисодий муносабатларни такомиллаштира бориб, рақобатбардош, малакали ишчи кучи ва иқтисодиётни бозор тамойиллари асосида бошқарувчи мутахассисларни шакллантириш ва такрор ҳосил қилиш билан боғлиқ.

Таълим хизматларининг ўзига хос хусусиятлари қуйидагилардан иборат:

- Уларнинг хар хил неъмат турларига тегишли эканлиги;
- Неъмат сифатида чекланмаганлиги;

- Истеъмол қийматига эгалиги, таълимга бўлган эхтиёжларни қондирувчи ўзига хос товар эканлиги (моддий тавсифга эга эмаслиги, сақлаш ва йўқ қилиб ташлашнинг мумкин эмаслиги);
- Таълим хизматларининг индивидуал тавсифга эга эканлиги;
- Таълим хизматларини кўрсатиш ва истеъмол қилиш жараёнининг бир вақтнинг ўзида рўй бериши;
- Истеъмолчиларнинг таълим хизматларининг кўрсатилиши жараёнида бевосита иштирок этиши;
- Таълимга сарфланадиган харажатлардан оладиган самарани миқдор жихатидан бахолашнинг қийинлиги;
- Таълим хизматларига талабнинг юқори даражада эгилувчанлиги.

Шу боис, таълим хизматларини ривожлантиришнинг устувор йўналишларини белгилашда, биринчидан, мамлакатимизда таълим хизматларининг етакчи субъекти бўлган таълим муассасаларининг ҳозирги ҳолати ва улардаги мавжуд муаммолар, иккинчидан, эса ҳозирги даврда олий таълимнинг мазмуни ва уни ташкил этишдаги ўзгаришларни эътиборга олиш зарур. Чунки бу ўзгаришлар фан-техника тараққиётининг ажралмас қисми бўлиб ҳисобланади.

Ҳозирги даврда таълим муассасалари ўз имкониятларидан келиб чиққан ҳолда таълим хизматларини таклиф эта олмайдилар. Улар таълим хизматларини мехнат бозорини ўрганиб, хамда истеъмолчиларнинг талабларидан келиб чиққан ҳолда ташкил этишлари лозим. Ушбу вазиятни олий таълим муассасалари англаб етган ҳолда ўз фаолиятларини режалаштиришлари зарур.

Хусусан, таълим хизматлари ўзига хос неъмат сифатида хусусий ва ижтимоий турларга бўлинади. Агар инсон томонидан истеъмол қилиниб, бир вақтнинг ўзида бошқа инсон ундан фойдалана олмаса, бу холатда таълим хизматлари хусусий неъмат сифатида ўзига хослик касб этади ва рақобат тамойилларига асосланади. Алохида таъкидлаш жоизки, таълим хизматларини хусусий неъматсифатида такрор хосил қилиш бозор муносабатлари асосида амалга оширилади.

Шундай қилиб, таълим хизматларининг сифати уларнинг бозорда рақобатбардошлигини таъминловчи етакчи омилдир. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, таълим хизматларини кўрсатиш жараёнининг ҳуқуқий, ташкилий ва моддий жиҳатдан етарли даражадаташкил этилиши кадрлар тайёрлаш сифатини оширишни таъминлашнинг асоси бўлиб ҳисобланади. Шу нуқтаи назардан таълим хизматларини ривожлантириш учун таьлим хизматлари сифатини ошириш қуйидаги муаммоларни ҳал этишни талаб қилади:

- таълим тизимида профессор-ўқитувчиларнинг мақомини ва моддий манфаатдорлигини ошириш;
- ўқитувчиларни қайта ўқитиш тизими самарадорлигини оширишасосида янги педагогик технологияларнинг ўқув жараёнига татбиқ этилишини таъминлаш;
- таълим муассасаларининг моддий-техник базасини ҳозирги замон талабларига жавоб берадиган даражага олиб чиқишни таъминлаш;
- таълим тизимини ахборот билан таъминлашни қўллаб-қувватлаш ваахборотлар билан таъминлаш технологияларини амалиётда қўллаш ва улардан тўлиқ фойдаланиш;
- таълим муассасалари автономлигини уларнинг ҳуқуқлар доирасини кенгайтириш орқали таъминлаш.

Маълумки мамлакатимизда кадрлар тайёрлаш миллий моделинингасосий таркибий қисмлари қуйидагилардан иборат:

-шахс кадрлар тайёрлаш тизимининг бош субъекти ва объекти, таълим соҳасидаги хизматларнинг истеъмолчиси ва уларни амалга оширувчиси, давлат ва жамият, таълим ва кадрлар тайёрлаш тизими фаолиятини тартибга солиш ва назорат қилишни амалга оширувчи;

- узлуксиз таълим-малакали рақобатбардош кадрлар тайёрлашнинг асоси бўлиб, таълимнинг барча турларини, давлат таълим стандартларини, кадрлар тайёрлаш тизими тузилмасини ва унинг фаолият кўрсатиш муҳитини ўз ичига олади;

- фан-юқори малакали мутахассислар тайёрловчи ва улардан фойдаланувчи, илғор педагогик ва ахборот технологияларини ишлаб чиқувчи;

- ишлаб чиқариш, кадрларга бўлган эҳтиёжни, шунингдек уларнингтайёргарлик сифати ва савиясига нисбатан қўлланилган талабларни белгиловчи асосий буюртмачи, кадрлар тайёрлаш тизимини молия ва моддий-техник жиҳатдан таъминлаш жараёнининг қатнашчиси.

Бугунги кунда мамлакатимиздаги олий ўқув юртларида таълим Таълим тизимида таълим хизматларини ижтимоий-иқтисодий самарадорлигини ошириш бир томондан, мазкур тизимни бошқаришнинг илғор, жаҳон тажрибасида кўп синалган усуллари қўлланишига боғлиқ бўлса, бошқа томондан, таълим хизматлари ўзгаришларига ҳамда таълим тизимидаги профессор-ўқитувчилари педагогик малакаси ва илмий-услубий салоҳиятини узлуксиз ошириб боришга чамбарчас боғланган. Кадрларнинг касбий савия ва малакаси ҳамда илмий-педагогик салоҳиятини юксалтириш эса, малака ошириш тизимининг илғор моддий-техник базасини яратишни тақозо этади. Шу маънода муаммонинг муваффақиятли ечими, таълим тизимида малака ошириш таълим хизматини жаҳон тажрибаси асосида моддий-техник ва интеллектуал жиҳатдан такомиллаштириш масалалари мазкур тизимнинг илғор ривожланиш стратегиясига боғлиқ бўлиб қолмоқда.

Юқорида баён этилганлардан қуйидагиларни хулоса қилиш мумкин:

- Таълим хизматларини ривожланиши мамлакат ижтимоий-иқтисодийтараққиётининг етакчи омили бўлган «инсон капитали»нинг шаклланиши,натижада ишчи кучининг сифати ва рақобатбардошлигини таъминлаб меҳнат унумдорлигига, пировардида эса юқори суръатлардаги иқтисодий ўсишга эришишни таъминлайди;
- Мулкий муносабатлардаги ўзига хослик, таълим хизматлари объектининг бошқа йўналишларига нисбатан фарқланиши, таълим хизматларининг индивидуал тавсифга эгалиги ва уларнинг натижаларини аниқ баҳолашнинг қийинлиги таълим хизматлари иқтисодий муносабатларнинг ўзига хос хусусиятларини ташкил этади.
- Таълим хизматларининг моҳиятини очиб беришда унга кенг ёндашиш мақсадга мувофиқдир. Кенг маънода таълим хизматлари унинг субъектлари ўртасида таълим хизматларини кўрсатиш жараёнини такомиллаштириш ва таълим хизматларининг меҳнат бозори билан алоқаларини мувофиқлаштириш бўйича вужудга келувчи ижтимоий-иқтисодий муносабатлардир.
- Мамлакатимизда таълим тизимини ривожлантириш борасида ўз ечимини кутаётган муаммолар сифатида қуйидагиларни келтириш мумкин: таълим

хизматларини кўрсатиш сифатини ошириш; таълим хизматларини кўрсатиш инфратузилмасини мустаҳкамлаш; таълим тизимини молиялаштиришни такомиллаштириш; молиявий ресурслардан самарали фойдаланишни таъминлаш; таълим муассасаларининг эркинлигини ошириш.

- Таълим тизимини такомиллаштиришнинг ижтимоий-иқтисодий мақсади, бир тарафдан, таълим даражасини ошириш йўли билан аҳоли саводхонлиги ва касбий тайёргарлик даражасини ошириш учун шароит яратиш, иккинчи тарафдан эса, таълим тизимининг миллий иқтисодиётни ривожлантиришга таъсирини кучайтириш орқали иқтисодий ўсиш ва халқ фаровонлигини оширишни таъминлашдан иборат.
- Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида таълим тизимининг миллий иқтисодиётга таъсирини акс эттирувчи кўрсаткичларининг таҳлилини кучайтириш лозим. Бунинг асосий сабаби мустақиллик йилларида таълим соҳасида туб ислоҳотлар амалга оширилаётганлиги ва бу жараён ижобий натижалар бераётганлигидадир. Бироқ, миллий иқтисодиётнинг ривожланишига таълим тизимининг таъсирини кучайтириш, ривожланган мамлакатлар даражасига олиб чиқиш вазифаси ўзининг долзарблигини сақлаб қолмоқда.

Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида таълим хизматларини ривожлантиришда қуйидаги ишларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир:

- Таълим узлуксизлигини таъминлаш, таълим хизматларининг сифатини ошириш мақсадида ёшларнинг мустақил ва онгли равишда касб-кор танлашга эришиш. Бунинг учун мамлакатимизда жорий этилган кадрлар тайёрлашнинг миллий модели элементлари ўртасидаги боғлиқликни кучайтириш; ўрта таълимда Ïмеҳнат таълими фанининг мақсадини Їкасб танлашга йўналтирилган ҳолда ижтимоий-психологик тарзда ташкил этиш.
- Таълим хизматлари устидан давлат назоратини сақлаб қолган ҳолда таълим соҳасини бошқаришда маълум даражада номарказлаштиришга қаратилган қуйидаги тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир: таълим хизматлари нодавлат мулкига асосланган таълим хизматларини кўрсатувчи субъектларни вужудга келтириш; касбий таълим соҳасида таълим муассасаларини бошқаришни таълим дастурларини амалга ошириш билан боғлиқликда олиб бориш.
- Таълим муассасалари ва ишлаб чиқариш ўртасидаги ҳамкорликнинг самарадорлигини ошириш борасида қуйидаги тадбирларни амалга ошириш муҳимдир: ўқувчи-талабаларнинг тайёрлаган техник лойиҳалари, бизнес режаларини синовдан ўтказишни ташкил этиш; таълим муассасаларининг кичик корхоналарга хизмат кўрсатувчи тадқиқот марказларга айланишлари учун зарур шарт-шароитларни яратиш; таълим муассасаларида турли корхоналар ва фирмалар ходимларининг малакасини ошириш марказларини очиш ва уларнинг самарадорлигини таъминлаш.
- Таълим хизматларининг ривожланишини таъминлаш ушбу соҳани молиялаштиришни такомиллаштириш масаласи билан боғлиқ. Бу йўналишда қуйидагиларни амалга ошириш таклиф этилади: таълим тизимини молиялаштиришда рақобат ва шартномага асосланган механизмларга ўтиш;қўшимча ҳақ тўлашга асосланган хизматларни кўрсатишни кенг йўлга қўйиш; таълим муассасаларининг иқтисодий автономлиги томойилини рўёбга чиқариш, кўп каналли молиялаштиришнинг самарадорлигини ошириш; бюджет

маблағларидан оқилона фойдаланиш ва молиявий муносабатларда ошкораликни таъминлаш; таълим соҳасининг инвестицион жозибадорлигини ошириш.

ЧОРВАЧИЛИК ТАРМОҒИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА СЕРВИЗ ХИЗМАТИНИ ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ АҲАМИЯТИ

Н.А.Алиева, О.Б.Ғайбуллаев Тошкент давлат аграр университети

Аннотация: *Чорвачиликка ихтисослашган хўжаликларини ривожлантиришда агросервис хизматлари бозорини яхши шаклланмаганлиги, ушбу тармоққа жалб этилаётган инвестициялар миқдорининг камлиги боис моддий-техника базасини юқори эмаслиги, фаолиятидаги ички ва ташқи омилларга боғлиқ бўлган камчиликлар, малакали мутахассислар билан таъминланганлигининг паст даражаси, агросервис хизматлари субъектлари ўртасида рақобат муҳитини шаклланмаганлиги асосий тўсиқ бўлмоқда. Мақолада бозор шароитида чорвачилик фермер хўжаликлари тармоғига агросервис хизмат кўрсатишни такомиллаштириш бўйича такалифлар ишлаб чиқилган.*

Калит сўзлар: *чорвачилик, инновация, рақобатбардош, агросервис, самарадорлик, фермер хўжалиги.*

Аннотация: *Рынок сформирование агросервизных услуг, отсутствия материально-технической базы из-за объем привлечения инвестиций в этой сфере, внутренних и внешних факторов в деятельности, отсутствие квалифицированных кадров и низкий уровень агросервизных услуг припятствует в развитие животноводческих ферм. В статье разработанно предложении для развитие инновационных услуг в сектора животноводства в условиях рыночной экономики.*

Ключевые слова: *животноводство, инновационной, конкурентоспособной, удаление сточных вод, эффективность фермы.*

Annotation: *Boost the development of livestock breeding farms agroservice formed, the amount of investments aftracted to the network is not high because of the lack of material and technical base, the activities of internal and extermal factors related to the defects the lowest level supportment of specialists with agro services entites formed the main barrier in a competitiveenvironment/ in this article there has been brought the proposals of innovative services in live stock farming.*

Key words: *livestock, innovation, competitive, agro servise, efficiency,farming.*

Мамлакатни модернизация қилиш шароитида қишлоқ аҳолиси турмуш даражасини ошириш ва қишлоқни ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан юксалтиришда қишлоқ хўжалигида хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш ҳамда тармоқнинг барқарор ривожланишини таъминлаш ҳозирги кунда энг долзарб муаммолардан бири ҳисобланади.Қишлоқ хўжалигининг асосий тармоқларидан ҳисобланган чорвачиликда ҳам кенг қамровли чора-тадбирлар кўрилиб, жумладан, чорвачилик маҳсулотларига давлат буюртмасининг бекор қилиниши ва эркин бозор нархларининг жорий этилиши ҳамда чорвачилик фермаларининг хусусийлаштирилиши, чорвачиликка ихтисослашган хўжаликларни наслдор чорва моллари билан таъминлаш, турли йўналишдаги агросервис хизматлари кўрсатишни ривожлантириш масалалари билан бир қаторда кам таъминланган,

ижтимоий муҳофазага муҳтож оилаларга қорамоллар берилиши натижасида соҳанинг барқарор ривожланиши учун муҳим асос яратилди. Фермер хўжаликларининг ер майдонини мақбуллаштириш натижасида чорвачиликка ихтисослаш фермер хўжаликларининг сони 6974 тага етди. Мамлакатимизда фаолият юритаётган шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва моллари сонини кўпайтиришни рағбатлантириш, сервис хизматлари тармоғини ташкил этишга доир чора-тадбирлар дастурининг амалга оширилиши натижасида чорвачиликни ривожлантиришда ижобий силжишлар қайд этилмоқда.

Республикамиздаги чорва моллари наслини яхшилаш ва маҳсулдорлигини ошириш мақсадида чорвачилик фермер хўжаликлари томонидан 2016 йил мобайнида хорижий мамлакатлардан 8737 бош наслли қорамоллар олиб келинди. Чорва молларини турли касалликлардан асраш, наслини яхшилаш ва маҳсулдорлигини ошириш мақсадида 2616 та зооветеринария пунктлари томонидан зооветеринария хизматлари ва 2465 минг бош сигир ва урғочи таналар сунъий уруғлантирилди. Республикада қорамолчилик йўналишида наслчилик тоифасидаги хўжаликлар сони 610тага етди, улар томонидан 7 минг 677 бош наслли моллар тайёрланиб, аҳоли ва чорвачилик фермер хўжаликларига аукционлар орқали сотилди.Қорамолчилик йўналишида 2346 та лойиҳа амалга оширилиб, уларда 66 минг бош қорамоллар боқиш йўлга қўйилди. Паррандачилик йўналишида 706 та янги паррандачилик хўжаликлари ташкил этилб, уларда 11 млн 574 минг бош паррандаларни парваришлаш йўлга қўйилди. Бундан ташқари, аҳоли хонадонларида парранда боқишни йўлга қўйиш бўйича 45 минг 698 та лойиҳа амалга оширилди ва уларда 3 млн 109 минг бош паррандаларни парвариш қилиш йўлга қўйилди.

Амалга оширилган тадбирлар натижасида барча тоифадаги хўжаликларда йирик шохли қорамоллар бош сони ўтган йилга нисбатан 104,5 фоизга, шу жумладан сигирлар бош сони 101 фоизга, қўй ва эчкилар 103,4 ҳамда паррандалар 107,7 фоизга ўсиши таъминланди. Ўсиш суръатлари гўшт ишлаб чиқаришда 106,8 фоизга, сут ишлаб чиқаришда 107,1 фоизга тухум ишлаб чиқариш 109,1 фоизни ташкил этди.

Шунга қарамай, республикада чорвачилик тармоғини ривожлантириш ҳозирги кунда қишлоқ хўжалик соҳасидаги энг асосий вазифалардан бўлиб қолмоқда. Бу тармоқни ривожлантириш эса инфратузилманинг қай даражада шаклланганлиги, чорвачиликка ихтисослашган хўжаликларга сервиз хизмати кўрсатиш даражасига чамбарчас боғлиқ.Бироқ, чорвачиликда шаклланган ва фаолият юритаётган агросервис хизматлари объектларининг ривожланишида агросервис хизматлари бозорини институционал асосларини номукаммаллиги, қишлоқ хўжалигида чорвачиликнинг ихтисослашувидан келиб чиққан ҳолда жойлаштириш натижасида уларни хизмат турларига миқдор ва сифат жиҳатдан номутаносибликларнинг мавжудлиги, жалб этилаётган инвестициялар миқдорининг камлиги боис моддий-техника базасини юқори эмаслиги, фаолиятидаги ички ва ташқи омилларга боғлиқ бўлган камчиликлар, малакали мутахассислар билан таъминланганлигининг паст даражаси, агросервис хизматлари субъектлари ўртасида рақобат муҳитини шаклланмаганлиги ва агросервис хизматини ташкил этиш ва ривожлантиришни самарадорлигини

оширишнинг илмий асосланган методологиясини ишлаб чиқилмаганлиги асосий тўсиқ бўлмоқда.

Республикамизда ҳизирги кунда чорвачилик маҳсулотларининг асосий қисми деҳқон хўжаликларида етиштирилаётган бўлиб, моллар зотдорлиги ва ирсий хусусиятлари республикада сут ҳамда гўшт маҳсулотларини кескин кўпайтириш имкониятини бермайди. Бу эса деҳқон хўжаликлари ихтиёрида парваришланаётган чорва моллари зотдорлигини ошириш устида иш олиб бориш заруратини келтириб чиқаради. Бунинг учун чорва моллари зотини яхшилаш ва аҳолига зотдор моллар етиштириб берадиган хўжаликлар тизимини яратишни талаб этади. Бунда қишлоқ жойларда зооветеринария агросервис хизматларини кўрсатиш соҳаларини инновацион ривожлантириш муҳим аҳамият касб этади.

Агросервис хизмат кўрсатиш соҳалари инновацион ривожланиши чорвачилик тармоғида деҳқон ва фермер хўжаликлари, қайта ишлаш, савдо соҳаси корхоналари, маҳсулотларни тайёрловчи ташкилотлар ривожланиши учун ҳам шарт-шароитлар яратиб, уларнинг мақсадлари доирасига кириши орқали максимал фойда олиш, бутун бир тизимда ишлаб чиқариш харажатлари ва маҳсулотлар нобудгарчилигини камайтириш, маҳсулот сифати ва рақобатбардошлигини ошириш имкониятлари юқорилиги билан аҳамиятлидир.

Бозор муносабатлари шароитида чорвачилик тармоғига агросервис хизмат кўрсатиш тизимини инновацион ривожлантириш жараёни бевосита ишлаб чиқаришни ривожлантириш жараёни билан биргаликда олиб борилишигина кутилган натижани бериши мумкин. Бунда асосан қуйидаги масалаларни ўз ичига оладиган тадбирларни амалга ошириш лозим бўлади:

- чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми, ресурс таъминоти ва маҳсулот сотиш ҳажмини бизнес режалаштириш ва тармоқни стратегик ривожлантириш йўналишлари агросервис хизматлар соҳасини инновацион ривожлантириш билан биргаликда олиб борилиши;
- чорвачилик маҳсулотлари етиштириш, ташиш ва қайта ишлаш ҳамда сотиш соҳаларини ривожлантириш мутаносиб равишда агросервис хизматлар кўрсатиш соҳаларини ҳам кредитлаш, молиялаш тизимини такомиллаштириш билан биргаликда олиб борилиши лозим;
- чорвачилик хўжаликларига турли сервис хизматлар кўрсатиш тизимини йўлга қўйишда, мутахассислар малакасини доимий равишда ошириш, хўжаликларда даромадлар шаклланиши тизимини иқтисодий рағбатлантириш масаласини ҳам кўзда тутиши зарур;
- чорвачилик маҳсулотлари етиштириш, сақлаш ва қайта ишлаш соҳаларини моддий-техник ресурслар билан таъминлаш тизимини такомиллаштириш, замонавий техника ва технологиялар импортини рағбатлантириш бевосита агросервис хизматлар соҳасига ҳам бир пайтнинг ўзида амал қилиши керак;
- чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш, қайта ишлаш, сифатини назорат қилиш соҳасида аграр фани ютуқлари ва илғор агротехнологияларни жорий этишни рағбатлантириш тадбирлари билан биргаликда, тармоққа турли агросервис хизматлар кўрсатиш соҳасини ривожлантиришни ҳам қамраб олувчи комплекс дастурларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ.

Чорвачилик тармоғига хизмат кўрсатувчи соҳа объектларини инновацион ривожлантириш ва уларнинг самарали фаолият кўрсатишини таъминлаш нафақат

тадбиркорлик субъектларининг муаммолари, балки давлатнинг ҳимоясида амалга оширилиши лозим. Бунда давлат томонидан бозор муносабатлари талабларига мос ва қишлоқ ҳудудлари ҳамда тармоқнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олувчи чора-тадбирларини амалга ошириш лозим бўлади. Жумладан:

– чорвачилик тармоғига агросервис хизмат кўрсатувчи инфратузилма объектларини ташкил этишда ҳудудларнинг ихтисослашув даражасини ҳисобга олиш билан биргаликда, инфратузилма объектларининг ҳам юқори самара беришини кўзда тутиш;

– инфратузилма объектларининг барча чорвачилик маҳсулотлари етиштирувчи субъектлар учун энг мақбул ҳудудларда жойлаштириш зарурати ҳисобга олиниши;

– фаолият олиб бораётган агросервис хизмат кўрсатувчи субъектларнинг барқарорлигини таъмин этиш учун давлатнинг иқтисодий, молиявий ва ҳуқуқий рағбатлантириш дастакларидан кенг фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Жумладан, ишлаб чиқариш инфратузилма объектлари учун имтиёзли кредитлар, солиқлар тизими ва бошқа шу каби иқтисодий ҳамда молиявий дастакларнинг мунтазам жорий этилиши.

– чорвачилик соҳасига хизмат қилувчи ишлаб чиқариш инфратузилма субъектларининг чуқур ихтисослашуви, хизматлар сифати ортиши ва баҳолари пасайишига замин яратишини ҳисобга оладиган бўлсак, хизматлар соҳасида эркин ва соғлом рақобатнинг пайдо бўлиши учун ҳуқуқий ва ташкилий асосларни яратиш талаб этилади.

Фермер хўжаликларини ривожлантиришда агросервис хизмат кўрсатиш соҳаларининг самарали фаолияти зарурлиги билан биргаликда, яна бир муҳим масалага эътибор қаратиш лозим. Бу хизмат кўрсатиш соҳаларининг ривожланиши нафақат улар учун яратилган шарт-шароитлар билан боғлиқлиги, балки фермер хўжаликларининг ривожланиши учун яратилган шарт-шароитлар билан ҳам боғлиқлигидир. Шунинг учун ҳам чорвачилик тармоғига агросервис хизмат кўрсатувчи инфратузилма субъектларини ривожлантиришни тартибга солишда ушбу хусусиятни ҳам ҳисобга олиш зарур.

Бозор шароитида чорвачилик фермер хўжаликлари тармоғига агросервис хизмат кўрсатувчи инфратузилма субъектларининг самарали фаолият кўрсатиши хизматларга талаб шаклланиши, таклиф хусусиятлари ва бозор баҳолари даражаси ўзгариши каби қонуниятлар билан шаклланади. Айни пайтда таъкидлаш жоизки, аксарият ҳолларда хизмат кўрсатувчи субъектларнинг монопол вазияти ёки тармоқдаги рақобат муҳити етарли эмаслиги туфайли инфратузилма субъектларининг ривожланиши кутилганидек юз бермайди.

Шунинг учун ҳам ҳудудларнинг ва чорвачилик тармоғининг жойлашуви, фаолият юритиши борасидаги хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда чорвачилик тармоғига агросервис хизмат қилувчи субъектларни ташкил этиш ва ривожлантиришда қуйидаги омилларни ҳисобга олиш мақсадга мувофиқ чорвачилик маҳсулотларини сотиш ва чорвачилик маҳсулотларига талаб шаклланиши ҳудудий хусусиятларга эга. Шунингдек, маҳаллий аҳолининг миллий таркиби ва анъаналари ҳам маҳсулот истеъмолига катта таъсир кўрсатади. Шунинг учун ҳам етиштирилган чорвачилик маҳсулотларини сотиш бозорларининг мавжудлиги ва бозорлар ҳажмини ҳисобга олган ҳолда ёндашиш лозим. Яъни,

савдо-тижорат йўналишидаги хизматлар асосан сут ва гўшт қорамолчилиги ҳудудларида ривожлантирилиши ҳам инфратузилма объектларининг самарали фаолиятига ва шунингдек, маҳсулот ишлаб чиқариш соҳасининг инновацион ривожланишига қулай шароит яратиб беради:

- чорвачилик тармоқларининг ихтисослашув йўналишлари ва чорва моллари бош сонининг ҳамда маҳсулот етиштириш ҳажмларининг ўсиш динамикасидаги ўзгаришлар ҳисобга олиниши лозим. Чунки чорвачилик соҳаси ихтисослашуви бўйича турли-туманлиги, маҳсулотлари таркиби ҳам бир-биридан фарқ қилиши боисдан турлича хизматларга талаб пайдо бўлади;
- чорвачилик ҳудудларида чорвачилик фермер хўжаликларининг тарқоқлиги ва географик жиҳатдан бозорларга нисбатан ва хизмат кўрсатиш марказларига нисбатан турли масофаларда жойлашганлиги ҳисобга олиниши лозим. Бу бир томондан фермер хўжаликларидаги чорвачилик тармоғида хизмат кўрсатиш сифатига салбий таъсир кўрсатса, иккинчи томондан хизмат кўрсатувчи бўғинларнинг молиявий аҳволига салбий таъсир кўрсатади;
- чорвачилик ҳудудларида доимий равишда тармоқ учун зарур ресурсларни сотиб олиш, наслли молларга эга бўлиш, хизматлардан фойдаланиш ва етиштирилган маҳсулотларни энг кўп фойда олган ҳолда сотиш борасидаги ахборотлар етишмаслиги хизмат кўрсатиш соҳаларини ташкил этишда ҳисобга олиниши лозим;
- маҳсулотларни сотиш тизимининг бозор талабларига ва чорвачилик маҳсулотлари етиштирувчи тармоқлар фаолияти хусусиятларига жавоб бермаслиги туфайли, фермернинг ишлаб чиқаришга жалб қилган инвестицияси қайтими таваккалчилиги хавфининг юқорилиги ҳисобга олиниши лозим. Бу вазият маҳсулот ишлаб чиқарувчига ҳам ва хизмат кўрсатувчига ҳам молиявий хавф-хатарлар пайдо қилишини назарда тутган ҳолда инфратузилма субъектларинири вожлантиришда хисобга олиниши лозим.

РОЛЬ ИННОВАЦИИ В СФЕРЕ УСЛУГ

Абдукадиров Б.А. ассистент кафедры Программный инжиниринг,
Ферганский филиал ТУИТ

***Аннотация**: Ушбу мақолада хизмат кўрсатиш ва уни замонавий иқтисодиётдаги ўрни, инновацияларнинг хизмат кўрсатишдаги асосий турлари ҳақида сўз юритилган.*

***Калит сўзлар:** хизмат кўрсатиш, хизмат кўрсатиш сохаси, инновация, новация, ишлаб чиқариш, инновация турлари, хизмат кўрсатиш сохалари.*

***Аннотация**: В статье рассматриваются услуга и ее роль в современной экономике, основные типы инноваций в производстве услуг.*

***Ключевые слова:** услуга, сфера услуг, инновация, новация, производства, типы инноваций, производства услуг.*

***Annotation:** The article discusses the service and its role in the modern economy, the main types of innovations in the production of services.*

***Paper Keywords:** service, service sector, innovation, novation, production, types of innovation, production of services.*

Сфера услуг является одной из наиболее перспективных и быстроразвивающихся отраслей экономики. Сегодня уже практически не осталось

предприятий, которые в той или иной степени не оказывали бы услуги, или, по крайней мере, не соприкасались бы с ними.

Услуга – это вид деятельности, работ, в процессе выполнения которых не создается новый, ранее не существовавший материально вещественный продукт, но изменяется качество уже имеющегося, созданного продукта. Другими словами – это благо, предоставляемое не в материальной форме, а в форме деятельности. То есть само оказание услуг создает желаемый результат.

Сфера услуг, являющаяся составной частью малого бизнеса, сталкивается с проблемами, характерными для большинства предпринимателей:

- отсутствие производственных площадей соответствующих санитарным нормам и правилам для размещения предприятий бытового обслуживания;
- трудности в получении кредитных ресурсов и привлечении инвестиций;
- нехватка квалифицированных кадров, особенно рабочих профессий;
- несовершенство правового регулирования отрасли на федеральном и региональном уровнях;
- необходимость повышения уровня обслуживания и качества предоставляемых услуг;
- ценовые барьеры в получении бытовых услуг гражданами со средним и низким достатком;
- недостаточная информированность населения о предприятиях бытового обслуживания и оказываемых ими услугах.

В качестве инновации в сфере услуг выступает результат инновационной деятельности, который способен более эффективно удовлетворять общественные потребности.

В состав инновационной деятельности можно включить сервисный продукт, технологию или ее отдельные элементы, новой организации сервисной деятельности.

Различают базисные нововведения, то есть те новшества в организации сервиса и обслуживании клиентов, которые заметным образом трансформируют всю организацию сервисной деятельности. Кроме этого имеются частичные инновации, усовершенствующие некоторые звенья и аспекты процесса обслуживания. Те и другие характеризуются тем, что они совершенствуют разные стороны сервисной деятельности, сокращают время оказания услуг, создают удобства для потребителей.

Выделим основные типы инноваций в производстве услуг:

♦ технические, связанные с внедрением новых видов техники, приспособлений, инструментов, а также технико-технологических приемов труда в обслуживании. Наиболее заметная тенденция в современной сфере услуг связана с внедрением компьютерной техники, распространением информационно-технологических новшеств, облегчающих работу с клиентами и в целом весь процесс сервисного производства;

♦ организационно-технологические, связанные с новыми видами услуг, более эффективными формами обслуживания и организационными нормами труда;

♦ управленческие, ориентированные на совершенствование внутренних и внешних связей организации, использующие методы и формы менеджмента;

♦ комплексные, охватывающие одновременно разные аспекты и стороны сервисной деятельности.

Управление нововведениями в конкретном коллективе ставит целью увеличить степень инновационной насыщенности процессов обслуживания, а также организации работы персонала с тем, чтобы повысить коммерческий успех, эффективность деятельности предприятия в целом.

Необходимость внедрения инноваций стимулирует конкурентная борьба и целый ряд других требований рынка. Важность их использования также обусловливается меняющимися потребитель-скими запросами и требованиями потребителей. В целом обновление деятельности конкретного предприятия или фирмы помогает коллективу разрешать разного рода противоречия, с которыми он сталкивается в своей деятельности.

Инновационный процесс зарождается на этапе разработки новой идеи активным предпринимателем или работником сферы услуг. Далее эта идея углубляется и конкретизируется в ходе создания внедренческого проекта. Вслед за этим инновационный процесс продолжается в деятельности по внедрению нововведения, а также в ходе его распространения в сервисной практике.

Внедрение и диффузия инновации приобретает объективные закономерности на всех этапах своего действия. Так, специалисты считают, что этот процесс носит вероятностный характер. Другими словами, нельзя заранее с полной уверенностью утверждать, что станет с новшеством, приживется ли оно в данном коллективе или городе. Вместе с тем, не закрепившись в одном месте, оно может внедриться в другом. Чем более характер новшества приближается к базовому, тем более неопределенным становится результат внедрения. Поэтому сложные нововведения трудно планировать. Небольшие усовершенствования, уже апробированные на тех или иных фирмах, внедряются легче, сравнительно проще прогнозировать их внедрение. Кроме того, новшества могут вызывать конфликт интересов как внутри коллектива, так и во взаимодействии с партнерами, потребителями.

Все это заставляет обращать особое внимание на процесс внедрения. На многих предприятиях сервиса имеются инновационные менеджеры, то есть специалисты, профессионально занимающиеся управленческой деятельностью по внедрению инноваций в работу фирмы. Но в целом эффективное инновационное внедрение позволяет предприятию повысить прибыльность процесса оказания услуг, укрепить Деловой имидж, стабилизировать свое положение на рынке в целом.

Как правило, инновационный процесс охватывает разные стороны производственной, организационно-технологической, маркетинговой и управленческой деятельности, независимо от того, как внедрение обозначают сами менеджеры и в каких структурных подразделениях они его отрабатывают. К инновационным процессам, помимо менеджеров, специалистов по маркетингу, напрямую оказываются причастны рядовые работники, весь персонал сервисного предприятия, фирмы. В этом случае процесс внедрения направлен вертикально сверху вниз. Если нововведение внедряется успешно, то в эту вертикаль начинают интегрироваться и потребители. В таком случае нововведение приобретает возможность распространяться вширь: успех нововведения позволяет фирме

увеличить объем продаж, расширить число клиентов и одновременно вызывает желание у конкурентов повторить ее успех.

Практики отечественного бизнеса убеждены, что будущее не только нашей розничной торговли, но и многих других направлений, видов и форм обслуживания связано с дальнейшей отработкой сетевых структур и сетевой культуры взаимодействия хозяйственных субъектов, способных учитывать наши особенности климата и территории.

В новых условиях отечественный бизнес быстро начал осваивать общую философию клиенто-ориентированного сервиса, нацеленного на потребителя, а также стал делать более привлекательной стилистику обслуживания, весь процесс взаимодействия с покупателем, заказчиком, клиентом. Трансформация затронула не только коммерческий сектор услуг, но и государственный, а также смешанный сектора.

Перечисленные выше успехи отечественного сервиса в освоении инноваций, рожденных внутри страны и взятых из мировой практики обслуживания, позволяют понять огромную сложность внедрения инноваций в сервисную практику. Осознавая эти сложности, предприниматели и менеджеры должны планировать весь процесс освоения инновации, а также внимательно отслеживать его ход и результаты.

ОСНОВНЫЕ ПОНЯТИЯ И КЛАССИФИКАЦИЯ СФЕРЫ УСЛУГ И ИННОВАЦИЙ

Абдукадиров Б.А. ассистент кафедры Программный инжиниринг,
Ферганский филиал ТУИТ

Аннотация*: Ушбу мақолада инновацион хизматлар ва хизмат кўрсатиш сохаси, хизмат кўрсатиш сохалари таснифи ва инновация турлари ҳақида сўз юритилган.*

Калит сўзлар: *инновацион хизматлар, хизмат кўрсатиш сохаси, хизмат кўрсатиш сохаси таснифи, инновацион фаолият, инновация турлари. .*

Аннотация*: В статье рассматриваются инновационные услуги и сервисная сфера, классификация сферы услуг а также виды инноваций.*

Ключевые слова*: инновационная услуга, сервисная сфера, классификация сферы услуг, инновационная деятельность, виды инноваций.*

Annotation*: The article deals with innovative services and the service sector, the classification of the service sector, as well as the types of innovations.*

Paper Keywords: *innovative service, service sphere, service sector classification, innovation activity, types of innovations.*

Для того, чтобы разобраться в определении инновационных услуг конкретнее, для начала классифицируем непосредственно саму сервисную сферу и затем дадим определение инновационным услугам.

Существует множество классификаций сферы услуг, и каждая из них отражает специфические черты, характерные для сервисного сектора. Как правило под классификацией подразумевают распределение предметов, явлений по видам, классам, отделам, разрядам в соответствии с признаками, которые они имеют.

Обычно способы классифицирования объектов основываются на различных

признаках, присущих конкретным объектам, например, количественные, качественные, стоимостные и иные характеристики.

Так в качестве примера классификации сферы услуг можно привести классификацию К. Лавлока. Данный вид классификации является матричным и состоит из пяти таких матриц:

- природа предоставления услуги;
- взаимодействие с потребителем;
- кастомизация услуги и использование мнения контактного персонала; способ доставки услуги;
- колебания спроса на услугу и возможности его удовлетворения.

Одним из ключевых моментов сферы услуг является, то что различие между продуктами и процессами, часто размыто - притом, что производство и потребление происходят одновременно.

Разработка производственных процессов в сфере услуг может быть менее формализованной, чем в случае материального продукта: она начинается с поиска и отбора идей и их коммерческой оценки, за чем часто следует непосредственно осуществление.

Инновационная деятельность в сфере услуг является непрерывным процессом, состоящим из ряда дополнительных изменений в продуктах и процессах. Эта иногда может усложнить идентификацию инноваций в сфере услуг.

Выделяют 4 вида инноваций: продуктовые, процессные, маркетинговые и организационные.

С недавних пор, к данной классификации был присоединён ещё один вид инноваций – экологические инновации. Экологические инновации представляют собой новые и значительно усовершенствованные товары, работы, услуги, производственные процессы, организационные или маркетинговые методы, способствующие повышению экологической безопасности, улучшению или предотвращению негативного воздействия на окружающую среду.

Таким образом, инновационные товары, работы, услуги - товары, работы, услуги, новые или подвергавшиеся в течение последних трех лет разной степени технологическим изменениям.

Технологические инновации представляют собой конечный результат инновационной деятельности, получивший воплощение в виде нового либо усовершенствованного продукта или услуги, внедренных на рынке, нового либо усовершенствованного процесса или способа производства услуг, используемых в практической деятельности. Технологическими инновациями могут быть, как те продукты, процессы, услуги и методы, которые организация разрабатывает впервые, так и те, которые перенимаются ею у других организаций.

В промышленном производстве и сфере услуг инновации подразделяются на два типа: продуктовые и процессные.

Продуктовые инновации включают в себя разработку и внедрение в производство технологически новых и значительно технологически усовершенствованных продуктов.

В качестве примера значительного усовершенствования в предоставлении услуг, можно привести увеличение скорости и доступности банковских услуг,

посредством сети Интернет или доставка клиента в назначенное место и время в дополнение к услугам по прокату автомобилей.



Рис. 1. Виды инноваций

Процессные инновации включают новые или значительно улучшенные методы создания и предоставления услуг. Сюда могут входить значительные изменения в оборудовании и программном обеспечении, используемых фирмами, ориентированными на предоставление услуг, или в процедурах и технологиях доставки услуги потребителю.

Можно выделить 5 групп инноваций, характерных для сферы услуг:

1) технологические инновации– инновации в области технологии оказания услуг, внедрения нового оборудования, позволяющих оказывать новые услуги, выпускать новые сопутствующие товары;

2) сервисные инновации – повышение потребительской ценности услуг, изменения в структуре и ассортименте оказываемых услуг, совершенствование качественных характеристик услуг;

3) организационно-управленческие – совершенствование бизнес-процессов, внедрение новых методов управления, принятия решений, использование новых информационно-коммуникационных ресурсов в сфере услуг;

4) социально-экономические– изменение социальных, экономических и правовых условий функционирования предприятий сферы услуг, способствующих улучшению условий труда и повышению качества жизни населения;

5) финансовые– создание новых финансовых инструментов и технологий финансирования и привлечения инвестиций в отрасли сферы услуг.

Таким образом, под инновационными услугами понимается инновационная

деятельность, проводимая сервисными фирмами, направленная на улучшение или создание новых типов услуг.

ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ВА СЕРВИС ТАРМОҚЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ САМАРАДОРЛИГИ.

Ж.Қ.Бердиев (ҚарМИИ)

Аннотация: *Мазкур мақолада хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаларини ривожлантиришдаги айрим муаммолар, ҳамда уларнинг иқтисодиётни ривожлантиришдаги аҳамияти кўриб чиқилган.*

Аннотация: *В данной статье были рассмотрены некоторые проблемы развития сферы обслуживания и сервиса,а также их значение в развитие экономики.*

Annotation:*In given article is considered some problems of development of service sphere and servicing, and also their value in economic development.*

Ҳозирги пайтда дунёда, хусусан, бизнинг мамлакатимизда ҳам хизмат турларининг сони мингдан ошиб кетган. Уларни ўрганиш ва маълум даражада тартибга солиш учун уларни таснифлашни тақозо қилади.

Хизматларни маълум даражада тартибга келтириш учун бир қанча халқаро ташкилотлар ҳам шуғулланиб келмокдалар. Масалан, БМТ хизматларнинг 160 турини тан олади ва уларни 12 гуруҳга бўлади:[20]

1. Ишчанлик хизмати	46 турда
2. Алоқа хизмати	25 турда
3. Инженеринг ва қурилиш хизмати	5 турда
4. Дистрибюторлик хизмати	5 турда
5. Умумтаълим хизматлари	5 турда
6. Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш хизмати	4 турда
7. Молиявий хизматлар (шу жумладан, суғурта хизматлари)	17 турда
8. Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар	4 турда
9. Туризм ва сайёҳлик	4 турда
10. Дам олдириш, маданий ва спорт билан боғлиқ хизматлар	5 турда
11. Транспорт хизматлари	33 турда
12. Бошқа хизматлар (масалан, маиший)	7 турда.

Аммо БМТнинг ушбу тавсифини ҳамма халқаро ташкилотлар ҳам тўлиғича қабул қилиб олган эмас. Хизматларни таснифлаш борасида бошқа халқаро ташкилотлар ўзларининг қарашларига эга. Улардан бири Халқаро валюта фонди (ХВФ)дир. Ушбу ташкилотнинг фикрича барча хизматлар иккига бўлинади. Савдо қилинадиган ва савдо қилинмайдиган. Бундай тасниф хизматларни халқаро савдода қўлланилиши нуқтаи назаридан келтирилган. Савдо қилинадиган хизматларга ушбу жараённи амалга ошириш мумкин бўлган хизмат турларини киритган. Савдо қилиши мумкин бўлмайдиган хизматлар эса фақат миллий давлатларнинг ўзида амалга оширилади. Аммо ушбу хизматлар шу давлат ичида

[20] М.Қ. Пардаев, Ҳ.Н. Мусаев Хизмат кўрсатиш, сервис ва туризм соҳаларини ривожлантириш: муаммолар ва уларнинг ечимлари -Тошкент.: “иқтисод-молия” 2008.

сотилади ва истеъмол қилинади. Буларга мисол тариқасида коммунал ва шу билан боғлиқ хизматларни киритиш мумкин.

ХВФнинг таъкидлашича, сотиладиган савдо хизматларига қуйидаги ўн битта гуруҳ хизматларни киритиш мумкин :

- транспорт хизмати;
- бориб келиш (хизмат сафари, туризм, саёҳат кабилар);
- алоқа;
- қурилиш хизмати;
- суғурта хизмати;
- молиявий хизматлар;
- компьютер ва ахборот хизмати;
- роялти ва лицензия тўловлари;
- бошқа бизнес хизматлари;
- шахсий, маданий ва рекреацион хизматлар;
- ҳукумат хизматлари.

Мазкур ташкилотнинг таснифида ҳам хизмат турларининг ҳар бири яна бир қанча хизматларни ўз ичига оладилар. Масалан, транснорт хизматлари яна иккита катта гуруҳга бўлинади: йўловчи ташиш транспорти ва юк ташиш транспорти хизматлари. Улар ҳам ўз навбатида яна бир қанча гуруҳларга бўлинади. Шундай қилиб хизматлар ва улар билан боғлиқ муаммолар хусусида ҳали олимлар ҳам халқаро ташкилотлар ҳам бир тўхтамга келинган эмас.

М.Қ.Пардаев, Ҳ.Н.Мусаевларнинг фикрича, хизмат дейилганда инсоннинг, хўжалик юритувчи субьектларнинг, давлатнинг ва жамиятнинг маълум бир эҳтиёжини қондиришга йўналтирилган кишиларнинг наф келтирадиган хизмат жараёни билан боғлиқ онгли фаолияти тушунилади.

Уларни қуйидаги гуруҳларга бўлади:

- инсоннинг (шахснинг) камолоти билан боғлиқ хизматлар;
- оиланинг равнақи билан боғлиқ хизматлар;
- меҳнат жамоатларининг такомиллашуви билан боғлик хизматлар;
- ҳудуднинг тараққиёти билан боғлиқ хизматлар;
- давлатнинг равнақи билан боғлиқ хизматлар;
- жамиятнинг тараққиёти билан боғлиқ хизматлар.

Ушбу хизматларнинг ҳаммасига ўзига хос хизмат турлари киради. Булар эса шу келтирилган субъектларнинг маълум бир эҳтиёжини қондиришга қаратилган кишиларнинг нафли фаолиятидан иборатдир.

Одам хизмат обьектини ўзига ўзи яратади ва ўзига ўзи хизмат қилади. Шу туфайли хизмат одам учун ва хизматни бажарувчиси ҳам одам, деган ақидани киритиш мумкин. Бу дегани хизматнинг ишлаб чиқарувчиси ҳам, унинг истеъмолчиси ҳам одамдир. Буни қуйидагича ифода этиш мумкин:



1-расм. Инсон ва хизмат кўрсатиш соҳаларини боғлиқлиги.

Хизмат кўрсатиш натижасида мамлакатнинг ялпи ички маҳсулоти кўпаяди. Бу қуйидаги йўналишларда амалга оширилади: Бозор муносабатлари шароитида

хизматларни кўрсатиш натижасида моддий неъмат яратилиши ёки яратилмаслигидан қатъий назар ялпи ички маҳсулот яратилади. Шу нуқтаи назардан хизматларга унумлими ёки унумсизлиги ҳақида гап кетишидан ёки моддий неъмат яратилиши нуқтаи назаридан қаралишидан кўра, ялпи ички маҳсулот яратилиши нуқтаи назаридан қараш мақсадга мувофиқ.

Ижтимоий соҳа, хизматлар соҳаси тармоқлари ривожланишининг замонавий даврида хизматларни кўрсатиш асосан оммавий тусга кириб, уларни юзага келиш шароитлари тобора мураккаблашиб бормоқда. Модомики шундай экан, эришилган натижа бирлигига қилинган меҳнат самарадорлиги, асосий фондлар, моддий ва молиявий сарф–харажатларни ҳисоблаб чиқишга аниқ имкониятлар бўлиши талаб этилади.

Ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш узоқ вақтлар мобайнида инсон хўжалик фаолияти ва унинг ижтимоий-жамоа ҳаётининг бир қисми ҳисобланиб келинган. Айнан хизматларнинг ижтимоий-жамоа институти сифатида инсонлар ўртасидаги ўзаро алоқалар сифатида, фойдали фаолият сифатида мавжудлиги - буларнинг барчаси биргаликда инсоният жамияти ва турмушининг зарурий шарти ҳисобланади. Шу нарсани таъкидлаш лозимки, айнан хизматлар жамиятнинг ривожланиш даражасини нафақат унинг ишлаб чиқариш кучлари даражасида, балки маънавий ва маърифий ҳолатини инобатга олган ҳолда олди десак муболаға бўлмайди. Худди шунингдек Қашқадарё вилоятида ҳам, аҳолига хизмат кўрсатиш даражаси кескин ошиб бормоқда

ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА АХБОРОТ ТИЗИМЛАРИНИНГ АҲАМИЯТИ

Назаров С. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси 2-босқич тингловчиси

Барчамизга маълумки, бугунги кунда ҳаётимизни ахборот-коммуникация технологиялари (АКТ)сиз тасаввур қилиб бўлмайди. АКТ кириб бормаган соҳанинг деярли ўзи йўқ ҳисоби.

Ўзбекистон Республикаси биринчи Президенти Ислом Каримов 2016 йил 15 январда бўлиб ўтган Вазирлар Маҳкамаси маърузасида АКТ бўйича қуйдаги фикрларни билдириб ўтган эдилар [1]: “... Бугунги шароитда, Интернет ва электроника даврида **иқтисодиёт тармоқларида замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш, «Электрон ҳукумат» тизими фаолиятини янада ривожлантириш** устувор аҳамиятга эгадир.”

Биринчи Президентимиз маърузаларидан келиб чиққан ҳолда шуни айтиш мумкинки, АКТни кенг жорий қилиш қуйидаги имкониятларга олиб келади (1-расм).

Қўриниб турибдики, АКТни жорий этиш пировард натижада аҳоли турмуш тарзини тарзини яхшилашга олиб келади. Бунинг замирида эса албатта аҳолига хизмат кўрсатиш соҳаси ётади.

Президентимиз Ш.Мирзиёев айтганларидек, “...Бугун мамлакатимизнинг барқарор ривожланиш йўлида изчил илгарилаб боришини таҳлил қилар эканмиз, ўтган йили принципиал муҳим ислоҳотларни амалга ошириш бўйича қатъий

қадамлар қўйилди, деб айтишга барча асосларимиз бор. Бу ислоҳотларнинг асосий мақсади – аҳоли учун муносиб ҳаёт даражаси ва сифатини таъминлашдир....” [2].



1-расм. АКТни жорий қилиш.

Ҳозирги вақтда Самарқанд вилояти аҳолиси учун биргина алоқа ва телекоммуникация соҳасида олиб борилаётган хизматларни оладиган бўлсак, бу хизматлар сони йилдан йилга ошиб бормоқда. Вилоятда қуйидаги ташкилотлар томонидан телекоммуникация хизматлари кўрсатилиб келинмоқда [3]:

– “Ўзбектелеком” АК Самарқанд филиали;
– “ЎзИ Самарқанд” филиали;
– 5 та мобил алоқа операторлари (Uzmobile, UMS, Beeline, Ucell ва Pertium mobile);
– 7 та провайдер (BUZTON, SHARQ TELEKOM, ARS INFORM, Super i-Max, East Telecom, AllNet ва “Компьютерлаштириш маркази” ДУК) лар томонидан кўрсатиб келинмоқда.

Вилоятда умумий сиғими 137 минг рақамга тенг 124 та телефон станциялари мавжуд бўлиб, улар 100 фоизга рақамлаштирилган. Улар орқали 117 минг фойдаланувчиларга замонавий алоқа хизматлари кўрсатиб келинмоқда.

Вилоят аҳолисига интернет хизматларини кўрсатувчи кенг полосали қурилмаларнинг сиғими 40 минг портга етказилди. Бу билан 35 мингта абонентга хизмат кўрсатилмоқда. Бу щтган йилдагига нисбатан 25% га кўп. IP-TV хизматидан 4000 га яқин мижозлар фойдаланмоқда.

2016 йилда вилоят бўйича 94 км масофада оптик толали алоқа кабелларини ётқизиш ишлари амалга оширилиб, вилоят бўйича оптик толали алоқа линияларининг узунлиги 1 690 кмга етказилди.

Тармоқ ўтказувчанлик даражаси магистрал тармоқда 40 Гбит/с дан 100 Гбит/с гача, вилоят марказигача 10 Гбит/с дан 40 Гбит/с гача, ҳар бир туман марказларигача эса 1 Гбит/с дан 10 Гбит/с гача етказилди.

Мобил алоқа операторлар томонидан вилоят ҳудудида 57 та 2G, 88 та 3G, 32 та 4G объектлари қурилди ва ишга туширилди. Шу кунга қадар ўрнатилган база станцияларнинг умумий сони 1 358 тага етказилди ва фойдаланувчилар сони 1,934 млн нафарни ташкил қилмоқда.

Бугунги кунга қадар вилоятнинг Чўпон-Ота объектига 2 та, Каттақўрғон объектига ва Нуробод объектига 1 тадан рақамли телеузаткичлар ўрнатилиб, Самарқанд вилояти аҳолисининг рақамли телевидения билан қамрови 92 фоиздан ортиқни ташкил этди. 2017 йил якунига қадар рақамли телевидения қамров ҳудудини 100 фоизга етказиш режалаштирилган.

“Ўзбектелеком” АК Самарқанд филиали томонидан аҳолига сифатли хизмат кўрсатиш мақсадида вилоятнинг 13 та туманларида аҳолига хизмат кўрсатиш мақсадида “Сотув марказлари” ташкил этилган бўлиб, улар орқали телефон, IP TV ва интернет хизматлари кўрсатилиб келинмоқда. Булардан ташқари сотув марказларида мижозларга модем, тюнер ва телефон аппаратларини нақд ва нақдсиз тўлов орқали сотиб олишлари йўлга қўйилган.

Қуйидаги жадвалда вилоят бўйича туманлар кесимида телекоммуникация соҳасида аҳолига хизмат кўрсатиш бўйича рақамлар келтирилган.

Туман кесимида телекоммуникация соҳасида амалга оширилаётган ишлар

№	Туманлар	ADSL	FTTx	IPTV	CDMA-450	Телефон
1	Пахтачи тумани	343	47	15	199	176
2	Тайлоқ тумани	239	121	55	238	221
3	Булунғур тумани	496	30	52	291	186
4	Самарқанд тумани	414	383	78	225	326
5	Жомбой тумани	448	208	74	300	264
6	Иштихон тумани	388	61	69	186	175
7	Каттақўрғон шаҳри	765	112	111	140	497
8	Оқдарё тумани	323	48	53	213	225
9	Нуробод тумани	227	69	101	176	173
10	Пайариқ тумани	395	72	31	259	214
11	Каттақўрғон тумани	402	54	33	349	234
12	Ургут тумани	304	155	55	280	272
13	Самарқанд шаҳри	194	67	62	1 326	0
	Жами	**6 927**	**1 979**	**1 623**	**4 994**	**3 095**

Бундан ташқари вилоят аҳолиси билан тўғридан-тўғри мулоқот қилиш имконияти янгитдан кўриб чиқилиб ҳамда аҳолининг таклиф ва шикоятларини янада яқиндан ўрганиб чиқиш мақсадида, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги Самарқанд вилояти ҳудудий бошқармаси бошлиғи томонидан 2017 йилнинг ҳар ойида 3 мартадан сайёр қабуллар ташкил этилиб келинмоқда.

Аҳоли учун АКТдан фойдаланган ҳолда хизматлар сифатини ошириш борасида ишлар ҳам амалга ошириб келинмоқда. Жумладан, Самарқанд шаҳрида телекоммуникация хизматларини кўрсатиб келаётган “ЎзИ” Қўшма корхонаси бош директорининг виртуал қабулхонаси (www.m.spuzi.uz) ишга туширилиб,

абонентлар учун масофадан туриб мурожаат қилиш ва таклифлар юбориш имконияти яратилди.

Вилоятг АКТ ривожлантириш ҳолатини баҳолаш рейтингида 2016 йил натижалари бўйича Республикада (150 тадан ортиқ давлат органлари ичида) 12-ўринни эгаллаган бўлса, маҳаллий ҳокимият органлари бўйича эса 3-ўринни эгаллади. Бу ҳам аҳолига АКТдан фойдаланган ҳолда хизмат кўрсатиш сифати ошиб бораётганлигидан далолат бермоқда.

Шунингдек, аҳолига хизматлар сонини ошириш борасида ҳам кенг кўламли ишлар амалга оширилди. Жумладан:

- вилоятдаги 2 та касб-ҳунар коллежларида “СКУД” тизими жорий этилиб, СКУД тизимидан фойдаланаётган касб-ҳунар коллежлари ва лицейлар 27 тани ташкил этмоқда. Бу орқали эса талабаларни автоматик тарзда назорат қилиш йўлга қуйилди;
- вилоят ҳокимлигининг расмий веб-сайти орқали кўрсатилаётган 11 та **интерактив давлат хизматларининг** регламентлари ишлаб чиқилди, тасдиқланди ва веб-сайтга жойлаштирилди;
- вилоят хокимлигининг расмий веб-сайти орқали кўрсатилаётган 2 та асосий интерактив давлат хизматлари Ягона интерактив давлат хизматлари порталига (my.gov.uz) интеграция қилиниб, портал орқали кўрсатилаётган интерактив давлат хизматлар сони 16 тага етказилди;
- вилоят ҳокимлигининг расмий веб-сайти орқали қўшимча 4 та интерактив давлат хизматларини кўрсатилиши йўлга қўйилди ва веб-сайт орқали кўрсатилаётган **хизматлар** сони 22 тадан 26 тага етказилишди;

Бундан ташқари 16 та шаҳар ва туман ҳокимликларининг расмий веб-сайтлари қайтатдан белгиланган талабларга мувофиқ янгитдан яратилиб ва фойдаланувчилар учун алоҳида қулайликлар яратилмоқда. Ҳозирда уларнинг ҳар бирида камида **4 тадан интерактив хизматларни жорий этиш** борасида ишлар олиб борилмоқда.

Бу қилинаётган ишлар, яъни хизмат кўрсатишлар замирида аҳоли манфаати ётибди. Бунда албатта давлат идораларининг ўрни катта. Президентимиз таъкидлаганларидек, “Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак”[4].

АГРОСЕРВИС СОХАСИДА ИНФРАТУЗИЛМА СУБЪЕКТЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

Касимова Ю. МИ-115 гурух магистратура талабаси

Аннотация: *Мазкур мақолада чорвачилик тармоғига агросервис хизматларини кўрсатувчи инфратузилма субъектларининг ривожланишига таъсир кўрсатувчи омиллар таҳлил қилиниб, рақобат шароитида уларни такомиллаштириб бориш бўйича асосланган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.*

Annomation: *The factors that affect to the development of the infrastructure subjects which provide the agroservice on the sphere of animal husbandry have been analyzed in the article as well as the offers and the recommendations have been worked out on enhancing them in the process of competition.*

Аннотация: *В данной статье проанализированы факторы, влияющие на развитие субъектов инфраструктуры, оказывающих агросервисные услуги в животноводческой отрасли, а также разработаны предложения и рекомендации по совершенствованию их в условиях конкуренции.*

Благодаря позитивным структурным преобразованиям и высоким темпам роста экономики реальные доходы населения увеличились на 11 процентов. Заработная плата работников бюджетных организаций повышена на 15 процентов, пенсии и социальные пособия – на 12,1 процента. Обеспечено трудоустройства около 726 тысяч человек, в том числе 438,5 тысячи выпускников образовательных учреждений.[6] Обеспечение устойчивого роста экономики посредством создания не менее 900 тысяч новых рабочих мест ежегодно будет способствовать увеличению совокупных доходов населения. Таким образом, развитие рынка услуг в республике зависит от возрастающих платежеспособных возможностей и предпочтений населения, а также развития малого бизнеса, способного удовлетворить спрос потребителей, особенно на современные, прогрессивные виды услуг. Другими словами, на объем производства услуг с одной стороны будут влиять такие факторы, как доходы и предпочтения домохозяйств, тарифы на услуги, с другой стороны-инвестиционная, налоговая, денежно-кредитная государственная политика, научно-техническая политика и развитие малого бизнеса на основе новых технологий. Все это в итоге будет способствовать дальнейшей модернизации экономики, качественным структурным сдвигам в отраслевой структуре рыночных услуг. Крупные позиции будут занимать не только постоянно обновляемые традиционные отрасли (торговля, транспорт, бытовые и коммунальные услуги), но и быстрорастущие наукоемкие деловые и социально-культурные услуги. Это позволит создать в Узбекистане современный рынок услуг, сформировать рациональную структуру производства и потребления услуг, обеспечить дальнейшее повышение уровня и качества жизни населения.

ХИЗМАТЛАР СОҲАСИ ТАРМОҚЛАРИДА КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

Ш.З.Наркулов (Саттепо туризм ва маиший хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежи ўқитувчиси)

Аннотация: *ушбу мақолада Ўзбекистонда хизмат кўрсатиш соҳасида ташкил этилган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятининг ҳуқуқий асослари, яъни Ўзбекистон Республикаси Қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармон ва Қарорлари таҳлил қилинган.*

Калит сўзлар: *мулкчилик, тадбиркорлик, хизмат кўрсатиш соҳаси, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик*

Аннотация: *в данной статье проанализированы законодательные основы, то есть Законы Республики Узбекистан, Постановления и Указы Президента Республики Узбекистан, деятельности малого и частного предпринимательства в сфере обслуживания Узбекистана.*

Ключевые слова: *собственность, предпринимательство, сфера обслуживания, малое и частное предпринимательство*

Annotation: *this article analyzes the legislative bases, that is, the laws of the Republic of Uzbekistan, the Decrees and Decrees of the President of the Republic of Uzbekistan, the activities of small and private entrepreneurship in the service sector of Uzbekistan.*

Keywords: *property, business, service sector, small and private entrepreneurship*

Кичик тадбиркорлик ҳозирги бозор муносабатлари жараёни тобора чуқурлашиб бораётган бир даврда, республикамизнинг иқтисодий тараққиётига сезиларли даражада хисса қўшмоқда. Шу туфайли, кичик ва ўрта тадбиркорликни сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш шу куннинг долзарб вазифаларидан бири бўлиб қолмоқда. Чунки кичик тадбиркорлик қанчалик ривожланса, уларнинг сони кўпайиб, ишлаб чиқариш ва сифат ошиб борса, мамлакатимизнинг иқтисодий қудрати тобора ошади, халқ фаровонлиги юксалади.

Ўзбекистон мустақиллигининг дастлабки йилларидан асосий эътибор ижтимоий такрор ишлаб чиқаришнинг барча фазаларида, иқтисодиётнинг барча соҳа ва тармоқларида рақобат муҳитини шакллантиришга қаратилди. Бунда иш дастлаб собиқ Иттифоқдан меърос бўлган якка мулк ҳукмронлигига барҳам беришдан бошланди. 1991 йил 19 ноябрда Ўзбекистон Республикасининг «Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида»ги Қонуни қабул қилинди. Шундан сўнг, 1990 йил 31 октябрда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасида мулкчилик тўғрисида»ги Қонунга 1993 йил 7 майда ўзгартиришлар киритилди.

“Ўзбекистон Республикасида мулкчилик тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг қонунида (4 модда) мулкнинг қуйидаги шакллари эътироф

этилади: фуқароларнинг шахсий ва хусусий мулки; коллектив (ширкат) мулки, шу жумладан маҳалла, кооператив мулк, ижарага олинган корхона мулки, акционерлар жамияти, давлат корхонаси коллективининг, жамоат ташкилотлари ва диний ташкилотлар, концерн (консорциум)ларнинг мулки, юридик шахс ҳисобланган бошқа жамоалар мулки; Республика, Қорақалпоғистон Республикаси, маъмурий-территориал тузилмалар мулкидан иборат давлат мулки; аралаш мулк; қўшма корхоналар, ажнабий фуқаролар, ташкилотлар ва давлат, шунингдек ажнабий юридик шахслар мулки.

Ислоҳотлар мамлакат ҳудудида ривожланган тадбиркорлик муҳитини шакллантиришга қаратилди ва янги бозор субъектлари вужудга келди. Ўзбекистон Республикасининг «Тадбиркорлик тўғрисида»ги қонунида (1991 йил 15 февраль) «Тадбиркорлик – мулкчилик субъектининг фойда олиш мақсадида таваккал қилиб ва мулкий жавобгарлиги асосида, амалдаги Қонунлар доирасида ташаббус билан иқтисодий фаолият кўрсатишдир» деб эътироф этилган. Ушбу қонун асосида тадбиркорлик шакллари ва соҳалари белгилаб берилди.

Шу борада қабул қилинган ўта муҳим қонун ва норматив ҳужжатлар қаторида Фуқаролик, Ер, Солиқ ва Божхона кодекслари. "Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида"ги, "Банклар ва банк фаолияти тўғрисида"ги, "Чет эл инвестициялари тўғрисида"ги, "Чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида"ги Қонунларни қайд этиш мумкин. Хақиқатан ҳам, ислохотларимизнинг кейинги босқичида "Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида"ги, "Хусусий корхона тўғрисида"ги, "Валютани тартибга солиш тўғрисида"ги, "Ташқи иқтисодий фаолият тўғрисида", "Фермер хўжалиги тўғрисида"ги Қонунлар, янги тахрирдаги Солиқ кодекси ва иқтисодиётни ислох қилиш бўйича умумий ҳисобда 400 дан зиёд қонун ҳужжатлари ишлаб чиқилиб, қабул қилинди ва жорий этилди. Уларнинг барчаси иқтисодиётимизни янада либераллаштириш ва модернизация қилишда нафакат мустахкам ҳуқуқий асос, балки амалга оширилаётган бозор ислохотлари ортга қайтмаслигининг кафолати бўлиб хизмат қилмоқда.

1992 йилда Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси қабул қилиниб, унинг 36-моддасида «Ҳар бир шахс мулкдор бўлишга ҳақли» эканлиги белгилаб қўйилди ва хусусий мулк конституция билан ҳимояланадиган бўлди. Конституциянинг 53-моддасига кўра, "бозор муносабатларини ривожлантиришга қаратилган Ўзбекистон иқтисодиётининг негизини хилма-хил шакллардаги мулк ташкил этади. Давлат истеъмолчиларнинг ҳуқуқи устунлигини хисобга олиб, иқтисодий фаолият, тадбиркорлик ва мехнат қилиш эркинлигини, барча мулк шаклларининг тенг хуқуқлилигини ва хуқуқий жихатдан баб-баравар мухофаза этилишини кафолатлайди.

Хусусий мулкнинг хукук ва химоясини мустахкамлаш, ҳар қайси хусусий мулкдор қонуний йўл билан қулга киритган ёки яратган, ўз мулкининг

дахлсизлигига асло шубҳа қилмаслигини таъминлайдиган ишончли кафолатлар тизимини яратиш лозим. Ҳар бир тадбиркор, албатта, давлат хусусий мулкдор ҳуқуқларининг ҳимоячиси эканлигини билиши лозим, тадбиркорлар ўз бизнесига бехавотир инвестиция киритиши, ишлаб чиқариш фаолиятини кенгайтириши, махсулот ҳажми ва олаётган даромадини кўпайтириши, ўз мулкига ўзи эгалик қилиши, фойдаланиши, тасарруф этиши лозим.

Шу сабабли, Президентимиз бозор иқтисодиётининг негизи ҳисобланган хусусий мулкка нисбатан давлат томонидан берилаётган асосий кафолатларни мустахкамлашга қаратилган "Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"ги Қонунни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш зарурлигини таъкидлаган[21].

Тадбиркорлик фаолияти тушунчаси Ўзбекистан Республикасида 2000 йил 25 майда қабул қилинган қонуннинг 3-моддасида қуйидаги тахрирда баён этилади: "Тадбиркорлик фаолияти (тадбиркорлик) - тадбиркорлик фаолияти субъектлари томонидан қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга ошириладиган, таваккал қилиб ва ўз мулкий жавобгарлиги асосида даромад (фойда) олишга қаратилган ташаббускор фаолиятдир".

Ишлаб чиқариш тармоқларида банд бўлган ходимларининг ўртача йиллик сони кўпи билан йигирма киши, хизмат кўрсатиш соҳасида ва бошқа ноишлаб чиқариш тармоқларида банд бўлган ходимларининг ўртача йиллик сони кўпи билан ўн киши, улгуржи ва чакана савдо ҳамда умумий овқатланиш тармоқларида банд бўлган ходимларининг ўртача йиллик сони кўпи билан беш киши бўлган микрофирмалар кичик тадбиркорлик субъектлари ҳисобланади.

Енгил ва озик-овкат саноатида металлга ишлов бериш ва асбобсозлик, ёғочсозлик, мебель саноати ҳамда қурилиш материаллари саноатида банд бўлган ходимларининг ўртача йиллик сони кўпи билан юз киши; машинасозлик, металлургия, ёкилри-энергетика ва кимё саноати, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқриш ва қайта ишлаш, қурилиш ҳамда бошқа саноат-ишлаб чиқариш сохаларида банд бўлган ходимларнинг ўртача йиллик сони кўпи билан эллик киши; фан, илмий хизмат кўрсатиш, транспорт, алоқа, хизмат кўрсатиш соҳалари (суғурта компанияларидан ташқари), савдо ва умумий овқатланиш ҳамда бошқа ноишлаб чиқариш сохаларида банд бўлган ходимларининг ўртача йиллик сони кўпи билан йигирма беш киши бўлган кичик корхоналар ҳам кичик тадбиркорлик субъектлари саналади.

[21] Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чукурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузаси. – Т.: Ўзбекистон, 2010.

Кичик тадбиркорлик субъектлари ходимларининг ўртача йиллик сони қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда аниқланиши лозим, бунда унитар (шуъба) корхоналарда, филиалларда ва ваколатхоналарда ишловчиларнинг сони ҳам ҳисобга олинади. Фаолиятнинг бир неча турини амалга оширувчи (кўп тармоқли) юридик ва жисмоний шахслар йиллик оборот ҳажмида улуши энг кўп бўлган фаолият тури мезонлари бўйича кичик тадбиркорлик субъектларига киради.

Микрофирма ва кичик корхона ходимларнинг белгиланган ўртача йиллик сонини ошириб юборган тақдирда, ошириб юборишга йўл қуйилган давр учун ва кейинги уч ойга улар қонун ҳужжатларида назарда тутилган имтиёзлар, кафолатлар ва ҳуқуқлардан маҳрум этилади. Ушбу қоида қуйидаги холларда амал қилиши керак:

- микрофирма ва кичик корхона Ўзбекистон Республикаси касб-хунар коллежлари, академик лицейларнинг ҳамда олий таълим муассасаларининг битирувчилари билан меҳнат шартномалари тузганда, банд бўлган ходимларнинг белгиланган ўртача йиллик сони кўпи билан 20 фоиз оширилганда. Ходимлар сонининг оширилишига Ўзбекистон Республикаси касб-хунар коллежлари, академик лицейлари ва олий таълим муассасалари битирувчиларининг ўқишни тугаллаган кунидан бошлаб уч йилдан ортиқ вақт ўтмаган тақдирда йўл қўйилади;
- кичик корхоналар ўз уйида ишлаётган фуқаролар (касаначилар) билан меҳнат шартномалари тузганда банд бўлган ходимларнинг белгиланган ўртача йиллик сони кўпи билан 30 фоиздан оширилганда татбиқ этилмайди[22].

"Тадбиркорлик фаолияти эркинлиги кафолатлари тўғрисида"ги Қонунга 2010 йил 13 декабрда киритилган ушбу ўзгартишлар янги битирувчиларни иш билан таъминлаш ва касаначиликнинг янада ривожланишида муҳим аҳамият касб этади. Тадбиркорлик фаолияти маълум субъектлар томонидан амалга оширилади. "Тадбиркорлик фаолияти эркинликлари кафолатлари тўғрисида"ги Қонуннинг 4-моддасида берилади, яъни улар: "Тадбиркорлик фаолияти субъектлари (тад-биркорлик субъектлари) белгиланган тартибда рўйхатдан ўтган ҳамда тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган юридик шахс ва жисмоний шахслардир". Қонуннинг ушбу моддасига мувофиқ ҳар қандай юридик шахс ёки жисмоний шахс тадбиркорлик фаолиятининг субъекти бўлавермайди. Бунинг учун улар белгиланган тартибда рўйхатдан ўтган бўлишлари керак. Фуқаролик кодексининг 24-моддасига мувофиқ жисмоний шахқ, яъни "Фуқаро якка тадбиркор сифатида давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан бошлаб тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишга хақлидир". Юридик шахс хам тадбиркорлик фаолияти субъекти бўлиб ҳисобланиши учун тегишли тартибда рўйхатдан ўтган, бундай фаолиятнинг муайян тури билан шуғулланиши учун рухсатнома

[22] Узбекистан Республикасининг 2010 йил 13 декабрдаги УРК-265-сон Конунн тахририда - Ўзбекистон Республикаси конун хужжатлари тупламн. 2010 йил, 50-сон, 469- модда.

(лицензия) олган бўлиши керак. Шу билан бирга, тадбиркорлик фаолияти субъекти ҳисобланган корхона ёки фирма юридик шахс деб тан олиниши учун ФКнинг 44-моддасида назарда тутилган тартибда давлат рўйхатиданўтказилган бўлиши керак.

Юридик шахс ташкил этмасдан тадбиркорлик фаолиятининг субъекти ҳисобланган якка тартибдаги тадбиркорни давлат рўйхатидан ўтказиш хўжалик ҳуқуқининг бошқа субъектларини рўйхатга олишдан фарқ қилади.

«Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонуннинг 11-моддасида тадбиркорлик фаолияти субъектларини давлат рўйхатидан ўтказишнинг умумий асослари кўрсатилган. Унга биноан, жисмоний шахс якка тартибдаги тадбиркор сифатида давлат рўйхатидан утиш учун тегишли органларга ариза бергач, рўйхатдан ўтказувчи органлар ариза берувчига тадбиркорлик фаолияти субъекти тариқасида давлат рўйхатидан ўтказишни уни ташкил этиш мақсадга мувофиқ эмас, деган важ билан рад этишга ёки қонун ҳужжатларида назарда тутилмаган қўшимча талабларни белгилашга хақли эмас. Бундай талабни асоссиз рад этганлик, шунингдек рўйхатдан ўтказиш муддатлари бузилганда судга шикоят қилиниши мумкин.

Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожи, тараққиёти, истиқболи учун катта имкониятлар яратилганлиги, лекин бу борада амалга оширилаётган ишларимиз билан чекланмасдан, кичик бизнес субъектларига ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ва технологик янгилаш учун ўрта ва узоқ муддатга мўлжалланган кредитлар бериш тизимини янада такомиллаштириш, мавжуд муаммоларнинг ечими бўйича амалий чора-тадбирлар кўришимиз зарур. Бундан ташқари, юқоридаги масалаларнинг аниқ ечимини белгилаб олиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштириш ҳамда янги норматив ҳуқуқий меъёрларни яратиш муҳимдир[23].

[23] Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик – ижтимоий ва сиёсий барқарорлик кафолати: - Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Тошкент давлат юридик институти – Т.: “Адолат”, 2011 й. – 64 б.

II ШЎЪБА. ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИНИ ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНИШИНИНГ ИҚТИСОДИЙ-МОЛИЯВИЙ МЕХАНИЗМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

XIZMAT KO'RSATISH SOHASINI INNOVATSION RIVOJLANTIRISHDA MIKROKREDITLASH MEXANIZMINING ISTIQBOLLARI

Soliyev A U, Sam ISI "Iqtisodiyot va menejment" fakulteti talabasi
Sultonov Sh.A, Sam ISI "Iqtisodiyot" kafedrasi dotsenti, iqtisod fanlari nomzodi

Annotatsiya: *Ushbu maqola doirasida xizmat ko'rsatish sohasining innovatsion rivojlanishi jarayonlari va bu jarayonlarning moliyaviy jihatdan rag'batlantirilishi va shu bilan birga bu tizimlarning takomillashtirishga oid taklif va mulohazalar ko'rib chiqiladi. Bugungi kunda nafaqat rivojlangan davlatlar, balki rivojlanayotgan davlatlarning ham xizmat ko'rsatishni va innovatsion rivojlantirishni o'z oldilariga strategik vazifa qilib qo'yganliklari bu sohaning dolzarbligini belgilab beradi.*

Kalit so'zlar: *xizmat ko'rsatish, innovatsiya, kichik biznes, venchur, afzallik va kamchilik, mikrokredit*

Аннотация: *В статье рассматривается процессы инновационного улучшения сектора услуги и финансово поощрения этой сферы, мерам и мнениям, чтобы развивать этот аспект. Статья также показывает, что не только развивавшие страны, но также развивающие страны пытаются делать инновационную развитию этого сектора их стратегической важной задачей, которая нужно повышать и достигать.*

Ключевие слова: *услуга, инновация, малый бизнес, венчур, преимущество и недостаток, микрокредит*

Annotation: *This article focuses on issues like process of innovative improvement of service sector and financially encouraging this sphere, measures and opinions to develop this aspect. The article also shows that not only developed countries but also developing countries are trying to make innovative development of this dimension their strategic important task to be increased and achieved.*

Keywords: *service, innovation, small business, venture, advantage and disadvantage, microcredit*

Hozirgi kunda mamlakatimizda xizmat ko'rsatish sohasi iqtisodiyotning istiqbolli yo'nalishlaridan biriga aylanib bormoqda. Bugungi kunda ham rivojlangan davlatlar, ham rivojlanayotgan davlatlar iqtisodiy o'sishga erishish maqsadida o'z oldiga xizmat ko'rsatish sohasini jadal rivojlantirish vazifasini qo'yishayotgani hech shubhasiz haqiqatdir. Sohada tadbirkorlik faoliyati bilan shug'ullanish milliy iqtisodiyotning boshqa tarmoqlaridagi ushbu turdagi faoliyat bilan shug'ullanishga qaraganda afzalliklarga egadirlar. Jumladan quyidagilarni keltirish mumkin:

- Faoliyatni boshlash uchun zarur bo'lgan dastlabki kapitalning katta miqdorda shart emasligi;
- Jalb qilingan kapitalning qaytishi qisqa muddat mobaynida ta'minlanadi.

Mamlakatimizda amalga oshirilayotgan modernizatsiya jarayonlari real sektorga tegishli korxonalarda mehnat unumdorligini oshishi evaziga ishlovchilar sonining tejalishi va qisqartirilishiga olib keladi. Ushbu sohadan bo'shagan ko'pchilik xodimlar

o’z faoliyatlarini aynan xizmat ko’rsatish va servis sohasida davom ettirayotganliklari sir emas. Bu sohaning muhimlik jihati dunyo aholisining bandligi jarayonidagi o’rnini quyidagi diagramma orqali ko’rishimiz mumkin.[24]



Rivojlanayotgan davlatlar qatorida munosib o’rin egallab borayotgan O’zbekiston ham xizmat ko’rsatish sohasini jadal va innovatsion rivojlantirishga muhim e’tibor qaratmoqda. Berilayotgan e’tiborning samarasi natijasida bu sohaning yalpi ichki mahsulotdagi ulushining yildan-yilga oshib borayotganligi va hozirga kelib 55% dan oshganligini ko’rsatishimiz mumkin. Huquqiy tomondan bu sohaning e’tiborli jihatlarini yurtimizda qabul qilinayotgan qonun va qarorlarda yaqqol ko’rishimiz mumkin. Xususan, O’zbekiston Respublikasi Prezidentining “2017-2021-yillarda O’zbekiston Respublikasini yanada rivojlantirish bo’yicha “**Harakatlar strategiyasi**” to’g’risida” farmonining “Iqtisodiyotni rivojlantirishning va liberallashtirishning ustuvor yo’nalishlari” bo’limida “Xizmat ko’rsatish sohasini jadal rivojlantirish, yalpi ichki mahsulotni shakllantirishda xizmatlarning, eng avvalo, ularning zamonaviy yuqori texnologik turlari hisobiga tubdan o’zgartirish”[25] kabi maqsadli vazifalar belgilanib olindi.

Iqtisodiyotimizda yangi jamiyat sari qadam boshlandi va bu yo’lda asosiy iqtisodiy o’sish jarayoni innovatsiya bilan bog’liq. Har bir soha singari xizmat ko’rsatish sohasida ham yuqori o’sish tendensiyalariga erishishda innovatsiyalarning o’rni juda muhim hisoblanadi. Innovatsion g’oya, texnika va texnologiyalarni amaliyotga joriy etish va shu orqali rivojlanish sur’atlariga erishish, hech shubhasiz, har doim muvaffaqiyat kaliti desak yanglishmagan bo’lamiz. Innovatsion rivojlantirishni rag’batlantirish va ularning ko’lamini kengaytirishda har yili yurtimizda o’tkaziladigan an’anaviy “Innovatsion g’oya, texnologiya va loyihalar” Respublika va hududiy yarmarkalari samarali ta’sir ko’rsatmoqda. Aynan shu yarmarkalar asnosida barcha sohalar kabi servis sohasida ham innovatsiyalar ko’lami kengayib bormoqda va bu o’z navbatida xizmat ko’rsatish sohasi subyektlari o’rtasida raqobatbardoshlik muhitini hosil qilishga zamin yaratmoqda.

[24]www.nauka-rastudent.ru
[25]www.lex.uz

Yurtimizda xizmat ko’rsatish sohasi rivoji borasida ko’plab samarali ishlar olib borilmoqda va amalga oshirilishi qonun hujjatlari bilan belgilab borilmoqda. Xizmat ko’rsatish sohasini innovatsion rivojlantirishda bu sohada faoliyat yuritib borayotgan xo’jalik faoliyat yurituvchi subyektlar miqdori, ularning sifati ham har tomonlama muhim ahamiyat kasb etadi. Ayniqsa, bu sohada faoliyat yuritayotgan subyektlar orasida kichik biznes va xususiy tadbirkorlarning o’rni va afzalligi yaqqol ko’rinib borayotganligi ular sonining xizmat ko’rsatish subyektlarining 80% dan ortig’ini tashkil qilishi isbotlab bermoqda.[26] Hozirda Respublikada 2017-yil 1-yanvar holatiga ko’ra 218 170 ta kichik biznes va xususiy tadbirkorlar mavjud bo’lib, xizmatlar sohasida ishlab chiqarilgan xizmatlar ulushida 60,5%i aynan shu sohaga to’g’ri kelmoqda.[27]

Yuqorida ta’kidlangan islohotlar va jarayonlarning izchilligini ta’minlash yo’lida hukumat organlari tomonidan bir qator imkoniyatlar ochib berilmoqda. Xususan, soha subyektlarini iqtisodiy-moliyaviy jihatdan qo’llab quvvatlash, ularning faoliyatlarini rag’batlantirish, innovatsiyalarni qo’llab-quvvatlash va ularni ishlab chiqarish va xizmatlar sohasiga joriy etish maqsadida mikrokreditlash tizimining soddalashtirilishikengaytirilishini ko’rsatib o’tishimiz mumkin. Xo’sh, mikrokredit tizimi afzalligi va kamchiliklari nimada?

Mikrokredit bu jismoniy va yuridik shaxslar uchun qisqa muddatlar uchun beriladigan kredit turi hisoblanadi. Bu kredit turi paydo bo’lishi Bangladesh davlati bilan bog’liq hisoblanadi.[28] Mikrokreditlash tizimining afzalliklari:

- Pul mablag’larini qisqa muddatlarda olish imkoniyati;
- Kreditni rasmiylashtirishda ko’p miqdorda hujjatlarning talab etilmasligi;
- Agar siz doimiy daromad egasi bo’lmasangiz ham bu kredit olish uchun to’sqinlik qilmaydi;
- Kredit olishda siz faqatgina biznes maqsadini ko’rsatishingiz yetarli hisoblanadi va hokazo.

Shu bilan bir qatorda bu tizimning bir qator kamchiliklari ham mavjud:

- Bu kredit turi uchun qo’yiladigan foiz stavkasining nisbatan yuqoriligi;
- Berilayotgan pul miqdori boshqa kredit turlari kabi yuqori emas;
- va hokazo.

Bu tizim O’zbekiston Respublikasida ham hozirda keng taraqqiy topib bormoqda.Mikrokreditlashni huquqiy tomondan qo’llab-quvvatlash uchun bir qator me’yoriy hujjatlar ham qabul qilinmoqda. O’zbekiston Respublikasi Prezidentining 2017-yil 31-yanvardagi PQ-2746 sonli “Kichik va xususiy tadbirkorlikni mikrokreditlash tizimini yanada kengaytirish va soddalashtirish chora-tadbirlari to’g’risida”[29]gi qarori fikrimiz dalili bo’lib xizmat qiladi. Qarorda keltirilishicha:

- Mikrokredit summasi – eng ka mish haqining 200 barobarigacha;
- Asosiy qarzni to’lashga olti oy muddatli davrni hisobga olgan holda 3 yilgacha muddatga;
- Yillik foiz stavkalari: bitta ish joyi yaratilganda – 9%, ikkita ish joyi – 8%, uchtadan to’rttagacha ish joylari – 7%, beshta va undan ortiq ish joylari yaratilganda – 6% miqdorida;

[26]O’zbekistonRespublikasiPrezidentining2015-yilgi yilyakunlaridagima’ruzasi
[27]www.uzreport.uz
[28]www.finansy.ru
[29] www.lex.uz

• Tijorat banklari O’zbekiston Respublikasi Savdo-sanoat palatasi bilan birgalikda murojaat etuvchilarga mikrokreditlarni rasmiylashtirish va biznes rejalarni tayyorlashda har tomonlama tashkiliy ko’mak va amaliy yordam bersin.

Kreditlash sohasida qilinayotgan islohotlar o’z samarasini bermay qolmayapti. Shu o’rinda yana bir statistik ma’lumot: O’zbekiston Respublikasi «Kichik biznes subyektlariga kredit berish» deb nomlanadigan ko‘rsatkich bo‘yicha so‘nggi uch yilda 154-o‘rindan 42-o‘ringa ko‘tarildi.[30]

Shu bilan bir qatorda hozirda yuz berayotgan innovatsion jarayonlarni qo’llab-quvvatlashda ba’zida kredit tizimlari ham talabga javob bera olmasligi mumkin. Jahon tajribasi shuni ko’rsatmoqdaki, innovatsion faoliyatlarni rivojlantirishda va ularni moliyaviy qo’llab-quvvatlashda **venchur firma**lari va **venchur moliyalashtirishlar** asosiy o’rinni egallaydi. Bunday moliyalashtirish ham jismoniy, ham yuridik shaxslarning innovatsion faoliyatlarini vositachilarsiz qo’llab-quvvatlashga va yordam berishga qaratilgan. Investitsion institut hisoblangan venchur fondlari mikrokredit tizimi kabi bir qator afzallik va kamchiliklarni o’zida mujassam etadi. Bunday faoliyat o’ta yuqori tavakkalchilikni talab etsada, innovatsion tadbirkorlikni rivojlantirish hamda innovatsiyalarni amaliyotga joriy etishda juda samarali hisoblanadi. Shu kabi moliyalashtirishda yuqori xavf moliyalashtiruvchi firmalar zimmasiga tushsada, ba’zida bir nechta innovatsiyalardan kelgan zarar, birgina innovatsiya foydasi orqali qoplanib, daromad keltirishni ta’minlashi mumkin.

Yuqorida ta’kidlab o’tganimizdek, xizmat ko’rsatish sohasi ishlab chiqarish sohasiga nisbatan yuqori sur’atlar bilan o’sib bormoqda. Bu soha bozor talab-ehtiyojiga juda moslashuvchan hisoblanadi. Har bir soha singari bu sohani ham innovatsion rivojlantirishda davlatning moliyaviy va iqtisodiy richaglarini takomillashtirish, shu bilan bir qatorda ularning qo’llab-quvvatlanishida jahon amaliyotida joriy etilgan va etilayotgan yangi moliyaviy tizimlarni o’rganib chiqish va ularni O’zbekiston tizimiga moslashtirgan holatda amaliyotga joriy etish har tomonlama dolzarb vazifa hisoblanadi. Yana bir mukammal vazifa sifatida shu sohada faoliyat yuritadigan kadrlarni tayyorlash va ularning malakasini izchil takomillashtirib borishni ko’rsatishimiz mumkin.

МОЛИЯВИЙ НАЗОРАТНИНГ КОРХОНАЛАР БАРҚАРОРЛИГИНИ ОШИРИШДАГИ РОЛИ

Каримбердиев Ж. – МК-314 гуруҳ талабаси, СамИСИ
Ражабов З.Ж. – МДМ-115 гуруҳ магистранти, СамИСИ
Хамраев М.С. – “Молия ва суғурта хизматлари” кафедраси ассистенти, СамИСИ

Мақолада корхоналар молиявий барқарорлигини таъминлашда молиявий назоратнинг роли ва таъсири ёритилган.

В статье освещена роль и влияние финансового контроля на обеспечение финансовой устойчивости.

The article highlights the role and influence of financial control on ensuring financial sustainability.

[30]O’zbekiston Respublikasi Prezidentining 2015-yilgi yil yakunlaridagi ma’ruzasi

Таянч сўз ва иборалар: *Корхона, молиявий назорат, молиявий-хўжалик фаолият.*

Ключевые слова: *Предприятие, финансовый контроль, финансово-хозяйственная деятельность.*

Keywords: *Enterprise, financial control, financial and economic activities.*

Замонавий корхоналар молиявий фаолиятида молиявий назоратни оқилона ташкил этмай туриб, уларнинг фаолиятини барқарорлигини таъминлаб бўлмайди. Шу боисдан корхоналар молиявий назоратини ташкил этишнинг шакллари ва усулларини оқилона қўллаш мақсадга мувофиқдир.

Корхона ичидаги молия назоратни корхона, ташкилот ва муассаса ичида ташкил қилинган иқтисодий хизматлар амалга оширади. Назорат объекти эса, алоҳида корхонанинг молия ва ишлаб чиқариш жараёни ҳамда алоҳида корхона таркибига кирувчи тузилмавий бўлимлар ҳисобланади.

Молия назоратининг дастлабки шакли-юридик ва жисмоний шахсларнинг молия хўжалик жараёнини юргизишда муҳим аҳамият касб этиб, у корхона молия режасини ташкил қилишда, кўриб чиқишда ва тасдиқлашда, муассаса ва ташкилотларнинг даромадлар ва ҳаражатлар сметаси, таъсис ҳужжатларини имзолашдан олдин амалга оширилиши лозим бўлган жараёнлар тартибидир. Шундай қилиб, дастлабки назорат молиявий, моддий ва меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланишга ижобий шарт-шароит яратиб беради. Молиявий назоратнинг бу шакли амалдаги қонунчилик ва норматив актлар бўзилишининг олдини олишда хизмат қилади.

Жорий молиявий назорат шакли хўжалик-молия операциялари жараёни орқали молия режалари бажарилаётган пайтда қўлланилади. Ушбу шаклнинг асосий аҳамияти корхоналарнинг ички хўжалик резервларини излаш ҳисобидан жамғармани оширишга таъсир қилади. Жорий молия назорати корхона, ташкилот ва мауссасаларнинг молия хизматлари орқали молия режаси бажарилаётганда, молиявий интизомлар бузилишининг олдини олиш мақсадида кундалик тадбирларни амалга оширади.

Молиявий назоратнинг сўнгги шакли-ҳисобот даври ва бутун молия йили тугагундан кейин амалга ошириладиган тадбирлар йигиндисидир. Бунда бюджетни ижро этишдаги давлат пул ресурсларини мақсадга мувофиқ, ҳаражат қилинганлиги, корхона ва ташкилотларнинг молия режасининг бажарилганлиги ҳамда бюджет муассасалари сметасининг бажарилиши натижалари текширилади. Сўнгги молия назорати дастлабки молия назорат шакли ўзаро боғлиқликдадир, чунки сўнгги назорат дастлабки назорати базасида амалга оширилади.

Молия назорати амалга ошириш усуллари бўйича ҳам фарқланиб, у қўйидаги усулларга бўлинади: текшириш, таҳлил ва тафтиш.

Текшириш усули орқали, ҳисобот, баланс ва ҳаражат ҳужжатлари асосида корхона молия-хўжалик фаолиятининг алоҳида масалалари кўриб чиқилади. Текшириш жараёнида молия интизомининг бузилган нуқсонлари аниқланади, натижада, мавжуд муаммоларни бартараф этиш ва салбий ҳолатларни такрорламаслиги учун чора-тадбирлар ишлаб чиқилади.

Молия назоратининг таҳлил усули муқаррар ва омилкор бўлиш лозим, чунки у даврий йиллик ҳисоботлар орқали бажарилади. Пировардида, маблағларни ҳаражат қилиш нормаси таъминланади ва режанинг бажарилиши аниқланади.

Молия назоратининг тафтиш усули корхона ва ташкилотларнинг ҳисобот давридаги молия-ҳўжалик фаолиятини текшириш учун қўлланилаётган энг устувор усулларидан бири ҳисобланади.

Бозор иқтисодиёти шароитида товар-пул муносабатлари ривожланиши юксалади, пировардида, бир томондан, хўжалик субъектларининг ранг-баранг мулк шакллари вужудга келса, иккинчидан, молия бозорининг пайдо бўлиб ривожланишига ҳам туртки бўлади. Бундай ҳолатлар ўз ўрнида молиявий назоратнинг янги турларини вужудга келиши ва ундан самарали фойдаланишни тақозо этади. Аудиторлик-бизнинг республикамизда янги назорат органи бўлиб, у мулк шаклидан қатъий назар барча турдаги корхона, ташкилот ва муассасаларни молия-хўжалик, тижорат ва тадбиркорлик фаолиятини пуллик асосда текшириш ўтказади. Аудиторлик фирмалари- бу мустақил муассаса бўлиб, назоратнинг объективлигини таъминлашга ва унинг сифат даражасини яхшилашга таъсир кўрсатади.

Жамиятдаги иқтисодий ҳаётнинг турли хил соҳаларида ва хўжалик бошқарувидаги кўп қиррали мураккаб вазифаларни ҳал қилишда молиявий назорат фаол иштирок этади, шунга биноан уни ташкил этиш учун маълум бир талабларни аниқлаш тақозо этади.

Молиявий назоратни амалга оширувчи субъектлар ўз мавқеидан келиб чиқиб қўйидагича фарқланади: -давлат молия назорати; -корхона ичидаги молия назорати; - жамоа молия назорати; -мустақил (аудиторлик) молия назорати.

Молиявий назорат-бутун назорат тизимининг таркибий қисми бўлиб, унинг йўналиши, давлат молия сиёсатини мувафаққиятли амалга ошириш, тармоқлар иқтисодидаги барча соҳа ва бўғинларда молиявий ресурсларни шакллантириш ва самарали фойдаланишга қаратилган бўлади. Бозор иқтисодига ўтиш даврида ва бозор муносабатлари ривожланган такдирда ҳам молиявий назоратнинг салоҳияти пасаймасдан, балки ошиб боради.

Молиявий назорат-молиянинг назорат функциясини ҳаётга тадбиқ этиш кўринишида намоён бўлиб, у молиявий назоратнинг мазмуни ва йўналишини белгилаб беради. Шундай бўлсада, молиявий назоратнинг мазмуни ва йўналиши жамиятдаги ишлаб чиқариш кучлари ва муносабатларининг ўзгаришидан келиб чиққан ҳолда ўзгариб туради. Масалан, корхоналарнинг хўжалик юритиш ҳуқуқларининг кенгайиши, уларнинг молиявий фаолиятини олиб боришдаги мустақиллиги, тадбиркорликнинг ранг-баранг кўринишдаги мулк шаклларининг вужудга келиши молиявий назоратнинг мазмунини бойитишга олиб келади.

Молиявий назорат махсус шакл ва услубларини қўллаш орқали хўжалик юритувчи ва бошқарув органларининг молиявий фаолияти билан боғлиқ бўлган масалаларни текширишга қаратилган ҳаракатлар ва тафтишлар йиғиндисини ўзида акс эттиради.

Молиявий назоратни тадбиқ этиш учун юқори малакали ва тажрибали мутахассислардан таркиб топган махсус орган ташкил этилади. Уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари қонунчилик орқали қатъий регламентланган бўлади. Молиявий назорат-тармоқлар иқтисодидаги назоратнинг таркибий қисми бўлиб, у қиймат категорияси билан боғликдир. Молиявий назорат маълум бир соҳаларда қўлланиб, ўзига хос мақсадли йўналишига эга. Моливиявий назоратнинг объекти бўлиб, унга молиявий ресурсларнинг ҳаракати, шаклланиши ва фойдаланишдаги тақсимлаш ва

пуллик жараёнлар шунингдек, тармоқлар иқтисодининг барча бўғинларидаги фонд шаклидаги пул ресурслари ҳам киради.

Молиявий назорат қўйидаги текширишларни ўзида акс эттиради:

-объектив иқтисодий қонунлар талабига риоя этиш;

-миллий даромад ва ялпи ижтимоий маҳсулот қийматини тақсимлаш ва қайта тақсимлашдаги оптималликни таъминлаш;

-давлат бюджети даромадини ташкил этиш ва ижросини таъминлаш;

-корхона, ташкилот ва бюджет муассасаларида молиявий, меҳнат ва материал ресурсларидан самарали фойдаланиш;

-хўжалик субъектларининг молиявий ҳолати ва солиқ назорати.

Молия интизомига риоя қилиш учун молиявий назорат корхона, ташкилот ва муассасалар жавобгарлиги билан узвий боғлиқликда бўлади. Бундай жавобгарлик молйя интизомини бузган шахсга нисбатан, ҳам маъмурий кўринишида, ҳам иқтисодий усулда бўлиши мумкин. Иқтисодий усул билан таъсир кўрсатиш муайян молия санкциялари орқали амалга оширилади.

Молиявий жавобгарликни кучайтириш, бир томондан, молиявий назоратнинг таъсирини юксалтиришда қўлланилаётган молиявий санкциялар микдорини камайтиришни талаб қилса, иккинчи томондан уларнинг самарадорлик даражасини оширишни талаб этади.

ХИЗМАТ КЎРСАТИШ КОРХОНАЛАРИДА РЕСУРСЛАР САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ЙЎЛЛАРИ

Собиржонов Ж. – МК-414 гуруҳ талабаси, СамИСИ
Зубайдуллаев Ф.Ф. – “Молия ва суғурта хизматлари” каф.асс, СамИСИ
Курбанова С.Б. – “Молия ва суғурта хизматлари” каф. асс, СамИСИ

Мақолада хизмат кўрсатиш корхоналарининг ресурсларни ташкил этиш ва самарадорлигини таъминлаш йўллари ёритилган.

В статье освещены пути организации и обеспечения эффективности финансовых ресурсов предприятий сферы услуг.

The article highlights the ways of organizing and ensuring the effectiveness of financial resources of service enterprises.

Таянч сўз ва иборалар: *Корхона, хизмат кўрсатиш, ресурс, молиявий ресурс.*

Ключевые слова: *Предприятия, оказание услуг, ресурсы, финансовые ресурсы.*

Keywords: *Enterprises, services, resources, financial resources.*

Хизмат кўрсатиш тизими корхоналарини барқарорликка эришишнинг энг муҳим омилларидан бири ресурслар самарадорлиги бўлиб ҳисобланади. Ҳозирги шароитда хизмат кўрсатиш соҳа корхоналарида ресурслар борасида ҳам самарадорликка эришиш муҳим масалалардан бири бўлиб қолмоқда. Агарда ресурслар хизмат кўрсатиш корхоналари учун етарли миқдорда фойдани (даромадни) шакллантиришга имконият яратса, бундай муносабатни юзага келтиришга боғлиқ меъёрий ҳужжатлар илмий асосланган бўлса, унда хизмат кўрсатиш корхонасини тўлиқ барқарорлашганлигидан далолат беради. Чунки ҳар қандай илмий асосланган меъёрий ҳужжатни амал қилиши корхоналарни молиявий барқарорлигига хизмат қилиши муқаррардир. Шу билан бирга, бир

вақтнинг ўзида амалиётга илм ва техниканинг янги ютуқларига асосланган инновацион аҳамиятга молик меъёрларни жорий этиш энг аввало ресурслардан самарали фойдаланиш йщлларини аниқлаш, турли солиқ тўлов тизимини қўллаш натижасида хизмат кўрсатиш тизими корхонларини фойдаси (даромади)нинг барқарор ўсиши ҳамда кейинчалик молиявий ресурслардан самарали фойдаланиш таъминланиши мумкин бўлади.

Ҳозирги кунда хизмат кўрсатиш соҳасида савдо, овқатланиш ва транспорт хизматлари энг катта ҳиссани ташкил этади. Савдо ва овқатланиш корхоналари фаолиятининг асосий кўрсаткичик чакана товар айланишидир. Бу кўрсаткич ҳисобот даврида корхона ташкилотларига (юридик шахсларга) ҳамда аҳолига охирги истеъмол учун сотилган товарлар қийматларининг йиғиндисини билдиради.

Хизмат кўрсатиш корхонаси хўжалик самарадорлиги курсаткичлари, иктисодий ривожланиш сурати, молиявий-хўжалик фаолияти, хизмат кўрсатиш самарадорлигини комплекс бахолаш курсаткичлари корхона молиявий-хўжалик фаолияти самарадорлигининг умумлаштирувчи курсаткичлари вазифасини бажариши мумкин.

Хизмат кўрсатиш корхонаси молиявий-хўжалик фаолияти самарадорлигининг умумлаштирувчи курсаткич сифатида, шунингдек, иктисодий салохият курсаткичини хам курсатиш мумкин.

Хизмат кўрсатиш корхонасининг иктисодий салохияти деганда моддий, мехнат, молиявий, табиий ва корхона тасарруфида булган бошка ресурслар йиғиндиси, шунингдек, корхона ходимлари ва бошкарув персоналининг бу ресурслардан корхона фаолиятининг асосий максадига мос равишда муайян иктисодий шароитларда максимал фойда олиш максадида фойдаланиш кобилияти тушунилади.

Хизмат кўрсатиш корхоналарида ресурслари ва улардан фойдаланиш самарадорлигини тавсифловчи кўрсаткичларни уч гуруҳга таксимлаш мумкин:

I-гуруҳ — хизмат кўрсатиш корхонаси молиявий ресурсларини, тавсифловчи курсаткичлар:

асосий воситалар (суммаси, таркиби, фойдаланиш самарадорлиги курсаткичлари); айланма воситалари барчаси (умумий микдори, таркиби ва коплаш нуктаи назаридан структураси, айланиш курсаткичлари ва хоказо); капитал (структураси, фойдаланиш самарадорлиги).

Бундан ташкари, ушбу гуруҳга хизмат кўрсатиш корхонасининг молиявий холати курсаткичлари — баркарорлик, ликвидлик ва тулов кобилиятини хам киритиш максадга мувофик;

II гуруҳ—корхона мехнат ресурсларини тавсифловчи курсаткичлар;

ходимлар сони (умумий сони, структураси, ишчи кучи харакати курсаткичлари, мехнат махсулдорлиги ва хоказо);

иш хаки харажатлари (суммаси, даражаси, структураси, уртача иш хаки, иш хаки харажаталридан фойдаланиш самарадорлиги ва хоказо);

III гуруҳ — корхона моддий ресурсларини тавсифловчи курсаткичлар:

асосий фондлар (таркиби, структураси);

товар захиралари (суммаси, холати, уртача захиралар, айланиш тезлиги ва хоказо).

Молиявий ресурсларнинг ҳажми ва таркиби ишлаб чиқаришнинг ривожланиш даражасига, унинг самарадорлигига бевосита боғлиқ. Ишлаб чиқариш масштаблари қанча йирик, унинг самарадорлиги юқори бўлса, молиявий ресурсларнинг ҳажми шунча катта бўлади. Ўз навбатида, ишлаб чиқаришга жалб қилинган молиявий ресурслар унинг ўсишига ва такомиллашувига шарт-шароит яратади.

Хўжалик субъектлари ихтиёридаги молиявий ресурслар марказлашган молиявий ресурслар бўлиб, улар:

- *капитал қўйилмаларга;*
- *айланма маблағларнинг ошишига;*
- *фан-техника ютуқларини жорий қилишни молиялаштиришга;*
- *табиат муҳофазасига;*
- *ижтимоий мақсадларга* сарфланиши мумкин.

Иқтисодий муносабатларнинг эркинлаштирилиши шароитида хизмат кўрсатиш корхоналарининг моддий ресурслар билан таъминланганлигини ва улардан самарали фойдаланишни таҳлил этишда куйидагиларга эътибор қаратиш ўта зарур ҳисобланади:

- корхоналарнинг зарурий моддий ресурслари билан таъминланганлик даражасини аниқлаш;

- моддий ресурсларни корхонага етказиб бериш хажмини, комплекслилиги, сифатлилиги, сортлилиги ҳамда маромийлигининг даражасини белгилаш;

- моддий ресурсларни етказиб бериш борасида корхоналараро тузиладиган шартномаларнинг ўз вақтида тузилганлигини аниқлаш;

- моддий техника таъминоти белгиланган режасининг хақиқатга яқинлигини текшириш;

- транспорт тайёрлов харажатларини ҳисоблаш;

- материаллардан самарали фойдаланиш кўрсаткичларини аниқлаш ва уларни маҳсулот хажмига ҳамда унинг таннархига таъсирини миқдор жиҳатдан ҳисоблаш;

- хом-ашё, ёкилги ва материалларга баҳо беришда фойдаланилмай колган ички имкониятларини аниқлаш, таҳлил этиш ва бошқалар.

Моддий ресурслардан самарали фойдаланишга республикамиз хукумати томонидан хам доимо алоҳида эътибор қаратилмокда. Улар қабул қилинган меъёрий ҳужжатларда ─ “Хусусий корхоналар тўғрисида»ги, “Тадбиркорлик тўғрисида”ги, “Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида”ги ва бошқа қонунларда ҳамда қонуности ҳужжатларда ўз аксини топган. Ресурслардан тежамли фойдаланиш ҳозирги жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида ўта муҳим ҳисобланади.

Хизмат кўрсатиш тизими корхоналарини барқарорликка эришишнинг энг муҳим омилларидан бири солиқ сиёсатининг тўғри юритилиши бўлиб ҳисобланади. Ҳозирги шароитда хизмат кўрсатиш соҳа корхоналарида солиқ муносабатлари борасида ҳам барқарорликка эришиш муҳим масалалардан бири бўлиб қолмоқда. Агарда солиқ имтиёзлари хизмат кўрсатиш корхоналари учун тўғри ташкил этилса, бундай муносабатни юзага келтиришга боғлиқ меъёрий ҳужжатлар илмий асосланган бўлса, унда хизмат кўрсатиш корхонасини тўлиқ барқарорлашганлигидан далолат беради. Чунки ҳар қандай илмий асосланган меъёрий ҳужжатни амал қилиши корхоналарони молиявий барқарорлигига хизмат

қилиши муқаррардир. Шу билан бирга, бир вақтнинг ўзида амалиётга илм ва техниканинг янги ютуқларига асосланган инновацион аҳамиятга молик меъёрларни жорий этиш энг аввало солиқ солиш базасини аниқлаш, солиқ ставкасини иқтисодий чегарасини белгилаш, турли солиқ тўлов тизимини қўллаш натижасида хизмат кўрсатиш тизими корхоналарини фойдаси (даромади)нинг барқарор ўсиши ҳамда кейинчалик молиявий ресурслардан самарали фойдаланиш таъминланиши мумкин бўлади.

BANKLAR INVESTITSYAVIY SIYOSATI

S R Normuxammedov- MK 415- guruh talabasi
Jamolov B- Samarqand Moliya-Iqtisodiyot kolleji o'qituvchisi
M Xamroyev- "Moliya va sug'urta" kafedrasi assistenti

Maqolada OO'zbekiston Respublikasi investitision jarayonlarni moliyalashtiorish muammolari ko'rib chiqilgan.

Tayanch so'zlar: *investitisya investitsion jarayon, xudud, modernizatsiya, moliyaviy resurs, kichik biznes, xusussiy tadbirkorlik.*

В статье рассматриваются проблемы финансирования инвестиционных процессов в Республике Узбекистан

Ключевые слова*: инвестиции,инвестиционный процесс, регион, модернизация,финансовый ресурс, малый бизнес, частное предпринимательство*

The article deals with the investment processes in the Republic of Uzbekistan

Keywords: *investments, investment process,region,upgrade, finance,small business,private entreppreneurship*

Tijorat banklari investitsyaviy siyosatining samarali tashkil etilishi iqtisodiyotni modernizatsya qilishda va real sektorni barqaror rivojlantirishda muhim o'rin tutadi. Muhtaram birinchi yurtboshimiz ta'kinlaganlaridek, "Barchamiz oddiy bir haqiqqtani yaxshi anglab olishimiz darkor- investitsiyalarsiz modernizatsya ham, yangilanish ham bo'lmaydi"[31]

Bank investitsyalari o'ziga xos iqtisodiy xususiyatga ega bo'lib, bankning investitsya faoliyati mikroiqtisodiy jihatidan, ya'ni iqtisodiy subekt sifatida bank nuqtayi nazridan bankning daromad olish maqsadida o'z mablag'larini muayyan mudatga real aktivlarni egallash yoki vujudga keltirish hamda moliyaviy aktivlarni sotib olishga qaratilgan faoliyat bilan izihlanadi. Shu bilan birga, banklar investitsyaviy faoliyati ularning moliyaviy vositachilar sifatida makroiqtisodiy rolni amlaga oshirishlari bilan bog'liq yana bir muhim jihatga ega. Bu holatda banklar xo'jalik yurituvchi subektlarning investitsyalarga bo'lgan ehtiyojini qondirishga imkon yaratadi. Shuning uchun makroiqtisodiy jihatdan banklarning investitsiyaviy faoliyati mintaqalar va mamlakatlar miqyosida ijtimoiy iqtisodiy sohalarni hamda iqtisodiy investitsyaviy extiyojlarni qondirishga yo'naltirilgan faoliyat sifatida tushuniladi.

Investitsiyaviy jarayonlarda banklar ishtirokini faollashtirish zarurati iqtisodiyot va bank tizimining o'zaro bog'liqlikda samarali rivojlanishi bilan belgilanadi. Umumiy xolda investitsyaviy jarayonlarda banklar ishtirokining asosiy yo'nalishi investitsyaviy maqsadlarga bank mablag'larini yo'naltirish, investitsyaviy xarakterdagi kreditlarni

[31] Karimov I.A Asosiy vazifamiz- vatanimiz taraqqiyoti va xalqimiz farovonligini yuksaltirishdir.- Toshkent: "O'zbekiston", 2010 yil 57-bet

berish ulushli ishtirok etish va qimmatli qog’ozlarga mablag’larni qo’yishni o’z ichiga oladi.[32]

Investitsyaviy taktikani shakillantirish investitsyaviy strategiyada belgilangan yo’nalishlar doirasida sodir bo’ladi va ularni istiqbolda amalga oshirishga yo’naltiriladi. Shuningdek, bu jarayonda investitsya qo’yilmalarining tarkibi va hajmi aniqlanadi hamda ularni amalga oshirish bo’yicha chora- tadbirlar tizimi ishlab chiqiladi.[33]

Tijorat banklari investitsyaviy siyosatini shakillantirish jarayoni.



Muhtaram birinchi Prizidentimizning 2008 yil 28 noyabrdagi “Iqtisodiyotning real sektori korxonalarini qo’llab quvvatlash, ularning barqaror ishlashini ta’minlash va eksport salohiyatini oshirish chora- tadbirlari Dasturi to’g’risidagi” PF-4058- sonly Farmoni va boshqa farmon hamda qarorlariga muvofiq, iqtisodiyotning real sektorini moliyaviy qo’llab- quvvatlsh xajimlarini yanada oshirish, shu jumladan, yangi ishlab chiqarish korxonalirini barpo etish mavjud korxonalrni modernizatsiya qilish, texnik va texnalogik jihatdan yangilash bo’yicha investitsyaviy loyihalarni moliyalashtirish jarayonlarida banklarning ishtirokini yanada kengaytirishga alohida etibor berilmoqda.

[32] Банковское дела: Справочное посодие/ Под редаксий Ю.А.Бабичева: Экономека, 2004 йил, 412- бет
[33]Каропетян.А.И совершенствовние инвестиционной политика коммерческих банков в условиях реализации антикризиснх программ: дис.канд.наук- Моское 2011 йил 9-10- бет

Xususan, 2015 yilda iqtisodiyotning real sektoriga yo'naltirilgan kreditlarning umumiy hajmi 2014 yilga nisbatan 27.3 foizga oshib, 2016 yilning 1 yanvar holatiga 42.7 trillion so'mni tashkil etdi. [34]

Mamlakatimizda tijorat banklarining investitsya jarayonlaridagi ishtirokini faollashtirishga qaratilgan chora tadbirlarning izchillik bilan amalga oshirilishi natijasida ular tomonidan investitsya maqsadlariga yo'znaltirilgan kreditlar hajmining oshish tendensiyasi kuztilmoqda. Jumladan tijorat banklari tomonidan ajratilgan investitsyaviy kreditlar hajmi 2016 yil 1 yanvar holatiga ko'ra 10.2 trillion so'mni tashkil etgan holda, 2010 yilga nisbatan uch barobarga oshgan. Bu mamlakatimizda tijorat banklarining investitsya hamda real sector korxonalirini modernizatsiyalash, texnalogik va texnik jihatdan qayta jihozlash, yangi ishlab chiqarish obektlarini barpo etish jarayonidagi ishtirokining faollashib borayotganligini ko'rsatmoqda.

Fikrimizcha, mamlakatimizda tijorat banklarining investitsyaviy siyosatini takomillashtirish va ularning investitsyaviy faoliyatini rivojlantirishda quydagilarni inobatga olish lozim:

- Investitsyaviy siyosatning startegik maqsadlarini ishlab chiqish jarayoniga alohida ahamiyat berish;
- Investitsyaviy loyihalarning xatarlilik va foydalilik darajasini aniqlashda zamonaviy usullarni qo'llash amalyotini kengaytirish;
- Banklarning xatarlarini samarali boshqarish bilan bog'liq bo'lgan faoliyatlarini doimiy ravishda takomillshtirib borish;
- Investitsyaviy siyosatni monitoring qilish tizimini rivojlantirish;
- Xatarlarni boshqarishning ichki tizimlariga alohida ahamiyat bergan holda xarajatlar va daromadlarning maqbul tarkibi va darajasini ta'minlash orqali banklarning investitsyaviy faoliyati samaradorligini yanada oshirish;

Xulosa o'rnida takidlash joizki, tijorat banklari investitsyaviy siyosatni takomillashtirish hamda ularni investitsya jarayonlarida ishtirokini faollashtirish istiqbolda iqtisodiyot real sektorining barqaror rivojlanishiga, yuqori ilmiy sig'imli ishlab chiqrishlarni tashkil etishga va mamlakat iqtisodiy salohiyatining yuksalishiga xizmat qiladi.

ПЕНСИЯ ЖАМҒАРМАСИДА АМАЛГА ОШИРИЛАДИГАН ТЎЛОВЛАР, УЛАРНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎЛЛАРИ

Ташназарова Д. БҲ 313-гуруҳ талабаси
Очилов М. МДМ-116 гурух магистранти
Ҳамроев М.С

Аннотация: *Мазкур мақола нобюджет пенсия жамғармаларини жорий этиш йўли билан пенсия тизимини молиялаштиришни такомиллаштириш масалаларига йўналтирилган.Хусусан, муаллифлар бутун пенсия таъминотида жамғариладиган пенсия тизими ролини оширишда эришиладиган натижаларни муайян таҳлил қилишган.*

[34] http://91.212.168/uzc/node/47081. (Bank tizimi: Barqarorlik makroiqtisodiy o'sishga sharoit yaratmoqda).

Таянч иборалар: *Пенсия таъминоти, жамғариладиган пенсия таъминоти, аҳолининг ўртача умр кўриш даражаси, қонунчилик базаси, нодавлат пенсия жамғармалари, ижтимоий суғурта, истеъмол савати, молиявий инструментлар.*

Аннотация: *Данная статья освещает вопросы улучшения финансирования пенсионной системы путем реализации внебюджетных пенсионных фондов.В частности авторы стремились детально разбираться в результатах, которые будут достигнуты в процедуре повышения роли накопительной пенсионной системы в целой системе пенсионного обеспечения.*

Ключевые слова: *Пенсионое обеспечение , накопительная система , средняя продолжитель-ность жизни населения, законодателыная база, негосударственные пенсион- ные фонды, социалное страхование, потребительская корзинка, финансовые инструменты*

Annotation: *The presented article is devoted to the issues of improvement of the pension system financing by nongovernmental pension funds. Particularty the authors attempted to elaborate on the results which will be attained in the procedure of increasing the role of mandatory accumulative pension in the entire pension in the entire pension provision system.*

Keywords: *Pension provision , accumulative pension system, life expectancy ,legislative basic , non -governmental pension funds, social insurance , basket of goods financial instruments.*

Республикамизда аҳолининг ижтимоий мухофазаси ва уни молиявий қўллаб-қувватлаш, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини қонунчилик ҳамда ҳуқуқий асосларини шакллантириш ва амалга ошириш масалаларига катта аҳамият қаратилиб келинмокда.

Фуқороларнинг ижтимоий таъминотга бўлган ҳуқуқлари асосий қомусимиз бўлган Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси томонидан кафолатланган. Жумладан, унинг 39-моддасида- «Ҳар ким қариганда, меҳнат лаёқатини йўқотганда, шунингдек боқувчисидан маҳрум бўлганда ва қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда ижтимоий таъминот олиш ҳуқуқига эга.

2017-йил 14 январ куни Вазирлар маҳкамасининг мамалакатимизни 2016-йилдаги ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунларини ҳар томонлама таҳлил қилиш ҳамда республика ҳукуматининг 2017-йил учун иқтисодий ва ижтимоий дастури энг муҳим йўналишлари ва устувор вазифаларини белгилашга бағишланган кенгайтирилган мажлиси бўлиб ўтди. Ижобий таркибий ўзгартиришлар ва иқтисодиётнинг юқори ўсиш суръатлари туфайли аҳолининг реал даромадлари 11 фозига ошганлиги эътироф этилди.Шунингдек, бюджет ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи 15 фоизга, пенсия ва ижтимоий нафақалар-12,1 фоизга, аҳоли жон бошига реал даромадлар-11 фоизга ўсди, 726 минг нафарга яқин аҳолининг , шу жумладан, 438,5 минг коллеж битирувчисининг бандлиги таъминланганлиги қайд этилди.[35]

Ижтимоий соҳани ривожлантиришга йўналтирилган бюджет харажатлари фақат ижтимоий эмас, балки иқтисодий аҳамиятга эга бўлади, жамиятнинг иқтисодий

[35]Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий якунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузаси. – «Халқ сўзи», 2017 йил 16 январь.

салоҳиятини оширишга ёрдам бериши, чунки давлат амалга ошираётган, аҳолининг ҳамма қатламлари манфаатларига дахлдор бўлган иқтисодий фаолият натижалари ижтимоий соҳа орқали рўёбга чиқиши бюджет манбаларидан самарали фойдаланишни, харажатларни манзилли бўлишини талаб этади.Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан ишлаб чиқилган “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегияси”да иқтисодиётни ривожлантириш ва либераллаштиришнинг устувор йўналишлари белгиланиши ушбу вазифалар таркибида пенсия таъминоти ва ижтимоий соҳаларга қилинадиган харажатларни ўсишини таъминлаш масаласини қўйилиши яқин келажакда иш ҳақи, пенсия ва нафақалар миқдорини босқичма-босқич ошириш, аҳоли бандлигини таъминлаш масаласини самарали ҳал этиш, фуқароларни замонавий ва арзон уй-жойлар билан таъминлаш, уй-жой ва коммунал хўжалигини, социал инфратузилма объектларини модернизация қиниш, илм-фан, тарбия тизиммини, ёшларга оид давлат сиёсатини такомиллаштириш йўлида ижтимоий соҳани ривожлантириш масалалари белгилаб қўйилиши диққатга сазовор бўлмоқда.Ушбу сохада хисоб – китобларни тартибли амалга ошириш мақсадида, 2016-йил 3-ноябрдан бошлаб пенсия жамғармаси томонидан пенсия ва нафақалар тўловига маблағ олиш учун талабномаларни электрон шаклда қабул қилиш хизмати жорий этилди.Бунинг натижасида жорий йилнинг феврал ойидан бошлаб барча турдаги пенсия тўловлари ҳеч қандай чекловларсиз тўлиқ ҳажмда, талабаларга эса стипендияларнинг камида 50 фоизини нақд шаклда топшириш механизмлари қўллана бошланди.Бу эса ижтимоий соҳани тубдан такомиллаштириш, пенсионерлар, талабалар ва аҳолининг бошқа ижтимоий эҳтиёжманд қатламлари ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари ҳимоясини сўзсиз таъминлаш, уларнинг Ўзбекистон Республикасининг барча ҳудудида харид қиладиган товар ва хизматлар учун тўловларни тўсиқларсиз амалга ошириши учун қулай шароитлар яратиб бермоқда.

Пенсия таъминоти тизимидаги бошқарув тузилмасини такомиллаштириш давлат ижтимоий суғуртаси бўйича мажбурий бадаллар тўлиқ йиғилишини кўпайтириш, амалдаги бошқарув тузилмаларини қисқартириш ҳамда пенсиялар ва нафақалар тўлашга йўналтириладиган маблағлардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, шунингдек, ижтимоий таъминот билан боғлиқ тўловларни ўз вақтида хисоблаш ва йўлга қўйилди.

Ўзбекистон Республикасининг “Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида”ги Қонунининг 2-моддасига асосан давлат пенсияларининг қуйидаги турлари доирасида таъминланиши,яъни

1. ёшга доир пенсия тўловлари
2. ногиронлик пенсияси тўловлари
3. боқувчисини йўқотганлик пенсияси тўловлари белгиланган муддатда амалга ошириб келинмоқда

Ёшга доир пенсия олиш ҳуқуқига:

1. эркаклар-60 ёшга тўлганда ва иш стажлари камида 25 йил бўлган тақдирда;
2. аёллар-55 ёшга тўлганда ва иш стажлари камида 20 йил бўлган тақдирда эга бўлиши хуқуқларини амал қилиши хам пенсия жамғармасидан ажратмаларга маблағларни манзилли харакати учун имконият яратиб бермоқда.

Ўйлаймизки бу борада қилиниши зарур бўлган вазифалар талайки, шулар ичида энг асосийси пенсия ёшини 60 ёшдан 66 ёшга кўтариш,аёллар учун эса 55 ёшдан 60 ёшга кўтариш,келгусида улар мехнатидан янада самарали фойдаланиш имкониятини яратади. Умумий белгиланган ёшни қисқартирган ҳолда имтиёзли шартларда пенсияга чиқиш ҳуқуқига, шунингдек:

1. Уруш ногиронлари, болаликдан ногиронлар оналари – 5 йилга қисқартирган ҳолда тўловларни амалга оширилиши

2. лилипут ва паканалар – 10 йилга қисқартирган ҳолда тўловларни берилиши фикримиз далилидир.

Йигирма йиллик иш стажи бўлган аёллар эллик тўрт ёшга тўлганда пенсия олиш ҳуқуқига эга бўлишлари аёлларни белгилаб қўйилган ёшга ётган тақдирда хам пенсияни 50% ни олган холда фаолият кўрсатиш мумкинлиги уларни хуқуқларини янада мустахкамлашга замин яратиб бермоқда.

Ногиронлик пенсиялари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда 1 ва 2-гуруҳ ногиронлари деб топилган шахсларга тайинланиши ногиронлик сабаблари ва гуруҳлари, шунингдек ногиронлик бошланган вақт ва ногиронликнинг қанча муддатга белгиланиши тиббий-меҳнат эксперт комиссиялари (ТМЕК) томонидан аниқланиши, кўрикдан ўтказиш ва касбий меҳнат лаёқатини йўқотиш даражасини аниқлаш уларни тиббий кўрикдан ўтказиш тартибини янада такомиллаштиришга, ногиронликни ва касбий меҳнатга лаёқат йўқотилиши даражасини аниқлашга йўналтирилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни янада ривожлантиришни тақозо этмоқда.Бу масалага жиддий муносабатда бўлиш ва уларга амалдаги Низомлар асосида тўловларни белгилаш ва амалга оширишни талаб этилмоқда.

Айтиш жоизки, боқувчисини йўқотганлик пенсияси олиш ҳуқуқига эга бўлган вояга этмаган фарзандлар, улар фарзандликка олинганларида ҳам бу ҳуқуқдан кенг фойдаланиш имкониятига эгадирлар,мисол учун:

✓ ўгай ўғил ва ўгай қиз, агар улар ота-оналаридан алимент олмаган бўлсалар, ҳақиқий фарзандлар сингари пенсия олиш

✓ ўгай ота ва ўгай она, агар вафот этган ўгай ўғилни (қизни) 18 ёшга тўлгунга қадар камида 5 йил тарбиялаган ёки боққан бўлсалар, ҳақиқий ота ва она сингари пенсия олишга ҳуқуқ берилган.

Бундай тўловларни амалга оширишда чет эл тажрибасидан амалий фойдаланиш хам йўлга қўйилган.Шундай қилиб, пенсия жамғармасидан тўловлар манзилли ва мақсадли фойдаланишни самарали йўлга қўйиш, аҳоли турмуш фаровонлигини оширишга, нуроний ва пенсионерларни эъзозлаш тизимни такомиллаштириб бориш орқали фуқароларнинг давлат пенсия таъминотини адолатли ташкил этилишига замин яратади деб ўйлаймиз.

БАНК ВА САВДО КОРХОНАЛАРНИНГ ЎЗАРО ТАЪСИРИДА ИНВЕСТИЦИОН ФАОЛЛИКНИ РАҒБАТЛАНТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

Умаров Б. – МК-314 гуруҳ талабаси, СамИСИ
Умирзоқов Д. – МДМ-115 гуруҳ магистранти, СамИСИ
Ходжимамедов А. – “Молия ва суғурта хизматлари” каф. асс, СамИСИ

Мақолада банк ва савдо корхоналарининг инвестицион фаолликни рағбатлантириш бўйича ўзаро таъсири ёритилган.

В статье освещено взаимовлияние стимулирования инвестиционной активности банков и предприятий торговли.

The article highlights the mutual influence of stimulating the investment activity of banks and trade enterprises.

Таянч сўз ва иборалар

Корхона, савдо корхонаси, инвестиция, банк, инвестицион селенг.

Ключевые слова

Предприятие, торговое предприятие, инвестиции, банк, инвестиционный селенг.

Keywords

Enterprise, commercial enterprise, investment, bank, investment seleng.

Минтақавий иқтисодиёт реал тармоғининг баркарор иқтисодий ривожланишини инвестиция жараёнида банкларнинг фаол қатнашишига боғлиқ бўлиб, бунда давлат томонидан банкларни иқтисодиётнинг реал тармоғига мақсадли йўналтирилганлиги муҳим аҳамият касб этади.

Республикамиз банк тармоғи ривожланишини характерловчи хусусиятлар, унинг савдо корхонаси билан ўзаро таъсирини билиш мухимдир.минтақаларда инвестиция ресурсларини жамлашнинг аниқ шакллари, банк ва савдо капиталини интеграциялашга йўналтирилган тадбирлар, минтақа миқёсида инвестиция ва инновация фаолликни рағбатлантириш бўйича таклифлар ишлаб чиқишга ҳаракат қилиниши мухимдир. Савдо корхоналар маблағларга эҳтиёжни устивор даражада микроиқтисодий вазият блгилайди. Юзага келаётган кулай шартшароитларда куплаб динамик ривожланувчи корхоналар ўзларининг молиявий фаолиятини ўз айланма маблағлари ҳисобидан олиб боришади ва олинган банк кредитларидан фойдаланишда юксак самарадорлини таъминлашади. Аксинча ҳолларда, яъни ялпи ички маҳсулот камайиши, инфляция ўсиши ва бошқа шу каби ҳолларига олиб келувчи турғунлик тенденциялари эса, реализация ҳажмининг қисқаришига, бу эса ўз навбатида хужалик юритувчи субектнинг кредитларга бўлган эхтиёжини ўсишига ва хроник тарздаги ссуда қарздорлигининг ўсишига олиб келади.

Ҳозирги шароитда корхона реализация ҳажмининг ўсиши учун нафақат айланма капитални молиялаштиришга харажатларни ошириш лозим, балки асосий капитални молиялаштиришга харажатларни ошириш лозим, айниқса бундай ҳол савдо тармоқларига биринчи навбатда тегишлидир. Шу туфайли хўжалик юритувчи субектлар томонидан маблағларга бўлган эҳтиёж талаби ўрта муддатли ва узоқ муддатли қарз ва кредитлар томонига қараб ўзгаради.

Кредит ташкилотларининг ресурсларни ҳар доим узоқ муддатли кредитларни савдо тармоқларни ривожлантиришга йўналтириш имконини бермайди. Шунинг учун ҳозирги вақтда кредит ташкилотлари иштироқида инвестиция фаолликнидавлат томонидан кўллаб-кувватланиши мухим аҳамият касб этади. Республикамизда шунинг учун ҳам банкларнинг ресурс базасини оширишга катта эътибор қаратилмоқда. Бу эса ўз навбатида савдо тармоғига йўналтирилаётган кредит маблағлари ҳажмининг ошиши имконини беради. Республика Иқтисодиёт вазирлиги маълумотларига мувофиқ 2012 йилнинг биринчи чорадаги якунларига кўра иқтисодиёт реал тармоғига йўналтирилаётган банклар кредитлари ҳажми 38.2 фоизга ошган. Бунда узоқ муддатли кредитлар ҳажми ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 38.4 фоизга ошган. 2012 йил биринчи чораги якунларига кўра тижорат

банкларни томонидан корхонани модернизациялаш, технологик ватехникавий янгилашга йўналтирилган инвестиция кредитлари ҳажми 2.2 триллион сўмни ташкил этган, бу эса ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 34 фоизга кўпроқни ташкил этади.

Инвестиция фаолиятини молиялаштириш ва унинг манбаларини шакллантириш, жамғармаларни, жалб қилинадиган пул ва бошқа активларни инвестиция ресурсларига айлантириш демакдир. Амалиётда бу қайд қилинган маблағлар такрор ишлаб чиқаришдан олиниб, кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришга йўналтирилади.

Инвестицияларни молиялаштириш ҳажми ўсишининг яна бир асосий манбаларидан бири – фойда бўлиб, амортизация ажратмаларидан фарқли ўлароқ, фойда кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш харажатларни қоплаган ҳолда, иқтисодиётга қўшимча молиявий оқим кириб келиниши таъмилайди. Шу хусусдан фойда бошқа пул оқимлари билан ўрин алишмайди. Фойданинг бир қисми ишлаб чиқаришга қаратилган инвестицияларга йўналтирилиши керак. Бундай қарор қабул қилиши корхонанаинг ривожланиш истиқболи ва молиявий имкониятини аниқлаб беради. Этиборга олиш лозимки бозор иқтисодиёти шароитида инвестицияларни молиялаштириш ҳажми акцияларга ҳам ўсиши мумкин, бундай шароитда акциялар қўйидаги афзалликларга эгадир:

- Олди сотди иштирокчилари ўртасида биржадан ташқари келишув шартномасини мутлақ эгаллаш;
- Бозор иқтисодиёти шароитида пул айланишининг асосий улушига эга бўлиш;
- Хусусийлаштирилган корхоналарнинг назорат пакетини истиқболли инвесторлар томонидан сотиб олиниши хисобига тўғри келиши;
- Жорий даврда инвестицион жараён тез пулга айланиши мумкин бўлган акцияларда акс этиши;
- Давлатда рўй бераётган сиёсий жараён билан бозор шароити ўртасида узвий алоқа ўрнатилиши;
- Дунё конъюктураси ўзгаришларига нисбатан акцияларни баҳолашнинг таъсирчанлиги ва ҳк.

Инвестицияларни молиялаштириш ҳажми марказлаштирилган маблағлар ҳисобига ҳам ўсиши мумкин, унга республика бюджети, маҳаллий бюджет, бюджетдан ташқари фондларнинг маблағлари ва ҳукумат кафолати остида жалб қилинган хорижий инвестицияларни киритишимиз мумкин. Республикамизнинг тасдиқланаётган инвестиция дастурида марказлаштирилган инвестицияларнинг салмоғи жами инвестицияларда 35 фоизни ташкил этиши режалаштирилган. Демак, замонавий инвестиция сиёсатида марказлаштирилган инвестицияларнинг улушини қисқартириш ва корхоналарнинг шахсий маблағлари, аҳолининг бўш маблағлари ва бевосита чет эл инвестицияларини жалб қилишни кўпайтириш масаласи асосий масалалардан ҳисобланади. Республикада худудий ва маҳаллий бюджетлараро инвестицион жараёнлар амалга ошишини қуйидагиларга бўлиб кўриб чиқиш мумкин.

Республика бюджетига бир тарафдан, ягона иқтисодий юксалишни сақлашга қаратилган ва умумбашарий манфаатдан келиб чиқувчи истиқболли инвестицион дастурларни таъминлаш, шунингдек, макроиқтисодий тизим барқарорлигини

шакллантириш шартларидан бири сифатида халқ хўжалигини баланслаштиришга эришишдан иборат вазифа юклатилган. Бошқа томондан эса, марказнинг асосий функцияси, бюджет, солиқ воситаси орқали қуйи бўғинларга таъсир этиш ва нафақат инвестиция фаолиятини мувофиқлаштириш, балки инвестиция талабини ошириш учун қулай инвестиция мухитини яратиш ва мавжуд шароитни яхшилашга қаратилган бўлиши керак.

Банк тизими ва қимматли қоғозлар бозори қарз маблағларини молиялаштиришнинг манбалари бўлиши мумкин. Корпоратив облигацияларни сотиш йўли билан қимматли қоғозлар бозоридаги ресурсларни жалб қилиш имкони ҳам туғилади. Кейинги йилларда корпоратив облигациялар бозорининг ривожланиши фаоллашиб бормоқда. Банк секторидан кредитларни жалб қилиш йўли биланҳам инвестициялашни амалга оширса бўлади. Аммо бозор иқтисодиётни асосини ташкил қилувчи кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш механизмида банк тизими орқали аҳолининг жамғармаларини инвестицияга йўналтириш масаласи суст кечмоқда. Барча инвестицияларнинг арзимаган қисмигина тижорат банклари улушига тўғри келмоқда.

Молиявий тақчиллик даврида иқтисодий ўсиш барча факторлардан самарали фойдаланиш натижасида амалга ошади.Молиявий потенциалнинг катта қисми (50 фоиз) айланма капиталнинг етишмаслиги ва инвестицион имкониятнинг пастлиги сабабли тўлиқ фаолият юритмаяпти. Шунинг учун инвестиция фаолиятида селенгдан фойдаланиш бизнинг фикримизча мақсадга мувофиқдир.

Инвестицион селенг – бу инвестицион ресурсларни жалб қилишнинг бир тури бўлиб, у чет эл амалиётига тадбиркорликнинг турли соҳаларида инвестицияларни молиялаштиришнинг асосий воситаларидан бирига айланган. Селенгдан одатда реал инвестициялашда шахсий молиявий воситалар етишмаган холатларда фойдаланиш мақсадга муфовиқдир, шунингдек, уни фойдаланиш даври унчалик катта бўлмаган ёки технологиянинг ўзгариши юқори даражада бўлган реал инвестиция лойҳаларини молиялаштиришда қўллаш мумкин. Унинг афзаллиги шундан иборатки, инвестицион-селенг тадбиркорлигига қўйилган капитал маблағ пул капиталидан фарқли ўлароқ, бозор иқтисодиёти шароитида ер ва кўчмас мулкнинг қиймати ўсгани каби инфляцияга мойил эмас. Чет эл банкларида ўз ҳисобрақамларига эга бўлгантватандош тадбиркорларимизнинг капиталларини жалб қилиш инвестицияларни молиялаштиришнинг реал манбаларидан бири бўлиши мумкин. Бу маблағларни жалб этиш учун энг аввало, ҳукуматимиз томонидан олиб борилаётган иқтисодий сиёсатимиз тўғрисидаги ахборотларнинг шаффофлигини таъминлаш зарурдир.

Молиялаштиришнинг ташқи манбалари чет эл банкларнинг кредитлари, халқаро банклар кредитлари кўринишидаги чет эл инвестициялари бўлиши мумкин. Чет эл капиталини жалб қилиш ҳар қандай иқтисодиётга хосдир.

Бугунги кунда савдо корхоналарини ривожлантириш ва тиклаш учун йирик инвестицияларни амалга ошириш тавсия этилади.

Хозирги даврда инвестицияга муҳтож савдо корхоналарнинг кўпчилиги уларни жалб қилиш ва фаолият кўрсатишга тайёр эмаслар, яъни кўп корхоналарнинг аниқ истиқболлари йўқлиги, корхоналарни бошқариш бўйича чет эл инвесторларни жалб қилиш талаб даражасида эмас. Бунинг учун эса

корхоналарга ўз ва чет эл инвестицияларини жалб қилишни амалга ошира оладиган аниқ концепцияси яратилиши лозим.

ХИЗМАТ КЎРСАТИШ КОРХОНАЛАРИНИ МОЛИЯВИЙ ФАОЛИЯТИНИ ОҚИЛОНА ТАШКИЛ ЭТИШ ЙЎЛЛАРИ

Хайитов О. – МК-314 гуруҳ талабаси, СамИСИ
Ахроров З. – "Молия ва суғурта хизматлари" кафедраси ассистенти, СамИСИ
Мусаев Р. – "Молия ва суғурта хизматлари" кафедраси доценти, СамИСИ

Мақолада хизмат кўрсатиш корхоналари молиявий фаолиятини ташкил этиш ва молиявий самарадорликни баҳолаш масалалари ёритилган.

В статье освещены вопросы организации финансовой деятельности и оценки финансовой эффективности предприятий сферы услуг.

The article highlights the issues of organizing financial activities and assessing the financial efficiency of service enterprises.

Таянч сўз ва иборалар: *Корхона, хизмат кўрсатиш, молиявий фаолият, молиявий самарадорлик, савдо хизмати.*

Ключевые слова: *Предприятие, оказание услуг, финансовая деятельность, финансовая эффективность, торговая услуга.*

Keywords: *Enterprise, services, financial activities, financial efficiency, trade service.*

Иқтисодий муносабатларнинг модернизациялашуви шароитида хизмат кўрсатиш сохасини молиявий-иқтисодий жиҳатдан тўғри шакллантириш муҳим аҳамият касб этади. Агар ушбу соҳа ривожланиши ташкилий жиҳатдан оптимал ва хизматлар бозори конъюнктурасига нисбатан эгилувчан бўлиб хизмат кўрсатиш сифати ва самарадорлиги шунчалик юқори бўлади. Хизмат кўрсатиш соҳасида молиявий фаолиятни ташкил этишни тўғри йўлга қўйиш бир қатор ижтимоий ва иқтисодий муаммоларни бартараф этишга сабаб бўлади.

Мамлакатимизда олиб борилаётган молиявий сиёсатни амалга ошириш иқтисодиётнинг бўғини ҳисобланган хизмат кўрсатиш корхоналаридан ҳам молиявий фаолият билан кенг кўламда ва самарали шуғулланишларини талаб қилади. Зеро, ушбу устувор вазифани адо этиш корхоналар олдига хизмат кўрсатиш сифатини янада ошириш, хизмат сифатини яхшилаш, бозор рақобатларига бардош бериш, ўз мижозларини кўпайтириш, улар олдидаги имижини кўтариш, шунингдек, мавжуд активлар ҳар бир сўмининг бекор туриб қолишининг олдини олиш, шу асосда пировард натижада олинадиган фойдани янада ҳам кўпайтиришга имкон берувчи молиявий фаолият билан ҳам шуғулланишни зарурат қилиб қўймоқда.

Кўриниб турибдики, корхоналар молиявий фаолияти иқтисодиётнинг модернизация қилиниши билан ривожланиб, ушбу фаолиятни ҳисобга олиш ва янги инновацион хизматларни жорий қилишни доимий равишда такомиллаштириб боришни талаб қилади.

Хизмат кўрсатиш корхоналарида молиявий фаолият қуйидаги асосий вазифаларни ҳал қилишга йўналтирилган:

- жорий хизмат кўрсатиш фаолиятини молиявий таъминлаш;

- даромад, фойдани ошириш, рентабеллик ва тўлов қобилиятини ошириш заҳираларини топиш;

- молиявий ресурсларни самарали, мақсадли тақсимлаш ва фойдаланишни назорат қилиш.

Хизмат кўрсатиш корхоналари молиявий фаолиятида молиявий таъминлашни ва олдига қўйилган мақсадларга эришиш, шу жумладан молиявий вазифаларни такомиллаштириш, корхона ҳаёт фаолиятини таъминлаш, натижаларни яхшилаш учун ишлатиладиган шакллар ва усуллар жорий қилишга эътиборни қаратиши лозимдир. Корхона раҳбарияти молиявий таъминотга доир масалаларни кўриб чиқиш билан биргаликда, хизмат калкуляцияси, унинг сифати, хизматни сотиш ҳолати (маркетинги) ва бошқаларга диққатни қаратиши лозимдир. Молиявий фаолиятда бюджет ва мақсадли жамғармалар билан ҳисоб-китоблар, ходимлар билан ҳисоб-китоблар, таъминотчилар ва харидорлар билан ҳисоб-китоблар биринчи ўриндаги масалалар ҳисобланади. Ушбулар юқори даражада ташкил этилганда молиявий фаолиятнинг охирги натижаси юқори кўрсаткични ташкил этади.

Хорижий иқтисодчи олимлар хизмат кўрсатиш соҳасининг таркибий тузилишини унинг тармоқ белгилари ва ривожланиш нуқтаи назаридан таснифлашни таклиф этишади. Бизнинг фикримизча, ушбу соҳани молиявий-иқтисодий нуқтаи назардан таснифлаш мақсадга мувофикдир.

Хизмат кўрсатиш бўйича ахборотларни тўплаш, қайта ишлаш ва уларни етказиб беришни такомиллаштиришдан келадиган самара трансакцион харажатларни камайтиришда, хизматлар кўрсатиш самарадорлигини оширишда, моддий-техника, таъминотни яхшилашда, молиявий ресурслар айланишини жадаллаштиришда намоён бўлади.

Шунинг учун, ҳозирги вақтда хизмат кўрсатиш соҳаси тармоклари ҳақида ахборот ресурслари бўйича маълумотлар банкини яратиш, уларнинг базавий тўпламини ташкил этиш муҳим аҳамиятга эга бўлиб, соҳа ривожланишини истиқболлаштириш йўналишларини тадқиқ этишда асосий манба ҳисобланади. Бунинг учун ҳудудий даражада (Самарқанд вилоятида) хизмат кўрсатиш соҳаси корхоналари фаолиятини мувофиклаштирувчи махсус ташкилий тузилмани шакллантириш керак.

Хизмат кўрсатиш корхонани молиявий самарадорликни баҳолашнинг методик асосларидан фойдаланиш, биринчидан, хизмат кўрсатиш фаолиятида молиявий ресурс-харажат ёндашувидан фойдаланиш чекланган хизмат турлари самарадорлигини объектив тарзда баҳолаш имконини беради, иккинчидан, молиявий самарадорликни баҳолаш жараёнида фойдаланилган кўрсаткичлар хизмах қўрсатилаётган хўжалик субъектлари самарадорлигини таъминлашга хизмат қилади.

Шуни эътироф этиш жоизки, молиявий самарадорликни ҳисоблаш учун зарур бўлган кўрсаткичларсиз уни баҳолашнинг методик асосларини ишлаб чикиб бўлмайди. Аммо, мазкур ҳолатда молиявий самарадорликни аниқлашнинг кўплаб кўрсаткичлари мавжуд бўлган бир вақтда улардан энг макбулини танлаб олиш муаммоси юзага келади.

Савдо хизматини кўрсатиш фаолияти молиявий самарадорлигини баҳолаш учун эса реал иқтисодий, молиявий ҳолатни тўғри ва аниқ бахолай оладиган

молиявий-иқтисодий кўрсаткичлар тизимини ишлаб чиқиш мақсадга мувофикдир. Ўз навбатида, савдо хизмати кўрсатишни молиявий фаолиятини тадқиқ қилаётган хизматларда, яъни инерт-индивидуал ва асимптотик-инерт хизмат турлари хусусиятларидан келиб чиққаи ҳолда, уларнинг ҳар бирига алоҳида самарадорлик кўрсаткичларини қўллаш зарурлигини таъкидлашимиз мумкин. Ушбу ҳолатда зарур бўлган молиявий самарадорлик кўрсаткичлар тизими асосланмаган ва кам кўлланиладиган кўрсаткичларга асосланмаслиги лозим. Шунинг учун ҳам, самарадорликни молиявий назорат кўрсаткичлари таҳлил қилинаётган хўжалик субъектлари молиявий фаолият натижалари ҳар томонлама ўрганилиб, кўрсаткичлар белгиланиши зарур. Бундай ҳолда ҳисоблаб чиқилган молиявий кўрсаткичларнинг қониқарсизлигига асосланиб, корхона молиявий фаолияти учун муқобил бўлган молиявий қарорларии кабул қилиш мумкинки, оқибатда ҳизмат кўрсатиш соҳаси корхоналари молиявий самарадорлиги таъминланади.

Савдо хизмати кўрсатиш соҳасини ривожлантиришда муҳим аҳамиятга эга бўлган копцептуал йўналишлардан бири савдо хизмати кўрсатиш соҳасида малакали кадрлар билан таъминлаш муаммосидир. Унинг ечимида қуйидагилар асосий стратегик вазифа бўлиб ҳисобланади:

- меҳнат жамоаларининг ижтимоий-иқтисодий барқарорлигини таъминлаш;
- ишловчиларни доимий равишда касбий маҳорати ва кўникмаларини ошириш;
- инсон капиталининг инновацион ривожланишини таъминлаш бўлиб ҳисобланади.

Биринчи стратегик вазифа савдо хизмат кўрсатиш корхоналарида ишловчи ходимларни зарур бўлган ижтимоий кафолатлар ва ижтимоий-иқтисодий, молиявий барқарорликни таъминлашни кўзда тутади. Бунда кафолатланган иш ҳақи ишчи кучини такрор ишлаб чиқаришни таъминлайди, уларни шахсий ва ижтимоий эҳтиёжлари тўлиқроқ қондирилиши назарда тутилади.

Иккинчи стратегик вазифа эса ишловчиларнннг касбий маҳорати шаклланиши ва ривожланиши учун шароит яратишни кўзда тутади. Мазкур йўналишда асосий эътибор кадрларниг касбий йўналтирилганлигига уларни танлашга, кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлашга қаратилади.

Учинчи стратегик вазифа жаҳон стандартларига мос келувчи ракобатбардош товарлар сотиш, савдо хизматлар кўрсатишни ташкил этувчи интеллектуал салоҳиятга эга ходимларни шакллантириш учун инновацияларни молиялаштириш зарур бўлади. Акс ҳолда, туйинган бозор шароитида савдо хизматлар бозорига кириб боришнинг имконияти бўлмайди.

САВДО ВА УМУМИЙ ОВҚАТЛАНИШ КОРХОНАЛАРИНИ СОЛИҚҚА ТОРТИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Хамрокулов М. – МК-314 гуруҳ талабаси, СамИСИ
Курбанова С. –асс, СамИСИ
Ахроров З. –асс, СамИСИ

Мақолада савдо ва умумий овқатланиш корхоналарини солиққа тортиш ва молиявий самарадорлигини таъминлаш хусусиятлари ёритилган.

В статье освещены особенности налогообложения и обеспечения финансовой эффективности предприятий торговли и общественного питания.

The article highlights the peculiarities of taxation and ensuring the financial efficiency of trade and public catering enterprises.

Таянч сўз ва иборалар: *Корхона, савдо, умумий овқатланиш, солиққа тортиш, хизмат кўрсатиш, товар ва хизматлар бозори.*

Ключевые слова: *Предприятие, торговля, общественное питания, налогообложение, оказание услуг, рынок товаров и услуг.*

Keywords: *Enterprise, trade, public catering, taxation, provision of services, market of goods and services.*

Иқтисодий муносабатларнинг глобаллашуви шароитида миллий иқтисодиётнинг жаҳон бозоридаги мавқеини мустаҳкамлаш мамлакатда ишлаб чиқариладиган товарлар ва хизматлар ҳажмини тез суръатларда кенгайтиришни ҳамда сифатини оширишни долзарб вазифа эканлиги ушбу соҳа корхоналарини молиявий самарадорлигини оширишни талаб этади.

Бу эса мамлакатимизда изчиллик билан олиб борилаётган бозор ислоҳотларини янада чуқурлаштириш сиёсати товарлар ва хизматлар бозорининг талаб ва таклиф қонуни асосида шакллантиришни ва ривожланишини таъминлашни молиявий қўллаб-қувватлашни талаб этади. Бу сиёсатнинг амалий натижаси аҳолининг турли хил товарлар ва хизматларга бўлган эҳтиёжини тўлароқ қондирилишида ҳамда уларни ишлаб чиқарувчи субъектларни моддий манфаатдорлигининг таъминланиши ва моддий рағбатлантиришда ўз ифодасини топади.

Ўтган давр мобайнида солиқ тизимида корхоналар зиммасига тушаётган солиқ юкини пасайтириш бўйича чора-тадбирлар амалга оширилаётганлиги биринчи навбатдаги вазифалардандир. Зеро, Биринчи Президентимиз таъкидлаганидек, “Солиқ тизимини ўзгартиришда асос қилиб олинган бош тамойил – корхоналар зиммасидаги солиқ юкини кескин камайтиришдир”[36].

Товарлар ва хизматлар бозори ўзида иқтисодий жиҳатдан эркин бўлган, бозорнинг асосий субъектлари ҳисобланган сотувчилар, хизматларни амалга оширувчилар ва харидорлар ўртасида амалга ошириладиган олди-сотди муносабатлари тизими, механизми ва асосий иқтисодий айирбошлаш фаолияти орқали молиявий самарага эришишни акс эттиради. У мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришдаги асосий субъект сифатида молиявий муносабатларни амалга оширувчи, иқтисодиётнинг самарадорлигини таъминловчи жараён бўлиб ҳисобланади.

Товарлар ва хизматлар бозори орқали молиявий муносабатлар йўлга қўйилади, олди-сотди жараёни эркин амалга оширилади, товарлар ва хизматлар монополиясига барҳам берилади, соғлом рақобат муҳити яратилади. Бундай шарт-шароитлар ва омиллар ўз навбатида мазкур бозорни такомиллаштиради.

Товарлар ва хизматлар бозорини ривожлантириш, уни озиқ-овқат ва бошқа халқ истеъмоли товарлари билан тўлдириш республикамизда, шу жумладан, Самарқанд вилоятида ҳам амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларнинг

[36] Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. – Т.: Ўзбекистон, 1998. – 359-б.

устувор йўналишларидан бири ҳисобланади.

Товарлар ва хизматлар бозори товар биржалари, улгуржи ва савдо марказлари ҳамда бозорнинг бошқа шаклларини ҳам қамраб олади. Бунга товарлар ва хизматлар бозорининг самарадорлигини оширувчи омил сифатида чакана савдо айланмаси ўз таъсирини кўрсатади.

Ўзбекистон ва Самарқанд вилоятида товарлар ва хизматлар бозорини таҳлил қилиш, уларнинг молиявий самарадорлигини ошириш бўйича тегишли хулосалар чиқаришга имкон беради.

Бу ҳолат Самарқанд вилоятидаги савдо ва умумий овқатланиш корхоналарида қуйидагиларда намоён бўлмоқда:

-товарлар ва хизматлар бозорининг алоҳида бозор субъекти сифатида фаолият юритиши, унинг давлат статистика органлари томонидан алоҳида ҳисобга олиниши;

-бозор таркиби турли тоифали, истеъмолчи, ишлаб чиқарувчи, давлат, корхона ва ташкилотлардан ташкил топганлиги;

-озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат товарлари савдосида монополистик фаолиятнинг мавжудлиги ва унинг нисбатан кучлилиги;

-вилоятда товарларни сотиш ва сотиб олиш стратегиясининг яхши йўлга қўйилмаганлиги;

-вилоятда хизмат кўрсатиш соҳаси улушининг камлиги;

-вилоятда хизмат кўрсатишнинг хилма-хил турлари, яъни туризм, реклама, ҳуқуқий, ахборот, алоқа, таълим, лизинг, маиший, молиявий, савдо каби хизматларнинг ривожланиш босқичга кирганлиги;

-товарлар ва хизматлар бозорини ривожлантириш асосий устувор йўналиш сифатида баҳоланиши ва бу бўйича муддатли стратегик дастурларнинг қабул қилиниши ҳамда уларнинг босқичма-босқич амалга оширилаётганлиги;

-вилоятдаги мавжуд ижтимоий-иқтисодий муҳитнинг қулайлиги, мавжуд табиий, иқтисодий, меҳнат ва молиявий ресурслардан тўла фойдаланган ҳолда, ҳар хил турдаги бозорларнинг шакллантирилиши (асосан, универсал, деҳқон, кичик ва ихтисослашган бозорлар).

Юқорида келтирилганларнинг ҳаммаси товарлар ва хизматлар бозори фаолияти натижаси бўлган чакана савдо айланмасида ўз ифодасини топиши мумкин бўлади.

Ривожланган ва тараққий этган мамлакатларнинг тажрибаларини таҳлил қилиш товарлар ва хизматлар бозори молиявий самарадорлигини оширишда давлатнинг тартибга солиш механизмларини такомиллаштириш зарурлигидан далолат бермоқда. Ушбу ҳолат мамлакат ва уни минтақаларида иқтисодий ўсишининг асоси бўлган товарлар ва хизматлар бозори молиявий самарадорлигини ошириш стратегияларини ишлаб чиқишда ва уларни амалга оширишда ҳисобга олиниши лозим.

Самарқанд вилоятида товарлар ва хизматлар бозори молиявий самарадорлигини оширишнинг истиқболли йўналишларини ҳал қилишда товарлар ва хизматлар бозорининг тўлиқ тараққий қилмаганлиги, сотувчилар ва харидорлар ўртасидаги алоқаларнинг яхши йўлга қўйилмаганлиги, рақобатчилик муҳитининг етарли даражада шаклланмаганлиги, айрим товарларга нисбатан ҳамон монополистик фаолиятнинг кучлилиги, иқтисодий муносабатлар ҳуқуқий

асосларининг яхши шаклланмаганлиги, нархларнинг тез ўзгарувчанлиги, савдо-сотиқ маданиятининг етарли эмаслиги каби муаммоларни бартараф қилишни тақозо этади. Бунга эришиш учун товарлар ва хизматлар бозорининг ривожланишига таъсир қилувчи ижтимоий-иқтисодий ва рақобатчилик муҳити, рақобатчилик шартлари, савдо-сотиқ фаолияти, сотувчилар ва харидорларнинг ҳаракати, давлатнинг иқтисодий сиёсати, ташқи муҳит ва солиқ сиёсати, тадбиркорлик фаолияти ва нархлар каби омиллар товарлар ва хизматлар бозори молиявий самарадорлигини оширишга таъсир қилиш мумкин.

Бугунги кунда республикамизнинг олис, тоғли туманларида аҳолига савдо хизматлари кўрсатишни талаб даражасида деб бўлмайди. Бизнингча, уларга берилган ялпи даромад солиғи ставкаларининг камайтирилган ҳолда жорий этилиши ушбу ҳудудларда савдо хизматларини кўрсатишда етарлича рағбатлантирувчи аҳамиятга эга эмас. Шунинг учун савдо тизими корхоналари учун ҳам айрим имтиёзлар берилиши айни муддао бўлиб, жумяадан, олис, тоғли туманларда янгидан ташкил этилган савдо корхоналариға маълум муддатга имтиёзлар берилиши ушбу ҳудудларда савдо хизматлари кўрсатиш даражасининг ривожланишини рағбатлантиришда муҳим аҳамият касб этади.

G’AZNACHILIK TIZIMIDA BUDJETLARO MUNOSABATLARNI BOSHQARISHNING XITOY XALQ RESPUBLIKASI TAJRIBASI.

Shakarboyeyev U Bh - 113 guruh talabasi,
Qosimova F. Katta o`qtuvchi,

Annotatsiya: *Ushbu maqolada Xitoy Xalq Respublikasi budjetlararo munosabatlari boshqarilishi hamda so`ngi tillarda ro`y bergan o`zgarishlar aniq statistik raqamlar orqaqli ifodalangan. Tahlil natijasida muallif tomonidan Respublikamiz sharoitiga mos keluvchi budjet ijrosi taklif qilingan.*

Tayanch so`zlar*: Budjet, islohat, xarajatlar, budjet defitsiti, YAIM, moliya, soliq tushumlari, soliq agentligi, daromadlarni taqsimlash.*

Аннотация: *В этой статье Народной Республики Китая между бюджета управления отношениями, а также последние изменения в языках, продемонстрировали ярко выраженный статистическими цифрами. В результате анализа соответствующего автора республики по условиям предлагаемого исполнения бюджета.*

Ключевые слова: *Реформирование бюджета, расходы, дефицит бюджета, валовой внутренний продукт, финансовые, налоговые доходы, налоговый орган, распределение доходов****.***

Annotation*: In this article, the People's Republic of China between budget relationship management, as well as recent changes in languages, demonstrated clearly expressed by statistical figures. As a result of the analysis of the corresponding author of the republic by the conditions offered by the implementation of the budget.*

Key words: *Reforming the budget, expenditure, budget deficit, the gross domestic product, financial, tax revenues, the tax agency, the distribution of income.*

Xitoy Xalq Respublikasi. XX asr 90-yillari boshida Xitoyning budjetlararo munosabatlar sohasidagi siyosati mutaxassislar tomonidan izchil va samarali siyosat sifatida baholanadi. Xitoyda 70-yillarning oxirida boshlangan islohotlar uning budjet

tizimi sezilarli darajada markazlashtirishdan chiqarilishiga va qaror qabul qilish bo‘yicha vakolatlar markaziy hokimiyat organlaridan quyi turuvchi hokimiyat darajasiga hamda davlat rejalashtiruvchi organlaridan davlat korxonalariga berilishiga olib keldi. Islohot zamirida markazlashtirishdan chiqarishdan tashqari, Xitoy hukumati tomonidan tanlangan “ochiq eshiklar” siyosati yotadi.

Islohotga qadar daromadlar yagona milliy budjetga tushar va undan xarajatlar moliyalashtirilar edi. Budjetning daromadlar bazasini ko‘paytirish uchun Moliya vazirligi daromadlarni markaziy va submilliy hokimiyat organlari o‘rtasida taqsimlash tizimini joriy etdi. Bunda submilliy hokimiyat organlari markaziy hukumat bilan o‘zlari yig‘adigan daromadlarni taqsimlash to‘g‘risida uzoq muddatli bitimlar tuzishlari talab etilardi. Daromadlarni taqsimlash hajmlari bitimda ko‘rsatilishi lozim edi. Ammo, mamlakatda iqtisodiy vaziyat o‘zgarishiga qarab, soliq tushumlarini budjet tizimining darajalari o‘rtasida taqsimlash amaldagi tizimi markaziy hukumatni daromadlar bilan barqaror darajada ta’minlamay qo‘ydi. Xitoy soliq tizimining o‘ziga xos xususiyati shu bilan belgilanar ediki, budjet daromadlarining asosiy manbai davlat korxonalari hisoblanardi. Ichki bozorda raqobat kuchayishi natijasida mazkur korxonalarning daromadlari pasaya boshladi. Mintaqaviy budjetlarning taqsimlanishi lozim bo‘lgan soliq daromadlari qisqarib bordi. Xususan, 2006- yildan 2013- yilgacha bo‘lgan davrda ularning ulushi YAIMning 14,4 foizidan 10,8 foizgacha pasaydi, markaziy hukumatning o‘z daromadlari bundan ham ko‘proq kamaydi. Ushbu davrda jamlangan budjet daromadlari YAIMning 23,7 foizidan 13,5 foizgacha qisqardi. Bunda soliq daromadlarida markaziy hukumat donorlari sanalgan nisbatan boyroq provinsiyalarning ulushi ko‘paydi. Natijada mintaqalarga ko‘rsatiladigan moliyaviy yordam hajmi qisqardi va bankrotlik yoqasiga kelib qolgan markaziy hukumat protsinsiyalar bilan tuziladigan daromadlarni taqsimlash to‘g‘risidagi bitimlarning shartlarini o‘zgartirish choralarini ko‘ra boshladi. 2004-yilda daromadlarni taqsimlashning yangi tizimi joriy etildi. Ushbu tizim doirasida markaziy va mintaqaviy budjetlarning kesishmaydigan soliq bazalari, shuningdek, tartibga soluvchi soliqlar belgilandi. Markaziy budjetga soliqlarni yig‘ish uchun Markaziy soliq agentligi tashkil etildi. Mintaqalarning soliq xizmatlari provinsiyalarning budjetlariga soliqlarni yig‘ishda davom etdilar. Yangi siyosatni mintaqaviy darajada qo‘llabquvvatlash uchun markaziy hukumat provinsiyalarga moliyaviy yordamning maxsus turini joriy etdi. Bu yordam provinsiyalar daromadlarining pasayishi o‘rnini to‘ldirishga qaratilgan. Yangi budjet modelining joriy etilishi quyidagi oqibatlarga olib keldi:

- budjet daromadlarining barqarorlashuviga (YAIMga nisbatan) va markaziy hukumat daromadlari ulushining o‘sishiga erishildi;
- provinsiyalarning hokimiyatlari soliq imtiyozlari berish huquqini yo‘qotdi;
- bank tizimi qayta tashkil etildi va markazlashtirildi;
- budjetdan tashqari jamg‘armalar budjet tarkibiga kiritildi; mintaqaviy darajaga qo‘shimcha xarajatlar o‘tkazildi.

Markaziy hukumat har bir yil uchun soliq tushumlarining o‘sish rejasini belgilay boshladi va u bajarilmagan taqdirda soliq organlari rahbariyatiga nisbatan qattiq choralar ko‘rdi. Reja topshiriqlari ilgari erishilgan darajadan kelibchiqib hisoblanar edi: biron-bir yilda soliq daromadlari ko‘p bo‘lgani kelgusiyilga reja topshirig‘ining oshirilishini anglatardi; shu sababli reja topshirig‘inioshirib bajarish uchun rag‘batlar yo‘q edi.

Xitoy Xalq respublikasi davlat budjetining so`ngi yillardagi o`zgarishi 1-diagrammada ko`rishimiz mumkin.

1-diagramma.



Yuqoridagi diagramma ma`lumotlaridan ko`rinib turibdiki, so`ngi yillarda Xitoy hukumati budjeti so`ni yillarda defitsit kuzatilmoqda, Xususan 2016 – yilda budjet defitsiti YAIMga nisbatan -3.80 foizni tashkil etdi, ushbu ko`rsatgich 2013 – yil esa – 2.1 foiz edi. So`ngi uch yilda budjet defitsiti qariyib 2 foizga o`sgan. Buning asosiy omillarini xarbiy va hujumat xarajatlarining ortishi bilan izohlash mumkin. 2016 – yilda xarbiy xarajatlar 187 841 million AQSH dollari, hukumat xarajatlari esa 187 841 million AQSH dollarini tashkil etgan. Undan oldingi davr bilan solishtirganda xarajatlar mos ravishda 14834.1 va 12 073 million AQSH dollariga oshgan. Ma`lumot o`rnida aytib o`tish joizki, 2016 – yilda Xitoy YAIM 11 007.72 milliard AQSH dollarini tashkil etgan va butun jahon davlatlari bo`yicha AQSH dan so`ng ikkinchi o`rinchi egallab turibdi[37].

Xulosa qilib aytganda, Xitoy davlat budjeti daromadlari asosan davlat korxonalari hisobidan shakillanadi, shuni inobatga olib taklif qilinishi mumkinki, Resbuplikamiz bozor iqtisodiyoti sharoitida o`zining qo`l ostida bo`lgan moliyaviy resurslardan samarali foydalangan holda budjet daromadlarini oshirish maqsadga muoffiq bo`lardi.

КОРХОНАЛАРНИ ИНВЕСТИЦИЯ ЖАЛБ ЭТИШ АҲАМИЯТИ

Шарипов Ф. – МК-414 гуруҳ талабаси, СамИСИ
Толипова У. – магистрант, ТДИУ
Ходжимамедов А. – “Молия ва суғурта хизматлари” кафедраси ассистенти, СамИСИ

Мақолада корхоналарда инвестиция фаолиятини ташкил этиш аҳамияти келтириб ўтилган.

[37] Manba: www.tradingeconomic.com/chine/government-budget

В статье представлено значение организации инвестиционной деятельности предприятий.

The article presents the importance of organizing the investment activity of enterprises.

Таянч сўз ва иборалар: *Корхона, инвестиция, хизмат соҳаси, кичик бизнес.*

Ключевые слова: *Предприятие, инвестиции, сфера услуг, малый бизнес.*

Keywords: *Enterprise, investment, services, small business.*

Иқтисодиётнинг барча соҳалари ва тармоқларида эркинлаштириш жараёни изчил равишда амалга ошириш иқтисодий ислохотларнинг янада чукурлашувига, инвестиция сиёсатини барқарор ривожлантиришга мустахкам замин яратади. Бу эса ўз навбатида молиявий қарорлар қабул қилишда, иқтисодий мустақиллигини таъминлашда тадбиркорлик хислатларининг кучайишига, рақобатнинг кучайишига олиб келади. Шу ўринда таъкидлаш лозимки, молия муносабатларини такомиллаштиришга қаратилган инвестиция сиёсати бугунги кунда мамлакатимиз тармоқ тузилмаларида таркиб топган шарт-шароитларни сифат жиҳатдан ўзгартиришларсиз амалга оширилишига имконият яратади.

Ҳозирги шароитда хизмат соҳаси корхоналар фаолиятини ривожлантириш, уларга молиявий ресурсларни жалб этиш инвестиция сиёсатининг энг муҳим йўналишларидан бири бўлиб ҳисобланади, шу боис “Инвестиция базасини ривожлантириш ва чуқурлаштириш - ислоҳотлар стратегиясининг жуда муҳим шартидир. Иқтисодиёт тузилиши қайта қурилишининг белгиланган йўналишлари, экспорт имкониятининг кенгайтирилишига бақувват инвестиция сиёсатини ўтказиш йўли билангина эришиш мумкин. Бунинг учун ўз сармояларимизни ҳам, ташқи кредитларни ҳам, бевосита инвестициялар ва уларнинг барча манбаларини ҳам ишга солиш зарур”[38], деб Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти И.А. Каримов томонидан билдирилган фикрлар диққатга моликдир. Шунга кўра, хизмат соҳаларини таркибий қайта тузиш ҳозирги кунинг энг долзарб ва ечимини кутаётган вазифалардан бири бўлиб қолмоқда.

Кейинги йилларда хизмат соҳасининг ички имкониятларидан келиб чиққан ҳолда ривожлантиришга катта аҳамият берилмоқда. Иқтисодий ислоҳотларнинг биринчи босқичида кўплаб хизмат соҳа корхоналарига хорижий инвесторларнинг жалб қилиниши, қўшма корхоналар, ҳиссадорлари фаолиятининг кучайтирилиши иқтисодиётнинг хизмат соҳаларида сезиларли даражада таркибий ўзгаришларни амалга ошириш учун шароит яратди.

Республика хизмат соҳасини юксалтирилиш, унинг мамлакатимиз ички эҳтиёжларини тўла қондириш ва ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ва ривожлантириш, жаҳон хўжалик алоқалари ва халқаро меҳнат тақсимотида фаол қатнашувига эришиш алохида ўрин тутади. Айниқса, иқтисодий тузилмани такомиллаштириш, унинг доимий равишда ўсишга шароит яратиш, ноишлаб чиқариш соҳаси асосий тармоқларининг эҳтиёжларини таъминловчи ишлаб чиқаришини техникавий жиҳатдан жихозлаш аҳамиятли даражада хизмат соҳа мажмуи ривожланиш суръатларига боғликдир. Аммо хизмат соҳа корхоналар фаолият йўналишини танлашнинг етарли даражада илмий асосланмаганлиги республика маҳсулотларининг асосий қисмини бошқа иқтисодий районларга

[38] Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. – Т.: Ўзбекистон, 1998. 392-б.

ташиб кетилишига, натижада республиканинг маҳсулотларга бўлган ички эҳтиёжларининг тўла қондирилмаслигига сабаб бўлиши мумкин. Хизмат соҳа ихтисослашувнинг кучсизлиги маиший ва хўжалик аҳамиятидаги товарларнинг четдан олиб келиниши заруратини келтириб чиқаради.

Шу боис хизмат соҳасини таркибий қайта тузиш талаб ва таклифни ҳисобга олган ҳолда, жами махсулот ишлаб чиқариш харажатларини камайтириш, мавжуд хом-ашё, меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланиш, сифатли, рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришга асосланган бўлиши лозим. Бунинг учун жойларда ишлаб чиқариладиган маҳсулот турларини аниқлаш, зарур қисмлар ва асбоб-ускунлар ишлаб чиқарилишини йўлга қўйиш ҳамда етакчи хизмат соҳа тармоқларни таркиб топтиришига инвестицияларни жалб этиш зарур бўлади. Чунки тармоқларнинг иқтисодий жихатдан ривожланиш стратегияси асосларидан бири инвестиция маблағларини жалб қилиш ва улардан оқилона фойдаланиш ҳисобланади. Қайд этиш лозимки, тармоққа инвестицияларни жалб этиш юзаки, тасодифий тавсиф касб этмай, балки чуқур ва ҳар томонлама асосланган чора-тадбирларни ўз ичига олувчи изчил жараён сифатида амалга оширилиши зарур. Бунинг учун, энг аввало, бу борадаги муҳим вазифаларни берувчи тармоқ инвестиция дастурларининг ишлаб чиқилиши ҳамда унга асосан тармоқдаги инвестицияга жозибадор бўлган объектларнинг аниқланиши ва бошқа таҳлилий воситалар орқали инвестицияларни жалб этиш шакллари, усул ва муддатлари белгилаб берилиши керак.

Хизмат соҳа корхоналари мажмуини таркибий кайта тузиши ва ривожлантиришда мухим ахамият касб этувчи ягона инвестиция сиёсатининг амалга оширилишида республикада тадбиркорларнинг хизмати катта бўлиши лозим.

Бугунги унда юқорида қайд этилган қўшма корхоналар, компаниялар фаолиятини кучайтириш ҳамда қўшимча инвестицияларни жалб этиш хисобига хизмат соҳа корхоналари тайёр маҳсулотларини сотишни йўлга қўйиш лозим.бундай вазифаларни ҳал этиш чора-тадбирларини ишлаб чиқишда савдо корхоналарнинг бугунги ҳолатини ўрганиш, унинг ишлаб чиқариш салоҳияти ва имкониятларини ошириш муҳим аҳамият касб этади.

Республикада хизмат соҳа, шу жумладан савдо корхоналарини ривожлантириш, алоҳида тармоқ ва кичик корхона ташкил этиш ҳамда шаҳар ва туманларда филиаллар очиш йўлга қўйиш, вилоятдаги товар сотиш ҳолатини яхши билиши лозим.

Тармоқни таркибий қайта тузиш ва ривожлантириш давлат инвестиция дастурига асосланган бўлиши лозим. Бу тармоққа иқтисодий соҳалар бўйича маҳаллий ва чет эл инвестицияларни жалб қилган ҳолда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини оширишга эришиш лозим.

Инвестициялар жалб қилишдан аввало тармоқнинг паст ривожланган соҳаларини аниқлаш, унинг асосий сабабларини ўрганиш, сўнгра эскирган жихозлар миқдорини ҳамда қандай турдаги янги қисм ва жихозлар ишлаб чиқариш зарурлигини белгилаш муҳимдир. Бу муаммолар ҳал этилгандан кейин инвестицияларни қуйидаги йўналишларга жалб этишни амалга ошириш талаб этилади:

- инвестицияларни паст ривожланган соҳаларига жалб этиш;

- инвестиция ҳисобига хом-ашё базасини яратиш;
- эскирган ускуна ва жихозларни янгилаш;
- реализация қилинадиган товарлар сифатини яхшилаш ва янги турдаги маҳсулотлар га буюртма бериш.

Ушбуларни амалга ошириш давомида қандай хизмат соҳа корхоналарига инвестицияларни қайси манбалардан жалб этиш муаммосини ҳал этиш лозим. Бу ўринда ҳам маҳаллий, ҳам хорижий инвестициялардан самарали фойдаланишни йўлга қўйиш мақсадга мувофиқдир.

Юқорида таъкидланган тадбирларнинг ўз вақтида ва самарали амалга оширилиши тез орада хизмат кўрсатиш, шу жумладан савдо корхоналари мажмуини таркибий жиҳатдан қайта тузишда катта имконият яратади. Бу эса тармоқ рақобатбардошлигини оширилишига, импорт салмоғининг қисқариб, экспорт имкониятларининг кенгайишига ва пировардида корхона молиявий потенциални ўсишига шарт-шароит яратади.

ВЛИЯНИЕ ИНФОРМАЦИОННЫХ И КОММУНИКАЦИОННЫХ ТЕХНОЛОГИИ НА ТЕХНИКУ ОБСЛУЖИВАНИЯ И ОБРАЗОВАНИЕ

Х.И. Жабборов, А.В. Абдураимжонов студенты
Ферганский филиал ТУИТ им. Мухаммада ал-Харезми

Аннотация: *Целью нашей работы является рассмотрение возможностей повышения эффективности образовательного процесса, развития мысленной активности учащихся через использование информационно-коммуникационных технологий.*

Abstract*: The aim of our work is to examine the possibilities to increase the efficiency of the educational process, the development of mental activity of students through the use of information and communication technologies.*

Аннотация: *Ишимиздан мақсад ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш орқали талабаларни ўқув жараёнини самарадорлигини ва фикрлашларини ошириш, тадқиқ этиш кўзда тутилган.*

Ключевые слова: *информационные технологии, образование, обучение, знание, интернет, компьютер, общение.*

Index term: *information technology, education, training, knowledge, internet, computer, communication.*

Калит сўзлар: *ахборот технологиялари, таълим, ўқитиш, билим, интернет, компьютер, мулоқот.*

Процессы информатизации современного общества и тесно связанные с ними процессы информатизации всех форм образовательной деятельности характеризуются процессами совершенствования и массового распространения современных информационных и коммуникационных технологий (ИКТ). Подобные технологии активно применяются для передачи информации и обеспечения взаимодействия преподавателя и обучаемого в современных системах открытого и дистанционного образования. Современный преподаватель должен не только обладать знаниями в области ИКТ, но и быть специалистом по их применению в своей профессиональной деятельности.

Слово "*технология*" имеет греческие корни и в переводе означает науку, совокупность методов и приемов обработки или переработки сырья, материалов, полуфабрикатов, изделий и преобразования их в предметы потребления. Современное понимание этого слова включает и применение научных и инженерных знаний для решения практических задач. В таком случае информационными и телекоммуникационными технологиями можно считать такие технологии, которые направлены на обработку и преобразование информации.

Информационные и коммуникационные технологии (ИКТ) – это обобщающее понятие, описывающее различные устройства, механизмы, способы, алгоритмы обработки информации. Важнейшим современным устройствами ИКТ являются компьютер, снабженный соответствующим программным обеспечением и средства телекоммуникаций вместе с размещенной на них информацией. Основным средством ИКТ для информационной среды любой системы образования является персональный компьютер, возможности которого определяются установленным на нем программным обеспечением. Основными категориями программных средств являются системные программы, прикладные программы и инструментальные средства для разработки программного обеспечения. К системным программам, в первую очередь, относятся операционные системы, обеспечивающие взаимодействие всех других программ с оборудованием и взаимодействие пользователя персонального компьютера с программами. В эту категорию также включают служебные или сервисные программы. К прикладным программам относят программное обеспечение, которое является инструментарием информационных технологий – технологий работы с текстами, графикой, табличными данными и т.д. [1]. В современных системах образования широкое распространение получили универсальные офисные прикладные программы и средства ИКТ: текстовые процессоры, электронные таблицы, программы подготовки презентаций, системы управления базами данных, органайзеры, графические пакеты и т.п. С появлением компьютерных сетей и других, аналогичных им средств ИКТ образование приобрело новое качество, связанное в первую очередь с возможностью оперативно получать информацию из любой точки земного шара. Через глобальную компьютерную сеть Инернет возможен мгновенный доступ к мировым информационным ресурсам (электронным библиотекам, базам данных, хранилищам файлов, и т.д.). В самом популярном ресурсе Интернет – всемирной паутине WWW опубликовано порядка двух миллиардов мультимедийных документов. В сети доступны и другие распространенные средства ИКТ, к числу которых относятся электронная почта, списки рассылки, группы новостей, чат. Разработаны специальные программы для общения в реальном режиме времени, позволяющие после установления связи передавать текст, вводимый с клавиатуры, а также звук, изображение и любые файлы. Эти программы позволяют организовать совместную работу удаленных пользователей с программой, запущенной на локальном компьютере.[2]

С появлением новых алгоритмов сжатия данных доступное для передачи по компьютерной сети качество звука существенно повысилось и стало приближаться к качеству звука в обычных телефонных сетях. Как следствие, весьма активно

стало развиваться относительно новое средство ИКТ – Интернет-телефония. С помощью специального оборудования и программного обеспечения через Интернет можно проводить аудио и видеоконференции. Для обеспечения эффективного поиска информации в телекоммуникационных сетях существуют автоматизированные поисковые средства, цель которых – собирать данные об информационных ресурсах глобальной компьютерной сети и предоставлять пользователям услугу быстрого поиска. С помощью поисковых систем можно искать документы всемирной паутины, мультимедийные файлы и программное обеспечение, адресную информацию об организациях и людях. С помощью сетевых средств ИКТ становится возможным широкий доступ к учебно-методической и научной информации, организация оперативной консультационной помощи, моделирование научно-исследовательской деятельности, проведение виртуальных учебных занятий (семинаров, лекций) в реальном режиме времени.

L.Gaydayning Shurikning sarguzashtlari filmida imtihondan chiqqan Shurik gazli suv sotadigan mashinadan suv olib ichganini barchamiz sevib tomosha qilganmiz. Vendinga misol qilib o'tgan asr o'rtalarida MDH mamlakatlarida mashhur bo'lgan, ko'chalardagi gazli suv sotuvchi avtomatlarni misol qilishimiz mumkin. O'shanda vending atamasi kundalik hayotga xali kirib kelmasa ham sistema muvafaqiyatli ishlagan: siropli gazli suv xech qanday aralashuvsiz va xizmat ko'rsatuvchisiz avtomatik ravishda sotilgan. Savdo avtomatlari-bu to'g'ridan to'g'ri ya'ni sotuvchi yoki xizmat ko'rsatuvchi shaxs ishtirokisiz iste'molchiga to'lov evaziga tovar yoki xizmatlarni taqdim etuvchi qurilmadir. Savdo avtomatlari tovarlar yoki uning qismlari saqlanuvchi bo'linma, to'lov qabul qiluvchi va tovar yetkizib beruvchi qurilmalardan iborat bo'ladi. To'lov qabul qilish usuli turlicha bo'lishi mumkin: tanga yoki maxsus jeton, bank kartalari, qog'oz pullar va internet.

Savdo avtomatlaridan tezroq va ko'proq foyda olish uchun ularni odamlar gavjum joylarga o'rnatish maqsadga muvofiqdir. Shu sababli ular stansiyalarga, o'quv yurtlari, katta komponiylar idoralariga, kasalxonalarga, sport va savdo markazlariga ko'proq o'rnatiladi

1851 yilda butunjaxon sanoat yarmarkasida Londonda birinchi ichimlik sotuvchi savdo avtomati namoyish qilingan. 1886 yilda esa AQSH da birinchi saqch sotadigan savdo avtomatiga patent berilgan.

Hozirda savdo avtomatlarining juda ko'p turlari mavjud. Masalan kofe va choy sotuvchi, turli xil tamaki maxsulotlari, gazeta va poyezd chiptalari sotuvchi, har xil shirinliklar yoki mashhur komponiyalarning yaxtay ichimliklarini sotuvchi savdo avtomatlari keng tarqalgan. Bundan tashqari turli xil xizmatlar taqdim etuvchi savdo avtomatlari ham mavjud. Ular tovarlar sotmaydi. Insonlarga zarur xizmatlarni taqdim etadi. 1890 yilda birinchi qo'shiqli avtomat ishga tushirilgan. Bu avtomat keyinchalik

juda mashhur bo’lib, o’sha davrda ko’plab kafe va barlarga o’rnatilgan. Massaj qiluvchi avtomatlar, taksofon va fotokabinalar shular jumlasidandir. Bularning barchasi iste’molchilarga tovar emas, balki xizmatlarni tez , oson va qiziqarli ravishda, belgilangan to’lov evaziga taqdim etadi.

Umuman savdo avtomatlarini turli xil xususiyatlariga ko’ra tasniflasa bo’ladi.

- Dizayniga ko’ra :

1. Mexanik
2. Avtomatik.

- O’rnatish usuliga ko’ra:

1. O’rnatilgan avtomatlar
2. Ko’cha avtomatlari
3. Avtomat stoykalar

- Xizmat va maxsulot turiga ko’ra.

1. Oziq-ovqat mahsulotlari uchun avtomatlar
2. Nooziq-ovqat mahsulotlar uchun avtomatlar
3. Xizmatlar sotuvchi avtomatlar
4. Ko'ngilochar savdo avtomatlari.

1. Oziq-ovqat mahsulotlari uchun avtomatlar eng mashhurdir. Chunki oziq-ovqat maxsulotlari eng ko’p ishlatiladi va barqaror talabga ega. Bunday vending mashinalarining eng katta avzalligi bu o’rnatishga qulay joylarning ko’pligidadir: o’quv yurtlari, ko’ngil ochar maskanlar, savdo markazlari, idoralar, kasalxonalar, kutish zallari va boshqalar. Kamchiligi esa atrofda boshqa oziq-ovqat sotuvchi raqobatchilarning ko’pligidadir. Lekin bunday avtomatlarning asosiy kamchiligi bu qisqa saqlash muddatidadir, shu sababli sotilmay muddati o’tgan maxsulotlarni almashtirishga qo’shimcha xarajat sarflanadi. Bunday avtomatlarga quyidagilar kiradi:

- Kofe avtomatlar.
- Gazli suv sotuvchi avtomatlar.
- Pitsamatlar.
- Popcorn va chipsi sotuvchi avtomatlar.
- Muzqaymoq sotuvchi avtomatlar.
- Sut sotuvchi avtomatlar.

2. Nooziq-ovqat mahsulotlar uchun avtomatlar

- O’yinchoq sotuvchi avtomatlar.
- Chipta sotuvchi avtomatlar.
- Gigiyenik vositalar sotuvchi avtomatlar.
- Ekzotik maxsulotlar sotuvchi avtomatlar.

3. Xizmatlar sotuvchi avtomatlar

- Fotoavtomatlar
- Nusxa ko’chiruvchi avtomatlar
- Binokul va teleskoplar.
- Internet kioskalar.
- Massaj kreslolar.
- To’lovlar qabul qiluvchi terminallar.

4. Ko'ngilochar savdo avtomatlari.

- O’yin avtomatlari.
- Musiqa avtomatlari.

- ko'ngilochar uskunalar

Bunday innovatsion savdo avtomatlari orqali xizmat ko’rsatish sohasi O’zbekistonda yangi daraja va ko’rinishga ega bo’ladi. Shuningdek xizmat ko’rsatish sohasi vakili to’g’ri investitsiya kiritib ishonchli va barqaror daromadga ega bo’ladi. Bunga mamlakatimizda yetarlicha sharoit va muhit mavjud.

Vending bilan shug’ullanishning 5 sababi:

1. sabab.

Vending avtomatlari sotib olishga katta mablag’ zarur emas. Vending biznesni 1 yoki 2 ta savdo avtomatlari bilan ham boshlasa bo’ladi.

2. Sabab.

3. Savdo avtomatining tashqi ko’rinishi iste’molchilarni o’ziga jab etadi. Shu sababli ham savdo avtomatlari orqali faqat maxsulot yoki xizmat sotmasdan boshqa brendlarning reklamasini joylashtirib ham foyda olsa bo’ladi.

4. Sabab.

Siz ish joyingizni o’zingiz belgilashingiz mumkin. Savdo avtomatini uyingizga yaqin joyga yoki ko’p borishni yoqtiradigan savdo markazlari, kafe, kinoteatrlar yaqiniga joylashtirishingiz mumkin. Bu bilan siz ish va dam olishni uzviy olib boorish imkoniyatiga ega bo’lasiz.

5. Sabab.

Vending biznesi xattoki iqtisodiy beqarorlik vaqtida ham o’sib boruvchi va barqaror soha bo’lib, savdo avtomatini sotib olish moliyaviy mustaqillikni ta’minlaydi. Savdo avtomatlariga ketgan chiqimlarni qoplash o’rtacha 6 oyni tashkil etadi. Bu yetarlicha yuqori rentabillik demakdir.

6. Sabab.

Beshinchi sabab bu yuqori vending uskunalarining yuqori unumdorligidir. Savdo avtomatini sotib olib siz eng mehnatsevar sotuvchiga o’z mablag’ingizni tikkan bo’las. Savdo avtomatlari kasal bo’lmay, dam olmay, uzluksiz ishlaydi va har **kuni** daromad keltiradi.

Mana shunday sabablarga ko’ra vending biznesi bilan shug’ullanish va ishonchli biznes g’oyasiga investitsiya kiritib o’z biznesini yo’lga qo’yish zamonaviy ishbilarmon tadbirkorlarning asosiy maqsadidir.

XIZMAT KO’RSATISH SOHASINI MODERNIZATSIYA VA DIVERSIFIKATSIYA QILISHDA MARKETING VA AXBOROTNING O’RNI

Ruzibayeva N. X. – assistent, SamISI
Xudoyqulova N. R. – Samarqand shahar qurilish
va milliy hunarmandchilik kolleji o’qituvchisi
Ro’ziyev E. Z. - iqtidorli talaba, SamISI

Annotatsiya. *Maqolada xizmat ko’rsatuvchi sub’ektlarni modernizatsiya va diversifikatsiya qilishda marketing va axborotning o’rni va ahamiyati ko’rsatilgan. Xizmat ko’rsatuvchi sub’ektlar faoliyatida rivojlangan mamlakatlar marketing usullarini qo’llash bo’yicha ilmiy amaliy tavsiyalar ishlab chiqilgan.*

Kalit so’zlar: *modernizatsiya, diversifikatsiya, marketing.*

Аннотация. *В статье изучено особенность маркетинга и информации при модификации и диверсификации предприятий в сфере услуг. Даны научно-*

теоретические рекомендации по применению методов развитых стран в предприятиях в сфере услуг.

Ключевые слова. *Модификация, диверсификация, маркетинг.*

Annotation: *in the article the role of marketing and information as well as their importance on modernization and diversification of service subjects were represented. Scientific-practical recommendations using the methods of developed countries' marketing in service subjects' activities were worked.*

Keywords: *modernization, diversification, marketing*

Mamlakatimiz iqtisodiy tarmoqlarini tarkibiy jihatdan isloh qilish davrida xizmat ko'rsatish sohasining ahamiyati yanada ortib bormoqda. Aholining xizmat sifatiga bo'lgan talablarining oshib borishi ushbu sohada modernizatsiya, diversifikatsiya va innovatsiya g'oyalarini amaliyotga tatbiq etishni taqozo etmoqda.

Mamlakatimiz Prezidenti tomonidan ishlab chiqilgan 2017-2021 yillarda O'zbekiston Respublikasini rivojlantirishning beshta ustuvor yo'nalishlari bo'yicha harakatlar strategiyasining iqtisodiyotni rivojlantirish va liberallashtirishning ustuvor yo'nalishlarida ham alohida ta'kidlab o'tilgan. Unga ko'ra "Tarkibiy o'zgartirishlarni chuqurlashtirish, milliy iqtisodiyotning yetakchi tarmoqlarini modernizatsiya va difersifikatsiya qilish hisobiga uning raqobatbardoshligini oshirish: milliy iqtisodiyotning mutanosibligi va barqarorligini ta'minlash, uning tarkibida sanoat, xizmatlar ko'rsatish sohasi, kichik biznes va xususiy tadbirkorlik ulushini ko'paytirish; xizmatlar ko'rsatish sohasini jadal rivojlantirish, yalpi ichki mahsulotni shakllantirishda xizmatlar roli va ulushini oshirish, ko'rsatilayotgan xizmatlarning tuzilmasini eng avvalo xizmatlarning zamonaviy yuqori texnologik turlari hisobiga tubdan o'zgartirish muhim vazifa etib belgilangan.

Bugungi kunda xizmat ko'rsatish sohasining intensiv rivojlanishi uni global miqyosda tadbirkorlik faoliyati uchun jozibador bo'lishiga olib kelmoqda. V.Middleton va J.Klark marketing strategiyasiga bo'lgan talabni kuchayishini quyidagicha izohlaydilar: "kelajakni ko'rishga va etakchi bo'lishga intilish, tez o'sib borayotgan global bozorlar miqyosida biznes bilan shug'ullanish istagi xizmat ko'rsatish korxonalarida o'z faoliyatini marketing strategiyasi asosida rejalashtirishni taqozo etmoqda. Shuning uchun ular o'zlarining faoliyatini marketing starategiyasi asosida tashkil etishlari lozim" degan fikrni bildirgan[56]. Bundan shunday xulosa kelib chiqadiki, marketing strategiyasini o'rganishga bo'lgan talab birinchi navbatda, raqobat mezonlarini o'rganish va tez o'zgarib borayotgan bozor konyukturasini tushunib yetish uchun samarali rejalashtirish jarayonini tashkil etish bilan bog'liq. Bu holat iste'molchilarning didi va xohish-istaklarini yanada tez o'zgaruvchan bo'lib qolayotganini anglatadi. Biroq, ayrim mutaxassislar strategiyani inkor etadilar.

Shuningdek, viloyatlar, tumanlar va shaharlarning kompleks va muvozanatli ijtimoiy-iqtisodiy rivojlantirish, ularning salohiyatidan samarali va optimal foydalanish: hududlar iqtisodiyotini modernizatsiya va diversifikatsiya qilish masshtablarni kengaytirish hisobiga hududlarning ijtimoiy-iqtisodiy rivojlantirish darajasidagi farqini kamaytirish, sanoat va xizmatlar ko'rsatish sohasini jadal rivojlantirish hisobiga

[56] Victor T.C. Middleton with Jackie Clarc. The need for strategic planning. Marketing in Travel and Tourism. Third edition. p.190. 2001.

mahalliy budjetlarning daromad bazasini kengaytirish kabi ustuvor yo'nalishlar belgilab berildi. [57]

Mamlakatimizni, avvalo, iqtisodiyotimizni isloh etish, erkinlashtirish va modernizatsiya qilish, uning tarkibiy tuzilishini diversifikatsiya qilish borasida amalga oshirilayotgan, har tomonlama asosli va chuqur o'ylangan siyosat bizni inqirozlar va boshqa tahdidlarning salbiy ta'siridan himoya qiladigan kuchli to'siq, ya'ni mustahkam va ishonchli himoya vositasini yaratdi.[58]

Bugungi kunda tez o'zgaruvchan bozor sharoitida marketing strategiyasini to'g'ri tanlash va iqtisodiyotni modernizatsiyalash talab etilmoqda. Mamlakatimizda raqobatbardosh korxonalarni ko'paytirish va investitsion muhit paydo bo'lmoqda. Xizmat ko'rsatish sohalarini diversifikatsiya qilish shuni ko'rsatadiki xizmat ko'rsatish sohasini turlarini ko'paytirish va marketing xizmat ko'rsatish sohasi sifat darajasini oshirishga qaratilmoqda.

Xizmat ko'rsatish sohasida sifat darajasining oshirilishi xizmat ko'rsatuvchi sub'ektlarning mijozlari soni oshishiga olib keladi. Bu esa o'z navbatida daromad darajasining oshishiga hamda barqaror faoliyat yuritishiga ijobiy ta'sir ko'rsatadi. Shu o'rinda savol tug'iladi: Xo'sh ushbu xizmatdan kim foydalanyapti, bunday sifatli xizmatlarni qaysi korxona ko'rsatyapti, hamda bu korxona qanday ishlayapti?[59]

Keyingi yillarda axborot rivojlangan mamlakatlarda kapital quyiladigan asosiy sohalardan biri bo'lib qoldi. Har bir voqea aholining xizmatga bo'lgan talabining yomonlashuviga olib kelishi mumkin. Va shu sababli marketing tizimlari, hatto eng yaxshilari ham vaziyatni o'zgartira olmasligi mumkin. Umuman olganda bu to'g'ri.

Mikromarketing — korxonaning ishlab chiqarishni shakllantirish, tovarlar va xizmatlarning tayyorlovchidan iste'molchi yoki foydalanuvchiga borish ritmini boshqarish bilan bog'liq bo'lgan faoliyati. Uning asosiy vazifasi talabni qondirish va ayni paytda korxona oldiga qo'ygan maqsadlarga erishishdir. Boshqacha qilib aytganda, bu ijtimoiy-iqtisodiy jarayon bo'lib, mahsulot yoki xizmatlarga bo'lajak talab tarkibini o'rganish, shuningdek, bu talabni, taklifni shakllantirish, iste'molchilarga axborotlar berish, tayyorlangan moddiy boyliklarni tegishli joyga, kerakli vaqtda yetkazib berish yo'llari bilan qondirish maqsadini ko'zlaydi.

Marketing moliyalashtirish manbalari bozor tadqiqotiga ketadigan xarajatlar, tovar raqobatbardoshligini ta'minlash, iste'molchilar bilan axborot aloqasini o'rnatish uchun ketadigan xarajatlardan iborat. Bu xarajatlar uchun moliyaviy mablag'lar foydadan ajratiladi. O'z-o'zidan barchasi korxona foydasiga borib taqalmoqda. Mamlakatimizda faoliyat yuritayotgan xizmat ko'rsatuvchi sub'ektlar o'zlarining moliyaviy holatidan kelib chiqib bunday xarajatlardan qochadi. Bunda aholining ya'ni shu xizmatlardan foydalanuvchilarning sifatli xizmatga bo'lgan xohishlarini hamda foydalanish imkoniyatlarini ham inobatga olish zarur. Chunki daromadlilik darajasi past bo'lgan hududlarda yuqori sifatli xizmat turlaridan foydalanuvchilar soni ham kam bo'lishi barchamizga ayon. Bu yana o'z navbatida iste'molchilar bozorini o'rganishni talab qiladi.

---

[57] O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2017-yil 7-fevraldagi "O'zbekiston Respublikasini yanada rivojlantirish bo'yicha Harakatlar strategiyasi to'g'risida"gi Farmoni, //"Xalq so'zi" 28(6722) 8.02.2017

[58] A.Sh.Bekmurodov, Yo.K.Qorieva, I.U.Ne'matov, D.H.Nabiev, N.Kattaev Xorijiy investistiyalar. O'quv qo'llanma. Iqtisodiyot 2010.

[59] O'sha yerda

O’zbekistonda olib borilayotgan islohotlarning hozirgi bosqichida tashqi savdo aloqalarini rivojlantirish zamonaviy marketing uslublarini joriy etishni taqozo etadi.

Marketing sohasi mutaxassislari o’zlarining bilimlarini xizmatlarga bo’lgan talabni optimallashtirish yo’lida foydalanishlari, talabning barcha holatlarini boshqarish ko’nikmalarini egallashlari, bu borada xalqaro amaliyotda qo’llaniluvchi marketing uslublarini o’rganishlari lozim bo’ladi.

Yuqoridagi fikrlardan kelib chiqib shuni aytish mumkinki, xizmat ko‘rsatish sub’ektlarida zamonaviy marketing strategiyalarini yaratish ko‘p mehnat, resurs va ilm talab qiladigan murakkab jarayon bo‘lib hisoblanadi. Bu jarayonni o‘z vaqtida to‘g‘ri tashkil etish korxonalarda uzoq muddatli davrda muvaffaqiyatini ta’minlab beradi va bozorda barqaror pozitsiyaga ega bo‘lishiga olib keladi. Biroq, har bir xizmat ko‘rsatish korxonalarida o‘zining faoliyatiga ko‘ra o‘zaro farq qilishi tufayli strategiya yaratish jarayonida umumiy mezonlar va turli xil maqsad va vazifalar doirasida kuchli hamda muvaffiqiyat keltiradigan strategiyalar yaratish yo‘llarini ishlab chiqishni taqozo etadi. Bu esa xizmatlar marketingida o‘rganilishi lozim bo‘lgan metodologik va metodik masalalar turkumini aniqlab beradi va ularga ilmiy asoslangan javob topishni taqozo etadi, globallashuv sharoitida xizmatlar bozorining rivojlanishiga ta’sir etuvchi omillarni nazariy tahlili bilan qamrab olish lozim. Chunki bu yondashuv mamlakatda xizmatlar rivojlanishini zamonaviy muammolaridan kelib chiqqan holda uning muammolariga javob topish imkoniyatini yaratib beradi.

Bundan tashqari, ishlab chiqarishi va iqtisodiyoti rivojlangan mamlakatlarning tashqi iqtisodiy faoliyat va marketing sohasida erishgan muvaffaqiyatlari hamda ijobiy tajribalarini qo’llash imkoniyatlarini o’rganish va amaliyotda qo’llay bilish yoshlarda O’zbekistonning iqtisodiy salohiyatiga, kelajagiga bo’lgan ishonchini yuksaltiradi.

ХИЗМАТ КЎРСАТИШ КОРХОНАЛАРИДА МАРКЕТИНГНИ БОШҚАРИШ САМАРАДОРЛИГИ

Маматкулова Ш.Ж доц.
Наркулова Ш.Ш асс.
Ғаффорова М.О 415-гуруҳ талабаси

Аннотация: *Ушбу мақолада Ўзбекистондаги замонавий хизмат кўрсатиш ҳолати, муаммолар ва уларнинг ечими, мамлакатдаги хизмат кўрсатиш ҳолатининг потенциали, корхоналарда маркетингни бошқариш самарадорлиги кўриб чиқилган.* ***Калит сўзлар:*** *туризм, ички туризм, ташқи туризм, меҳмонхона, Жаҳон сайёҳлик ташкилоти, оператор, инвеститсион салоҳият, кемпинг.*

Annotation: *This article examines the state of the service sphere of modern conditions in Uzbekistan, problems and solutions, the potential of the country's service sector and marketing management in enterprises.*

Key words: *tourism, domestic tourism, foreign tourism, hotel, UNWTO, operator, investment potential, camping.*

Аннотация: *в данной статьи рассматривается состояние сферы обслуживание современных условиях в Узбекистане, проблемы и их решение, потенциал сферы обслуживание страны и управление маркетингом в предприятиях.*

Ключевые слова: *туризм, внутренней туризм, внешний туризм, всемирная организация туризма, оператор, инвестиционный потенциал.*

Иқтисодиётни модернизатсиялаш шароитида мамлакатимизда барқарор ва самарали иқтисодиётни шакллантириш борасида амалга ошириб келинаётган ислоҳотлар бугунги кунда ўзининг ижобий натижаларини намоён этмоқда. Хусусан, хизмат кўрсатиш соҳасининг жадал суръатларда ривожланиш натижасида аҳоли фаровонлигини таъминлаш ва иш билан бандлик масалаларини ҳал қилиш имконияти яратилмоқда. Ҳукуматнинг доимо диққат эътиборида бўлиб келмоқда. Хизмат кўрсатиш соҳаси иқтисодиётимизни барқарор ривожлантиришнинг энг муҳим манбаи ва омили ҳисобланади. Жаҳон тажрибасига назар соладиган бўлсак, хизмат кўрсатиш соҳасининг улуши тараққий этган мамлакатларнинг Ялпи ички маҳсулоти таркибида, масалан, АҚШда 80 фоизга, Буюк Британия, Канада, Франсияда 70 фоиздан зиёд, Германия, Япония, Италияда 68 фоизга тенг бўлганлиги билан белгиланади.

Мамлакатимизда хизматлар соҳасини ривожлантириш бўйича айрим камчилик ва муаммолар мавжуд. Уларни тўла ҳал қилиш ва хизматлар соҳасини кенг ривожлантириш мақсадида Республика ҳукумати томонидан “2012-2016 йилларда Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш Дастури” ишлаб чиқилиб, 2016-йилгача мамлакатимизнинг Ялпи ички маҳсулотида хизмат кўрсатиш соҳасининг улушини 55 фоизгача ошириш, шаҳар ва қишлоқ аҳоли пунктлари ҳудудларининг қурилишини режалаштиришда тасдиқланган меъёрлардан келиб чиққан ҳолда минтақалар аҳолисига турли ижтимоий ва коммунал-маиший хизмат кўрсатиш сифатини ошириш ва улардан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш масалалари кўзда тутилган.

Шулардан келиб чиқиб, 2016 йилда қишлоқ жойларида аҳолига кўрсатилган жами маиший хизматларнинг 11.7 фоизи турар жойлар тамирланиши ва қурилиши, 12.2 фоизи маиший машиналар ва приборларни, 14.1 фоизи транспорт воситаларини таъмирлаш ҳамда техник хизмат кўрсатиш ҳиссасига тўғри келадиган ишлар амалга оширилган.

Шунингдек, қишлоқ ва туманларда хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилаётган бўлишига қарамай, қишлоқ жойларида ҳалигача ривожланиши ортда қолаётган бир қатор хизматлар соҳалари мавжуд. Яни, кир ювиш хоналарининг кимёвий тозалаш ва бўяш хизматлари 1.4 фоиз, ҳаммом ва ювиниш хизматлари 1.2 фоиз, шахобчаларни ижарага бериш хизмати 1.8 фоиз.

Хизматлар соҳасини ривожланишини таҳлил қиладиган бўлсак, 1-жадвалда сўнгги йилларда транспорт, алоқа, уй-жой коммунал хизматларининг жами аҳолига кўрсатиладиган пуллик хизматлардаги улуши тобора ортиб бораётганини кўришимиз мумкин.

1-жадвал

2013-2016 йилларда Ўзбекистон аҳолига пуллик хизмат кўрсатишнинг асосий турлари ҳажмининг таркиби

	2013	2014	2015	2016
Барча кўрсатилган хизматлар	Фоиз ҳисобида			
Шу жумладан:	100	100	100	100

Маиший хизмат	8,6	8,1	9,4	9,7
Транспорт	25,5	25,5	26,1	25,4
Алоқа	17,3	16,5	15,7	15,6
Уй-жой коммунал	16,7	17,8	15,8	16,2
Халқ таълими соҳаси	7,6	8,4	8,7	8,7
Маданият	0,6	0,7	0,6	0,7
Экскурсия ва саёҳатлар	0,5	0,5	0,5	0,4
Жисмоний тарбия ва спорт	0,4	0,4	0,5	0,5
Соғлиқни сақлаш	2,5	2,9	2,9	3,2
Санатория-курорт ва соғломлаштириш	0,5	0,6	0,5	0,6
Хуқуқий ҳарактердаги ва банк муассасалари хизмати	6,1	4,8	5,0	4,6
Бошқа хизматлар	13,7	13,8	14,3	14,4

Шунингдек, маданият, экскурсия ва саёҳат, жисмоний тарбия ва спорт, санатория хизматлари улушлари жуда паст.

Ваҳоланки, бугунги кунда мамлакатимизда туристик фаолият ҳуқуқига эга бўлган 980 дан ортиқ субъект мавжуд бўлиб, улардан 540 дан ортиғи туроператор ва агентлик мақомини олган. Охирги саккиз йилда 13 мингдан зиёд сайёҳларни қабул қилиш қувватига эга 300 дан ортиқ хусусий меҳмонхоналар фаолият кўрсатмоқда.

Демак, ушбу соҳаларда жиддий камчиликлар мавжуд бўлиб, уларни бартараф қилиш лозим. Айнан, мана шу ривожланиши ортда қолаётган соҳаларда фаолият кўрсатадиган субъектларнинг катта қисми мулкчилик шаклига кўра давлат секторига тегишли ҳисобланади. Ривожланиб бораётган хизматлар соҳасининг кўпчилиги эса мулкчилик шаклига кўра нодавлат сектори тармоқлари ҳиссасига тўғри келади.

2-жадвал

2013-2016 йилларда Ўзбекистон аҳолига пуллик хизмат кўрсатишнинг мулкчилик шакллари бўйича тақсимланиши

Жами хизматлар	2013	2014	2015	2016
Мулкчилик шакллари бўйича	Фоиз ҳисобида			
Давлат	18,3	17,7	17,1	13,7
Нодавлат	81,7	82,3	82,9	86,3
Шу жумладан: хусусий	37,0	37,4	40,9	43,3

2-жадвалда кўриб турганимиздек, 2016 йилда аҳолига кўрсатилган пуллик хизматларнинг 13.7 фоизи давлат секторига тегишли субъектлар ҳиссасига, 86.3 фоизи эса нодавлат сектор субъектлари ҳиссасига тўғри келади.

Хулоса қиладиган бўлсак, хизматлар соҳасини ривожлантириш бевосита нодавлат сектор кенгайишига ва ривожига боғлиқдир. Мулкчилик ва хусий

тадбиркорликни шакллантириш бозор иқтисодиётига ўтишдаги қонуний жараён ҳисобланади.

Хизматлар соҳаси мураккаб, кўп режали механизм бўла туриб, фаолиятнинг бир қатор йўналишларини (савдо ва транспортдан таълим ва суғуртагача) қамраб олади ва замонавий иқтисодиётнинг истиқболли соҳаларидан бири саналади.

Ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлмаган соҳани ва унинг доирасида фаолият кўрсатувчи хизматлар бозорини бошқаришда мавжуд бўлган ресурсларнинг самарали ишлатилишини ҳисобга олган ҳолда, инсон, ижтимоий гуруҳлар ва жамият талабларини қондирилишини таъминлашга имкон берадиган ва турли хизматларга бўлган талаб ва таклиф балансини имкон даражада таъминлаш масаласини ҳал қиладиган замонавий усул ва услубларини жорий қилиш бугунги куннинг талабидир.

Хизматлар соҳасини самарадорлигини янада оширишда қуйидаги вазифаларни амалга ошириш зарур.

Иқтисодий вазифалар бўйича:

- моддий неъматлар ишлаб чиқариш жараёнига хизмат кўрсатиш;
- ишчи кучини такрор ишлаб чиқариш;
- қўшимча моддий неъматларни яратиш;

Ижтимоий вазифалар бўйича:

- аҳолининг ҳар хил хизмат кўрсатиш турларига оид талабларини қондириш;
- ҳаражатлар камайишини таъминлаш ва уй хўжаликларида меҳнат шароитларини яхшилаш;
- бўш қолган вақтни реализатсия қилиш;
- давлатнинг нормал фаолиятини ва хавфсизлигини, жамоат тартиботини муҳофаза қилинишини таъминлаш.

Мамлакатимизда хизматлар соҳасини ривожлантириш аҳоли бандлигини ошириш билан биргаликда уларнинг турмуш сифатини ошишига замин яратади.

Маркетингни бошқариш маркетинг фаолиятини амалга ошириш учун зарур бўлган барча моддий, меъёрий ва бошқа ресурсларнинг мажмуини амалга ошириш жараёнида барча ходимлар фаолиятини бир мақсадга йўналтириш, уюштириш ва мувофиқлаштириш талаб этилади. Бунда иқтисодий, техникавий ва бошқа қонунлардан онгли равишда фойдаланилади. Бу фаолият маркетологлардан ниҳоятда катта билим, ижод ва тугалмас меҳнат талаб қилувчи мураккаб тизимдир. Унинг мураккаблиги доимий ривожланиб, ўзгариб боришда.

Маркетингни бошқариш тизимининг таркибий қисмлари: мақсад тамойиллари, вазифалари, ташкилий тузилиши, усуллари, бошқаришнинг техника ва технологияси, кадрлар кабилардан иборат. Маркетингни бошқаришнинг мақсади тизимнинг тўғри ва мураккаблик даражасига караб ўзгаради. Унинг ташкилий тузилиш мезони ва мақсади деганда, маркетингнинг таркибий тузилишини динамик барқарорлиги, эволюция ўзгаришлари ва ташқи муҳит билан ўзаро таъсири тушунилади. У, аввало маркетингнинг олдига қўйган мақсади билан белгиланади. Бу мақсад маркетинг фаолият кўрсатган соҳаларда белгиланган даражадаги фойда олишга йўналтирилган барча фаолиятни бошқаришдир.

Ишлаб чикариш устуворлигига асосланган корхонада бошқариш органларининг ташкилий таркибида инженер-техник ходимлар асосий бўғин ҳисобланади. Чет элдаги йирик фирмалар бошкарув таркибида бошка

бўлимларга нисбатан кўп ходимларга эга бўлган алоҳида маркетинг бўлимлари ва сотишни бошқариш бўлимлари тузилган.

Бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнида республикамиз корхоналарида тижорат бўлимлари ташкил қилиниб, унга корхона раҳбарининг тижорат ишлари бўйича ўринбосари раҳбарлик қилади. Бундай бўлимлар илгари ҳам мавжуд бўлиб, улар фақат узоқ муддатли шартномалар тузиш билан банд бўлиб, умуман маркетинг муаммолари билан шуғулланмас эдилар. Бозор шароитида талабни ўрганиш, истиқболлаш ва ташкил қилиш савдо ташкилотларининг вазифаси бўлмай қолди. Товар ишлаб чиқарувчи корхона ҳам реклама, бозорни ўрганиш, бозор баҳоларини аниқлаш, географик, ёшига нисбатан ва бошка мезонларига асосланиб бозорни сегментлаш билан шугуланиши лозим. Бошқача қилиб айтганда - агар илгари харидорларни ўрганиш фақат савдо ташкилотларининг вазифаси саналган бўлса, маркетингча ёндошишда товар ишлаб чиқарувчилар ҳам харидорни ўрганишга ҳаракат қиладилар. Маркетингнинг энг асосий вазифаларидан бири - кафолатланган юқори сифтали, харидор талабига жавоб берадиган рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришни ва сотишни ташкил қилишдир. Маркетингча ёндашишда товар юқори сифатли бўлиши учун у сифат бўйича халқаро техник стандартларга жавоб бериш билан бирга маълум бозор сегментининг эҳтиёжига ҳам жавоб бериши керак. Шунинг учун маркетинг хизматининг марказий вазифаларидан бири сифатли бошқариш саналади.

Маркетингни бошқариш - корхонада бир неча йўналишда амалга оширилиши мумкин:

-функционал - бунда жавобгарлик тақсимот, сотиш, ташкилот ва товар ҳаракатини ташкил қилиш даражасига тушади;

-товарлар тамойили бўйича ташкил этиш. Бунда функционал тамойилларга яна ҳар бир товар маркаси учун бошқарувчилар кўйилади;

-бозор тамойили бўйича ташкил этиш. Бунда функционал тамойилларга, яна ҳар бир ҳудуд бозорлари ва истеъмолчилар тури бўйича бошқарувчилар қўйилади.

Функционал маркетинг бўлимларининг ташкил этилишида маркетинг бўлимлари маркетинг фаолиятининг хусусий функциялари бўйича иерархик бўлинади. Бу каби тузилмага кичик ишлаб чиқариш дастури ва тор товар ассортиментига, кам сонли миллий бозорлар ва улар сегментига эга кичик корхоналар (маркетинг хизматлари) киради. Функционал ташкил этишнинг ютуқлари-бўлимларни бошқаришдаги соддалик, бажариладиган функцияларга юқори жавобгарлик, шу билан бирга қатор камчиликларга ҳам эга:

-товарлар бўйича махсус бўлимларнинг йўқлиги;

-бозорнинг минтақавий сегментлари бўйича махсус бўлимларининг йўклиги;

-бозор талабларининг ўзгариши ва истеъмолчилар талабларига оператив таъсирнинг сустлиги;

-маркетинг ташкилотлари тадбирларини молиялаштириш масалаларини ҳал этишнинг мураккаблашганлигидир.

Бозор иқтисодиётига ўтишнинг ҳозирги босқичида маркетингни бошқаришда:

-меҳнат тақсимотига амал қилиш;

-ҳокимиятга бўйсуниш, интизом ва тартибга риоя қилиш;

-буйруқ беришнинг ягоналиги, бошқарувда яна бошчилик ва коллегиаллик;

-меҳнатни моддий ва маънавий рағбатлантириш;

-ишчи ва хизматчиларнинг доимийлиги, бирлиги ва ягоналиги;

-ташаббускорлик ва ҳаққонийлик (объективлик);

-илмий асосланганлик;

-тежамкорлик ва самарадорлик тамойилларига риоя қилинади. Маркетингни бошқаришда бир қатор усул ва услубиятлар мавжуд бўлиб, улар маркетинг фаолиятини самарали амалга оширишга қаратилган ҳамда ўртага қўйилган асосий мақсадларга эришиш жараёнида мазкур маркетинг ходимлари ва корхона жамоаси фаолиятини уйғунлаштиришни таъминлайди. Маркетингни бошқариш усуллари маркетинг фаолиятини амалга оширишда шаклланадиган мавжуд муносабатлардан объектив суръатда келиб чиқади. Бу муносабатлар турличадир. Маркетинг фаолиятидаги турли муносбатларни бир-биридан фарқлаш маркетингни бошқариш усул ва услубиятларини иқтисодий, ташкилий (маъмурий), ижтимоий психологик усулларга бўлишга имкон беради.

Маркетингни бошқариш усулларини, уларда акс этадиган иқтисодий ва бошка муносабатлар турларига қараб туркумлаш билан бир қаторда, бу усулларда ходимларнинг фаолият кўрсатишини ҳисобга олиб, уларга таъсир кўрсатиш нуқтаи назаридан ҳам фарқ қилиши лозим.

Улар қуйидагилар:

-ҳар бир ходимнинг ҳуқуқи ва бурчларидан келиб чиқадиган фаолият сабаблари (мажбурий, мотивация);

-моддий манфаатлардан келиб чиқадиган сабаблар;

-маънавий (руҳий) сабаблар.;

Шунга мувофиқ маркетингни бошқариш усулларини ҳам куйидагича бўлиш мумкин:

-бевосита директив усуллар;

-ходимлар ва жамоани рағбатлантиришга асосланган усуллар;

-меҳнатни маънавий (руҳий) рағбатлантиришдан фойдаланишни кўзда тутувчи усуллар.

Маркетинг амалиётида бу усулларнинг ҳаммасидан комплекс тарзда фойдаланилади. Мазкур бошқариш усулларининг хаммаси ўзаро чамбарчас бир-бирига боғлиқ.. Бошқариш маҳорати - унинг ҳамма усул ва услубиятларини билиш, уларнинг мувофиқларини танлай олиш, бирор аниқ мақсад орқали ходимларга ва жамоаларга таъсир кўрсатишни энг самарали усулларини топа олишдир. Маркетингни бошқариш усуллари ҳозирги объектив қонунлардан фойдаланиш механизм тизимидаги энг муҳим қисмдир.

КУТУБХОНА РЕСУРСЛАРИДАН МОБИЛ АЛОҚА АСОСИДА ТАРМОҚДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ ДАСТУРИЙ ТАЪМИНОТИНИ ЯРАТИШ ВА ТАТБИҚ ЭТИШ (ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ МИСОЛИДА)

Лутфиллаев М.Х, Лутфиллаева Ф .М,
Ўз Миллий Ўниверситети педагогика фанлари доктори, профессор,
Самарқанд давлат чет тиллар институти, ассистент

Бугунги кунда таълим муассасаларида ва бошқа ташкилотларда кутубхонадаги мавжуд ресурслардан фойдаланиш асосан кутубхонанинг ўзид, ёки корпоратив тармоқ орқали амалга оширилмоқда. Бу эса ўз навбатида кутубхона ресурсларидан тезкор тарзда фойдаланиш учун анча ноқулайликлар туғдиради. Айниқса кутубхонадан маълумотларни тезкор тарзда олиш уларни қайта ишлаш ва керакли манзилларга ўз вақтида юбориш масалаларини амалга оширишда бир мунча қийинчиликларга олиб келмоқда.Кутубхонадан маълумотларни мобил алоқа асосида тезкор тарзда олиш қулай методларидан биридир. Мобил алоқа асосида кутубхонадан маълумотларни олиш учун керакли дастурий воситаларни яратишни тақазо этади. Шу боис Кутубхонадаги мълумотларни мобил телефонлар орқали олишни дастурий таъминотини ишлаб чиқиш ва ундан фойдаланишни йўлга қўйиш долзарб масалалардан ҳисобланади. Ушбу лойиҳада мобил алоқа асосида кутубхоналардан фойдаланишнинг дастурий таъминотини яратиш ва олий таълим муассаларига жорий этиш масаласи қўйилган. Бу масаланинг ечиш орқали таълим муассасаларида таълим олаётган талабалар, ходимлар ва профессор - ўқитувчилар ва фойдаланувчилар қўл телефонлар орқали керакли ва тезкор маълумотлари олиш имкониятига эга бўладилар.

Шуни таъкидлаш жоизки, мобил алоқа асосида кутубхона хизматлардан фойдаланишни дастурий таъминотини яратиш айниқса Республикамизнинг чекка ҳудудларида истиқомат қиладиган фуқаролар учун жуда қулай восита ҳисобланади.

Мақолада олий таълим муассасаларидаги ахборот ресурс марказларининг тармоқ тизимидан фойдаланишни самарали ташкил қилишнинг дастурий таъминотини яратиш масаласи ёритилган .Бугунги кунда Республикада таълим инфраструктурасини ахборот макони билан таъминлаш, ахборот коммуникация технологиялари асосида олий таълим муассасаларининг ахборот-ресурс марказларини корпоратив тармоққа бирлаштириш ишлари амалга оширилмоқда.

Республикада олий таълим муассасаларининг барчасида ахборот-ресурс марказлари корпоратив тармоққа уланган. Корпоратив тармоққа бирлаштиришдан асосий мақсад улардаги мавжуд ресурслардан тўғридан-тўғри тармоқ орқали фойдаланишни йўлга қўйишдан иборат.

Мамлактимиздаги барча олий таълим муассасаларида ахборот-ресурс марказларида жорий этилган КАРМАТ тизими асосида таълим муассасаларининг ахборот ресурс марказларини ягона маълумотлар базаси асосида фойдаланишни йўлга қўйиш мақсадга мувофиқ.

Ушбу қўйилган масаланинг асосий мақсади Республика олий таълим муассасасларидаги ахборот-ресурс марказларидаги мавжуд ресурслардан тармоқ орқали мобил алоқа ёрдамида фойдаланишнинг дастурий таъминотини яратиш

масаласи қўйилган. Ушбу масалани ечиш орқали олий таълим муассасаларида таълим олаётган талабалар, ходимлар ва профессор-ўқитувчилар ахборот-ресурс марказларига мобил телефонлари орқали буюртма бериш имкониятига эга бўладилар. Бундай имкониятнинг яратилиши олий таълим муассасаларида фаолият юритаётган барча талабалар ва ходимларнинг бир томондан вақтини тежаш ва тезкор маълумотларни олиш имкониятини яратади, иккинчи томондан бўлса, уларнинг олий таълим муассасаларига келиб кетмаслик ҳисобидан иқтисодий тежамкорликка эришишга олиб келади.

Хулоса қилиб айтганда кутубхона ресурсларидан мобил алоқа асосида буртмалар бериш ва мавжуд адабиётлардан фойдаланиш имкониятини яратиш таълим тизими самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

АХБОРОТ КОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ ТАЪЛИМ ТИЗИМИГА ЖОРИЙ ЭТИШ

Назаров С,Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси 2-босқич тингловчиси

Маълумки, 2002 йил 30 майда Республикамиз Президентининг ПФ-3080-сонли «Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва Ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш тўғрисида» Фармони эълон қилинган бўлиб, мазкур фармоннинг бажарилишини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2002 йил 6 июнда 200-сонли «Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва Ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида» қарор қабул қилинган эди. Мазкур ҳужжатлар республикамизда ахборотлаштирилган жамият ташкил этишда, барча соҳаларда АКТ ва интернетни кенг жорий этишда катта туртки бўлди ва ушбу соҳани жадал ривожланишида муносиб замин яратди. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигида ҳам таълим тизимини ахборотлаштириш масалаларига жуда катта эътибор қаратилмоқда [1].

Асримиз глобаллаштириш ва ахборотлаштириш асри деб юритилмоқда. Дарҳақиқат ҳар томонлама ривожланаётган жамият тараққиётини ахборот технологияларисиз, айниқса компьютерларсиз тасаввур этиш мушкул. Ахборот - коммуникация технологиялари (АКТ) соҳаси инсон фаолиятининг юқори суръатларда, шиддат билан ривожланиб бораётган алоҳида соҳаларидан ҳисобланади. Электрон ҳисоблаш машиналарининг биринчи авлодидан иккинчи авлодига ўтиш даври йиллар билан ўлчанган бўлса, эндиликда бир неча ойлар давомида уларнинг янги авлодлари, турлари яратилмоқда. Ҳозир шундай давр келдики, компьютерлар ўзининг янги авлодларини яратишда ва лойиҳалашда ўзи ҳам бевосита иштирок этиб, ушбу тараққиёт жараёнида муҳим омил бўлиб қолмоқда.

АКТ га нисбатан талаб ва эҳтиёж интернетнинг яратилиши билан янада ортди. Айнан мана шу янги технологиялар иқтисодиётимизнинг барча йўналишларига, жумладан таълим соҳасига ҳам жадал суръатларда кириб бормоқда. Бу эса таълим тизимида, хусусан ўқув жараёнларини ташкил этиш ва амалга ошириш, ўқув-услубий таъминотни ривожлантириш, айниқса ўқув машғулотларини ўтиш ва ўзлаштириш самарадорлигини ошириш борасида янгича

мазмун ва моҳият шаклланишига асос яратмоқда. Таълим соҳасидаги атамалар рўйхатида «электрон дарслик», «масофавий ўқитиш курси», «виртуал тажриба стенди», «виртуал устахона», «видеоконференция», «электрон форум», «виртуал синф» каби янги сўзлар пайдо бўлди [3].

Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурининг ҳозирги кунда амалга оширилаётган 2-босқичи бўйича белгиланган асосий вазифалардан бири – таълим сифатини оширишдир. Бунга асосий сабаб бўлувчи омиллар қуйидагилардир.

1. Ўқув машғулотларини ўтиш ва ўзлаштириш самарадорлигини ошириш. АКТ ўқув машғулотларни ташкил этишда, талабаларга тавсия этишда ва талабаларнинг тавсия этилаётган ўқув материалларини тўлиқ ўзлаштиришларида қўл келувчи восита бўлиб, ўқув материалларини тингловчиларга тушунарли ва жонли, қисқа муддатда кўп маълумотларни етказиб бериш каби юқори самарали педагогик - дидактик хусусиятлари билан ажралиб туради.

2. Ахборот маданиятини шакллантириш. АКТни таълим жараёнларига тадбиқ этилиши талабаларнинг, нафақат талабаларнинг, балки педагогларнинг ҳам ахборот маданияти давр билан ҳамнафас тарзда шаклланишига муносиб замин яратади. Чунончи, ахборот маданияти ахборотлаштирилган жамиятни яратишда муҳим аҳамиятга эга бўлган компонентлардан ҳисобланади.

3. Таълим жараёнларининг ижобий кўрсаткичларини кескин ортиши. Баъзан айрим педагогларимиз талабаларнинг дарсга қатнашишларидан, билим доираларидан «нолиб қолишларини» гувоҳи бўламиз. Албатта, ҳамма талабаларнинг ўзлаштириш кўрсаткичлари, салоҳиятлари бир хил эмас. Бунинг сабаблари ҳам турлича. Эътироф этиб ўтишимиз керакки, кўпинча иқтидорли талабалар билан ишлаш ўрнига, аксарият вақтимиз ўзлаштириши паст бўлган талабалар билан қўшимча ишлашга сарфланаётир. Ёки бошқача қилиб изоҳлаганда, «сувни лойқадан тозалашга кўпроқ куч сарфлаб, тоза сув билан ишлашга» камроқ аҳамият берилиш ҳоллари ҳам мавжуд. АКТни ўқув жараёнларига тадбиқ этилиши ва улардан ўринли ҳамда самарали фойдаланиш, ўзлаштириш кўрсаткичлари паст бўлган талабаларни юқорироқ поғоналарга олиб чиқиш, иқтидорли талабалар билан эса, янада самаралироқ шуғулланиш имкониятларини келтириб чиқаради.

Таълим тизимини ахборотлаштириш мақсадида ҳар бир таълим муассасасида қуйидаги асосий вазифалар босқичма-босқич ва кетма-кет бажарилишини таъминлашимиз лозим бўлади:

- замонавий АКТ бўйича мутахассислар тайёрлаш даражасини ошириш;
- ўқув-таълим жараёнларида АКТ кенг жорий этиш ва улардан самаралироқ фойдаланишни таъминловчи моддий-техника базасини яхшилаш;
- таълим сифатини оширишга қаратилган инновацион технологияларни ўқитиш жараёнларида самарали қўллаш;
- ўқув жараёнларини бошқариш ва ахборот таъминотини йўлга қўйишга қаратилган замонавий технологияларни жорий этиш.

Ушбу мақсадларга эришиш учун қуйидаги йўналишлардаги олиб борилаётган фаолиятни кучайтириш керак бўлади:

- ✓ педагог кадрларни АКТ соҳасида малака ошириш ва қайта тайёрлашда такомиллаштириш;

- ✓ таълим муассасасининг ахборот инфра тузилмасини ривожлантириш ва маҳаллий, ҳамда халқаро таълим ресурсларидан кенг ва самарали фойдаланишни таъминлаш;
- ✓ интернет ресурсларидан самарали фойдаланишга эришиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар ишлаб чиқиш;
- ✓ талабаларга қўшимча таълим бериш, қолаверса педагог кадрлар ва мутахассисларни малакасини оширишга қаратилган телевидение орқали масофавий ўқитиш, интернет орқали имтиёзли ва бепул ўқитиладиган очиқ (online) курсларидан самарали фойдаланишни йўлга қўйиш [3].

Умуман олганда АКТ таълим тизимида ажралмас бир бўлак бўлиб, таълим сифатини кескин ошишида, нафақат таълим тизимини, балки жамиятимизни ҳам ахборотлаштирилувида, республика иқтисодиётини ривожланишида ва жаҳон ахборот маконида ватанимиз ўзининг муносиб ўрнига эга бўлишида муҳим омил бўлиб ҳисобланар экан, янги ўқув йили арафасида, ушбу соҳанинг ривожланиши билан қадамма-қадам ташлаб бориш, улардан самарали фойдаланиш ҳар биримиз учун ҳам қарз, ҳам фарздир.

РОЛЬ ВНУТРЕННИХ АУДИТОРОВ КАК МЕНЕДЖЕРОВ В ПОВЫШЕНИИ ЭФФЕКТИВНОСТИ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ ХОЗЯЙСТВУЮЩИХ СУБЪЕКТОВ И ПРОБЛЕМЫ ОЦЕНКИ РЕЗУЛЬТАТОВ ИХ РАБОТЫ

Д.К.Уразов-асс. СамИЭС

Аннотация: *Ушбу мақолада ички аудиторларнинг бошқарув маслаҳатчиси сифатида хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти самарадорлигини оширишдаги ўрни ҳамда улар иши натижаларини баҳолашдаги муаммолар , бу муамммоларни ечиш йўллари очиб берилган.*

В данной статье раскрыта роль внутренних аудиторов как управленческих консультантов в повышении эффективности деятельности хозяйствующих субъектов, а также проблемы оценки результатов их работы и пути решения этих проблем.

This article discloses the role of internal auditors as management consultants in enhancing the efficiency of economic entities, as well as the problems of assessing the results of their work and the ways of solution these problems.

В условиях интеграции нашей республики в мировое сообщество руководители всех субъектов сталкиваются с преобразованием форм собственности, с ростом цен, привлечением иностранных кредитов и займов, переплетением национальных и иностранных капиталов. Именно эти и другие новшества сегодня характерны для каждой ячейки нашей национальной экономики.

Преобразования, происходящие в стране, требуют от субъектов бизнеса ориентации главным образом на внедрение современных методов управления. Особенно важным становится внимание на управленческую инфраструктуру как

на одну из составляющих инфраструктурного комплекса. Под последним, обычно, понимают управленческий аппарат во главе Совета директоров и исполнительного органа компании с ее отдельными функциональными отделами и подразделениями. Именно управленческая инфраструктура создает необходимые условия для качественного и эффективного функционирования компании в целом и способствует в ней формированию и тесному взаимодействию всех элементов инфраструктурного комплекса. Отделы управленческой инфраструктуры современной компании должны функционировать таким образом, чтобы активно влиять на ее формирование как целостной системы.

Относительно новым отделом или подразделением инфраструктуры современных компаний стала служба внутреннего аудита (СВА). Работники СВА – внутренние аудиторы изо дня в день становятся нужными и важными менеджерами[60].

И так, в чем конкретно выражаются роль и место внутренних аудиторов как менеджеров в повышении эффективности деятельности современных компаний?

На наш взгляд, они кроются, прежде всего, в сути самого понятия внутреннего аудита и внутреннего аудитора, а также деятельности, осуществляемой ими как менеджеров.

Внутренний аудит — это независимая деятельность в организации (на предприятии) по проверке и оценке её работы в её же интересах. Такой аудит помогает субъектам бизнеса достичь поставленных целей, используя систематизированный и последовательный подход к оценке и повышению эффективности процессов управления рисками, контроля и корпоративного управления[61].

Внутренний аудитор – это специалист, который должен обладать квалификацией, позволяющей хорошо разобраться в вопросах работы своей организации, работе системы качества и в вопросах проведения аудита[62].

Под деятельностью внутренних аудиторов, обычно, понимаются функции и задачи, которые выполняются ими.

К основным функциям внутренних аудиторов как менеджеров относятся:

(1) контрольные функции,

(2) информационно-аналитические функции,

(3) консультационные функции.

Каждая из этих функций внутренних аудиторов имеет конкретное содержание и включает в себя различные слагаемые. В частности, **контрольные функции** внутренних аудиторов как менеджеров включают в себя:

---

[60] Менеджер (в переводе с англ. manage — управлять, management - управление, руководство; с нем. manager - организатор, с фран. manager - управляющий) - специалист в области управления, управленец,

[61] https://ru.wikipedia.org/wiki/Внутренний_аудит

[62] http://www.kpms.ru/Implement/Qms_Auditor_training.htm

* изучение, оценку и мониторинг адекватности и эффективности систем внутреннего контроля (СВК);

*контроль над соблюдением порядка проведения финансово-хозяйственных операций, внутренних регламентов, в том числе в части превышения полномочий руководством;

*проверку соблюдения законодательных и нормативных требований к ведению бухгалтерского, налогового учета и формированию финансовой и налоговой отчетности;

* оценку целесообразности управленческих решений, принимаемых по результатам проверки, выявление резервов повышения эффективности;

*проверку наличия и сохранности активов;

*взаимодействие с внешним независимым аудитом и контролирующими органами.

Информационно-аналитические функции внутренних аудиторов как менеджеров заключаются в информировании руководства о выявленных обстоятельствах и тенденциях, экспертиза разрабатываемых управленческих решений, анализ внутренних потоков материальных средств, анализ исполнения планов и смет.

Консультационные функции внутренних аудиторов как менеджеров заключаются в участии их в разработке методик учета, их анализе на предмет соответствия бухгалтерскому или налоговому законодательству, анализ эффективности системы управленческого учета, тарифной политики и т.п.

В рамках вышеприведенных функций внутренние аудиторы выполняют конкретные задачи. К основным задачам внутренних аудитов относятся:

*обеспечение Совета управляющих Компании достоверной информацией и подготовка предложений по совершенствованию деятельности;

*оперативное внесение Правлению Компании рекомендаций по устранению выявленных в процессе внутреннего аудита недостатков, осуществление контроля над их устранением;

*обеспечение защиты прав и законных интересов всех акционеров, участников товарищества;

*проверка правильности расходования денежных средств, расчетов с поставщиками и подрядчиками на предмет возможного завышения смет и закупочных цен, фактических запасов на складах и производстве, обоснованности применяемых норм расходов (в том числе и норм естественной убыли) при производстве и хранении товаров;

* проверка соблюдения требований как нормативно-правовой базы компании (политики, процедуры, регламенты, стандарты, технические условия и т.д.), так и внешних регулирующих органов.;

* проверка безопасности информационных систем компании и рациональности их использования;

* проверка выполнения организацией плановых заданий по защите окружающей среды от вредного воздействия, соблюдения норм вредных выбросов, требований по захоронению отходов и т.д.

Вышеперечисленные функции и задачи внутренних аудиторов закреплены в каждой стране соответствующим нормативным актом. В частности, в нашей стране они закреплены «Положением о службе внутреннего аудита», утвержденным постановлением КМ Р.Уз ««О мерах по обеспечению эффективного управления предприятиями с государственной долей в уставном фонде и надлежащего учета государственного имущества» от 16.10.2006 года за №215. На основе данного Положения министерствами и ведомствами отдельных отраслей и сфер нашей экономики утверждено соответствующее отраслевое положение.

Деятельность СВА в конкретных субъектах бизнеса, обычно, регулируется Положением об отделе и также должностными инструкциями.

Руководство компаний заинтересовано в результативной работе СВА. Поэтому руководству компании необходимо разработать систему оценки качества работы этой службы, ее направленности на развитие компаний. Для успешного решения этой проблемы требуются определенные показатели – индикаторы, характеризующие результаты работы СВА.

Исследование показывают, что на практике крупных компаний для оценки результатов работы СВА применяются различные детализированные показатели, некоторые из них нами систематизированы в табл.1.

Таблица 1.

Детализированные показатели оценки результатов работы СВА современных компаний

№	Категории показателей	Наименование показателей
1	Качественные показатели	*общий уровень квалификации аудиторов, *средняя продолжительность работы сотрудников во внутреннем аудите, * количество часов повышения квалификации в расчете на одного внутреннего аудитора в год, *число специалистов, имеющих профессиональные сертификаты и квалификационные аттестаты внешнего аудитора, *наличие и практическое применение стандартов внутреннего аудита.
2	Показатели	*выполнение утвержденного плана работы

	продуктивности	службы, *количество проведенных проверок в расчете на одного аудитора, *средняя продолжительность проверки, *процент проверок, уложившихся в отведенное время, * количество рекомендаций, переданных заказчикам, *число неисполненных заявок заказчиков.
3	Показатели результативности	*процент выполненных аудиторских рекомендаций, *количество аудиторских замечаний по фактам, ранее не известным руководителю объекта проверки, *количество обращений заказчиков в СВА, *удовлетворенность заказчиков, а также прямой экономический эффект от выполнения рекомендаций.

Следует отметить, что у каждого из названных детализированных показателей есть положительные и отрицательные стороны. Так, например, выполнение утвержденного плана проверок легко измеряется количественно, однако его применение может спровоцировать погоню за количеством проверок в ущерб их качеству. В этой связи на практике компаний используются и другие подходы для оценки результатов работы СВА. Одним их таких подходов является использование укрупненных показателей для оценки результатов работы СВА. При таком подходе важными укрупненными показателями для оценки эффективности работы СВА являются:

– соотношение величины стоимостного эффекта от выполнения всех контрольно-проверочных и консалтинговых мероприятий по всей компании к сумме текущих и единовременных затрат на содержание и развитие СВА;

– получение дополнительной экономии за счет тиражирования результатов проверочно-консалтинговых мероприятий на более широкий круг бизнес-единиц компании;

– степень отклонения фактических целевых показателей деятельности бизнеса от задаваемого (планируемого) уровня и др.

Следует отметить, что применение вышеприведенных укрупненных показателей дает своеобразный синергетический эффект. Ибо, в нем выражается соотношение величины стоимостного эффекта от выполнения всех контрольно-проверочных и консалтинговых мероприятий по всей компании к сумме текущих и единовременных затрат на содержание и развитие СВА. Достижение такого

эффекта является весьма существенным параметром, который характеризует не только систему корпоративного контроля, но и уровень корпоративной культуры в целом.

Таким образом, из выше отмеченных фактов видно, что в настоящее время компаниям, решившимся на создание СВА, придется решить разнообразные проблемы и преодолевать имеющиеся трудности. В частности, им придется отказаться от подходов управления, сохранившихся еще со времен плановой экономики, и привычной безнаказанности руководителей предприятий за допущенные нарушения и осознать необходимость налаживания работы СВА. При успешном преодолении этих трудностей компания может получить не только реальную возможность повысить эффективность управления, но и другие преимущества. Так, например, существенно снизить свои затраты на создание СВА и на ее содержание. Привлечение к внутреннему аудиту специалистов извне, а также использование услуги внешних консультантов, обычно, обходятся намного дороже. Кроме того, оперативность собственной СВА выше, чем услуги внешних консультантов. Руководители компании могут востребовать услуги СВА практически в любой момент. Помимо этого, внутренние аудиторы в отличие от внешних консультантов обладают более глубокими знаниями организационной, экономической и финансовой ситуации в компании. Они имеют больше возможностей в решении конкретных хозяйственных ситуаций компании за счет совместной работы с высококвалифицированными специалистами других структурных подразделений. И наконец, в отличие от внешних консультантов внутренние аудиторы как собственные менеджеры, естественно, заинтересованы больше в повышении эффективности деятельности своей компании. Являясь часть собственной управленческой инфраструктуры компании, СВА больше и постоянно заинтересована в повышении результативности своей работы.

IV ШЎЪБА.ТУРИЗМ СОҲАСИНИ ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНТИРИШ МУАММОЛАРИ

ТУРИЗМ ИНДУСТРИЯСИ ХИЗМАТЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

И.С.Тухлиев СамИСИ.и.ф.д.,профессор

Бугунги кунда хизмат кўрсатиш соҳаси жадал суръатларда ривожланиб, миллий маҳсулотдаги улуши бўйича иқтисодиётининг бирламчи ва иккиламчи секторларидан анча ажралмоқда. Ўртача олганда энг ривожланган мамлакатлар (АҚШ, Буюк Британия, Германия, Япония ва бошқалар) ЯИМдаги хизматлар улуши 66%дан 86% гача бўлган кўрсаткични ифодалайди. Транспорт, савдо, туризм ва меҳмон қабул қилиш соҳалари тезкор ривожланиб бормоқда. Аввало, инсон ҳаётининг барча жиҳатларининг ахборотлашуви билан боғлиқ бўлган ўзгаришлар туфайли хизмат кўрсатиш соҳасидаги ижобий томонга ўзгаришлар давом этмоқда. Ҳозирги кунда хизмат кўрсатиш фаолиятининг инновацион таркиби ўсиб бормоқда. Хизмат кўрсатиш соҳасининг кенгайиши – бу ишлаб чиқариш ривожланётганлигининг муҳим омили бўлиб, замонавий корхона фаолиятининг самарадорлиги кўп жиҳатдан ишлаб чиқариш жараёнида хизматлардан оқилона фойдаланишга боғлиқдир.

Жаҳон иқтисодиёти тараққиётининг замонавий тенденциялари хизмат кўрсатиш соҳаси таъсирининг мунтазам ўсиб бораётгани ҳамда унинг ишлаб чиқариш соҳасига боғлиқлиги қисқариб бораётганидан далолат бермоқда. Хизматлар халқаро савдосининг тузилмаси юқори технологиялар (коммуникация, компьютер ва ахборот хизматлари), туристик ҳамда молиявий хизматлардан ташкил топган.

Ишлаб чиқариш сектори ўз ичига қазиб чиқариш ва қайта ишлаш саноатини, қурилиш, қишлоқ хўжалиги кабиларни олади, хизмат кўрсатиш сектори эса улгуржи ва чакана савдони, транспорт корхоналари ва биржаларни, маслаҳат берувчи, кредит ҳамда суғурта компаниялари, ярмакалар ва кўргазма мажмуаларини, таълим ва илмий муассасаларини, туристик фирмалари, меҳмонхоналар, ресторанлар, телекоммуникацияларни қамраб олгандир.

Ушбу икки соҳа орасида рақобат мавжуд эмас, чунки улар яхлит бир бутуннинг бир-бирига ўзаро боғлиқ ва ўзаро таъсирда бўлган қисмларидан иборат. Мамлакат иқтисодиётидаги секторларнинг ўзаро муносабати жамият ривожининг даражасигига боғлиқ бўлади. Моддий ишлаб чиқариш соҳасидан ресурсларнинг хизмат кўрсатиш тармоқларига кўчиши умумжаҳон тенденциясига айланиб бормоқда. Хизмат кўрсатиш соҳасининг ҳолати замонавий иқтисодиёт ривожланиш даражасининг кўрсаткичига айланди. Турли мамлакатларнинг хизмат кўрсатиш тармоқларида банд бўлган ишчи-ходимлар сони бошқа

соҳалардаги ишчиларнинг умумий миқдоридан юқоридир. Хизмат кўрсатиш соҳасининг ўсиш суръати жаҳоннинг барча мамлакатларида ишлаб чиқариш соҳаси ўсиш суръатидан икки кара тезроқ. Охирги бир неча ўн йилликларда деярли барча мамлакатларнинг иқтисодиёт тизимида туб ўзгаришлар юз бермоқда. Саноатлашган мамлакатларда хизмат кўрсатиш сектори миллий ишлаб чиқаришнинг умумий ҳажмида 60-70%ни ташкил этмоқда.

Жаҳон хизмат кўрсатиш соҳасида туризм хизматлари сўнгги йилларда ижобий ўсиш суръатларини мустаҳкамлаб, бутун дунё иқтисодий тараққиётига салмоқли ҳисса қўшиб келмоқда.

Хозирги пайтда туризм соҳаси мамлакатлар ва минтақалар иқтисодиётини ривожлантириш учун муҳим аҳамият касб этиши ва у XXI аср жаҳон хўжалигининг устувор тармоқларидан бири эканлиги маълум бўлмоқда. Шу туфайли туризм фаолиятини равнақ топтириш масаласи 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Харакатлар стратегиясининг иқтисодиётни ривожлантириш ва либераллаштиришнинг устувор йўналишарида ҳам ўз аксини топгани бежиз эмас. Зеро бу соҳа беш йил ичида давлат сиёсатида устувор йўналишларидан бирига айланди. Ўзбекистон замонавий туризм индустриясини ривожлантириш учун барча зарурий манбаларга эга бўлиб, Буюк Ипак йўли устида жойлашган Ватанимиз қулай табиий-иқлим шароитларига, бой тарихий, маданий меросга ва айни пайтда ҳам ички, ҳам халқаро туризмни ривожлантириш учун юқори салоҳиятга эга.

Геосиёсий ва иқтисодий таҳдидларга қарамасдан, 2010 йилдан буён халқаро туристлар сони йилига ўртача 5 фоизга ошмоқда. Бу тенденция иқтисодиёт ривожига, шунингдек, экспорт ҳажми ва иш ўринларининг кўпайишига ижобий таъсир кўрсатмоқда.

Туризм хизматлари бугунги кунда муҳим ижтимоий, иқтисодий ва маданий омиллардан бирига айланди. Иқтисодиётнинг ушбу секторида умумий даромад ҳажми триллионлаб долларни ташкил этиб, ҳар йили бутун дунёда бир миллиарддан зиёд киши саёҳат қилмоқда. Жаҳон ялпи маҳсулотида туризм хизматларининг улуши 9%ни ташкил этгани ҳолда, янги ташкил этилаётган ҳар 11 иш ўрнининг биттаси ушбу соҳага тўғри келмоқда.

Бугунги кунда жаҳон иқтисодиётининг аҳволи ва ривожланиш тенденцияларини таҳлил қиладиган етакчи халқаро ташкилотлар (мисол учун, Бутунжаҳон тижорат (савдо) ташкилоти, Жаҳон банки, Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилоти хизмат кўрсатиш соҳасининг энг муҳим таркибий қисмларидан бири сифатида туризмга алоҳида эътибор қаратмоқдалар.

Туризмнинг иқтисодий роли қуйидагича таърифланади: хизматлар жаҳон экспортининг 29% ва товарлар ҳамда хизматларнинг умумий экспортининг 6% халқаро туризмга (саёҳатлар ва йўловчи транспортига) тўғри келади. Экспортнинг

тармоғи сифатида туризм жаҳонда нефть, кимёвий, озиқ-овқат ва саноатининг автомобил соҳаларидан кейин бешинчи ўринни эгаллаган, аммо айрим ривожланган мамлакатларда биринчи ўринда туради.

Ўзбекистон Республикасининг ҳудудлари кесимида туризм ва меҳмонхона хизматлари ривожланиш динамикаси маълумотлари бўйича унинг жадал ривожланиётганинг гувохи бўламиз. Бунда Самарқад вилояти 45,5 млрд.сўмлик хизмат кўрсатиб республикада Тошкент шаҳри ва вилоятидан кейин учунчи ўринни эгаллаб турибди, ўсиш суръатлари бўйича республикада биринчи ўринда бормокда. Бунинг асосий сабларидан бири Американинг таниқли "Хаффингтон пост" нашри 2014 йил 7 июл куни "Дунёнинг албатта бориб кўриши лозим бўлган 50 шаҳари" рўйхатини эълон қилди. Унга кўра дунёнинг энг машҳур шаҳарлари орасида "Шарқ марвариди" бўлган Самарқанд шаҳри ҳам бор. Мазкур нашр рейтингида қайд этилганидек "Регистон майдонидаги мадрасалар ва қадимги иншоотлардаги нақшлар Буюк Ипак йўлининг кўҳна шаҳри бўлган Самарқандни жаҳон Ислом меъморчилигининг энг гўзал намуналаридан бирига айлантирган".

Ўзбекистондаги туризм соҳасининг 2007-2017 йиллар давомидаги ривожланиш динамикасини Ўзбекистон Давлат статистика қўмитаси маълумотлари кўрсатмоқда (1-жадвал).

Ўзбекистон Республикасида 2007-2017 йиллар давомида туризм соҳасининг ривожланиш динамикаси

№	Кўрсаткичлар номи	2007 й.	2008 й.	2009 й.	2010 й.	2011 й.	2012 й.	2013 й.	2014 й.	2017 й.
1	Туристик хизматлар хажми (млрд. сўм, номинал нархларда)	78,2	69,9	120,2	153,8	186,8	222,4	253,4	293,9	418,8
2	(амалдаги нархларда)	64,6	57,3	102,0	129,8	160,8	193,7	222,3	261,0	358,7
3	Хорижий фуқароларга хизмат кўрсатиш (минг киши)	903,1	933,3	1294,4	1055,4	1472,2	1946,6	2028,6	1938,0	2496,15

4	Ўзбекистон фуқароларнинг чет элга чиқишлари (минг киши)	1248,2	1611,4	1968,1	2065,6	3298,6	4154,0	4635,3	4225,9	867,6

Жадвал маълумотлари бўйича Ўзбекистондаги туризм соҳаси мунтазам равишда ўсиш суръатларини кўрсатмоқда, фақат хорижий фуқароларга хизмат кўрсатиш кўрсатгичи 2010 йилда 2011 йилга нисбатан 41,7 минг кишига камайиши кузатилган, бу жаҳонда бошланган молиявий-иқтисодий кризиснинг таъсири бўлди. Ўзбекистонда келгусида туризмни ривожлантириш вазифаларини самарали амалга ошириш ва хорижий ҳамда ички туристларга хизмат кўрсатувчи турдош соҳалар ва тармоқлар ривожланиши учун вертикал диверсификация асосида милий туризм хизмат бозорини инновацион ривожлантириш стратегиясини амалга ошириш йўли билан қулай шароит яратишда туристик хизматлар ҳажмининг башорат кўрсаткичлари бир меъёрда, катта тебранишларсиз ўсишидан далолат беради.

Одатда туристик хизматлар икки турга бўлинади[63] асосий ва қўшимча туристик хизматларнинг бир-биридан фарқли томонлари қуйидагилардан иборат бўлади:

1. Асосий хизматлар (ташиш, жойлаштириш, овқатлантириш) турпакетга киритиладиган хизматлардир. Қўшимча туристик хизматлар эса турпакетга киритилмайди;

2. Асосий туристик хизматлар олдиндан сотиб олинган (саёҳатни бошлашдан олдин) яъни тўлов олдиндан амалга оширилган бўлади. Қўшимча туристик хизматларда тўлов – хизматдан фойдаланиш жараёнида турист томонидан қўшимча тўлов сифатида амалга оширилади.

Аммо индивидуал турист ҳеч қандай дастур (турпакет)сиз саёҳат қилганда, унинг асосий ва қўшимча туристик хизматлар тўлови бир хил кўринишда амалга оширилади.

Юқоридаги фарқлардан келиб чиққан ҳолда, қўшимча туристик хизматлар деганда турпакетда назарда тутилмаган, турист ўзининг қўшимча тўлови асосида фойдаланадиган хизматлар тушунилади.

Бутунжаҳон туризм ташкилоти қўшимча туристик хизматларнинг 400 та турини келтириб ўтмоқда. Қўшимча туристик хизматларнинг аҳамияти шундаки, унда турист юзага келган эҳтиёжларини тўлақонли қондиради, маълум бир

[63] И.С. Тухлиев, Р. Ҳайитбоев, Б.Ш. Сафаров, Г.Р.Турсунова. Туризм асослари. Дарслик. Ўзбекистон Республикаси Олий ва Ўрта Махсус Таълим Вазирлиги. –Тошкент, 2014,-388 б.

вазифаларни бажаришда ўзини уринтирмайди (масалан: меҳмонхонада яшаётганида кийимини тозалаш ёки дазмоллаш учун меҳмонхона ходимларига мурожаат қилади). Турист қўшимча туристик хизматлар туфайли тўла дам олишга эришади. Натижада ўз саёҳатидан кўнгли тўлади.

Қўшимча туристик хизматлардан турист икки хил вазиятда фойдаланади:

- турпакетнинг танаффус қисмида ёки турист бўш қолган вақтда фойдаланадиган хизматлар (масалан: кечқурин Регистон майдонида намойиш этиладиган овозли ва нурли панораманинг томошаси).

- асосий хизматлар кўрсатилиши давомида ёки турист эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда фойдаланадиган хизматлар (масалан: қўшимча гид хизмати).

Туристга биринчи вазиятдаги қўшимча туристик хизматларни кўрсатиш учун қуйидагиларга эътибор бериш керак:

− туристлар қизиқишларини инобатга олиб, иложи борича туристларга фақат яхши кайфият бағишлайдиган қўшимча хизматлар тақдим этиш ўринли ҳисобланади. Шу ўринда бу хизматлар туристга ижобий таассурот қолдира олиши керак. Масалан: ўзбек миллий тўйларига ва оилаларига олиб бориш, туристни миллий ўйинлар, концерт, фестивалларга таклиф этиш. Бунинг учун Республикада туристларга хизмат қиладиган миллий ансамбл гуруҳларини ташкил этиш мақсадга мувофиқ бўлади.

− турист учун янгилик бўлган ва бундай вазиятга олдин дуч келмаган қўшимча туристик хизматларни кўрсатиш. Масалан: Самарқандда бир –бирига масофа жиҳатидан яқин жойлашган ёдгорликлар (Амир Темур мақбараси, Регистон майдони, Бибихоним масжиди, Шоҳизинда ансамбли ва бошқалар) га саёҳат қилишда туристларни туя, от-араваларда олиб бориш чуқур таассурот қолдирувчи хизматлардир. Бунинг учун шу ёдгорликлар жойлашган ҳудудда пиёда туристик йўлаклар ташкил этиб, туристик-томоша ҳудудига айлантириш керак.

− туристларни миллий урф – одатлар ва анъаналар билан таништириш орқали миллий ҳунармандчилик ва касаначилик жараёнларида бевосита қатнашишини ташкил этиш. Ёки ўзбек миллий таомларининг пиширилиш жараёнини томоша қилиш каби хизматлар кўрсатиш. Бунинг учун мамлакатимизда ҳунармандчилик, касаначилик ва миллий ошхоналарни туризм соҳасига жалб қилиб, бу соҳаларни ривожлантириш.

Туристга иккинчи вазиятдаги қўшимча туристик хизматларни кўрсатиш учун қуйидагиларга эътибор бериш керак бўлади:

− меҳмонхоналардаги қўшимча туристик хизматларни ривожлантириш. Бу хизматларга: номерга таом ёки меҳмон буюртмаларини етказиб бериш хизмати, кийим тозалаш ва дазмоллаш хизмати, қимматбаҳо буюмларни сақлашда сейф хизмати, телефон, интернет, почта хизматлари, тренажор зали хизмати, бассейн (очиқ ёки ёпиқ), массаж, сауна, сартарош хизмати, техникани таъмирлаш хизмати,

валюта айрибошлаш хизмати, ижара хизмати ва бошқалар.

− овқатланиш корхоналарида қўшимча туристик хизматлар махсус турист буюртмаси ва танловига асосан кўрсатиладиган хизматлардир.

Қўшимча туристик хизматлардан турист кетма-кет равишда ҳам фойдаланиши мумкин. Яъни, турист бўш вақтида шаҳардан ташқарига тоғли манзараларни кўриш учун борганда у валюта алмаштириш хизмати, автомобил ижара хизмати, қўшимча овқатланиш хизмати (шаҳардан ташқарида) дан кетма – кет фойдаланади. Хулоса қилиб айтганда, қўшимча туристик хизматлар нафақат ташкил қилиниши ва таклиф қилиниши, балки сифатли ва фойдали равишда кўрсатилиши керак бўлади.

Туризм хизматлари моддий шаклдаги товар (маҳсулот)лардан фарқланиб турувчи тўртта хусусиятга эга бўлади:

1. Сезилмаслик. Туристик хизматлар моддий маҳсулот бўлиб ҳисобланмайди. Улар ижтимоий – маданий (номоддий) соҳаларга тегишли бўлади, чунки истеъмолчини ижтимоий-маданий хизматларга бўлган эҳтиёжини жисмоний, этник-интеллектуал, маънавий ва ҳ.к. эҳтиёжини қондириш бўйича хизматларни ижро этувчилар фаолияти аниқлайди. Уларни ҳарид вақтида кўз билан кўриш ёки ушлаб кўриш мумкин эмас. Бундай хизматлар объекти бўлиб, шахсан истеъмолчи (турист) ҳисобланади.

2. Сервисни ва истеъмолчини ўзаро боғлиқлиги. Хизматлар жараёни истеъмолчи ва уни ҳосил этувчиларнинг ўзаро таъсири натижасидан ташкил топганлиги сабабли, туристик хизматларни кўрсатиш жараёни (ишлаб чиқариш) истеъмол билан бирга параллел равишда юз беради. Маълумки, моддий шаклда товарларни ишлаб чиқариш, уни сотувидан олдин амалга оширилади, фақат ундан кейингина истеъмол жараёни бошланади. Муҳим хусусиятларидан яна бири туристик товарлар ва хизматлар истеъмоли фақатгина истеъмолчини, яъни туристни хизмат кўрсатилган жойга (мамлакатга) олиб борилган ҳолдагина амалга оширилади. Оддий товарлар ва хизматлар истеъмоли эса тескариси, яъни ишлаб чиқилган маҳсулот жойидан қатъий назар тайёр бўлгач, истеъмолчи уни шу ернинг ўзида истеъмол қилиши мумкин.

3. Сақланмаслик. Туристик хизматларнинг сақланмаслиги (сақлаш мумкин эмаслиги). Туристик хизматларнинг ҳаётий цикли моддий товардан тубдан фарқ қилади, хусусан сақлаш босқичининг мавжуд бўлмаганлиги билан туристик хизматларни сақланмаслиги бозор конъюктурасини яхшилаб ўрганишни, талаб ва таклифни мутаносиблигини талаб этади, чунки хизматлар талаб бўлмагунга қадар «омборларда» туриб қоладиган маҳсулот эмас.

4. Сифатнинг доимий эмаслиги (хизматлар сифати кўп ҳолларда манбанинг ҳолати, хизмат кўрсатувчининг малакавий тажрибаси, кайфиятига боғлиқ бўлади). Меҳмондўстлик соҳасидаги хизматлар ўзининг ўзгарувчанлиги билан ажралиб туради. Бундай ўзгарувчанликнинг бир неча сабаблари мавжуд.

Биринчидан, бундай турдаги хизматлар бир вақтнинг ўзида кўрсатилади ва қабул қилинади, бу эса уларнинг сифатини назорат қилиш имкониятини чеклайди.

Умуман барча хизматларни иккита катта гуруҳга бирлаштириш мумкин: «моддий» ва «номоддий». Моддий хизматларни ишлаб чиқаришдаги меҳнат маҳсули моддий шаклдаги қандайдир нарса бўлади (масалан кийим тикиш бўйича ателье, уй-жой қурилишдаги қурилиш компаниялари хизматлари ва ҳоказо).

Номоддий хизматлар – ҳуқуқшунослар, ўқитувчилар, тиббий ходимлар, туристик компаниялари ва бошқаларнинг хизматларидан иборат.

Хизматларни ишлаб чиқарувчилар даромад олишни мақсад қилиб олганлигига боғлиқ ҳолда хизматлар тижорат ва нотиржорат хусусиятларига эга бўлади. Масалан, меҳмонхоналар даромад олиш мақсадида ташриф буюрувчиларга жойлаштириш хизматларини тақдим этса, уйсизлар учун бошпаналар нотижорий асосдаги хайрия ташкилотлари сифатида фаолият кўрсатади.

Хизматларнинг яна бир таснифий белгиси ёки хусусияти хизмат истеъмолчисининг хизмат кўрсатилаётган пайтдаги иштирок этиш зарурияти ҳисобланади. Масалан, шифокор ёки сартарош ўз хизматларини фақатгина бемор ёки мижоз иштрокида кўрсатиши мумкин, кир ювиш ёки автотаъмир устахоналари хизматларини амалга оширишда буюртмачининг иштироки талаб қилинмайди.

XX асрнинг иккинчи ярмида истеъмолчилик психологиясининг ўзгариши юз берди, сайёрамиз аҳолисининг турмуш сифати ва таълим даражаси ўсди, бу эса улар амалга ошириётган сафарларнинг кўпайишига ҳамда саёҳатларга эҳтиёжлар ошишига олиб келади. Натижада хизмат кўрсатиш соҳасининг янги, жадал ривожланаётган тармоғи – туризм юзага келди.

Туризм хизмат кўрсатиш соҳасида алоҳида ўрин эгаллаган, ўз моҳиятига кўра туристик хизматлари кўп компонентлидир, туристик маҳсулотнинг ўзи эса мутлақо фарқли фаолият турларини амалга оширувчи корхоналар фаолиятининг натижаларини бирлаштиради.

Кенг маънода, айтиш мумкинки, туристик секторга хизмат кўрсатиш соҳасининг барча тармоқлари реклама-ахборот, транспорт, тижорат, меҳмон қабул қилиш, давлат ташкилотлари ва банклари хизматларидан бошлаб таълим, соғлиқни сақлаш, спорт ва маданият соҳаларигача киради.

Туризм ва меҳмон қабул қилиш индустриясини туристларга уларнинг туристик эҳтиёжларини қондириш мақсадида хизмат кўрсатиш билан боғлиқ ҳар турли соҳаларни бирлаштирувчи алоҳида тармоқлараро мажмуа сифатида тавсифлаш мумкин. Бунда хизматалар соҳасида туристик тармоғи марказий ўрин эгаллаб, бу хизмат кўрсатишнинг барча секторлари билан ўзаро чамбарчас боғлиқлиги ва юқори даражадаги бутлигидан келиб чиққандир.

Туристик хизматлар инсонларнинг хордиқ ва бўш вақтдаги ҳамда хизмат мақсадларидаги саёҳатларнинг ҳар хил турларидаги ранг-баранг, доимо ўсувчи ва ўзгарувчи эҳтиёжларини қондиришга қаратилган бўладт.

Шундай қилиб, туристик хизматлар–бу туризм ва меҳмон қабул қилиш соҳасидаги корхона ҳамда ташкилотлар истеъмолчиси (турист)нинг туристик эҳтиёжларини қондириш бўйича фаолиятининг маҳсулидир.

Ҳар хил турдаги туристик хизматларнинг мажмуи «туристик маҳсулот» тушунчасини ҳосил қилади. Турмаҳсулот – жадал ривожланаётган категория, вақт ўтиш билан унга туристлар эҳтиёж сезаётган янги хизмат турлари қўшила боради.

Туристик хизматлар тўла-тўкислиги ва уларни ишлаб чиқариш ҳамда истеъмол қилиш жараёнидаги иштирокчилар катта миқдорини эътиборга олиб, кўпгина хизматлар учун умумий ҳисобланган хусусиятлари ва туристик хизматларининг ўзига хослиги , хизматларининг умумий ва фарқли қирралари 4-жадвалда келтирилган.

4-жадвал

Туристик хизматларининг ўзига хос хусусиятлари

№	Хусусияти	Хизматлар	Туристик хизматлар
1	Ҳис қилиб бўлмаслик (моддий шакл мавжуд эмаслиги) (номоддийлик)	Хизматни ҳис қилиб бўлмаслик уларнинг таъмини тотиш, ушлаб, кўриш ёки эшитиш хизматларни бевосита ишлаб чиқариш ва тақдим этишгача имконсизлигида ифодаланади. Истеъмолчи олдиндан хизматларнинг истеъмолчилик хусусиятларини баҳолай олмайди.	Турни харид қтлаётган пайтда истеъмолчи моддий шаклдаги ҳеч қандай товарни қўлга киритмайди, у сотиб олмайди, у шунчаки турга ҳуқуқларни тасдиқловчи олди-сотди шартномасини тузади. Саёҳат тугаганидан сўнг туристда хотиралар ва таассуротлардан бошқа ҳеч нима қолмайди. Шу билан бирга туристик хизматлар мажмуавийлигини ҳисобга олиб, таркибий қисмлардан айримлари моддий хусусиятга эга бўлиши мумкин (совға-эсдалик маҳсулоти, сафар

			чоғидаги овқатланиш)
2	Якуний истеъмолчига яқинлик	Истеъмолчилар индивидуаллигининг ўсиши билан хизматларнинг кўплаб турлари юқори алоқадор, талаблар асосида яратилувчан бўлади.	Туристик хизматлар юқори алоқадорлик даражасига эга. Улар буюртмачи, истеъмолчи иштирокини талаб қилади.
3	Хизматлар, қоида бўйича, ишлаб чиқарувчидан ажралмасдир	Хизматларни ишлаб чиқариш ва истеъмол қилиш замон ва маконда мос тушгани боис, аксарият хизматлар ишлаб чиқарувчидан ажралмасдир.	
4	Сақлаш ва ташиш (жўнатиш) имконсизлиги	Хизматларни кейинчалик амалга ошириш мақсадида сақлаб ва ташиб бўлмайди. Ишлаб чиқарувчилар вақт омилини (талабнинг мавсумийлигини) ҳисобга олишлари, шунга кўра , улар хизматлар бозоридаги талаб ва таклифни мослаштириш бўйича алоҳида чоралар ишлаб чиқаришлари зурур.	Турист томонидан тур ҳуқуқини харид қилиш ва туристик саёҳат орасидаги замоний узилиш туристик хизматларнинг ўзига хос хусусияти ҳисобланади. Аммо туристик маҳсулотнинг таркибий қисмлари (меҳмонхоналар ва ресторанлар, гидлар, экскурсиячилар хизматлари) бир вақтнинг ўзида ишлаб чиқарилади ва истеъмол қилинади.
5	Хизматлар сифатининг ўзгарувчанлиги	Кўпгина хизматлар жонли ва юқори алоқавий бўлганлиги сабабли, уларнинг сифати кўп жиҳатдан	Туристик хизматларнинг сифати нафақат туристик компанияга, балки туристга хизмат кўрсатувчи албатта

		албатта ижрочига боғликдир. Хизматларни ишлаб чиқарувчилар тақдим этилаётган хизматларнинг доимий сифатийлигини таъминлай олмайдилар	ходимга боғлиқ, худи шундай меҳмон қабул қилиш тармоқларидаги хизмат сифатига ҳам шу омил таъсир қилади.

Манба: Муаллиф томонидан тузилган.

Мамлакатни модернизациялаш босқичида туризм ва меҳмондўстлик индустрияси соҳасидаги ечимини кутиб турган масалалар қаторида, туризм индустрияси меҳнат бозорида ишловчи ходимларга қўйиладиган малакавий талабларга жавоб бера оладиган кадрларни тайёрлаш долзарб масала бўлиб турибди. Бугунги кунда хукуматимиз томонидан туризм соҳасига миллий иқтисодиётнинг стратегик сектор мақомини берилиши, унинг истиқболда ривожланишига катта замин яратди. Шу туфайли юртимизга саёҳат қиладиган маҳаллий ва хорижий туристларга сифатли хизмат кўрсатиш учун замонавий кадрлар туризм сохасини назарий ва амалий жиҳатдан муккамал ўрганиши ва ўзлаштиришини талаб қилмоқда.

TURIZM SOHASIDA KADRLARNI TAYYORLASHDA AQSH TAJRIBASI

Baxriddinov J,SamISI TFT-115 guruh talabasi
Babayev F, Haydarov O,Assistent o'qituvchilar

Annotation: *This work presents a social and economic analysis and a short review of tourism development in USA, as well as experience of personnel training for the field of tourism. In practical personnel training offers technologies, courses and subjects that are taught in American institutions of higher education in the field of tourism.*

Key words*: USA, tourism, development, institutions of higher education, educational system, courses, subjects, practice, councils, associations, organizations, companies, Uzbekistan.*

Аннотация: *В данной работе представлены социально-экономический анализ и краткий обзор развития туризма в США, а также опыт подготовки кадров для сфере туризма. В практической подготовке кадров предложена технологии, направления и предметы, которыми учят в американских высших учебных заведениях в сфере туризма.*

Ключевые слова: *США, туризм, развитие, высшие учебные заведения, образовательные системы, направления, предметы, практика, советы, ассоциации, организации, компании, Узбекистан.*

Annotatsiya: *Ushbu ilmiy maqolada AQSH turizmi rivojlanishi va ijtimoiy-iqtisodiy tahlili hamda turizm sohasida kadrlarni tayyorlash tajribasi taqdim etilgan.*

Kadrlarni amaliy jihatdan tayyorlashda AQSH oliy ta'lim muassasalaridagi turizm sohasi bo'yicha o'qitilayotgan texnologiyalar, yo'nalishlar va fanlar taklif etilgan.

Kalit so'zlar: *AQSH, turizm, rivojlanish, oliy ta'lim muassasalari, ta'lim tizimi, yo'nalishlar, fanlar, amaliyot, kengashlar, uyushmalar, tashkilotlar, kompaniyalar, O'zbekiston.*

Amerika Qo'shma Shtatlari Shimoliy Amerika materigida joylashgan. AQSH turizm salohiyati bo'yicha dunyodagi eng yetakchi mamlakatlardan biri sanaladi. Tabiat mo'jizalari, shaharlari, tarixiy obyektlari, sayr-tomosha maskanlari, attraksionlari bilan bir qatorda rekreatsion va dam olish maskanlari hisobiga hozirda AQSH turizmi jadal sur'atlarda o'sib bormoqda.

AQSH eng rivojlangan mamlakatlardan biri hisoblanib, har yili bu yerga juda ko'p turistlar tashrif buyurishadi hamda ulardan tushadigan daromadlar salmog'i ham ulkan darajada. Birlashgan Millatlar Tashkiloti Butunjahon Turizm Tashkilotining (BMT BTT) 2015-yil ma'lumotlariga binoan, AQSH rivojlanish darajasi va turizm daromadlari (204.5 mlrd AQSH dollari) bo'yicha dunyoda birinchi o'rinni, xalqaro turistlar soni (77.5 mln kishi) bo'yicha ikkinchi o'rinni egallaganini ko'rish mumkin.[64]

AQSH iqtisodiyotida turizmning o'rni beqiyosdir. Butunjahon Sayohat va Turizm Kengashi (World Travel & Tourism Council)ning 2015-yil hisoboti bo'yicha AQSH turizmining YAIMdagi ulushi 8.2% (1469.9 mlrd AQSH dollari) ni tashkil etgani qayd etilgan. Turizm serdaromad soha bo'lganligi uchun aholini ish bilan ta'minlash darajasi ham yuqori bo'lib, umumiy ish bilan bandlikning 9.6%i (14248000 ta ish o'rni) turizm sohasiga to'g'ri keladi. AQSH investitsiyalari haqida gapirsak, umumiy investitsiyasining 4.2% i (148.8 mlrd AQSH dollari) ham turizm sohasiga tegishli.[65] Bu ko'rsatkichlar AQSH turizmining naqadar oldinlab ketayotganidan dalolat berib turibdi.

AQSH turizmining bu qadar oldinga ketib borayotganiga asosiy sabablardan biri sifatida ta'lim muassasalaridagi ta'lim tizimining rolini ta'kidlab o'tish joiz. AQSH ta'lim tizimining tuzilishi quyidagicha:

- Maktabgacha ta'lim (Pre-Primary);
- Boshlang'ich ta'lim (Primary);
- O'rta ta'lim (Secondary);
- Oliy ta'lim (Postsecondary).[66]

Bugungi kunda AQSHda 7253 ta oliy ta'lim muassasalari mavjud bo'lib, ularning 4726 tasi daraja beradigan ta'lim dargohlari: 3026 tasi to'rt yillik va 1700 tasi ikki yillik hisoblanadi. Oliy ta'lim muassasalari tarkibiga kollejlar, universitetlar va institutlar kiradi. Bu ta'lim tizimida tahsil oladigan talabalar yuqori malaka va ko'nikmalarga ega bo'lishadi hamda ular mamlakat iqtisodiyotini yuksak cho'qqilarga olib chiqadigan yetuk mutaxassis kadrlarga aylanishadi.

AQSH turizm sohasida mutaxassis kadrlarni tayyorlashda eng yetakchi o'rinlardan birida turadi. AQSHdagi 214 ta oliy ta'lim muassasalarida turizm bo'yicha talabalar o'qitiladi. Turizm industriyasi dunyo bo'ylab katta ahamiyat kasb etib borayotganligi sabab, minglab xalqaro talabalar AQSHdagi turizm oliygohlarida o'qishni tanlashadi. Chunki turizm oliygohlari turizm bo'yicha daraja beruvchi obro'li oliy ta'lim muassasalari hisoblanadi. Oliygohlarning yuqori darajali bo'lishidagi mezonlar qo'lga

[64] UNWTO Tourism Highlights, 2016 Edition
[65] WTTC, Economic Impact 2016, United States
[66] www.wikipedia.org

kiritgan yutuqlari, joylashgan o'rni, bu yerda ta'lim oladigan talabalarga chuqur bilim va yuksak amaliy ko'nikmalarning berilishi bilan belgilanadi. Ko'pgina daraja beradigan turizm dasturlari oliygohlarning biznes maktablariga asoslanadi hamda ta'limning turli sohalari bo'yicha tasdiqlanadi.[67]

Turizm bo'yicha yetuk kadrlarni yetishtirib beruvchi eng yuqori darajali oliy ta'lim muassasalariga quyidagi o'ntalikni keltirish mumkin:

- Templ Universiteti (Filadelfiya shtati);
- Jonson va Uels Universiteti (Providens, Rod-Aylend shtati);
- Florida Xalqaro Universiteti (University Park, Florida shtati);
- Markaziy Florida Universiteti (Orlando, Florida shtati);
- Sent Leo Universiteti (St. Leo, Florida shtati);
- Gavayi Brigham Yoshlar Universiteti (Lei, Gavayi shtati);
- Nyu-York Universiteti (Nyu-York shtati);
- Rochester Texnologiya Instituti (Genriyetta, Nyu-York shtati);
- Jorj Vashington Universiteti (Vashington shtati);
- Shimoliy Texas Universiteti (Denton, Texas shtati).[68]

Ta'lim muassasalarida turli xil turizmga ixtisoslashgan yo'nalishlar mavjud bo'lib, bularga turizm va mehmonxona biznesi, turizmdagi global muammolar va mehmondo'stlik menejmenti, turizm va mehmondo'stlik tashkilotlari menejmenti, turizm va mehmondo'stlikdagi moliyaviy muammolar, turizm va mehmondo'stlikdagi huquqiy muammolar, turizm va mehmondo'stlikdagi strategik muammolar, xalqaro turizm, ekoturizm, madaniy turizm, tadqiqot usullari, turizm marketingi, turizmni rejalashtirish va rivojlantirish, rejalashtirishning statistik usullari, sayohat va turizm iqtisodi, mehmondo'slik sohasi, turizm dinamikasi, xalqaro turizm siyosati, oziq-ovqat servisi menejmenti, sayohat va turizm industriyasidagi oziq-ovqat va ichimliklar servisi kabilar kiradi.

Oliy ta'lim dargohlarida kasbga asoslangan (kasbiy), magistratura va PhD kabi bosqichlar mavjud. Turizm sohasi bo'yicha tijorat safari, tur operatorlik, turizm, turizmni rivojlantirish, turizmda reklama, turizm menejmenti, turizm marketingi, sayohat xizmatchisi yoki dam olish joyi vakili, sayohat ilmi, sayohat va turizm iqtisodi, animatorlik xizmatlari, turizm tadqiqotlari, mehmonxona bozori tahlili, madaniy turizm, sport turizmi, ekoturizm, turizm dinamikasi kabi fanlar o'qitiladi.

Yuqorida ko'rsatib o'tilgan oliy ta'lim dargohlarida turizm bo'yicha kadrlarga nazariy bilimlardan tashqari, tashrif buyuruvchilar byurolari, konferensiya markazlari, dam olish va sayr-tomosha destinatsiyalari, mehmonxonalar, tematik parklar, teatrlar, muzeylar, tarixiy va zamonaviy obyektlar kabi joylarda amaliy ish olib borish ham o'rgatiladi. Misol uchun, Jonson va Uels Universitetida AQSHning 50 ta shtati va 119 ta xorijiy mamlakatlardan kelgan 16 000 dan ortiq talabalar o'qishadi.[69] Bu talabalar sohalari bo'yicha Royal Caribbean, Walt Disney World, Marriot, Ritz-Carlton, Double Tree, Doral Gold Resort & Spa, Xalqaro demokratik konvensiyalar, ESPN, MTV singari mashhur kompaniyalarda amaliyotlarini o'tashadi.

[67] www.internationalstudent.com/study-tourism/top-schools-to-study-tourism/
[68] www.thebestschools.org
[69] http://jwu.edu/about

AQSHda turizm barqarorligini oshirish, turizmni yanada rivojlantirish maqsadida turli xil kengashlar, uyushmalar, tashkilotlar, kompaniyalar o'z faoliyatini amalga oshirib bormoqda:

- Tashkilotlar Kengashi (Council of Organizations, COO)[70] – AQSHdagi Birlashgan Millatlar Uyushmasining tashabbus ko'rsatadigan kengashi bo'lib, mobilizatsiya, ta'lim, jamoaviylikni tashkil etish, ish bilan ta'minlash kabi masalalarni hal qiluvchi kengash;
- AQSH Sayohat va Turizm Maslahat Kengashi (U.S. Travel and Tourism Advisory Board)[71] – AQSH turizm industriyasiga aloqador masalalarda Tijorat Kotibi (Secretary of Commerce) ning asosiy maslahatchi kengashi;
- AQSH Sayohat Uyushmasi (U.S. Travel Association)[72] – transport infratuzilmalari, sayohat qulayliklari, tijorat safarlari va mitinglar hamda boshqa ishlarni amalga oshiruvchi uyushma;
- Amerika Sayohat Agentlari Jamiyati (American Society of Travel Agents, ASTA)[73] – sayohat agentlari, turizm industriyasi va sayohat qiluvchi jamoalar uchun yetakchi global qo'llab-quvvatlovchi jamiyat;
- Xalqaro Savdo Boshqarmasi (International Trade Administration, ITA)[74] – AQSH industriyasining raqobatbardoshligini mustahkamlaydigan, savdo va investitsiyani qo'llab-quvvatlaydigan hamda savdo huquqlari va bitimlarning kuchli nazorati orqali ko'rgazma savdosini himoya qiluvchi boshqarma;
- AQSH Xalqaro Rivojlanish Agentligi (U.S. Agency for International Development, USAID)[75] – Amerikaliklarni oldinga harakatlantiradigan, mulohaza va yangiliklarini qo'llab-quvvatlaydigan agentlik.

AQSHda turizm bo'yicha quyidagi eng yuqori nufuzli kompaniyalar o'ntaligini misol keltirish mumkin:

- Priceline Group;
- Las Vegas Sands;
- Walt Disney;
- Galaxy Entertainment;
- Delta Air Lines;
- American Airlines Group;
- Carnival Corporation;
- Hilton Worldwide;
- Wynn Resorts;
- Southwest Airlines.[76]

O'zbekistonda ham turizm sohasida salmoqli ishlar amalga oshirilmoqda. Bunda o'zbekistonlik yosh kadrlarning o'rni beqiyos. Turizm sohasida yetuk kadrlarni yetishtirib berishda Respublika hududida 6 ta oliy ta'lim muassasalari (Samarqand Iqtisodiyot va Servis Instituti, Toshkent Davlat Iqtisodiyot Universiteti, Buxoro Davlat

[70] http://unausa.org/membership/council-of-organizations
[71] http://trade.gov/ttab/
[72] https://www.ustravel.org/
[73] http://www.asta.org/About/index.cfm?navItemNumber=11164
[74] http://trade.gov/about.asp
[75] https://www.usaid.gov/
[76] https://skift.com/2014/07/30/the-worlds-15-largest-travel-companies-of-2014/

Universiteti, Urganch Davlat Universiteti, Qarshi Davlat Universiteti, Toshkentdagi Singapur Menejmentni Rivojlantirish Instituti) va 11 ta kollejlar faoliyat olib bormoqda.

O'zbekistonda turizmni jadal rivojlantirish maqsadida ta'lim muassasalarida turizm bo'yicha yetuk kadrlarni tayyorlashda bir qancha takliflarni kiritish mumkin:

1. Talabalarni zamonaviy texnologiyalar asosida o'qitish;
2. Talabalarga xorijiy til darslarini ko'proq qo'yish va mutaxassislik fanlarini ingliz tilida o'tishni joriy etish hamda bir qancha xorijiy til kurslarini tashkil etish;
3. Talabalar qiziqishini inobatga olgan holda ularni turizmning ma'lum sohalari tomon to'g'ri yo'naltirish;
4. Talabalarga nazariy bilimlar berish bilan bir qatorda amaliy jihatdan ham tajribalarini oshirib borish;
5. Talabalarni O'zbekiston bo'ylab sayohatlarga olib chiqish;
6. Tilni biladigan, bilimli, zukko kadrlarni xorij tajribasini o'rganib kelishi uchun chet ellarga yuborish.

DUNYODA MAVJUD NOAN'ANAVIY MEHMONXONALAR VA U YERDA TAKLIF ETILADIGAN XIZMATLAR

Suyarov A.Sh.o'g'li – SamISI talabasi
Abdullayeva Y.Q.qizi – SamISI talabasi

Annotatsiya: *Ushbu maqolada dunyoning bir qancha g'aroyib mehmonxonalari, ularning tarixi, shakllanishi va hudud turizmidagi roli haqida ba'zi ma'lumotlar keltirilgan. Shuningdek, noan'anaviy mehmonxonalarning asosiy xususiyatlariga oid ko'rsatkichlar ham mavjud.*

Kalit so'zlar: *noan'anaviy mehmonxona, turizm bozori, jalb qilish xususiyati, o'ziga xos dizayn.*

Аннотация: *В данной статье представлен ряд уникальных отелей в мире, история их формирования, а также некоторую информацию о роли туризма в регионе. Так же как и основные особенности обычных показателей.*

Ключевые слова: *нетрадиционный отель, рынок туризма, привлекающие отличается уникальным дизайном.*

Annotation: *It is given some information about unusual hotels of the world and their role on the tourism of area in this article. Furthermore, there are points of the features of unusual hotels.*

Key words: *unusual hotel, tourism market, attraction, design.*

Har bir kishining o'z g'oyasi, fikri va fantaziyasi bo'lishi tabiiy: bu noodatiy qurilgan kichikkina byutik mehmonxona yoki ijaraga beriladigan uy bo'lishi mumkin. Hozirggi kunda, xalqaro tajriba shuni ko'rsatmoqda-ki, kamdan-kam odam odatda, oddiy mehmonxonalarda tunab qolishmoqda. Mijozlarning birgina oddiy istagi bor: ular o'zlarini mehmonxonada uydagidek his qilishlari lozim. O'ziga xoslik – bu kichikkina romantik ruhdagi tamaddixona, yoki mahalliy ruhda bezatilgan va mahalliy taomlar tortiladigan kichik B&B, keng dala hovlida joylashgan uycha, tiqilinch shahar o'rtasidagi kichikkina byutik mehmonxona yoki okean ustida nonushta taklif qiladigan B&B bo'lishi mumkin. Ba'zi noodatiy mehmonxonalarda shunaqangi yo'nalish borki, siz unda tunar ekansiz, buning o'zi sarguzasht bo'lishi aniq. "*Abali Gran Sultana"* mehmonxonasi o'zining mijozlariga 1001 kechani taklif qiladi. Abalining buyuk

Saltanati sizga 5 yulduzli, shuningdek xodimlarning do'stona xizmatlari va o'ziga xos hashamat taklif qiladi. U yerga tashrif buyurgan har qanday odam o'zining xohishiga ko'ra dizayn rangini, katta aylana yotoqda xohlagan ko'rinishdagi to'shakni tanlashi mumkin, shuningdek, individual jakuzzi yoki tango stilidagi qirollarga xos xona tanlasangiz ham bo'ladi. "*Artist Residence Penzance"* – o'ziga xos, zamonaviy va hammaga mos art-hotel mehmonxona hisoblanadi. Bu byutik mehmonxona Penzansning markazida, ayni tomosha uchun qulay hududda joylashgan. Mehmonxonaning dekoratsiyasi britaniyalik san'atkorlarning individual ishlari hisoblanadi. An'anaviy tarzda qurilgan binoning o'zi esa II Darajali XVII asr gruzin uylariga xos, yotoqxonalar dizayni vahimali va noodatiy uslubda., ozgina kulgi va yengiltaklikni sezishingiz mumkin. "*Castle Cottages Treehouse"* qadimiy daraxtzor bilan qoplangan kichik boshpana hisoblanadi. "Coats Saroyi"ning yerlarida joylashgan ushbu mehmonxona egalari Ron va Elison daraxt-uyda 3 ta noodatiy xonalarni yaratishgan. Ularning mijozlari bu yerdagi iliq munosabat va maroqli dam olish atrofdagi tabiiy muhit, kichik bog'lar va daraxtzor bilan o'zaro uyg'un, deya ta'kidlashadi. Daraxt-uy ulkan va bahaybat kashtan daraxti poyasining asosida barpo qilingan bo'lib, yuqoriga maxsus zinapoya eltadi. Daraxtda usti poxol bilan yopilgan va ikki kishilik yotog'i bo'lgan xona mavjud va eshikning katta oynasidan daraxtlarning uchlarini ko'rishingiz mumkin. O'ziga xos daraxt-uy sizga taklif qilinishi bilan birga, ertalab to'yimli va foydali organik tuxumlar va sifatli sosiska-yu baton noni barcha mijozlarga tortiq qilinadi. Bu nonushta yoz oylarida maxsus xonalarda yoki bog' devorlari tashqarisida tortiladi. "*Clink78"* 200 yoshli sud binosi bo'lib, aslida kichik jinoyatchilar va yengil ayblanuvhilarni saqlash uchun foydalanilgan, lekin jinoyatchi guruhlar bu yerda 70-yillarga qadar aybdor deb topilgan. Binoning va sud zallarining saqlanib qolgan fasad qismi va qoldiqlarga ega II Darajali bino Qirol Chorrahasi bekatidan 10 daqiqa uzoqlikdagi konservatsiyada joylashgan. Restavratsiya qilingan va yangidan o'zgartirilgan umumiy yotoqxonalar, bir va ikki kishilik xonalar, shuningdek, 6 ta haqiqiy maxbuslarni saqlash kameralari mijozlarga taklif qilinadi. "*Controversy Tram Hotel"* shahar yo'lovchi tramvaylarini 5 ta B&B ga aylantirgan holda mijozlarga taklif qiladi. Hovli tashqarisida esa Mig qiruvchi samolyotida Hugvud yerlari va uylarini, umuman atrof muhitning ajoyib manzarasini tomosha qilish ham taklif qilinadi. "*Crazy Bear (Ahmoq ayiq)"* Oksforddagi vodiyda joylashgan va o'zining noodatiy dizayni bilan kishiga zavq bag'ishlaydigan mehmonxona hisoblanadi. Mehmonxona markazi, ya'ni yuragi XVI asrga tegishli bo'lgan bino hisoblanadi va ushbu bino qayta bezatilgan va ishlangan, unga bar va restaran ham qo'shilgan. QIziqarli va nafis muhit mehmonxona markazidan butun majmuani qoplaydi. "*Elkep Evi"* – bu qadimiy g'ordagi makon hisoblanib, hozir esa ushbu joy qulay va munosib shart-sharoitlarga ega mehmonxonaga aylantirilgan. Elkep Evi g'or mehmonxona mijozlarga g'ordagi xonalarni, zamonaviy qulayliklarni Urgup tog'ining baland qoyasida taklif qiladi. Har bir xona o'zining ayvonchasiga ega bo'lib, siz unda Urgup shaharchasi va unga yondosh Gorem Milliy bog'ining panoramali ko'rinishini tomosha qilishingiz mumkin. "*IceHotel"* – bu haqiqiy muz mehmonxonasi hisoblanadi va u 1-marta 1990-yillarning boshida qurilgan. Ushbu mehmonxona hozirgi kunda ko'plab mamlakatlarga o'rnak vazifasini o'tamoqda va dunyoda Muz barlarining ko'payishiga ham sabab bo'lgan. Icehotel saksondan ortiq xonalarga va shunga mos ravishda qulayliklarga ega bo'lib, mehmonxona har yili deyarli to'liq qayta quriladi va Shimoliy Amerika (Hotel du Glace Quebec)da ham xuddi shunday mehmonxona

yaratiladi. “*La Balade des Gnomes”* mehmonxonasida ajoyib ertaknamo xonalar va *Trojan Horse* uslubidagi bezatilgan jihozlar, qulayliklar mavjud. Bu yerdagi o’nta noodatiy tarzda bezatilgan xonalar dunyoning to’rt burchagidan olingan g’oyalar asosida bezatilgan. Bu mehmonxonada siz ertakga tushgandek bo’lishingiz tabiiy. Kutilmagan dizayn uslubini o’zida mujassamlashtirgan xonalar kishiga zavq beradi, ammo unchalik ham diqqatga sazovor emas, balki chegarada ushlangan. Undagi ajoyib ko’rinish va manzara mashhur arxitektor va mehmonxonalar bo’yicha dizayner janob Noel tomonidan yaratilgan. Ushbu yotoqxonalarni yaratish fikri unga ertaklardan olgan ilhomidan so’ng kelgan. Me’yoriy klassifikatsiyalarga zid holda xonalar tasavvurlar olamini ijobi bo’lib, o’zining g’aroyibligi bilan mehmonlarni jalb qiladi. *Meyson Moskino* xonalar uslubini jonlantira olgan. 1840-yilda Markaziy Milanda neomumtoz temiryo’l vokzali ochiladi. Ushbu vokzal Milan-Monza yo’nalishida bo’lib, Italiyadagi ikkinchi eng eski vokzal, uning so’nggi bekati eng chiroyli binolardan biri bo’lgan. Hozirgi kunda Viale Monte Grappa 12 ning oldingi fasadi eski vokzalning original saqlanib qolgan yagona qismi hisoblanadi. Ammo uning ichkarisida, ya’ni kimdir o’zining sevgan insoni poyezdda ketayotganida oppoq ro’molchani silkigan holda xayrlashadigan joyda yangi dunyo ochilgan desak bo’ladi. Mehmonxonada yana bir qancha Moskino uslubiga mos bo’lgan dabdabali jihatlar ham bor: uning “Clandestino Milano” restoranida haqiqiy mo’jizaviy taomlar tortiladi, eng yuqori qavatda joylashgan barda esa asl ichimliklarni ta’tib ko’rasiz, Culti SPA da esa mo’jizaviy muhit hukm suradi. “*One by The Five”* Mehmonxonasida boshqalar bilan taqqoslab bo’lmaydigan darajadagi qulayliklar va kamyob uchratiladigan arxitektura dizayni qo’llanilgan va xonalar bir kishilik. O’ziga tortadigan Lotin burchagidagi mehrga to’la makon. Ushbu sirdosh mehmonxona faqat bir kishi uchun maxsus qulayliklarga ega va ajoyib romantik dam olish kunini o’tkazish uchun ham juda qulay. 45 m. kv. maydonchada joylashgan har bir narsa, jihoz sevishgan juftliklarning visol oqshomlarini o’tkazishlari uchun yetarli va bu esda qolishi aniq. Umumiy qilib aytganda, sizning ehtiroslaringiz va emotsiyalaringizni junbushga keltiradigan har xil tusda yonuvchi chiroqlar bor hovli, romantik dush, shuningdek, mehmonxona xodimlari tomonidan ko’rsatiladigan syurpriz xizmatlar faqat siz uchun. *“Pantone Hotel”* mehmonxonasidagi o’ziga xos muhit tufayli siz Bryussel shahrining tarovatini ranglar jilosidagi linzalar va mo’jizaviy oynalar orqali tomosha qilishingiz mumkin. Ranglar Panton Ranglar Jilolanish Tizimi (PCMS)da umumiy e’tirof etilgan va har xil ranglar standardlar asosida yog’du taratadi. Ushbu ranglarning standardlashtirlishi orqali, ko’pchilik ishlab chiqaruvchilar Panton Tizimidagi ranglarni bir-biridan farqlashadi, ya’ni bir rang ikkinchisiga o’tib ketmaydi.

Dunyoda ko’plab nooan’anaviy mehmonxonalar mavjud. Ular ekstrimal yoki fantaziyaga boy sayyohlar uchun juda qulay. Har bir mehmonxonaning o’ziga xos va boshqalarga mos xususiyati mavjud. Olimlar va ko’plab tadbirkorlar kelajak mehmonxonalarini – orbitadagi, yer ostidagi yoki deniz sathidagi mehmonxonalarni yaratish va rivojlantirishni maqsad qilib qo’yishgan. Bunday mehmonxonalar xalqaro turizmning rivojiga juda katta hissa qo’shadi.

TURIZMNI RIVOJLANTIRISH VA XIZMAT KO'RSATISH HUDUDIY DASTURINING NAZARIY ASOSLARI

Kipchakova S.B. "Xorijiy tillar" kafedrasi o'qituvchisi
Jabborov F. MN 316-guruh talabasi

Annotatsiya: *Mazkur maqolada O'zbekiston Respublikasi Prezidenti SH.M.Mirziyoyevning Respublikamizda turizmni jadal rivojlantirish to'g'risidagi farmonlarining mohiyati, mamalakatimizga tashrif buyurayotgan sayyohlarga yuqori darajali xizmat ko'rsatish faoliyati va bolalar turizmini rivojlantirish asoslari ochib berilgan.*

Kalit so'zlar: *turizm, strategik sektor, rivojlantirish, infratuzilma, tashkilotlar, xizmat ko'rsatish.*

Аннотация: *В данной статье излагается о значении указов Президента Республики Узбекистан о стремительном развитии туризма, о деятельности и высококачественном обслуживаний туристов, приезжающих в нашу страну, раскрыты основы развития детского туризма.*

Ключевые слова: *туризм, стратегический сектор, развитие, инфраструктура, туристические организации, обслуживание.*

Annotation: *In this article, the significance of the decrees of the President of the Republic of Uzbekistan on the rapid development of tourism on the activities and high-quality services for tourists coming to our country is outlined and the foundations for the development of children's tourism are revealed.*

Key words*: Tourism, strategic sector, development, infrastructure, tourist organizations, service.*

O'zbekiston Respublikasi Prezidentining «O'zbekiston Respublikasining turizm sohasini jadal rivojlantirishni ta'minlash chora-tadbirlari to'g'risida» 2016- yil 2-dekabrda PF-4861-sonli farmoni imzolandi. Ushbu farmon yuzasidan O'zbekiston Respublikasi Turizmni rivojlantirish davlat qo'mitasi faoliyatining asosiy vazifalari va yo'nalishlari etib quydagilar belgilandi:

- mamlakatning turizm salohiyatini tubdan oshirishga turizmga iqtisodiyotning strategik sektori maqomini berishga, turizm sohasida yagona davlat siyosati o'tkazilishiga yo'naltirilgan turizmni rivojlantirishning yaxlit konsepsiyasi shakllantirilishi amalga oshirilishini ta'minlash;

- turizm xizmatlarining tashqi va ichki bozorlarida marketing tadqiqotlari olib borishga, tarixiy madaniy me'rosni keng targ'ib qilishga, O'zbekiston Respublikasining turizm qiyofasini saqlab qolish va rivojlantirishga, milliy turizm mahsulotlarini va brendlari xalqaro turizm bozorlariga kirib borishiga yo'naltirilgan taol reklama — axborot siyosatini amalga oshirish;

- turizm sohasini davlat tomonidan va bozor munosabatlari asosida tartibga solishni maqbullashtirish va turizm xizmatlari bozorida raqobatni rivojlantirish, turizmni rivojlantirishga qarshilik qilayotgan barcha g'ov va to'siqlarni bartaraf etishga qaratilgan takliflar ishlab chiqish, turizm sohasida tadbirkorlik faolligi oshishiga har tomonlama ko'maklashish, ushbu sohaga axborot- kommunikatsiya texnalogiyalarini faol joriy etish va shunga o'xshash bir qancha buyruqlar berib o'tilgan.Turizmning rivojlanishini Xorazm viloyati misolida ham ko'rishimiz mumkin.

Viloyatda 255 ta madaniy meros ob'ektlari ro'yxatdan o'tkazilgan bo'lib, 18 ta arxeologiya, 133 ta arxitektura, 66 ta haykaltaroshlik yodgorliklari, 6 tasi diqqatga sazovor joylar va 32 ta muqaddas joylardir.

Ulardan samarali foydalanish maqsadida 2013-yilda O'zbekiston Respublikasining Prezidentining "Xorazm viloyatida 2013- 2015 yillarda turizm sohasini rivojlantirish dasturi" to'g'risida”gi Qarori qabul qilingan. O'tgan davr mobaynida ushbu muhim hujjat ijrosini ta’minlash borasida qator tizimli ishlar amalga oshirildi.

Natijada viloyatda 2012-yilga nisbatan sayyohlik tashkilotlari soni 36 tadan 59 taga, shundan mehmonxonalar soni 26 tadan 42 taga, turistik firma va turagemliklar soni 10 tadan 17 taga etdi. Jumladan 16 ta mehmonxona, 7 ta sayyohlik tashkilotlari yangidan tashkil qilindi.

Bugungi kunda viloyatdagi tashkil etilgan 5 ta mehmonxonaga chet el investitsiyalari jalb etilgan. Mehmonxonalardagi o'rinlar soni 1,5 barobarga oshib 1477 tadan 1967 taga yetkazildi. Shularning 490 tasi yangidan tashki etilgan 18 ta mehmonxona hisobiga ortgan. Bugungi kunda qurilishi davom etayotgan 16 ta mehmonxona hisobiga qo'shimcha yana 700 ta mehmonxona o'rinlari tashkil qilinadi va ularning soni 2667 taga etadi.

O'tgan yilda viloyatimizga dunyoning 80 dan ortiq davlatidan 41 mingdan ortiq xorijiy sayyohlar viloyatimizga tashrif buyurishdi. O'tgan yilda viloyatdagi eksport hajmi 49 mln.dollarni tashkil qilgan bo'lsa uning 31 foizi turizm sohasiga to'g'ri keldi, bu ko'rsatkich 2012-yilda 1,7 foizni tashkil etgan edi.

Dunyoda davom etayotgan iqtisodiy inqiroz xorijiy sayyohlar sonini sezilarli darajada oshirish imkonini bermayapti. Ammo qilinayotgan sa'y - harakatlar ularning sonini qirq ming atrofida saqlash imkonini bermoqda.

Yana bir muhim ko'rsatkich. 2012-yilda bir nafar xorijiy sayyohning viloyatdagi o'rtacha xarajati 80 AQSh dollarni tashkil qilgan bo'lsa, bugungi kunda bu ko'rsatkich 180-200 AQSh dollarni tashkil etmoqda. Ularning viloyatimizda qolishi 2012 -yildagi o'rtacha 1,1 sutkadan hozir 1,5 sutkagacha ko'paydi.

Shuning bilan birga asosiy e'tibor ichki turizmni rivojlantirishga qaratilmoqda va bu o'z samaralarini bermoqda. Ulaming soni 2012-yilda 724,7 ming nafar bo'lsa 2015-yilda 737,8 ming nafami tashkil qildi. 2020-yilga borib ichki sayohlar soni 800 ming nafarga etishi kutilmoqda.

Ta'kidlash kerak-ki, 2014 -yil 1- avgustdan boshlab, Respublikamizdagi bolalar va ularning hamroqlari uchun har haftaning seshanba va juma kunlari "Ichan qal'a" majmuasiga tashrif bepul qilib belgilangan.

2014-yilda 70 ming nafar hamda 2015-yilda 100 ming nafar bola va ularning xamrohlari ana shu qoidaga asosan majmuaga qabul qilingan.

"Turizm infratuzilmasini rivojlantirish xududning sayyohlik yo'nalishlari va xizmatlarini takomillashtirish, sayyohlik imkoniyatini namoyish qilish ishlarini amalga oshirish, sayyohlar uchun qo'shimcha ob’ektlar infratuzilmasini yaxshilash, turizm sohasi mutaxassislarini tayyorlash, qayta tayyorlash va malakasini oshirish" bo'yicha dastur doirasida bir qator ishlar amalga oshirildi.

Jumladan, turistlarga yangi sayyohlik yo'nalishlari taqdim qilish borasida Xiva tumanida "Bog'i shamol", "Xiva qorako’l” fermerlik xo'jaligida, “Eshon Ravot” ko'lida, Bog'ot tumanida "Qalajiq qal'a", Urganch tumanidagi "Ulli hovli" ob'ektlarida yangi sayyohlik infiratuzilmalari tashkil etildi.

Shuning bilan bir qatorda Urganch xalqaro aeroporti binosini zamonaviy xalqaro standardar talablari hamda zarur infratuzilmalarni e'tiborga olgan holda qayta ta’mirlash va moddiy-texnika bazasini mustahkamlash ishlari yuksak darajada bajarildi. Yangi kutib olish va kuzatish terminallari jahon standartlariga javob beradigan zamonaviy qulayliklarga ega bo'ldi. Bu yerda keng va yorug' zallarga eng so'ngi rusumdagi jihozlar o'rnatildi. Ona va bola xonasi, tibbiyot punkti, "Duty free" do'koni, qahvaxona shular jumlasidandir. Bundan tashqari binoda 200 yo'lovchi sig'imiga ega tranzit hamda "VIP" ,"CIP" zallari, sayyohlar uchun maxsus, qulay xizmat turi - axborot ofisi tashkil etildi. Xozirda Parij, Milan (mavsumda, aprel- sentyabrda) va Rossiyaning Moskva, Sankt - Peterburg, Volgagrad shaharlariga to'g'ridan-to'g'ri aviareyslar qatnovi amalga oshirilmoqda.

Shuningdek, Urganch shahridagi temir yo'l vokzali zamonaviy uslubda ta'mirlanib Toshkent-Urganch yo'nalishi bo'ylab haftaning dushanba, chorshanba va juma kunlari hamda haftaning payshanba, shanba, va dushanba kunlari Toshkent- Shovot yo'nalishlarini Urganch orqali qatnovi tashkil etilgan. Ushbu yo'nalishlar bo'yicha "O'zbekiston temir yo'llari" DATYK tomonidan turistik kompaniyalarning talabiga muvofiq qo'shimcha vagonlar ulab berilishi imkoniyati mavjud. "O'zbekiston temir yo’llari "DATYK tomonidan 5 ta lyuks vagon, milliy uslubda bezalgan restoran vagon va SV, kupe vagonlardan iborat maxsus poezdlar tarkibi tashkil etildi.

Bundan tashqari, Urganch Volgagrud, Toshkent-Urganch-Saratov, Urganch-Qarshi, Toshkent-Urganch-Buxoro-Toshkent yo’nalishi bo'yicha qatnovlar yo’lga qo'yilgan.

Urganch shahridagi Shovot kanali bo'yida zarur infratuzilmaga ega kemalar to'xtashi uchun maxsus joylar barpo etildi, yangi kemalar sotib olinib ishga tushurildi. "Shovot" kanali bo'yida dam olish maskanlari barpo qilindi.

Shu o'tgan davrda madaniy meros ob'ektlarining yagona reestri yaratilib, ob'ektlarning joriy holati aks etgan pasportlari tuzildi. Har bir ob'ektning madaniy tarixiy ahamiyati bo'yicha axborot- ma’lumot bazasi Ma'mun akademiyasi bilan hamkorlikda shakllantirish ishlari hamkorlikda shakllantirish ishlari yakunlandi.

Sayyohlar uchun qo'shimcha ob'ektlar infratuzilmasini yaxshilash yo'nalishi bo'yicha viloyatda 17,25 km uzunlikdagi optik-tolali kabel o'tkazilib, 2304 ta internet portlari o'rnatildi.

"Xorazm Ma'mun" akademiyasi tomonidan "Wikipedia" olektron entsiklopediyasida hududning diqqatga sazovor joylari tarixi haqidagi 28 ta maqola joylashtirildi.

Sayyohlarni xordiq chiqarish industriyasini rivojlantirish borasida "Doston folklor”, "Xiva folklor" etnografik xalq ansambli va "Sayqal" oilaviy folklor ansambllaridan iborat badiiy jamoalar "Ollaqulixon" madrasasida mavsum davomida xorijiy sayyohlarga har kuni o’z kontsert dasturlarini namoyish qilmoqdalar. Shuningdek, har yili iyun oyida "Xorazm madaniyati" festivali, avgust oyida «Gurvak- Xorazm qovunchiligi ramzi" festivallarini o'tkazish an'ana tusiga kirdi.

Xorazm viloyatining boy madaniy merosi va turizm salohiyatini ifodalovchi brend yaratildi. Hududning turistik imkoniyatlarini yaratildi. Hududning turistik imkoniyatlarini reklamasini tashkil etish borasida xorij ommaviy- axborot vositalari xodimlari va xorijiy tur operatorlarga "Mego-info-turlar" tashkil etilib shu kungacha

dunyoning 30 dan ortiq mamlakatdan 56 nafar ommaviy axborot va 423 nafar xorijiy turistik tashkilotlar vakillari qabul qilindi.

Viloyatning sayyohlik sohasiga doir rasmiy web sayti (**www.visitkhorezm.uz**) yaratildi va viloyatning sayyohlik imkoniyatlari to'g'risidagi ma'lumotlar joylashtirildi.

Urganch shahrida 2014-yilda 360 o'quvchi o'ringa mo'ljallangan Turizm va mehmonxona xo'jaligi kasb hunar kolleji qurilib, ishga tushirildi. Ushbu kasb-hunar kollejida 3 ta yo'nalishda yiliga 120 nafardan mutaxassis tayyorlanmoqda.

Yevropa davlatining tajribalarini o'rganish maqsadida Latviya, Xitoy Xalq Respublikasi, Janubiy Koreya Respublikasi, Turkiya mamlakatlariga viloyat mutaxassislarining safarlari uyushtirildi.

Dastur ijrosini ta’minlashga qaratilgan tadbirlar davom ettirilmoqda. Yevropa davlatining tajribalarini o'rganish maqsadida Latviya, Xitoy Xalq Respublikasi, Janubiy Koreya Respublikasi, Turkiya mamlakatlariga viloyat mutaxassislarning safarlari uyushtirildi. Dastur ijrosini ta’minlashga qaratilgan tadbirlar davom ettirilmoqda.

THE PREPARATION OF SPECIALISTS FOR TOURISM SPHERE

Samandarov R.D – the Teacher of the department Foreign languages of SIES
Inoyatov O.S – the student of group MXT-116 of SIES

Annotation. *As tourism developed and became an integral part of a modern life its international value increased and the national governments have started to play more and more important role - their activity covered a wide range of problems from an infrastructure before functions of regulation. One of the major directions in the role of the government of Uzbekistan to develop tourism in the country should be the introduction of the modern educational system in the field of tourism and promotion of its development. The preparation of tourism specialists and raising the preparation of their quality must be based on the technological progress made in this field and the specifics of labor spent. Following the above-mentioned, we can conclude that the present level of the tourism education and staff training in the tourist sector of Uzbekistan fails to meet the international demands of tourism industry either quantitatively, or qualitatively. The present situation on the market of tourist service education needs urgent measures, particularly to improve its qualitative indicators.*

Keywords: *Tourism, Education, Business, Infrastructure, Service, Travel, Personnel, Quality, Employment, Science.*

Annotatsiya. *Turizm rivojlangani va zamonaviy hayotning muhim qismiga aylanganligi sababli uning xalqro bahosi oshdi va milliy mamlakatlar asosiy rol o`ynashni boshladi – ularning faoliyati boshqarish funksiyalaridan oldin infrastrukturadagi keng doirali muammolarni qamrab oldi. O`zbekistonning mamlakatdagi turizmni rivojlantirishdagi asosiy yo`nalishlardan biri turizm sohasidagi va uning siljishining zamonaviy ta`lim tizimi tushunchasi bo`lishi lozim. Turizm mutaxassislarini tayyorlash va sifatini oshirishga tayyorgarlik shu sohadagi va maxsus ish kuchi sarfidagi texnologik jarayonga asoslangan bo`lishi shart. Yuqoridagilarga asosan O`zbekistonning turistik sektoridagi turizm ta`limining hozirgi darajasi va xodimlarni o`qitish turizm sanoatining xalqaro talablariga ham sifat jihatdan, ham miqdor jihatdan javob beraolmayotganini xulosa qilishimiz mumkin.*

***Kalit so`zlar:*** *Turizm, Ta`lim, Biznes, Infrastruktura, Xizmat, Sayohat, Xodimlar, Sifat, Bandlik, Fan*

Аннотация. *Поскольку туризм развивался и стал неотъемлемой частью современной жизни, его международная ценность возросла, и национальные правительства начали играть больше и более важную роль - их деятельность охватывала широкий круг проблем от инфраструктуры до функций регулирования. Одним из важнейших направлений в роли правительства Узбекистана по развитию туризма в стране должно стать внедрение современной образовательной системы в области туризма и содействие ее развитию. Подготовка специалистов по туризму и повышение качества их подготовки должны основываться на технологическом прогрессе, достигнутом в этой области, и специфике затрачиваемой рабочей силы. Исходя из вышесказанного, можно сделать вывод о том, что нынешний уровень образования в области туризма и подготовки кадров в туристическом секторе Узбекистана не соответствует количественным или качественным требованиям международного туризма. Нынешняя ситуация на рынке образования туристических услуг нуждается в срочных мерах, особенно для улучшения его качественных показателей.*

Ключевые слова: *Туризм, Образование, Бизнес, Инфраструктура, Сервис, Путешествия, Кадры, Качество, Занятость, Наука.*

As it is known, in XX century the education was considered to be the most important and prestigious area of human activities. Therefore, the education and knowledge have become a capital. By itself, it also means that the modern society needs a substantively conceptual knowledge and, accordingly, a new model of education. In the XXI century one great dignity of people-oriented education has already been emphasized. It is an accentuation on the possibility to receive a continuous education throughout the life.

Travel service is a major field of people's service and has specific social-health function. It includes understanding vocational, historical and cultural sightseeing, sport life, participation in the cultural-mass events; it also promotes the personal development and makes various cultures be closer to each other.

Uzbekistan with its geographical location, the best climate and historical-cultural heritage is considered as a host country of tourists and requires the development in the relevant direction of business development. The competitive usage of potential of Uzbek tourism is based on tourism personnel and the quality of their preparation.

We think, preparation of specialists for tourism sphere opens qualitatively new boundaries in the developed countries of the world; therefore, the system analysis of functioning of the given didactic system will be extremely useful to Uzbekistan which possesses significant tourist potential and can become in the long term one of the most developed tourist countries.

One of the major problems in modern Uzbekistan is decrease in the quality of a human resources. Sharp decline in employment resulted in reduction the motivation for learning. Success of a choice and training (study) of students in higher educational institutions of Uzbekistan is influenced by many factors. The main thing is that it is necessary to approve as the purpose – quality and efficiency of tourist formation to guarantee quality and efficiency in the industry of tourism. Process of globalization in all

spheres of human activity is extended on sphere of the international tourism, changing its role and influence on preparation of specialists of the given sphere: it demands depth, interactions of its various components at more complex didactic level.

At the present stage of development of the mankind there is an intensive concentration on theoretical knowledge; it becomes a basis of changes in manufacture, and finally – in a society. Creation of modern information society is an instinct of self-preservation of the mankind as the biological kind, modified now in the particular socially-organizational form of life of people. In the center of attention there also is a theme "Formation and qualification - the purposes of tomorrow"[77]. Therefore, now in the developed countries of the world, programs of employment of population, vocational training and retraining, improvement of professional skills are developed until 2020.

In this connection, it is necessary to continue work on perfection of the list of directions of preparation of experts and specialists of professional higher education, having approached it to similar lists of the developed countries with the purpose of creating favorable conditions for integration of the Uzbekistan education system in international; to define a legal status of Bachelor and Master programs on specializations of a tourist structure; to finish development of the complete set of methodical support of the state educational standards of professional higher education. For this purpose, it is necessary to change qualifying requirements promptly enough. "It is important to introduce new means of training and a hardware of educational institutions as a whole, to strengthen a theoretical part of training and to raise its cognitive value not only in an educational institution, but also on a workplace"[78]. For decision of these problems it is necessary to overcome the problem of lacking highly skilled teachers, scientists and experts for vocational training in which our country tests significant deficiency, as well as consequences of demographic changes. Development of qualifying requirements has precisely allocated necessary parts between vocational training and formation of the scheme of workplaces. From the point of view of the internal maintenance of the given actions from the governments of the developed countries the understanding grows that investments into human resources, formation and a science will grow.

The tourism development policy should rely on the study of the three parts (education, science, business innovation) of knowledge triangle and if they do not exist, promote their creation and the effective interaction among them.[79] Therefore, the effective decision of a problem of competence of experts of the sphere of tourism has demanded to define qualitative characteristics of the expert. As a result of the system analysis of functioning of didactic systems of preparation of experts of the sphere of tourism in the developed countries of the world, qualitative characteristics of experts which are general for all regions and spheres of tourist activity that allows to define modern model of such expert have been revealed. In each qualifying model there should be official duties; an educational level, volume of knowledge and volume of skills, also some personal qualities promoting more successful professional career. In our research, modern approaches to qualitative preparation of experts that assumes consideration of

[77] Choy D. F., "The Quality of Tourism Employment", Tourism Management, 1995.
[78] Cynthia Mayo, PhD, Hospitality & Tourism management redefined: a new perspective for the 21st century Hosteur. Vol. 17, issue 1, 2008
[79] Cathy Hsu C.H, Global Tourism Higher Education: Past, Present, and Future, New York: Routlerge, 2011.

structure of work, the detailed analysis of professional functions of experts, revealing of the skills necessary for their performance are analyzed.

Managers need to develop better skills in the sphere of personnel administration. In connection with constant internationalization of business, all experts of tourism are required to have more practice in the international space and a multicultural background.

In our opinion, in this multidimensional problem it is possible to investigate: theoretical and methodological ways of preparation of experts of a tourist structure on the integrated groups of trades; structure and the maintenance of curricula and programs; development of standards and qualifying characteristics for these professional groups; methodological and didactic maintenance of preparation of experts; development of techniques of training which provide interactive dialogue; development of modular rates and programs of training for each trade in view of innovative technologies and methodologies on the basis of the combination of such disciplines, as pedagogue, psychology, sociology, philosophy, history and methods of an individualization of training.

Despite the fact that most of the high educational institutions in Uzbekistan train tourism specialists, the number of schools with tourism professions oriented on the training of the professional staff of the average and low levels is few in our country, while the demand for them is high and exceeds the number specialists with higher education.

Innovative educational technologies are the most important tools needed to compete with other social institutions. The content and delivery methods and techniques of modern social-economic situations are crucial in helping young people get a positive approach to education. Innovations are a key factor leading to integration between education and science. It is the main instrument to improve the quality of education. And also field study tours are should be organized for tourism students regularly. Such tours help students gain practical experience in planning, designing and mastering a guide specialty.

Conclusion:

Preparation of tourism specialists and raising the preparation of their quality must be based on the technological progress made in this field and the specifics of labor spent. Following the above-mentioned, we can conclude that the present level of the tourism education and staff training in the tourist sector of Uzbekistan fails to meet the international demands of tourism industry both quantitatively and qualitatively. The present situation on the market of tourist service education needs urgent measures, particularly to improve its qualitative indicators. We think, preparation of specialists of tourism will be extremely useful to Uzbekistan which possesses significant tourist potential and can become in the long term one of the most developed tourist countries.

ОБРАЗОВАТЕЛЬНАЯ СИСТЕМА В СФЕРЕ ТУРИЗМА НА ПРИМЕРЕ США

Бабаев Ф.Ассистент СамИЭС
Зохидов Ф.Ассистент СамИЭС
Ахраров Ф.Студент группы ХС-215 СамИЭС

Аннотация. *В статье дано анализ системы образования в США по подготовке кадров в сфере туризма. Приведено как этот опыт может быть*

применен и в образовательной системе Узбекистана для развития данного сектора в стране.

Ключевые слова: *профессиональное образование, поток туристов, экспорт услуг, инвестиции, образовательная система, регулированию области образования, образовательные программы.*

Annotatsiya. *Maqolada AQSHning turizm sohasida kadrlarni tayyorlash bo'yicha o'quv tizimi tahlili berilgan. Uni mazkur sohani rivojlantirish bo'yicha O'zbekiston ta'lim tizimida qanday qilib qo'llash mumkinligi keltirilgan.*

Tayanch so'zlar: *professional ta'lim, turistlar oqimi, xizmatlar eksporti, investitsiya, ta'lim tizimi, ta'lim tizimini boshqarish, o'quv dasturlari.*

Annotation. *This article is about analysis in the education system of the USA regarding the preparation of specialists in tourism sphere. The way of how to implement this experience in education system of Uzbekistan is given in this field.*

Key words: *professional education, flow of tourists, service export, investment, education system, education management, education programs.*

В условиях быстрого развития туризма в мире, в Узбекистане большое значение приобретает профессиональное образование и опыт организации профессиональной подготовки специалистов в зарубежных странах. Известно, что Узбекистан, благодаря своему уникальному природному и историко-культурному потенциалу, имеет все основания стать одной из наиболее привлекательных туристских дестинаций. И решение этой задачи связано с организацией профессионального туристского образования, от которого в первую очередь зависит, сможет ли наша страна обеспечить данную отрасль необходимым для эффективного развития интеллектуальным и нравственным ресурсом.

В этой статье по мере возможности изучено система подготовки кадров сферы туризма в США. Почему именно США? По данным Всемирной туристской организации при ООН (ЮНВТО/ВТООН) поток туристов в эту страну за 2014 год составлял 75 млн. и этот показатель увеличился на 3.3 % в 2015 году и составил 77.5 млн., и оно находиться на втором месте после Франции. Но по уровню дохода находится на первом месте $204.5 млрд. по данным 2015 года против $191.3 млрд. в 2014 году (рост на 6.9 %)[80].

В статистике на 2016 год Всемирного совета по туризму и путешествиям (World Travel & Tourism Council) показано что общая доля туризма ВВП на 2015 год составил $1,469.9млрд. (8.2% всего ВВП), и прогнозировано что это сумма увеличится к 2026 году до $2,118.6 млрд. и составит 9.3 % ВВП страны. В сфере туризма занято 14.2 млн. работников и это составило 9.6 % всей рабочей силы и прогнозировано что к 2026 году увеличится до 18.4 млн. работников. Кроме этого, в 2015 году сфера туризма генерировало $189.7 млрд. всего экспорта (8.4% всего экспорта) и к 2026 году ожидается прирост экспорта до $295.9 млрд. Количество инвестиций в 2015 году была тоже высокой и составило $148.8млрд. (4.2% всех инвестиций) и прогнозируется что к 2026 году оно увеличится до $232.4 млрд[81].

В Соединенных Штатах количество учебных заведений, предлагающих программы обучения в области индустрии гостеприимства и туризма, за последние 25 лет увеличилось в четыре раза. В начале 70-х годов в США было

[80] http://www.e-unwto.org/doi/book/10.18111/9789284418145
[81] https://www.wttc.org

приблизительно 40 четырехлетних программ, предлагавших степени по гостиничному или гостинично-ресторанному управлению. Международный совет CHRIE (the Council on Hotel, Restaurant and Institutional Education) оценивает, что сейчас существует около 170 гостиничных программ, дающих степени бакалавра, и свыше 700 программ, предлагающих другие степени, сертификаты или дипломы[82].

Высшее образование в США обычно получают в течение 4 лет обучения в колледже или университете. Вузы США можно разделить на три типа, которые как правило сильно отличаются друг от друга, главным образом по количеству студентов и атмосфере. Колледж — это высшее учебное заведение, которое занимается, в основном, обучением студентов, а научная работа, если и есть, остается на втором плане. Университеты делятся на два типа: частные университеты и университеты штатов, финансируемые властями конкретных штатов. Университеты штатов часто очень велики и как правило несколько уступают в престиже частным. В 2009 году в США действовало 4352 высших учебных заведения. Из них больше 200 предлагают курсы по туризму и гостеприимству. Вот некоторые престижные учебные заведения в которых предлагают курсы по туризму: Университет Джорджа Вашингтона, Нью-Йоркский университет, Университет Бригама Янга, Университет Джонсона и Уэльса, Технологический институт Рочестера, Корнельский университет, Университет Невады, Государственный университет в Пенсильвании, Университет Пурду и другие.

Отличительной особенностью образования в США является высокая степень его децентрализации. В стране нет ни общенационального законодательства, которое бы определяло (регулировало, регламентировало) единообразие структуры, содержания, управления, финансирования образования на всей территории США и, следовательно, нет централизованной в общенациональном масштабе системы образования. Все полномочия по регулированию области образования входят в компетенцию штатов. Вместе с тем федеральное правительство играет важную роль в развитии профессионального образования, выполняя «сервисные» функции (разрабатывая общие программы, подходы, механизмы, содействующие штатам в повышении качества образования)[83].

Вдобавок в США существуют некоммерческие и государственные организации такие как *Американское общество турагентов (ASTA), Ассоциация Путешествий США (U.S. Travel Association)* и *Консультативный Совет по Туризму и Путешествий США (U.S. Travel and Tourism Advisory Board)* которые занимаются продвижением, консультацией, выработкой стратегий, вопросами трудоустройства студентов и решением различного рода программ проблем.

Американское общество турагентов (American Society of Travel Agents/ASTA), которая была сформировано представлять и защищать интересы и права турагентов и турфирм, считает определяющим фактором успешной подготовки верно подобранную программу. Например, университет *Джонсон и Уэльс* (Провиденс, штат Род Айленд, США), член Американской ассоциации

[82] Артёмова Е.Н., Козлова В.А. Основы гостеприимства и туризма – М., 2010

[83] Асанова И. М. Система профессионального развития специалистов для сферы туризма в зарубежных странах (США и Швейцария), 2010

открытого образования, имеет аккредитацию международного университета профессионального туристского обучения. Университет специализируется на стационарном и открытом дистанционном заочном обучении через интернет (онлайн обучение), предлагая несколько программ профессиональной подготовки в области менеджмента, в том числе в сфере туризма: *международный бизнес, менеджмент, деловое администрирование; маркетинг; ресторанный и гостиничный менеджмент; туристический менеджмент, кулинарное искусство, кондитерское искусство, интернет-коммерция, информатика, разработка веб-сайтов*. В настоящее время в Университете Джонсона и Уэльса обучается 16 000 студентов из 50 штатов США и более чем 119 зарубежных стран. Будучи университетом деловой карьеры в Америке, Университет Джонсона и Уэльса дает студентам практическое образование, которое позволяют им добиться успеха на современном мировом туристском рынке[84].

Основные предметы, которые изучаться на этих курсах:

- Управление человеческими ресурсами (Human Resource Management)
- Принципы маркетинга (Principles of Marketing)
- Еда и напитки в индустрии гостеприимства (Food and Beverage in the Hospitality Industry)
- Размещение в индустрии гостеприимства (Orientation to the Hospitality Industry)
- Технологии в туризме/индустрии гостеприимства (Technology in the Tourism/Hospitality Industry)
- Переговоры и соглашения в гостеприимстве, спорте, развлечении и менеджмент событий (Negotiations and Agreements in Hospitality, Sports, Entertainment and Event Management)
- Мировая география для туризма и гостеприимства (World Geography for Tourism and Hospitality)
- Динамика туризма и стабильность (Dynamics of Tourism and Sustainability)
- Международная политика туризма (International Policies of Tourism)
- Деятельность тур менеджеров (Tour Management Operations)
- Организационное управление дестинациями (Destination Management Organization)

В заключении надо отметить что американский подход к подготовке кадров доказало свою эффективность. Действительно студенты, окончившие эти специализированные курсы или программы американских ВУЗов, имеет достаточно сбалансированные знания так и теоретические, так и практические. Из этого следует что в образовательной системе Узбекистана можно применить этот опыт, но уже в адаптированном виде. Поэтому в будущем при создании программ в сфере образования надо учитывать зарубежный опыт и мнения ведущих специалистов и туристских компаний страны, чтобы они высказали свое мнение какие навыки и знания пригодятся и на основе этого анализа создать эффективную программу образования.

Вот некоторые советы, которые могут быть полезны в развитии образования в туризме:

[84] http://jwu.edu/about

- надо внедрить новые предметы в состав образовательной программы на основе анализа образовательных учреждений зарубежных стран;
- использование новых методов и передовых технологий для улучшения качества образования;
- тесное сотрудничество со специалистами в области туризма, профессорами и преподавателями при составлении учебных программ;
- открытие частных учебных заведений (ВУЗов и колледжей) чтобы повысить конкуренцию в сфере образования, особенно в туризме;
- увеличение часов практических занятий и проведение практики в разных частях (областях) страны;
- проведение практики в ведущих турфирмах и гостиниц страны;
- внедрение различных конкурсов и грантов для студентов в сфере туризма;
- открытие некоммерческих организаций, которые служили бы связывающим мостом между студентами и работодателями (турфирмы, турагентства и гостиницы) в сфере туризма.

TURISTLARGA MUZEYLARDA XIZMAT KO'RSATISHDA ANIMATSIYADAN FOYDALANISH ISTIQBOLLARI

F. Babaev – SamISI Assistent
I. Mutalibova MXT-115 guruh talabasi -SamISI

Annotatsiya: *Maqolada muzeyning turizmda tutgan o'rni haqida gapirilgan. Bunda xorijiy mamlakatlarning boy tajribasi o'rganilgan. Muzeyli animatsiyaning dolzarbligi ochib berilgan va tegishli tavsiyalar havola etilgan.*

Kalit so'zlar: *muzey, ekskursiya, animatsiya, muzeyli animatsiya, video-audio gid, samaradorlik, reklama.*

Аннотация: *В данной статье раскрывается роль музея в туризме. Изучено зарубежный опыт развитых стран. Анализирован важность музейной анимации и предложено советы.*

Ключевые слова: *музей, экскурсия, анимация, музейная анимация, аудио-видео гид, эффективность, реклама.*

Annotation: *This article is about the role of museum in tourism. Experience of developed foreign countries learned. Importance of museum animation described and some suggestions are given.*

Key words: *museum, excursion, animation, animation in museum, audio-video guide, efficiency, advertisement.*

Hozirgi kunda O'zbekiston Respublikasida tarix, tarixiy madaniyatni o'rganishga katta e'tibor qaratilmoqda. Muzeylar biz uchun nihoyatda ahamiyatli bo'lgan tarixiy meros o'chog'i hisoblanadi. O'zbekistonda muzeylar rivojiga 1998-yil 12-yanvarda qabul qilingan "Muzeylar faoliyatini tubdan yaxshilash va takomillashtirish to'g'risidagi" qonun juda katta ahamiyatga ega bo'ldi. Shundan keyin muzeylar davlat muhofazasiga olindi va muzeylarni yanada rivojlantirish haqida dastur ishlab chiqildi va ular davlat byudjeti tomonidan qo'llab quvvatlandi. 1998-yilda O'zbekmuzey tashkiloti tashkil etildi va 1999-yilda muzeylar hayotidan xabar beruvchi "Moziydan sado" jurnali tashkil etildi. Bu jurnal uch tilda o'zbek, rus va ingliz tilida chop etila boshlandi. 1999-yilda O'zbekistonda davlat tasarrufidagi muzeylar soni 81 taga yetdi, ulardan 15 tasi

tarix muzeyi, o'lkashunoslik muzeylari soni 23 tani va 10 ta badiiy muzeylar, 20 ta memorial, 8 ta adabiyot, 4 ta tibbiyot muzeylarini tashkil etildi. O'zbekistondagi 10 ta yirik shahar tarixiy shaharlar ro'yxatga olingan hisoblanadi. Masalan, Buxoro, Samarqand, Xorazm, Qo'qon va boshqalar. Ayniqsa, Samarqand juda ham tarixiy obidalarga boy shahar hisoblanib har yili juda ko'p xorijiy mehmonlar tashrif buyuradi. Hozirda O'zbekiston Madaniyat vazirligi tasarrufidagi muzeylar 1,350 ming eksponatga ega.

Muzey so'zining lug'aviy ma'nosiga qaraydigan bo'lsak u (yun. musion — muzalarga bag'ishlangan joy) — tarixiy, moddiy va ma'naviy yodgorliklarni to'plash, saqlash, o'rganish va targ'ib qilish ishlarini amalga oshiruvchi ilmiy, ilmiy-ma'rifiy muassasa hisoblanadi. Muzey xazinasida, asosan, moddiy tasviriy narsalar, san'at asarlari, yozma manbalar (qadimdan hozirgi davrgacha bo'lgan tarixiy qimmatga ega qo'lyozmalar, bosma hujjatlar, kitoblar) saqlanadi.

Siyosiy, ilmiy, madaniy, iqtisodiy ehtiyojlarni qondiruvchi muzeyning paydo bo'lish tarixi uzoq qadimga borib taqaladi. Muzeyning o'tmishdoshlari tabiat va ijtimoiy hayotdan olingan asl buyumlarni xo'jalik maqsadlarida va moddiy boylik sifatida emas, balki memorial guvohnoma va estetik qimmatli asl narsalar sifatida saqlana boshlagan davrda yuzaga kelgan. Birinchi Museyon Aleksandriyada Ptolemey I tomonidan taxminan eramizdan avvalgi 290-yilda ta'lim muassasasi sifatida tashkil etilgan. U o'zida turar-joy xonalari, oshxonalar, o'quv xonalari, botanika va zoologiya bog'lari, rasadxona va kutubxonalarni mujassamlashtirgan. Bu Museyon kutubxonasida 750000 dan ortiq qo'lyozmalar saqlangan.

O'rta asrlarga kelib zargarlik buyumlari, haykallar va qo'lyozmalar monastr va cherkovlarda saqlana boshlangan VII asrda urushlar davomida qo'lga kiritilgan turli buyumlar ham eksponatlar sifatida ko'rgazmalarga qo'yilgan. XVI asrda haykallar va suratlarni katta va uzun saroy koridorlariga joylash urf bo'ladi. XVII asrda saroylar qurilishi davomida suratlar, haykallar, kitoblar va gravyuralar kolleksiyasi uchun maxsus xonalar loyihalashtirila boshlanadi.

Zamonaviy muzeylar sohalar bo'yicha tarix, qishloq xo'jaligi, tabiatshunoslik, san'atshunoslik, adabiyot, texnika va boshqa muzey turlariga bo'linadi. Shuningdek, muzeyning memorial muzeylar, majmua o'lkashunoslik turlari ham mavjud.

Birinchi zamonaviy muzeylar XVIII asrga mansub bo'lib, uni hozirgi yevropa davlatlari misolida ham ko'rishimiz mumkin. Bu tipdagi muzeylarga Londondagi Britaniya Muzeyi (The British Museum)ni (1753), Parijdagi Luvr (Louvre)ni (1792) kiritishimiz mumkin.

Shu o'rinda jahon tajribasiga qarasak, dunyoda tashrif buyuruvchilar sonining ko'pligi bilan nom taratgan Parijdagi Luvr (Louvre) muzeyi 1792-yil tashkil etilgan va u dunyodagi 3-eng katta muzey bo'lib, muzey ilgari podshoh saroyi bo'lgan. Unga 2014-yilning o'zida 9260000 kishi tashrif buyurgan.

Boshqa bir misolni esa Rossiya Federatsiyasidagi Sankt-Peterburg shahridagi Davlat Ermitaji – 1764-yilda Yekaterina II tomonidan tashkil etilgan muzey misolida ko'rishimiz mumkin. Zamonaviy Davlat Ermitaji o'zida mukammal muzey kompleksini mujassamlashtirgan. Muzeyning ekspozitsiyalar qismi 5 ta binodan iborat. "Ermitaj" so'zi fransuzcha "ermitage" so'zidan olingan bo'lib "birlashuv joyi", "kulba" degan ma'nolarni anglatadi. 2016-yil davomida Ermitajga 5328391 kishi tashrif buyurgan.

Yevropa mamlakatalari sirasiga kiruvchi rivojlangan mamlakatlardan biri Angliyadagi Britaniya Muzeyi (the British Museum) – tashrif buyuruvchilari soni bo'yicha dunyoda Luvrdan keyingi 2-o'rinda turadi. Bu muzey 1753-yilda tashkil etilib, 1759-yildan tashrif buyuruvchilar uchun ruxsat etilgan.muzeyning gigant kutubxonasi va o'quv zali uning ajralmas bir bo'lagidir. Tashrif buyuruvchilarga o'quv zaliga faqatgina dushanbadan jumaga qadar tushlikdan keyin kirishga ruxsat etiladi. Muzeyga kirish uning ilk tashkil etilgan kunidan boshlab to hozirgi kunga qadar bepul hisoblanadi. 2013-yil ma'lumotlariga ko'ra Britaniya Muzeyiga 6701036 kishi tashrif buyurgan.

Kun chiqar mamlakatlardan biri hisoblanmish Koreyadagi Korea Milliy Muzeyi 1945-yilda tashkil etilgan bo'lib, 330000 ga yaqin eksponatlarni o'zida mujassamlashtirgan. Muzey 6 ta doimiy ko'rgazma zallariga, rejalashtirilgan ko'rgazmalar zaliga va bolalar muzeyiga ega. Muzeyning katta maydonidan kelib chiqib, uni 1 kunda aylanib chiqishning iloji yo'q. Muzeyga kirish mutlaqo bepul hisoblanadi. Faqatgina rejalashtirilgan ko'rgazmalar zali pulli namoyishlarga mo'ljallangan. Shuningdek, muzeyda video gid (3000 von = 9801 so'm Markaziy bankning joriy kundagi 24.04.2017 dagi valyuta kurslari ma'lumotlariga asosan) va audiogid (1000 von=3267 so'm Markaziy bankning 24.04.2017 dagi valyuta kurslari ma'lumotlariga asosan) xizmatlaridan foydalanish mumkin. 2013-yil ma'lumotlariga ko'ra Korea Milliy Muzeyiga 3100000 kishi tashrif buyurgan.

Endi o'zimizing milliy muzeylarimiz ish faoliyatini tahlil qiladigan bo'lsak, Samarqand shahar tarixi muzeyi – Afrosiyob 1970-yilda tashkil etilgan. Muzey ekspozitsiya zallarida miloddan avvalgi I mingyillikning o'rtalaridan XIII asrning boshlarigacha bo'lgan shahar tarixini yorituvchi eksponatlar namoyish etilgan. Samarqand shahrining 2750 yillik yubileyi munosabati bilan muzeyning 2-qavat ekspozitsiya zallari to'liq qayta ishga tushirilgan. Muzey direktori Samariddin Mustafaqulovning so'zlariga ko'ra, 2016-yil davomida 50000 ga yaqin kishi tashrif buyurgan.

Yurtimizning boshqa bir taniqli Ulug'bek muzeyi – 1964-yilda tashkil etilgan. O'zbekiston Respublikasining birinchi Prezidenti I.A.Karimovning tashabbusi bilan 2010-yilda muzey tubdan yangi qurilgan binoda qayta tashkil etildi. Muzeyda rasadxona tarixi bilan bog'liq vaqf hujjati namunasi, me'morlar tomonidan tayyorlangan rasadxona maketlari, Mirzo Ulug'bek tasvirlangan linagravyura, buyuk olim qalamiga mansub "Zij" asari kenglik darajalarini aniqlashda qo'llangan maketlar loyihasi tomoshabinni befarq qoldirmaydi. Muzey direktorining ma'lumotlariga ko'ra 2016-yil davomida 174000 kishi tashrif buyurgan.

Jahon tajribasida muzeylarda tomoshabinlar bilan ishlashning eng muhim shakli – ekskursiyadir. Ekskursiyalarning tashrif buyuruvchilar uchun esda qolarli va qiziqarli bo'lishida animatsiyali ekskursiyaning o'rni katta.

"Animatsiya" so'zi lotincha so'zdan olingan bo'lib, "jonlantirish", "jon baxshida etish" kabi ma'nolarni anglatadi.

Hozir kunda animatsiyali ekskursiya keng tarqalgan bo'lib unga ko'ra– teatrlashtirilgan namoyishlar bilan ekskursiyani olib borish tushuniladi. Ekskursantlar esa, ro'y berayotgan voqea hodisaning ishtirokchilari hisoblanadi. Bu turdagi ekskursiya tarixiy yodgorliklar va mashhur joylarga tashrif buyurish bilan birgalikda ekskursiyaning asosiy maqsadiga oid mavzulashtirilgan va kostyumlashtirilgan shou-dasturlarini o'z ichiga oladi. Muzeyli animatsiya pedagogik ta'lim-tarbiya berish dasturlari zaminida

vujudga kelgan bo’lib, u muzey xodimi va muzeyga tashrif buyuruvchilar orasidagi erkin-ijodiy aloqalarni anglatadi. Aynan muzeylarda ham ko’ngil ochar dasturlar bilan boyitilgan xordiq doim aktiv bo’ladi va yuqori hissiyot baxshida etishi bilan ajralib turadi. Faqatgina uni to’g’ri rejalashtirish, yorqin tadbirlar bilan yoritish, tashrif buyuruvchilarga sayohat bilan birgalikda moziyga nazar tashlash va har ikkalsini birlashtirish, bir nechta rollarda o’zini ko’ra bilish (sarkarda, ibtidoiy ovchi va boshqalar), turli muzey harakatlarida ishtirok etishini ta’minlash lozim.

Muzeyli animatsion dasturlarni ishlab chiqishda quyidagi asosiy mezonlar mavjud:

1. g’oyaning aktualligi;
2. turli yoshdagi kishilar uchun mo’ljallanganligi;
3. tashrif buyuruvchilarning dasturga qiziqish darajasi.

Muzey animatorlaridan quyidagilar talab etiladi:

- tomoshabinlarni turli muzey tiplari bilan yaqindan tanishtirish, ularning bilim saviyasini oshirish;
- muzey eksponatlari bilan tanishish madaniyatini tushuntirish;
- qadimgi davr predmetlarini o’rganishga qiziqishni uyg’otish, turli interaktiv yo’llardan foydalanish;
- tashrif buyuruvchilarning talablarini o’rganish ularga imkon qadar ko’proq ma’lumotlarni yetkazib berish;

Shu bilan birgalikda, barcha ishtirokchilarni va muzey predmetiga bevosita jalb etish zarur. Animatsion dasturning zerikarli bo’lmasligi uchun individual va guruhli topshiriqlar, bellashuv elementlari ishga solinadi.

Yuqoridagilarni inobatga olgan holda muzeylarni tahlil qilish davomida Korea va Britaniya Muzeylariga kirish narxlari mutlaqo bepul, Luvr va Ermitaj Muzeylarida esa kirish pulli bo’lib, ularning har birida tashrif buyuruvchilar uchun animatsion dasturlar tashkil etilganligi va qulay sharoit yaratib qo’yilganligiga amin bo’ldik. Ulardagi nodir eksponatlar soni va eksponatlarning ahamiyatlilik darajasiga ko’ra ham alohida e’tiborga loyiqdir.

Yuqorida berilgan ma’lumotlar asosida quyidagi xulosalarga ega bo’lamiz:

1. Chet el mamlakatlaridagi muzeylarga tashrif buyuruvchilarning soni mamlakatimiz muzeylariga tashrif buyuruvchilaridan bir necha 10 barobar yuqori;
2. Chet el muzeylarida audio va videogidlarning mavjudligi;
3. O’quvchi va talaba yoshlarga chet el muzeylariga kirish bepulligi;
4. 18-may kuni Xalqaro muzeylar kuniga binoan O’zbekistonning barcha muzeylariga kirish bepulligi va boshqalar.

Afrosiyob va Ulug’bek muzeylarini tahlil qilish davomida quyidagilar aniqlandiki, muzeylarning har birida 22 ishchi-xodimlar (direktor, ilmiy xodim, gid-ekskursiyachi, zal qorovullari, xo’jalik ishchilari, farroshlar) faoliyat yuritar ekan. Muzey direktorlarining aytishicha, muzeyda o’rtacha oylik ish haqi Afrosiyob Muzeyida 500000 so’m, Ulug’bek Muzeyida 800000 so’mni tashkil qilar ekan. Oyiga Afrosiyob Muzeyiga 4500 kishiga yaqin, Ulug’bek Muzeyiga 45000 kishi tashrif buyurishi haqida ma’lumot berilgan. Agar biz o’rtacha kirish narxlari bilan muzeylarga oylik tushadigan daromadlarni taxminiy hisob-kitob qiladigan bo’lsak, Afrosiyob Muzeyi 450000 so’m, Ulug’bek Muzeyi esa 4500000 so’m daromad ko’rar ekan. Agar biz daromad va xarajatlarni kalkulyatsiya qiladigan bo’lsak, Afrosiyob Muzeyining kamomad bilan chiqishiga guvoh bo’lamiz. Eng achinarli tomoni shundaki, Samarqand shahrining asosiy

merosi bo’lmish bu muzeyga tashrif buyurish kamligi, ayrim o’quvchi yoshlar u haqida umuman ma’lumotga ega emasligini ko’ramiz.

Yuqoridagi ma’lumotlardan kelib chiqqan holda, biz quyidagi takliflarni kiritishimiz mumkin:

1. Tarix darslarining davomchisi sifatida ta’lim muassasalarida amaliyotlar olib borish;
2. Muzeylarda animatsion dasturlarni tashkillashtirish;
3. Muzeylarni audio va videogidlar bilan ta’minlash;
4. Muzeylar haqidagi reklama roliklarini imkon qadar internet tarmog’iga joylash;
5. Yoshi keksalar ko’pligi tufayli muzeydagi yozuvlarni kattalashtirish;
6. Muzey eksponatsiyalarini yoritib berish axborot texnologiyalari yutuqlaridan, ya’ni audiogirlardan foydalanish.

ТУРИЗМ СОҲАСИ РИВОЖЛАНИШИДА ТУРИСТЛАРГА ТРАНСПОРТ ХИЗМАТЛАРИ КЎРСАТИШНИНГ АҲАМИЯТИ

Шодмонқулов К.М. ассистент Тош ДАУ

Аннотация. *Транспорт тизими Республикамиздаги туризм соҳасининг тараққиётини белгиловчи муҳим соҳа сифатида, туристларга кўрсатилаётган транспорт хизматларини тўғри ташкил этиш ва уни ривожлантириш ҳамда уларга таъсир этувчи омилларни ўрганиш алоҳида аҳамият касб этади.*

Аннотация. *В работе раскрыто значение оказания транспортных услуг туристам, а также правильная организация оказываемых транспортных услуг и особое внимание уделено изучению факторов влияющих на них.*

Annotation. *The work reveals the importance of providing transport services to tourists, as well as the correct organization of transport services provided and special attention is paid to studying the factors that affect them.*

Калит сузлар: Транспорт хизмати*, туризм.*

Ключовий словы: *Транспортных услуг, туристам.*

Key words: *Transport services, tourists.*

Мамлакат туризм соҳасини юксак даражада тараққий эттириш транспорт соҳаси ва транспорт хизматини кўрсатиш ривожисиз тасаввур этиш қийин. Чунки, транспорт мамлакат туризм соҳасини олдинга етакловчи муҳим таркибий тузилма ҳисобланади. Шундай экан, транспорт тизими Республикамиздаги туризм соҳасининг келгуси тараққиётини белгиловчи муҳим соҳа сифатида, туристларга кўрсатилаётган транспорт хизматларини тўғри ташкил этиш ва уни ривожлантириш ҳамда уларга таъсир этувчи омилларни ўрганиш алоҳида аҳамият касб этади.

Мамлакатимизда туристик хизмат кўрсатиш соҳаси мустақиллик йилларидан бошлаб иқтисодий тараққиётнинг устувор йўналиши сифатида эътироф этилди, йўл – транспорт ва коммуникация инфратузилмасини ташкилий-ҳуқуқий механизми вужудга келтирилиб, давлат томонидан тегишли меъёрий ҳужжатлар қабул қилинди.

Бу борада Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти И.Каримов таъкидлаганидек, “2013 йил ва ундан кейинги йилларда дастурий

вазифаларимизни амалга оширишда йўл – транспорт ва коммуникация инфратузилмасини жадал ривожлантириш устивор аҳамият касб этади”.[85]

Меҳмонхона ва ресторан сервиси даражаси хорижий туристларга хизмат кўрсатишда жуда муҳим рол ўйнайди. Бироқ туризм индустрияси, айниқса жойлаштириш ва овқатланиш индустрияси йил давомида туристик талабларга қараб ўзгариб туриши керак. Шубҳасиз, бу жойлаштириш ва овқатланиш корхонасини юритиш харажатларининг ошишига ва уларнинг хизматларининг қимматлашишига олиб келади. Халқаро туризм ривожланишини белгиловчи ички омиллари катта гуруҳини етарли тарзда ажратиш ва аниқлаштириш зарур. Уларга қуйидагилар киради:

- меҳмонхона маҳсулотларини такомиллаштириш;
- меҳмонхона хизматлари соҳасини ривожлантириш;
- меҳмонхона ассоциациялари ва занжирини яратиш;
- дистрибуция тизимини ривожлантириш;
- меҳнат ресурслари омиллари ва маркетинг омиллари.

Таъкидлаш жоизки, транспорт хизмати кўрсатиш жараёни алоҳида олинган соҳа сифати мутахассислар томонидан назарий жиҳатидан ўрганилган. Бир қатор мутахассислар ушбу жараёнга ўз қарашларини баён этган. Жумладан, “...транспорт жараёнини ташкил қилиш дейилганда, корхоналар ишлаётган (фаолият кўрсатаётган) регион иқтисодиётини ҳисобга олган ҳолда юк ва йўловчилар оқимини ўрганиш, мижозлар билан шартнома тузиш, ҳамма шароитларни ҳисобга олиб, юк ва йўловчиларни ташиш, юк ортиш, тушириш, йўловчиларни чиқариш, туширишни ташкил қилишга қаратилган фаолият тушунилади”[86] деган хусусий фикрлар мавжуд.

Бизнинг фикримизга кўра, транспорт хизмат кўрсатиш бу - транспорт хизматини амалга оширувчи субъектлар томонидан фойда олиш мақсадида транспорт воситаларидан фойдаланган ҳолда, йўловчиларни ташиш, юк ортиш, тушириш ва жойлаштириш каби транспорт сервисини амалга ошириш билан боғлиқ бўлган хизматлар мажмуи тушунилади.

Тадқиқот натижаларига кўра, мазкур тармоқ шиддат билан ривожланиб келаётган алоҳида соҳа сифатида Ўзбекистон Республикасида транспорт хизматини кўрсатиш жараёни чуқур таҳлилий ўрганишни талаб этади. Унинг хуқуқий асослари “Автомобил транспорти тўғрисида”ги ҳамда “Шаҳар йўловчилар ташиш транспорти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунларида ўз аксини топган. Шу боисдан, бугунги кунда Республикамизда транспорт хизматини кўрсатишни иккита катта гуруҳга ажратиш мумкин. Мутахассисларнинг фикрига кўра, биринчи гуруҳ транспорт хизматлари бу йўловчи ташиш транспорт хизмати кўрсатиш соҳаси бўлиб, Республикамизда бу борада бир қатор ишлар амалга оширилган. Таъкидлаш жоизки, мамлакатимизнинг барча минтақаларига йўловчи ташиш бўйича хизмат кўрсатиш жараёни йўлга қўйилганлиги ҳамда бирорта бундай хизмат кўрсатиш йўлга қўйилмаган аҳоли ҳудуди мавжуд эмаслиги, шунингдек бу борада бир қатор

[85] И.Каримов “Бош мақсадимиз – кенг кўламли ислоҳотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш” Ҳалқ сўзи. 2013 йил 19 январь.
[86] Р. Аҳмедов “Автотранспортда менежмент”. Ўқув қўлланма, Наманган – 2001 й., 8-9 бетлар.

ривожланаётган давлатлардан илгарилаб кетганлиги халқаро экспертлар томонидан эътироф этилган.

Иккинчи гуруҳ транспорт хизмати кўрсатиш – бу юк ташиш транспорт хизмати кўрсатиши бўлиб, бу жараён мамлакатимизда икки тизимда - ички юк ташиш транспорти хизмати ҳамда ташқи юк ташиш (халқаро ва транзит) транспорт хизмати шаклида ривожлантирилмоқда. Аммо таъкидлаш жоизки, бу борада Республикамизда амалга оширилиши зарур бўлган бир қатор вазифалар мавжудлиги аниқланган.

Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, мамлакатимизда туристларга транспорт хизмати кўрсатишнинг самарадорлигини ошириш ҳамда бу тармоқдаги мавжуд ички имкониятларни очиб беришда хизмат кўрсатишга таъсир этувчи омилларни аниқлаш ва уларни бир тизимга келтириш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Мамлакатимизда туристларга транспорт хизмати кўрсатишга таъсир этувчи омилларни бевосита ва билвосита таъсирини ҳисобга олган ҳолда, мазкур омилларни қуйидаги бевосита таъсир этувчи турларга бўлиш мумкин:

- иқтисодий омиллар;
- ташкилий – хуқуқий омиллар;
- техник – технологик омиллар.

Республикамизда туристларга транспорт хизмати кўрсатишга таъсир этувчи иқтисодий омиллар бу – транспорт хизмати самарадорлигини ошириш билан бевосита боғлангандир. Бундай омиллар кўрсатилаётган йўловчи ташиш ва юк ташиш хизматлари нархларини ўзгариши, транспорт хизматини кўрсатишга ажратиладиган молиявий маблағлар(қисқа ва узоқ муддатли кредитлар) миқдори, юк ташиш ва йўловчи ташиш ҳажми ва бошқа шу кабилар ҳисобланади.

Туристларга транспорт хизматини кўрсатишнинг ташкилий-хуқуқий асосларини белгиловчи омилларни таҳлил қилиш муҳим вазифалардан ҳисобланади. Шу сабабли ҳам, бундай омил бугунги кунда туристларга транспорт хизмати кўрсатувчи субъектларнинг ташкилий шаклларининг (уюшма, ассоциация, фирма) иқтисодий асосланганлигини аниқлаш, хукумат томонидан туристларга транспорт хизматини кўрсатишни ҳимоя қилувчи қонунчиликка иқтисодий жиҳатдан асослаш, хизматларни лицензиялаш тизимини соддалаштириш, хизматларни суғурталаш тизимини ривожлантириш ва бошқа шу каби омилларни киритиш мумкин .

Шу билан бирга, Республикамизда туристларга транспорт хизматини кўрсатишда ва унинг самарадорлигини оширишда техник – технологик омилларнинг ҳам алоҳида ўрни мавжуд. Айниқса, бундай омиллар хизмат кўрсатувчи техник воситаларни истеъмолчилар эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда ўрганишни тақозо этади. Техник – технологик омилларнинг шаклланишида туристларга транспорт хизмати кўрсатишни янги техника русумларини жалб этиш, айниқса бунда йўловчи ташиш транспорти хизматига ривожланган давлатларда жорий этилган янги русумли йўловчи ташиш техникаларини мамлакатимизга олиб келиш алоҳида эътиборга олишни талаб этади. Шунингдек, юк ташишда замонавий юк ташувчи, туристларга қулай ҳамда хавфсизлигига кафолат берувчи, ортиқча сарф харажатларни (ёқилғи сарфи бўйича) талаб қилмайдиган техник воситалардан, жалб этиш омили ҳамда уларнинг транспорт модификацияларидан фойдаланишни йўлга қўйиш мақсадга мувофиқдир. Шу билан бирга туристларга

транспорт хизмати кўрсатувчи техникаларни бутловчи қисмларини келтирувчи ҳамда маълум масофада уларга хизмат кўрсатувчи автосервис инфратузилмаси омилларини шакллантириш, кемпинг тизимларини йўлга қўйилиши муҳим амалий аҳамиятга эга ҳисобланади.

Тадқиқотлар шуни кўрсатмоқдаки, Республикамизда туристларга транспорт хизмати кўрсатиш тизими бошқа хизмат турларидан бир қатор хусусиятлари билан фарқ қилади:

1. Туристларга кўрсатилаётган транспорт хизматига қўйилган маблағнинг тез қопловчи хизматлардан бирига қўйилган маблағ эканлиги.

2. Мазкур хизматнинг доимий равишда хизмат сифатини оширишга ва жараённи техник модернизация қилишга йўналтирилганлиги.

3. Туристларга транспорт хизмати кўрсатувчи субъектларнинг турли мулкий шакл(уюшма, асоцциация, фирма)да ва ўзаро рақобатдош эканлиги.

4. Туристларга кўрсатилаётган транспорт хизматининг муддатлилиги, транспорт воситасининг русумига, техник қулайлигига алоҳида эътибор бериш зарурлиги.

5. Туристларга кўрсатилаётган транспорт хизматларининг техник хавфсизлигини таъминлашга алоҳида эътибор бериш зарурлиги.

6. Туристларга транспорт хизматларни амалга оширишда техник созлигининг доимий назоратда бўлиши ва барча техник меъёрларга амал қилиш зарурлиги.

7. Туристларга транспорт хизмати кўрсатувчиларининг доимий равишда тиббий кўрикдан ўтиб туриши зарурлиги.

Туристларга транспорт хизмати кўрсатишга таъсир этувчи омиллар жумласига, туристларга транспорт хизматлари кўрсатиш бозорида вужудга келадиган талаб ва таклиф, рақобатчилик омиллари ҳам киритилади. Туристларга транспорт хизмати кўрсатишда рақобат омили бу турли хизматни амалга оширувчи субъектлар ўртасида ҳамда туристларга турли сифатдаги транспорт хизматларини амалга оширувчи транспорт корхоналар ўртасидаги ўзаро кескин рақобатчилик асосида намоён бўлади. Таъкидлаш жоизки, туристларга транспорт хизматлар кўрсатиш бозорида рақобатчилик муҳити шаклланган ҳолатдагина юқори транспорт хизматлари самарадорлигига эришиши мумкин. Шунинг учун бугунги кунда рақобатчилик омилини кучайтириш учун туристларга хизмат кўрсатувчи транспорт корхоналари сонини ошириш, туристларга хизматлар сифатини яхшилаб бориш, қулай бозор муҳитини яратиш мақсадга мувофиқдир.

Бундан ташқари ҳозирги пайтда туристларга транспорт хизмати кўрсатишда талаб ва таклиф асосида хизматларни диверсификациялаш ва уларнинг ташкилий – иқтисодий жиҳатларини мустаҳкамлаш муҳим ҳисобланади. Чунки туристларга транспорт хизматини кўрсатишда эҳтиёж асосида янги, ноанъанавий транспорт хизмат турларининг кўрсатилиши ва бундай хизматларнинг ҳам ташкилий, ҳам иқтисодий жиҳатдан самарали бўлишини тақозо этади.

Умуман, юқоридагилардан келиб чиқиб таъкидлаш зарурки туристларга транспорт хизмат кўрсатишдаги омилларни чуқур таҳлил этган ҳолда ҳар бир омилнинг таъсири доирасига алоҳида эътибор бериш ҳамда ундан туристларга кўрсатилаётган транспорт хизматлари самарадорлигини оширишда фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

МИНТАҚАДА ТУРИСТИК ХИЗМАТЛАР БОЗОРИНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ ВА ТУРИСТИК ХИЗМАТЛАРНИ СИФАТ МЕЗОНЛАРИ

Шодмонқулов К. М,ассистент Тош ДАУ

Аннотация. *Хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш даражасини янада ошириш, аҳолига замонавий ва сифатли хизмат кўрсатиш, иқтисодий ўсишни таъминлаш ва аҳолини, биринчи навбатда, қишлоқ жойларда бандлик масаласини ҳал этишда хизмат кўрсатиш соҳасининг ролини ошириш.*

Аннотация. *Оказание услуг и повышение уровня развития сервиса, оказание качественных и современных услуг населению, а также повышение роли услуг в обеспечении роста экономики и занятости населения, в первую очерь в сельской местности.*

Annotation. *Service and increase of service development level, rendering of high-quality and modern services to the population, as well as increasing the role of services in ensuring economic growth and employment of the population, firstly in rural areas.*

Калит сузлар: *Хизмат кўрсатиш, замонавий сервис хизмати, иқтисодий ўсиш.*

Ключовий словы: Оказание услуг, современных услуг, роста экономики.

Key words: *Service, modern services, economic growth.*

Мамлакатимизда ўтказилаётган демократик бозор ислоҳотлари, миллий иқтисодиётни модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш, республикамизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларидан бири хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини жадал суръатлар билан ривожлантириш ҳисобланади.

Хизматлар соҳасининг аҳамияти ҳақида тўхталган ҳолда мамлакатимиз биринчи раҳбари И.А.Каримов “Иқтисодиётимизни барқарор ривожлантиришда хизмат кўрсатиш соҳаси тобора катта роль ўйнамоқда. 2013 йилда хизмат кўрсатиш бўйича 13 мингдан ортиқ корхона, жумладан, савдо-маиший комплекслар, мини банклар ва суғурта компаниялари филиаллари ва бошқа корхоналар ташкил этилди ва кўрсатилган хизматлар ҳажми 13,5 фоизга, уларнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши эса 2000 йилдаги 37 фоиздан 53 фоизга ўсди[87] деб таъкидлайди.

Истеъмолчилар, шериклар, акциядорлар ва бошқа манфаатдор шахслар талаб ва кутишларини қондиришда сифат катта ахамиятга эга. Махсулотни сотиб олишга қарор қилган истеъмолчи одатда уни моддий, физик ва хизмат кўрсатиш билан боғлиқ қатор хусусиятларини ҳисобга олади.

Юқори сифатли хизматларни, хатто харажатлар эвазига бўлса хам, таклиф этиш орқали кўпгина фирмалар хизматларни кўпайтириш хисобига рақобатбардошликка эришадилар. Истеъмолчилар мойиллиги фирмани ўз мижозларини сақлаб туриш қобилиятини акс эттирувчи энг яхши сифат кўрсаткичи ҳисобланади.

[87] “2014 йил юқори ўсиш суръатлари билан ривожланиш, барча мавжуд имкониятларни сафарбар этиш, ўзини оқлаган ислоҳотлар стратегиясини изчил давом эттириш йили бўлади” мавзусидаги Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти Ислом Каримовнинг мамлакатимизни 2013 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2014 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси// Халқ сўзи, 2014 йил 18 январь, 2-бет.

Хизматлар хусусиятлари ва сервис ташкилотлари фаолиятини ўзига хослиги хизматлар сифатини бошқаришни моддий махсулотларни бошқариш билан боғлиқ бўлмаган алохида соха сифатида кўриб чиқувчи ёндашув асосини ташкил этади. Ушбу ёндашувга кўра:

- истеъмолчиларга хизмат сифатини баҳолаш товар сифатини бахолашга нисбатан анча қийин;
- хизмат сифати истеъмолчилар кутишлари ва хизматни тақдим этиш реал даражасини таққослаш натижаси хисобланади;
- хизмат сифатини бахолаш хизмат натижаси ва хизматни тақдим этиш жараёни асосида амалга оширилади.

Кўриниб турибтики, хизмат сифатини бахолашда истеъмолчи фикри, уни қониқиши ва олинган хизматни қабул қилиши ўта мухим хисобланади. Демак, хизмат сифатини бахолаш истеъмолчи томонидан сифатни бахолашда фойдаланиладиган мезонларга асосланиши лозим. Ушбу фикр хозирги пайтда кенг тарқалган хизмат сифатини аниқлаш концепциялари асосини ташкил этадики, уларга мувофиқ хизматлар учун объектив сифат хақида эмас, балким фақат истеъмолчи томонидан қабул қилинган сифат тўғрисида сўз юритиш мақсадга мувофиқ бўлади. Қабул қилинган сифат истеъмолчи кутишлари ва олинган хизматни қабул қилиниши ўртасидаги нисбат сифатида аниқланиб уни тавсифлаш учун техник сифат (чиқиш сифати) ва функционал сифат (ўзаро таъсир жараёнини сифати) каби сифат кўрсаткичларини мавжуд бўлиши тақозо этилади (расм 1).

Потенциал сифати ёки техник сифат корхонани ишлаб чиқариш холатига тегишли бўлган мезонлардан иборат бўлади. Туристик хизматларда техник сифат мехмонхона номерларини, ресторандаги таомларни, ижарага берилаётган автомобилларни, коммуникация техникасини ва бошқаларни сифатида аксланади. Турист мехмонхона хизматлари техник сифатини хизматни олгунига қадар қисман бахолаш имкониятига эга бўлади.



1-расм– Хизматлар сифатини модели

Функционал сифат хизматни тақдим этиш жараёнини сифати хисобланиб бунда истеъмолчини персонал билан бевосита алоқалари рўй беради (масалан, номерларни бронлаш, номерга кузатиб бориш, юкларни олиб бориб бериш, турли хизматларни тақдим этиш ва бошқалар). Аъло функционал сифатда турист кутишларини оқламаётган номердан олинаётган таъсуротлар яхшиланиши мумкин. Аммо ёмон функционал сифатда мехмонхонадаги энг яхши номер хам туристда пайдо бўлган қониқмаслик хиссиётини йўқота олмайди.

Ижтимоий сифат маданият сифати хисобланиб у персонални мехмонларга нисбатан ўзини тутиши ва позицияси асосида шаклланади. Ижтимоий сифатни энг асосий мезонлари персонални хушмуомалалиги, илтифотлилиги ва эътиборлилиги хисобланади.

Сифатли хизмат кўрсатиш масалаларига эътибор қилинаётган мехмонхоналарда сифат мезони сифатида мехмонлар шикоятлари қабул қилинади. Персонални етарли компетенцияга эга бўлмаслиги, мулоқот, хизмат кўрсатишга ўргатилмаганлиги, сотиладиган махсулотлар хақида маълумотларга эга бўлмаслиги сервисни самарасиз ишлашидан далолат беради. Сервисда “инсон омили” катта ахамиятга эга. Шунинг учун мутахасислар фикрича бундай мехмонхоналарда 70 % холатларда мехмонлар жараён ва маданият сифатига шикоят қилишади.

Сифатга нисбатан товарларни истеъмол қилиш ва хизматларни истеъмол қилиш ўртасида маълум фарқ шаклланган. Товарларни истеъмол қилишда натижа истеъмоли хизматларни истеъмол қилишда эса барча жараённи истеъмоли содир бўлади. Хизмат сохасида сифатни аниқлашга қаратилган ёндашув ишлаб чиқариш жараёнига монанд равишда компанияда қабул қилинган операцияларни назорат ва бахолашни, ички стандартларга риоя қилишни тақозо қилади. Бундай ёндашув сифатни аниқ ва ўлчанадиган катталик сифатида қараган холда аниқ мижозларни дид ва хохишларидаги фарқни хисобга олмайди. Турли истеъмолчилар турли эхтиёж ва талабларга эга бўлишади ва махсулотдан фойдаланувчини фикрига кўра сифатни бахолаш турлича бўлиши мумкин. Бу холда сифатни бахолаш фойдаланувчини максимал қониққанлигига кўра амалга оширилади.

Истеъмолчи томонидан қабул қилинадиган барча хизмат жихатлари сифат хисобланган холда хозирги пайтда хизматлар сифатини қуйидаги мезонлари қабул қилинган:

- эришиш даражаси
- ишониш
- мижоз муаммоларини тушуниш
- ишончлилиги
- хавфсизлиги
- персонални компетентлиги
- коммуникация даражаси
- ходимларни реакция тезлиги
- персонални мулойимлиги

•сезиладиган тавсифлар

Шундай қилиб туристик хизматлар сифати техник, функционал ва ижтимоий сифат каби кўрсаткичлар билан белгиланар экан. Шунингдек туристик хизматлар сифатини бахолашда туристларни қониққанлиги ахамиятли бўлиб қатор сифат мезонларига таянади.

Дарҳақиқат, хизматлар соҳасининг жадал ривожланишига, аввало туристик хизматларнинг таъсири катта бўлиб, бу соҳа мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш босқичидаги бозор муносабатлари ривожланишининг муҳим секторларидан бирига айланган.

Туристик хизмат туризм соҳасида хизмат кўрсатишнинг амалга оширилиши билан белгиланиб, бунда туризм яхлит тизим сифатида алоҳида бир мамлакат ва умумжаҳон хўжалигининг унсурлари билан узлуксиз алоқада бўлмоқда. Айнан, ривожланган мамлакатларда туризм соҳасидан тушган даромад давлат бюджетнинг катта қисмини ташкил қилади. Масалан, туризмнинг ЯИМдаги улуши Францияда 10 фоизни, Германияда 8,6 фоизни, Буюк Британияда 9,2 фоизни, Россияда 6,9 фоизни ташкил қилган ҳолда, Ўзбекистонда бу кўрсаткич 0,7 фоиздан ошмайди[88].

Мамлакатимизда туристик хизмат кўрсатиш соҳаси мустақиллик йилларидан бошлаб иқтисодий тараққиётнинг устувор йўналиши сифатида эътироф этилди, ташкилий-ҳуқуқий механизми вужудга келтирилиб, давлат томонидан тегишли меъёрий ҳужжатлар қабул қилинди.

Охирги беш йил давомида республикамизнинг барча минтақаларидаги каби Хоразм вилоятида ҳам туристик хизматлар кўрсатиш тизимини яхшилаш билан туризм индустрияси фаолиятини янада ривожлантириш бўйича бир қатор чора-тадбирлар, туризм хизмати сифатини кўтариш ишлари амалга оширилиб, миллий ва махаллий туристик корхоналарнинг, турмаҳсулотларнинг рақобат-бардошлигини таъминлашга эришилди.

Шулар қаторида, мамлакатимиз Президенти И.А.Каримовнинг 2013 йил 20 мартдаги "2013-2015 йилларда Хоразм вилоятида туризм соҳасини ривожлантириш Дастури тўғрисида" ПҚ 1940-сонли Қарори қабул қилинди. Ва унга асосан, Хоразм вилоятида туристик хизматлар кўрсатиш сифати ва даражасини яхшилаш, туристик расмиятчиликларни имкон қадар минималлаш-тириш, такомиллаштириш орқали туристик оқимни кўпайтириш белгиланган.

Юқоридагиларни амалга ошириш учун самарали туризм бозорини шакллантириш ва талаб даражасида ривожлантириш мақсадга мувофиқ бўлиб, бугунги кунда Хоразм вилоятида туристик хизмат бозори ҳолатини оладиган бўлсак, турмаҳсулотнинг таннархи ва истеъмолчининг нархи, турмаҳсулотни истеъмолчигача етказиб бериш ва меҳнатга бўлган моддий манфаатларнинг иқтисодий жиҳатдан асослаб берилганлиги билан белгиланмоқда. Шу билан бирга, ишлаб чиқарувчиларнинг эркин рақобати, чиқарилаётган маҳсулот ва кўрсатилаётган хизматларнинг сифати ва хавфсизлиги борасида барчага бир хилда бўлган қоидаларнинг мавжудлиги ва истеъмолчиларни эркин танлаш имконияти мавжудлиги таъминланган ҳолда туристик хизматлар бозори самарали фаолият кўрсатмоқда.

[88] www.unwto.org.

Хоразм вилоятида туристик хизматлар бозорида амалга оширилган чора-тадбирлар туфайли туризмни ривожлантириш дастурига асосан 2013-2015 йилларда жами 214,3 млрд. сўмлик 204 та лойиҳани амалга ошириш режалаштирилди, 2013 йилда 61,4 млрд. сўмлик 119 та лойиҳани бажариш белгиланди. Шундан, 2013 йилда 119 та лойиҳадан 68 та лойиҳа бажарилди ва бу лойиҳаларнинг умумий қиймати 42,0 млрд сўмни ташкил қилади.[89]

Умуман, вилоят миқёсида туристик хизматлар бозорида муваффақиятга эришиш учун истеъмолчиларнинг туристик хизматларга бўлган эҳтиёжларига асосланган ҳолда "жозибадор" турмаҳсулотни ишлаб чиқиш ва уни сотишни ташкиллаштириш, туризм менежменти ва маркетинги соҳаларидаги фаолият юритишни яхшилаш ва бозор коньюктурасини ҳисобга олиш алоҳида талаб қилинади. Бунинг учун, туристик хизмат бозори самарадорлигини ошириш соҳасидаги мавжуд муаммоларни тизимли ёндашув асосида ечиш ва таҳлил қилиш лозим.

Шу билан бирга, Хоразм вилоятида туристик хизмат бозорининг ривожи рекреацион талаб ва таклифнинг ижтимоий характерига эга бўлиши билан ҳам боғлиқ. Келажакда вилоятда туристик хизматлар бозорини яхшилаш учун туризм соҳасидаги кадрларни тайёрлашни амалга ошириш, транспорт тизимини модернизация қилиш, туристлар хавфсизлигини таъминлаш ва атроф-муҳитнинг ифлосланишини бартараф этиш каби чора-тадбирларни ҳам амалга ошириш лозим.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, Хоразм вилоятида туристик хизматлар кўрсатиш бозорини такомиллаштириш учун қуйидаги йўналишлардаги чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ:

- туристик хизматлар бозорининг самарали иқтисодий механизмини шакллантириш;
- унинг иқтисодий самарадорлигини баҳолаш ва янада ошириш;
- амалиётга йўналтириш ва корхоналар самарадорлигини таъминлашдаги ўрнини белгилаш;
- туристик хизматлар бозорининг барқарор ишлашини таъминловчи шарт-шароитларни янада яхшилаб, давлат томонидан қўллаб-қувватлаб бориш;
- туристик фирмалар томонидан инновацион стратегияларни тайёрлаб, бозорга йўналтириш ишларига етакчилик қилиш;
- минтақага туристик хизматлари бозорига хос бўлган хусусиятларни инобатга олган ҳолда аниқ чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ва ўтказиш.
- минтақада туристик хизматлар бозорини ривожланиш тенденцияларини аниқлаш ва истиқболларини баҳолаш.

Шуларни амалга ошириш орқали минтақада туристик хизматлар бозорини такомиллаштиришга ва мавжуд туристик имкониятлардан кенгроқ фойдаланишга эришилади.

[89] "Ўзбектуризм" МК Хоразм вилояти минтававий бўлинмасининг ҳисобот маълумотлари.

ТУРИСТИК ҲУДУД ВА КЛАСТЕРЛАР РАҚОБАТБАРДОШЛИГИ

Ибрагимов Н.С, БухДУ Туризм кафедраси докторанти, и.ф.н.

Бутунжаҳон туризм ташкилотининг маълумотларига қараганда глобал даражада халқаро туристик оқим сони 1950 йилда 25 млн. дан иборат бўлган бўлса, 1980 йилда 278 млн.га, 2000 йилда 674 млн.га ҳамда 2015 йилга келиб 1,186 млрд.га етган [1].Туристик оқим, саёҳат амалга ошадиган **туристик ҳудудлардаги** инфратузилманинг ривожланганлик даражаси ҳамда туризмнинг қайси турларига мослашганлигига биноан, аниқ қонуниятлар асосида шаклланади. Ушбу қонуниятларни англаш, соҳани ривожлантириш билан шуғулланувчи ваколатли органларга, биринчидан туристик оқимнинг барқарорлигини таъминлаш чора-тадбирларини ўз вақтида амалга ошириш имкониятини берса, иккинчидан туристик ҳудуд рақобатбардошлигини мунтазам ошириб боришнинг асоси бўлиб хизмат қилади.

Туристик ҳудуд тушунчасига турли қарашлар мавжуд бўлиб, шартли равишда уларни тизимли ва геоиқтисодийларга ажратдик. Туризмга тизимли қараш намояндаларидан Н.И.Кабушкин, туризм тизимининг асосини унинг субъекти ва объекти [2] ташкил қилишини таъкидлайди. Туризм субъекти – туристик тадбир қатнашчиси, ёки ўзига хос туристик хизматлардан фойдаланиш эвазига ўз эҳтиёжларини қондирувчи турист. Туризм объекти – туризм субъекти томонидан саёҳат мақсади сифатида танланиши мумкин бўлган барча ресурслар. Туристик таклифнинг шаклланиши туризм объекти элементларининг фаолияти натижасида амалга ошади. Туризм объекти ўз ичига 3 таркибий қисмларни қамраб олади: туристик ҳудуд (жой), туристик ташкилот ва туристик корхона.

Н.И. Кабушкин туристик ҳудудга – саёҳат мақсади ва туристик маҳсулот бўлиб, **туризмбозорининг** ўзаро алоқа ва муносабатлари, уларнинг турли даражаларда бир-бирига таъсирининг мураккаб тизимини ўзида мужассамлаштирган, деб таъриф беради.Ушбу таърифда, туристик ҳудуднинг маҳсулот бирлиги эканлиги тан олиниб, Европа тилларида ёзилган бир қатор илмий ишларда қўлланиладиган “**дестинация**” тушунчасига маъно жиҳатдан яқинлашади.

Туризм бозори – бу, туристик маҳсулотларни сотувчилар (таклиф) ва сотиб олувчилар (талаб) ўртасидаги ижтимоий-иқтисодий муносабатлар ҳамда туристик маҳсулотларга талаб ва таклифни бевосита тартибга солувчи иқтисодий механизмларни ўз ичига олувчи мураккаб тизимдир [3].

М.Т. Алимованинг фикрича, ҳудудий туризм бозори -ҳудудда ишлаб чиқилган туристик маҳсулотларнинг сотувчилари ва харидорлари ўртасидаги, ушбу бозорнинг географик кўлами билан тегишли ҳудуднинг табиий-географик, ижтимоий-иқтисодий, этник, моддий-техник хусусиятлари асосида шаклланувчи ижтимоий-иқтисодий муносабатлар тизими бўлиб, **жаҳон туризм бозорининг таркибий қисми ҳисобланади.** Ҳудудий туризм бозорига берилган ушбу таърифдан унинг иерархик хусусиятини ажратиш мумкин. Яъни барча **туристикҳудудлар**, глобал туризм бозорининг таркибий қисми бўлиб, турли даражадаги рақобат ва қиёсий устунликларга эга. Туристик ҳудуднинг ушбу жабҳасини илмий тадқиқ қилишда **геоиқтисодий** қараш қўл келади.

Жаҳон туристик бозорининг маконли қутблашув концепциясининг ривожланиш жараёни XX асрнинг 90-йилларига тўғри келади. Унинг пайдо бўлиши ва ривожланишига 90-йилларнинг бошида география фанида бўлган ўзгариш, яъни "Марказ-периферия" тамойилига асосланган методологик моделнинг шаклланиши туртки бўлди [4]. Белорус олими А.И. Тарасенок, туристик соҳаларда туристик талаб, капитал ва инновацияларнинг турли даражада концентрациялашуви объектив жараёни оқибатида дунё марказлари ва ҳудудларининг шаклланишини, **жаҳон туристик бозорининг қутблашуви** деб атайди [5].**Туристик ҳудуднинг** халқаро қутблашган туристик хўжалик юритиш тизимидаги ўрнини аниқ билиш, унинг заиф томонлари ва ривожланиш истиқболларини белгилаш, рақобат ва қиёсий устунликларини таҳлил қилиш жараёнида қўл келади.

А.Ю. Александрова жаҳон туризм бозорини 3 иерархик маконга бўлиб, марказ, ярим периферия ва периферияларга, шунингдек охирги маконни "илғор" периферия ва "узоқ" периферияларга ажратади [6]. Айни концепцияга биноан, жаҳон туризм бозори "маркази"ни Буюк Британия, Австрия, Италия, АҚШ, Канада, Япония, Германия, Франция, Испания ва Швейцария ташкил қилади. Ярим периферия давлатларини асосан Марказий ва Шарқий Европа мамлакатлари (Чехия, Польша, Венгрия ва бошқалар), янги индустриал мамлакатлар (масалан Туркия, Тайланд, Мексика ва Бирлашган Араб Амирликлари) ҳамда Жанубий ярим шарда жойлашган ривожланган мамлакатлар. Илғор периферия малакатларига Лотин Америкаси давлатлари (Кариб бассейнидаги давлатлар), Жанубий-шарқий ва Жанубий-ғарбий Осиё, Ҳинд ва Тинч океанидаги орол давлатларнинг асосий қисми. Узоқ периферия мамлакатлари Африка ва Жанубий Осиё, Лотин Америкасининг ҳамда Тинч океанининг баъзи давлатларини ўз ичига олади.

Жаҳон туристик макони қутблашув концепцияси ҳамда жаҳон туризм бозори иерархияси глобал туристик бозордаги жараёнлар мантиғи ҳамда рақобатбардошлик парадигмалари моҳиятини англашда қўл келади. Турли кўламдаги (миллий, минтақавий, маҳаллий) туристик ҳудудларнинг ушбу глобал тизимдаги ўрни унинг ривожланиш динамикасини белгилаб беради. Яъни, туристик ҳудуд туризм ривожланиш "марказ"ларидан қанча узоқ жойлашган бўлса, рақобатбардошлиги шунча паст ва ўсиш динамикаси шунча секин бўлади. Айтиш жоизки, гап туризм ривожланиш "марказ"лари бўлган Ғарбий ва Шимолий Европа, Шимолий Америка, Марказий ва Шарқий Осиёга нисбаттан туристик ҳудуднинг географик яқинлиги эмас, балки жаҳон туристик макони иерахиясидаги ўрни ҳақида бормоқда. "Марказ" давлатларда маҳаллий даражадаги шундай туристик ҳудудлар мавжудки, турли сабабларга кўра (консерватизм, инфратузилманинг ривожланмаганлиги) узоқ периферия туристик ҳудудлар сирасига киритиш мумкин. Ёки аксинча, географик жиҳатдан туризм ўта ривожланган ҳудудлардан географик жиҳатдан узоқда жойлашганига қарамасдан, соҳа юқори суръатларда ўсаётганлиги билан ажралиб туради. Масалан Дубай, туристик инфратузилма ўта ривожланган мамлакатлар сирасига кириб, охирги 30 йил ичида ушбу туристик ҳудуд инновацияларни тез ўзлаштирувчи мақондан, уларни яратувчи жойга айланишга улгурди. Яъни туристик ҳудуднинг жаҳон туристик бозор иерархиясидаги ўрни сайёҳларни вужудга келтирувчи асосий

мамлакатлар билан иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий алоқаларнинг қай даражада ўрнатилганлигига боғлиқ.

Юқорида таҳлил қилинган назария, туристик ҳудуд рақобатбардошлигига геоиқтисодий ёндашув бўлиб саналади. Рус олимаси Н.С. Марозова [7], туристик ҳудудлар рақобатбардошлиги муаммосини ўрганиб, "туризм саноати" иборасини қўллаш мақсадга мувофиқлигини илмий асослайди. Рақобат муаммоларини ўрганиш жараёнида иқтисодий фаолият субъектларини турли даражада илмий таҳлил қилиб, йирик географик ҳудудлар - мегадаражага, алоҳида давлатлар – макродаражага, давлатларнинг алоҳида туристик ҳудудлари (дестинация) - мезодаражага, туристик ташкилотлар ва туристик маҳсулотлар - микродаражага мос келишини билдиради. Туризм саноати рақобатбардошлигида объектив иерархик боғлиқлик мавжудлигини айтиб, макро- ва мезодаражада рақобатбардош туризм саноати шаклланган тақдирдагина туризм ташкилотлари рақобатбардошлигига эришиш мумкинлигини таъкидлайди.

Ижтимоий-иқтисодий маконлар кластеризацияси назарияси ишлаб чиқариш тизимлари агломерацияларини яратиш ва ишлаб чиқариш кучларини жойлаштиришга бағишланган умумий концепциялар асосида пайдо бўлган. Маҳаллий ва хорижий тадқиқотларга таянган ҳолда, ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг кластер шакли ҳудуддий иқтисодиётни ривожлантириш ва унинг рақобатбардошлигини оширишнинг истиқболли йўлларидан биридир.

Биринчилардан бўлиб моддий ресурслар, авваламбор ернинг, қийматини ишлаб чиқариш кучлари концентрацияси натижасида ошириш мумкин деган назарий хулосага В. Петти келган [8].

Айни кунда кластерлар ишлаб чиқариш кучлари интеграциясининг энг тарқалган шаклларидан бири бўлиб, ҳудудларнинг рақобат потенциалини тўлақонли очишга, тармоқларнинг рақобатбардошлигини оширишга ва унинг иқтисодий ўсишини оптималлаштиришга йўналтирилган ҳудудий яқин ва ўзаро функционал боғлиқ ижтимоий-иқтисодий институтлар ўртасида ҳамкорлик ришталарини ўрнатишдир. [9].

Туризм ўзига хос бир қатор хусусиятларга эга бўлиб, ҳордиқ чиқариш ва саёҳат соҳасида кластер ёндашувини қўллаш долзарб масаладир. Туризм соҳалараро алоқалар кўламининг кенглиги, тузилмавий узуқ-юлуқликнинг мавжудлиги, соҳанинг асосий субъектлари ўрта ва кичик бизнес намояндалари эканлиги, туристик маҳсулотнинг номоддийлиги ҳамда ишлаб чиқарувчилар ва истеъмолчилар томонидан турлича қабул қилиниши билан бошқаларидан фарқланади. Туристик соҳанинг айни хусусиятлари кластерларнинг пайдо бўлиши ва ривожланишини тақазо этиб, уларни шакллантириш туризмда банд хўжалик юритувчи субъектларга яхлит тизимнинг бир қисми эканликларини англашга кўмаклашади.

Мавзуга оид илмий мақолаларни ўрганиш натижасида ўзаро ўхшаш бўлмаган турли объектларни кластер деб аталиши маълум бўлди. Кўп мамлакатларда кластер тажрибасини ўрганиш натижасида И.В. Пилипенко унинг *тармоқ ва ҳудудий* шаклларини ажратади:

Тармоқ хусусиятига кўра кластерларнинг қуйидаги турлари ажратилади [10]:
1. **Дискрет** (алоҳида ажратилган) кластерлар алоҳида компонентлардан иборат автомобилсозлик, авиация саноати, кемасозлик, қурилишга оид тармоқларда

ишлаб чиқарилган маҳсулот ва боғлиқ хизматларни қамраб олади. Одатда, ушбу кластерлар йиғувчи ташкилотлар атрофида бутловчи маҳсулотларни етқазиб берувчи кичик ва ўрта ҳажмдаги корхоналарнинг ривожланиши натижасидир. 2. **Жараёнли** кластерлар химия, целлюлоза, металлургия, қишлоқ хўжалиги, озиқ-оқват каби жараёнли саноатлар (проццесный отрасль) асосида шаклланади.3. **Инновацион** ва "ижодий" кластерлар ахборот технологиялари, биотехнология, янги материаллар, шунингдек ижодий фаолият амалга ошириладиган (киномотография) хизмат кўрсатиш каби "янги соҳа"лар замирида ривожланади. Инновацион кластерлар олий таълим муассасалари ва тадқиқот институтлари фаолияти маҳсули бўлган тадқиқотлар натижалари ҳамда янги технологияларни тижоратлаштириш жараёнида шаклланадиган янги компанияларни ўзида мужассамлаштиради.4. **Туристик** кластерлар саёҳат қилиш ва ҳордиқ чиқариш билан боғлиқ эҳтиёжларни қондиришда қатнашадиган турли тармоқ корхоналарини қамраб олади. 5. **Транспорт-логистика**кластерлари йўловчиларни ташиш, юкларни омборхоналарда сақлаш ва етқазиб беришга ихтисослашган инфратузилма ҳамда компаниялар мажмуидан иборат. Шунингдек кластерларга порт инфратузилмаси, денгиз, дарё, ер усти ва ҳаво йўллари орқали ташишга ихтисослашган ташкилотлар, логистик комплекслар ва бошқаларни киритиш мумкин. Транспорт-логистик кластерлар йирик транзит потенциалга эга ҳудудларда тараққий топади.

Туристик кластер – ҳудуд рақобатбардошлигини ошириш мақсадида саёҳат ва туризмга оид эҳтиёжларни қондириш жараёнида маълум ҳудуднинг туристик маҳсулотини шакллантириш, тарғибот қилиш ва тижоратлаштиришда туристик ресурсларидан биргаликда фойдаланадиган туризм соҳасида ҳамда унга яқин тармоқларда фаолият кўрсатадиган тадбиркорлик тузилмалари, давлат муассасалари ва ҳокимият органлари, жамоат ташкилотлари йиғиндисидир.

Хуллас,**туристик кластерлар** ибораси **туристик ҳудуддан** кескин фарқ қилиб, институционал тузилмага эга бошқариладиган макон сифатида намоён бўлади ҳамда ўзига ўхшаш бошқа кластерлар билан рақобатлашади.Бизнинг фикримизча, маълум туристик потенциалга эга маконларни, туризм иқтисодиёти тадқиқотчилари томонидан халқаро эътироф этилган маъноларида, яъни унга геоиқтисодий ёндашганда уни **туристик ҳудуд**, маркетинг томонидан қаралганда **дестинация** ва менежмент томонидан ёндашилганда **туристик кластер** каби ибораларни қўллаш мақсадга мувофиқ.

МУЛЬТИУРОВНЕВАЯ МОДЕЛЬ ОЦЕНКИ КОНКУРЕНТОСПОСОБНОСТИ ТУРИСТИЧЕСКОЙ ИНДУСТРИИ

Б.Н.Навруз-Зода, д.э.н., профессор, БухДУ

В настоящее время получил распространение уровневый подход к исследованию конкурентоспособности, который проявляется в попытке выделение различных структурных уровней. Причём разные автора разграничивают различные уровни. Изучение существующих мнений по систематизации конкурентоспособности позволило нам выделит четыре подхода к разграничению структурных уровней объектов конкурентоспособности.

Первый из них конкурентоспособность рассматривают на микроуровне или на макроуровне. При этом под микроуровнем часто понимается уровень предприятия, а под макроуровнем – уровень национального хозяйства отдельной страны [2, С.32-40].

Вторая группа авторов при систематизации конкурентоспособности применяют двухуровневый подход. Суть, которого заключается в выделение макро конкурентоспособности и микро конкурентоспособности [4].

Третья группа учёных полагают существование конкурентоспособность на трёх следующих уровнях:1.*Микро конкурентоспособность* – конкурентоспособность товаров, производимых в стране. 2. *Мезо конкурентоспособность* – конкурентоспособность предприятий и фирм национального базирования, производящие товары и услуги. 3. *Макро конкурентоспособность* – эффективность функционирования всей совокупности государственных и общественных институтов и организаций, обеспечивающих согласованность работы всего хозяйственного организма страны и его эффективное взаимодействие с другими странам [3, С.66-67].

Четвёртая группа исследователей рассматривают конкурентоспособность в качестве многоликой экономической категории, которая может рассматриваться на следующих четырех уровнях:

- ❖ индивидуальный уровень — конкурентоспособность продукции;
- ❖ микроуровень — конкурентоспособность предприятия;
- ❖ мезоуровень — конкурентоспособность региона (отрасли);
- ❖ макроуровень — конкурентоспособность страны» [1, С.82].

Недостатком такого подхода, по нашему мнению, заключается в том, что на индивидуальном уровене неучтённым остаётся **персонал**, формирующий субстанцию конкурентоспособности продукции и предприятия, а также в мезоуровне объединены в две разные уровни конкурентоспособности: уровень региона и уровень отрасли. Было бы целесообразным, если выделить отраслевой уровень в самостоятельный – метауровень конкурентоспособности.

Для иерархической систематизации конкурентоспособности туристической индустрии целесообразно использовать многоуровневый подход, который позволил бы учесть наряду с макро-, мезо-, микро- и индивидуальным уровнями конкурентоспособности, также и его мега-, мета- и моно уровни. В качестве основных уровней пирамиды конкурентоспособности нами рекомендуется семиуровневый подход к систематизации конкурентоспособности, включающий:

1) мегауровеннь – конкурентоспособность в мировом масштабе;
2) макроуровень — конкурентоспособность в масштабе страны;
3) метауровень — конкурентоспособность отрасли и сфер;
4) мезоуровень —конкурентоспособность региона и территорий;
5) микроуровень — конкурентоспособность предприятия и субъектов малого бизнеса;
6) миниуровень — конкурентоспособность продукции и услуг;
7) моноуровень – конкурентоспособность на уровне индивида.

Включение в пирамиду моно конкурентоспособность связано с тем, что именно в человеке, то есть на моноуровне «заложены и препятства и стимулы экономического роста. Меры по обеспечению устойчивого экономического и

социального подъема страны также должны быть ориентированы, в первую очередь, на наноэкономику» [5]. Если на микро уровне предприятие участвует в конкурентной борьбе в качестве юридического лица, то на моно уровне оно конкурирует как физическое лицо, всячески содействуя успеху бизнеса.

Таким образом, с учётом вышеизложенного можно сделать вывод, что применительно к исследованию конкурентоспобности туристической индустрии открывается возможность выделению структурных уровней, позволяющие системно описывать достигнутое состояние конкурентоспособности туризма на мега-, макро-, мета-, мезо-, микро-,мини-, и на моно уровне конкурентоспособности туристической продукции и оказание различных сервисных услуг. Компетентное проведение системно-уровневого анализа туристической индустрии в свою очередь может обеспечить внутреннюю и внешнюю конкурентоспособности как специализированных, так и многопрофильных турфирм в пределах и за пределами страны.

ИННОВАЦИОННОЕ РАЗВИТИЕ ТУРИЗМА

Абдуназаров С.А, к.э.н., доцент,
Нурхонов Н, студент, Джизакский политехнический институт

В данной статье рассматриваются инновационные процессы, внедряемые в сферу туризма, особенности и своевременность их внедрения в условиях Узбекистана

Ushbu maqola turizm sohasida joriy innovatsion jarayonlar, xususiyatlar va ularning O'zbekistonda o'z vaqtida amalga oshirishni ta'riflaydi

This article discusses innovative processes introduced into the sphere of tourism, peculiarities and timelines of their implementation in the conditions of Uzbekistan.

В условиях глобализации и обострения конкуренции между странами, проблемы повышения конкурентоспособности отечественных товаров и услуг, в том числе туристских, приобретают первостепенное значение.

В докладе Президента Республики Узбекистан Ш. Мирзиёева на заседании Кабинета Министров, посвященном итогам социально-экономического развития страны в 2016 году и важнейшим приоритетам экономической программы на 2017 год было отмечено, что важнейшей целью и основным приоритетом социально-экономического развития на 2017 год являются продолжение и углубление реформирования, обновления и модернизации страны. [1]

Важнейшим резервом и фактором устойчивого роста экономики является сфера услуг. Как показывает мировой опыт, именно эта сфера сегодня занимает доминирующее положение в формировании ВВП, обеспечении занятости населения, роста благосостояния людей.

По итогам 2016 года в Узбекистане объемы оказанных рыночных услуг возросли на 15.7 процента, а их доля в структуре ВВП увеличилась с 53 до 54 процентов. В этой сфере в настоящее время трудится свыше 50 процентов занятых в экономике.[1]

Кардинально меняется сама структура предоставляемых услуг. Все большую популярность среди населения получают современные высокотехнологичные

виды услуг, такие, как услуги мобильной связи, высокоскоростного интернета, телевизионной кабельной связи, дистанционные банковские услуги и др.

В этих условиях возрастает необходимость ускоренного развития сферы услуг. Неотъемлемой частью сферы услуг является туризм. Необходимость эффективного использования туристических ресурсов в сфере туристского предпринимательства и подготовки квалифицированных кадров является необходимым требованием современности.[2]

Туризм является отраслью, составные компоненты которой определяются в момент потребления услуг или товаров. Потребитель может выбирать из целого пакета услуг, которые производятся большим количеством поставщиков, приемлемый для него вариант. Поставщики туристских услуг конкурируют друг с другом. При этом они должны в некоторой степени кооперироваться, когда потребитель нуждается в дополнительных услугах или пакете услуг. Поэтому новые туристские структуры генерируются между конкуренцией и кооперацией поставщиков.

Вместо традиционного туризма появляются его новые формы, включая более инновационные, специализированные, созданные на заказ и основанные на опыте.

Инновации в туризме приносят на рынки новые идеи, услуги и продукты. Инновации не только подразумевают приспособление туристкой отрасли к изменяющемуся характеру туризма путем применения новых маркетинговых стратегий, но и среда, окружающая туризм, благоприятствует появлению новых услуг, продуктов и процессов. Инновации в туризме должны рассматриваться как глобальный и динамичный процесс.

Практика нового туризма взаимосвязана с такими факторами, как демографические изменения, стиль жизни, характер работы и отпуска. Во многих странах население стареет, пожилые туристы в среднем расходуют больше денег, чем остальные категории путешественников. Это тоже приводит к инновациям на туристском рынке.

Растущая осведомленность потребителей стимулирует туристский бизнес осуществлять инновации и совершенствовать свои действия, исходя из личных представлений туристов об окружающей среде. Этим направлением заполнена рыночная ниша экологического туризма.

Современные достижения в области телекоммуникаций, сетевых объединений, создания и обработки баз данных и электронного маркетинга обеспечивают новые возможности для туристского бизнеса и существенно воздействуют на модели традиционного бизнеса. Основная сфера изменений и инноваций в туризме имеет отношение к использованию информационных и коммуникационных технологий. Информационно-коммуникационные технологии – это не просто инструмент повышения конкурентоспособности. Это ступень к новому качеству экономики. Информационные и коммуникационные технологии придают иную ценность туристским продуктам и поддерживают развитие цепочек и кластеров. Информационными и коммуникационными технологиями покрывается все значимое для туризма пространство и осуществляется активный контроль за наличием таких услуг.

Среди перечисленных услуг необходимо отметить стабильный рост спроса на услуги по международным денежным переводам. Наибольшую популярность

системы движения денежных переводов получили у частных лиц, при необходимости перевести или получить деньги, студентов, а также туристов. Для них зачастую это наиболее удобный способ получения наличных средств.

Широкое использование новейших информационных и коммуникационных технологий облегчает установление прямых связей между производителями и потребителями. Потребители во все возрастающем объеме используют информационные и коммуникационные технологии для подготовки своих путешествий, при поиске специализированных и легко доступных продуктов, напрямую общаясь с производителями услуг. Для туристской отрасли это дает возможность сокращения операционных издержек, что неизбежно приводит к процессу сокращения традиционного посредничества и способствует проведению реорганизации отрасли и инновациям.

Узбекистан притягивает тысячи гостей из всех уголков мира, благодаря величественным архитектурным памятникам, легендарной истории, культовым святыням, почитаемым туристами со всего мира. Наряду с этим живой интерес у туристов вызывает неповторимая местная кухня, местные традиции и обряды с неповторимым колоритом. Благодаря развитию туристского сервиса это уникальное наследие становится достоянием путешественников из многих стран.

При этом индустрия туристских услуг становится с каждым годом разнообразнее, качественнее и самобытнее. Динамичное развитие туристского потенциала началось с объявлением Узбекистаном независимости.

В настоящее время Узбекистан занимает достойное место на мировой арене, имея прочную договорно-правовую базу, состоящую из документов, охватывающих различные сферы, в частности торговлю и инвестиции, избежание двойного налогообложения, воздушно-транспортное сообщение, науку, культуру, туризм, использование природных ресурсов. При этом сотрудничество в сфере туризма имеет большой потенциал, растет число желающих увидеть Узбекистан, в частности, древние города Ташкент, Самарканд, Бухару, Хиву, ознакомиться с огромным вкладом страны в мировую цивилизацию.

Восприимчивость бизнеса к инновациям – особенность, которая формируется под воздействием экономических и институциональных факторов, это черта, которая влияет на конкурентоспособность национальной экономики. Бизнес начнет внедрять инновации тогда, когда осознает, что это выгодно и возможно как с точки зрения наличия ресурсов, так и отсутствия барьеров.

1.Доклад Президента Республики Узбекистан Ш.Мирзиёева на расширенном заседании Кабинета Министров, посвященном итогам социально-экономического развития страны в 2016 году и важнейшим приоритетным направлениям экономической программы на 2017 год. Джизакская правда от 18 января 2017 года, №6 (5736)

2.Постановление Кабинета Министров РУз «О мерах по развитию придорожной и туристкой инфраструктуры», 2015 г.

ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИ ТАШКИЛОТЛАРИДА СТРАТЕГИК РЕЖАЛАШТИРИШ ТИЗИМИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ МУАММОЛАРИ

Даминов Ф.М. – катта ўқитувчи (СамИСИ)
Тоштемиров Д.Ў. – МР-115 гуруҳ талабаси

Аннотация: *Мазкур мақолада хизмат кўрсатиш соҳаси ташкилотларида стратегик режалаштириш тизимини шакллантириш борасида мавжуд бўлган маълум бир муаммолар кўриб чиқилган ҳамда уларни бартараф қилиш юзасидан муаллифлик таклифлари келтирилган.*

Калит сўзлар: *хизмат кўрсатиш соҳаси ташкилотлари, стратегия, стратегик режалаштириш,стратегик режалаштириш тизими, стратегик менежмент, ташқи муҳит.*

Аннотация: *В данной статье рассмотренные некоторые проблемы формирования системы стратегического менеджмента в организациях сферы сервиса и авторские предложения по их устранению.*

Ключевые слова: *организации сферы сервиса, стратегия, стратегическое планирование, система стратегического планирования, стратегический менеджмент, внешняя среда.*

Annotation: *In this article disessed some problems of organizations in the sphere of service with forming systems of strategy management and offers and suggestions an their solution by author.*

Key words: *organization in the sphere of sevice strategy strategic planning, system of strategic planning, strategic managment, external environment.*

Авваламбор шуни эътироф этиш зарурки, стратегик режалаштириш тизимини шакллантиришнинг дастлабки босқичларида, у хизмат кўрсатиш соҳаси ташкилотларининг маълум қисми томонидан тезкор қабул қилинди. Аммо ушбу тизим жорий қилиш даврида кўплаб қийинчиликларни юзага келтирди ва бу эса ўз навбатида маълум ташкилотларда стратегик режалаштириш тизимидан воз кечилишига асос бўлди[90]. Якуний натижада амалиётчи мутахассислар ва назариячи олимлар ўртасида икки асосий йўналиш юзага келди. Улардан биринчиси–стратегик режалаштиришни танқид остига олувчилар. Мазкур йўналиш вакилларининг фикрича стратегик режалаштиришни «сичқонни ушлаш учун филдан фойдаланиш» дир, шунинг учун асосларга қайтишни (яъни, жорий режалаштириш ёки стратегик ўзгаришларга органик мослашишни) таклиф қилишган[91]. Иккинчи йўналиш тарафдорлари стратегик режалаштириш юзасидан ўзгача фикрга эга бўлиб, нима учун мазкур тизим самарасиз эканлигини тушунишга ҳаракат қилишган. Стратегик режалаштириш нуқтаи–назарида турувчилар ташқи муҳитнинг юқори турбулентлиги[92] шароитида анънавий мантиққа таяниш хизмат кўрсатиш соҳаси ташкилотларининг келажаги учун

[90]Хусусан, К.Боумэн ўзининг «Стратегик менежмент асослари» («Основы стратегического менежмента» / пер.с анг. Под ред. Л.Г.Зайцева и М.И.Соколовой. – М: Банки и биржи, ЮНИТИ, 1997. 12 стр.) номли китобида ходимларнинг хизматдаги расмий ва норасмий муносабатлар, иерархик тобеълиги, ўзгаришларга муносабати, уларнинг қадриятлари ва тамойиллари, ички корпоратив маданият ва бошқаларнинг ҳисобга олинмаслиги ҳисобига режалаштиришнинг самарадорлиги таъминланмади деб қайд қилган.
[91]Г.Митцберг, Б.Алстрэнд, Ж.Лэмпел. Школы стратегического менежмента. СПб, Питер, 2001 г. 59 – 65 стр.
[92]Турбулент (лотин. turbulentus)- бўронли, шаддатли ҳатти-ҳаракат

жиддий хавф тўғдириши мумкинлигига ишонишган ва бу ривожланиш мантиғини қайта кўриб чиқиш учун етарли асос деб ҳисоблашган.

Бугунги кунда иқтисодий жараёнлар кутилмаган ва умуман янги кўринишдаги ўзгаришлар билан таснифланади. Хизмат кўрсатиш соҳаси ташкилотларининг келажаги ёки қисман башоратланиши ёки тўлиғинча башоратланмаслиги мумкин, бу эса ўзгарувчан ўзгаришларнинг доминантлигидан далолат беради. Ташқи муҳитдаги бундай вазият хизмат кўрсатиш ташкилотларидан энг салбий шароитда ҳам нафақат «тирик қолиш», шунингдек, ривожланиш учун зарур бўлган кўникмаларни талаб қилади. Ташқи муҳит ва хизмат кўрсатиш соҳаси ташкилотларининг ишчанлик имкониятлари ўртасидаги фарқ (узилиш) стратегик ривожланишни режалаштиришга янги концептуал ёндашувни пайдо бўлишига олиб келди ва у келажак устидан назорат ўрнатишга йўналтирилган интерактив [93] режалаштириш номини олди. Ушбу концепция ташкилот келажаги бугунги кун ва истиқбол, шунингдек ўтмишга боғлиқ деган ишончга асосланади. Шунинг учун стратегик режалаштириш тизимини яратишнинг мазкур концепцияси «исталаётган келажак сценарийсини яратиш ва унга максимал даражада яқин бўлган ҳолатга эришиш йўлларини танлаш ёки кашф қилиш»[94] га таянади.

Иқтисодий муҳитнинг кескин беқарорлиги шароитида хизмат кўрсатиш соҳаси ташкилотлари истиқбол тўғрисидаги маълумотларни ноаниқлик даражасига қараб классификациялашга мажбур: истиқболнинг аниқлиги; истиқболнинг ноаниқлиги; истиқбол тўғрисидаги маълумотларнинг мавжуд эмаслиги[95].

Истиқбол ноаниқлигининг биринчи варианти юзадан фикр билдирадиган бўлсак, исталган хўжалик субъекти амалиётида истиқболнинг тўлиқ ишончга сазовор ва мажбуриятларни режалаштириш мумкин бўлган жиҳатлари борлигини қайд қилишимиз керак. Тўлиқ аниқликка эга бўлган воқеъалар режалаштиришнинг детерминацияланган[96] тизимини яратишни назарда тутади. Аммо амалиётдан маълумки, умуман олганда ташкилот даражасида дитерминацияланган тизимлар мавжуд эмас, чунки бозор иқтисодиёти тизимида фаолият юритаётган исталган ташкилот ноаниқ ва ўзгарувчан муҳит таъсири остида бўлади ва юз бераётган воқеларнинг қандай якунланиши мумкинлиги юзадан тўлиқ ишонч билдира олмайди. Бўлинмалар даражасидаги режалаштириш нисбий аниқликка эга. Детерминацияланган тизимлар жумласига узоқ муддатли режалаштиришни олиб бориш мумкин.

Иккинчи вариант юзасидан қайд қилиш мумкинки, доимий тарзда истиқболнинг тўлиқ аниқланмаган жиҳатлари мавжуд, улар тўғрисида биз маълум эҳтимоллик асосида фикр юритамиз. Бундай ҳолатда кутилмаган вазиятларни режалаштириш зарур бўлади яъни, турли ҳолатлар учун режалар ишлаб чиқилади

---

[93]Р.Акоффга талқинига кўра, интерактив режалаштириш – бу ўзаро ҳамкорлик маъносини беради. У интерактивизмнинг бош ғоясини келгуси тарзда таснифлайди: «Келажакнинг кўп жиҳатлари бизнинг назоратимиздан четда, биз назорат остига олишимиз мумкин бўлгани–умумий истиқбол доирасидаги ўзимизнинг келажагимиздир» (Р.Акофф. Планирование будущего корпорации: пер. с англ./ под ред. В.И.Данилова – Данильянса – М. «Прогресс» 1985. 96 стр)..

[94] Р.Акофф. Планирование будущего корпорации: пер. с англ./ под ред. В.И.Данилова – Данильянса – М. «Прогресс» 1985. 91–137 стр.

[95]Р.Акофф. Акофф о менежменте: пер. с англ. / под ред.Л.А.Волковой – СПб; Питер 2002 30 – 137-139 стр.

[96]Детерминация (лотин. determino)-барча ходисаларни зарурий сабаб-оқибат алоқадорлиги билан асосланиши

ва истиқбол аниқлашиб борган сари улар ичидан энг мақсадга мувофиғи (мавжуд вазиятга мос келувчиси) қўлланилади. Муҳит шароитига асосланган ҳолда шакллантирилган бундай режалаштириш тизими натижанинг тўлиқ башоратланиши имкониятини бермайди ва шунинг учун ҳам эҳтимолий (стохастик) деб номланади.

Ниҳоят истиқболнинг шундай жиҳатлари борки, уларни ташкилот олдиндан билиши мумкин эмас. Уларга фақатгина билвосита, интерактив режалаштириш орқали тайёргарлик кўриш имконияти бор. Бундай режалаштириш талаб қилинаётгандан четланишларни тезкорлик билан аниқлаш ва уларга самарали «жавоб бериш» хусусиятига эга бўлган тизимни яратишга йўналтирилган. Демак, интерактив режалаштиришнинг моҳияти иқтисодий муҳитда юз бераётган ўзгаришларга ташкилотни мослаштирувчи, тезкор «жавоб бериш» нинг қайишқоқ тизимини шакллантиришда намоён бўлади.

Мазкур концепция стратегик режалаштиришга асосланади, аммо стратегияни амалга ошириш учун ташкилотнинг кучли жиҳатлари етарли бўлмаса ёки унинг амалга оширилиши истиқболда маълум кучсиз жиҳатларнинг пайдо бўлишига олиб келадиган бўлса, стратегик режалаштириш стратегик менежмент даражасигача кенгайтирилади. Бундай кенгайишнинг икки йўналиши И.Ансофф томонидан қайд қилинган. Биринчиси–ташкилотнинг ишчанлик имкониятларини ривожлантиришни режалаштириш; иккинчиси–одатда қаршиликка дуч келувчи ўзгарувчан ўзгаришларни бошқаришни жорий қилишга режали ёндашувни яратиш[97].

Стратегик менежмент концепцияси тўлиқ ишлаб чиқилмаган ва унда кўплаб назарий ҳамда амалий муаммоларга мавжуд. Бу эса стратегияни шакллантиришнинг яхлит назариясини яратиш заруратининг долзарблигини асослаб беради. Беқарор иқтисодий муҳит шароитида стратегик менежментга хизмат кўрсатиш соҳаси ташкилотларидаги самарали бошқарув тизимининг фундаментал асоси сифатида ёндашиш зарур. Стратегик менежмент эволюцион тарзда стратегик режалаштириш замиридан пайдо бўлган. Иккинчи тўлдирувчи кичик тизим бўлиб, стратегик муаммоларни реал вақт мастабига бошқариш чиқади. Ўзгача айтганда, стратегик менежмент ўз таркибига икки бир–биридан фарқланувчи, аммо ўзаро алоқадор жараённи олади: стратегияни шакллантириш ва стратегияни амалга ошириш. Шундай қилиб, стратегик менежмент тушунчасига икки анъанавий элемент киради: стратегик режалаштириш ва стратегик назорат (контроллинг); стратегияни амалга ошириш билан бевосита боғлиқ бўлган вазифалар, улар режалаштириш ва назорат ўртасида бошқарувчи ва корректировкаловчи[98] элементлар сифатида чиқади.

Стратегик менежмент концепциясига кўра, хизмат кўрсатиш соҳаси ташкилотларида қабул қилинадиган стратегик қарорларнинг асоси сифатида уларнинг вақтнинг жорий нуқтасидаги ҳатти–ҳаракатлари юзасидан танлов чиқади, у шунингдек келажакнинг бошланиши тариқасида кўриб чиқилади. Вақтнинг реал мастабидаги барча қарорлар стратегияни амалга оширишга уларнинг эҳтимолий таъсири ҳисобга олинган тарзда қабул қилинади. Демак,

[97]Ансофф И. Стратегическое управление: Сокр. пер. с англ. /Науч. ред. и авт. предисл. Л.И. Евенко. – М.: Экономика, 1989, 297–398 стр.

[98]Корректива (лотин. correctus)- нимагадир қисман ўзгартириш киритувчи қўшимча

стратегик менежмент умумий стратегик режа ва олий раҳбариятнинг ташкилий стратегияси ўртасидаги аниқ (кам ёки кўп даражадаги) чегарани ўрнатиб беради. Олий раҳбариятнинг ташкилий стратегияси алоҳида олинган вазифаларни стратегик мақсадлар мослаштиришни назарда тутади. Бунда жорий бошқариш ўз таркибига ўрта бўғин бошқарувчилари ўртасида вазифаларни тақсимлаш, белгиланган вазифаларни бажариш учун ходимларнинг манфаатлари ва мотивациясини мувофиқлаштириш, вазифаларнинг бажарилиши устидан назорат ўрнатиш, тескари алоқа ва бошқаларни олади.

Хулоса сифатида эътироф қилиш зарурки, стратегик режалаштириш тизимни шакллантириш, у қўлланилаётган шароитдан келиб чиққан ҳолда танловнинг таклиф қилинган хусусиятларидан келиб чиққан тарзда, шунингдек юқори динамик ва ўзгарувчан муҳит учун энг самарали бўлган концепция – бу стратегик менежмент ва унинг бош функцияси бўлган стратегик режалаштиришдир. Замонавий даврда хизмат кўрсатиш соҳаси ташкилотлари фаолияти шароитининг мураккаблашиши режалаштиришнинг янада самарали тизимларини яратиш ва амалиётга жорий қилинишини тақозо қилади. Инқироз ҳолатларининг олдини олувчи ва ҳам статик ҳам динамик иқтисодий барқарорликни таминловчи иқтисодий механизмларни яратиш бугунги кунда хизмат кўрсатиш соҳаси ташкилотлари учун ҳаётий заруратга айланган.

ФАКТОРЫ ВЛИЯЮЩИЕ НА РАЗВИТИЯ ТУРИЗМА В УСЛОВИЯХ МОДЕРНИЗАЦИЙ ЭКОНОМИКИ

Назарбаев О,доцент кафедры «Экономика»
Калмуратов Б.С,старший преподователь кафедры «Экономика»,
КГУ имени Бердаха,

Туризм, будучи одной из высокоприбыльных сфер вложения капитала, продолжает уверенно удерживать свои позиции. Туристские организации совершенствуют свою инфраструктуру для более полного удовлетворения потребностей населения в путешествиях.

К настоящему времени туризм превратился в один из ведущих секторов мировой экономики. В этой связи в Узбекистане уделяется особое внимание модернизации туристической индустрии, разработке и совершенствованию нормативно-правовой базы для устойчивого развития отрасли, организации обслуживания зарубежных гостей в соответствии с международными стандартами. В годы независимости наша страна сделала существенный прорыв в этой области с сохранением и приумножением историко-культурного наследия народа, возрождением национальных традиций и обычаев, восстановлением и обустройством достопримечательностей республики. В нашей стране уделяется особое внимание совершенствованию индустрии туризма, повышению качества и эффективности обслуживания. Важным руководством к действию в этом направлении служат Закон Республики Узбекистан “О туризме”, Указ Президента нашей страны “О мерах по обеспечению ускоренного развития туристской отрасли Республики Узбекистан” от 2 декабря 2016 года.

Исследованию проблем и особенностей развития рынка туристических услуг под воздействием различных видов факторов посвящены научные труды многих отечественных и зарубежных ученых.

Изучение изданных работ по проблеме развития рынка туристических услуг позволяет сделать вывод, что вопрос влияния факторов в туристической индустрии исследованы недостаточно, что негативно влияет на развитие туризма в целом и делает вопрос решения данной проблемы весьма актуальным.

Развитие туризма в целом зависит от комплекса условий: природно-географических, историко-политических, социально-экономических, демографических, сложившиеся в обществе и факторов, которые их определяют. Факторы развития рынка туристических услуг принято делить на внешние и внутренние.

Фактор в туризме — это момент, существенное обстоятельство туристской практики.

Внешние (экзогенные) факторы влияют на туризм посредством демографических и социальных изменений; экономического и финансового развития; изменений политического и правового регулирования; технологических изменений; торгового развития; транспортной инфраструктуры и безопасности путешествий. К внешним факторам можно отнести географическое положение региона, политические отношения между странами, международное разделение труда, уровень цен на международном рынке и в разных странах и т.п..

Определяющими являются внутренние факторы развития рынка туристических услуг. С точки зрения влияния на туристическую деятельность все факторы делятся на факторы привлечения и факторы дифференциации спроса.

С точки зрения механизма влияния на развитие туризма можно определить факторы объективные, уже сформированы историческим развитием общества, и такие, целенаправленно регулируют именно туристическую деятельность — факторы первой группы. Ко второй относятся государственная политика в туризме, наличие и содержание туристического законодательства, туристическое образование в обществе и т.п.

Факторы, влияющие на развитие туризма, разнообразны и многогранны. Наличие благоприятных факторов приводит к лидерству отдельных регионов и страны в мировом туризме, и наоборот, нежелательные факторы снижают туристический поток.

Основные факторы, влияющие на развитие туризма, можно разделить на две группы: статические и динамические.

Статические имеют неизменное во времени значение (природно климатические, географические, культурно-исторические факторы). К динамическим факторам относятся:

- демографические ;
- экономические;
- культурные;
- научно-технический прогресс;
- международные факторы.

Совокупность факторов определяет возникновение и характер поведенческих особенностей потребителей туристических услуг, которые могут быть выражены такими показателями, как:

– частотность туризма;
– предпочтения в выборе туристического центра и география туризма;
– форма организации тура, предпочитаемого;
– представление туриста о цене тура;
– представление о торговой марке турфирмы;
– коммуникативное поведение туриста;
– роль внешних раздражителей в процессе принятия решения о покупке тура.

Еще одним видом факторов, влияющих на развитие рынка туристических услуг является личностно-поведенческие факторы. Анализируя роль психологических факторов в формировании рынка туристических услуг доказано, что только немного туристов приезжают снова в те места, где они уже были ранее, исключая случаи присутствия экономических, лечебно-профилактических или сентиментальных мотивов. По мере роста доходов человек начинает отдавать предпочтение психологическим мотивам при выборе нового путешествия. Целью туризма является рациональная организация свободного времени потребителя. Соответственно этому, развитие туризма может быть обусловлен наличием двух основных моментов: свободного времени и финансовых средств для его рациональной организации.

Итак, по нашему мнению, на развитие туризма влияют как позитивные, так и негативные факторы, связанные с политической, законодательно-правовой и социально-экономической ситуацией в стране и в мире. К положительным факторам развития рынка туристических услуг относят:

– стабильность и открытость политики и экономики;
– рост общественного богатства и доходов населения;
– сокращение рабочего и увеличение свободного времени;
– развитие транспорта, средств коммуникаций и информационных технологий;
– поощрение национальных и иностранных инвестиций в развитие индустрии туризма;
– укрепление позиций Узбекистана на мировом туристическом рынке;
– упрощение и гармонизация налогового, валютного, таможенного, пограничного и других форм регулирования;
– стимулирование туризма для детей, молодежи, пожилых людей, инвалидов и малообеспеченных семей путем предоставления льгот.

К негативным факторам развития рынка туристических услуг относят:

– напряженность в международных отношениях;
– нестабильность политики и закрытость экономики;
– неустроенность туристических ресурсов;
– неразвитость индустрии туризма;
– нерациональное использование культурно — исторической и культовой наследия и окружающей среды;

– низкий уровень доходов населения и недостаток свободного времени;
– загрязнение окружающей среды и экологическая опасность;
– недооценка роли туризма в интеллектуализации общества;
– отсутствие эффективных стимулов инвестирования развития индустрии туризма на ровной и мировых стандартов;
– недооценка роли туристического бизнеса в наполнении бюджета.

Указанные факторы влияния на развитие туризма должны определять цели государственного регулирования и приоритетные направления развития туристического бизнеса.

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОНДА АЛОҲИДА МУҲОФАЗА ҚИЛИНАДИГАН ТАБИИЙ ХУДУДЛАРДА ЭКОЛОГИК ТУРИЗМНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

Салаев С.К, и.ф.д., Урганч давлат университетипрофессор
Алымов А.К Қорақалпоқ давлат университети

Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти И.А. Каримов “Гўзал географик ва табиий шароитлар республика ҳудудида экологик туризмни ривожлантириш учун ғоят қулайдир” деган эди.[1]

Янги муҳофаза қилинадиган табиий ҳудуд Қорақалпоғистон Республикаси ҳукумати, БМТ Тараққиёт дастури (ТД) ва Глобал экологик жамғарма (ГЭЖ)нинг “Қорақалпоғистондаги Амударё дельтасида тўқай ўрмонларини сақлаш ва қўриқланадиган ҳудудлар тизимларини мустаҳкамлаш” деб номланган қўшма лойиҳаси доирасида ташкил этилган. Янги ташкил этилган биосфера резервати нафақат табиатни муҳофаза қилувчилар, табиат учун, балки умуман минтақа аҳолиси учун ҳам чинакам қимматбаҳо совға бўлди. Зеро Амударё дельтасининг ноёб ҳайвонот ва ўсимликлар оламига эга бўлган тўқай ўрмонлари умумдунё аҳамиятига эгадир.[2]

Биосфера резерватининг асосий вазифаси – табиатни муҳофаза қилиш ҳамда айни вақтда табиий ресурслардан барқарор фойдаланишдир. Унинг кўп зоналардан ташкил топиши бир вақтнинг ўзида одам оёғи тегмаган табиатнинг қимматли жойларини дахлсиз ҳамда барқарор ривожлантириш имконини беради.

Экологик туризм – бу табиий туризмнинг бир кўриниши бўлиб, ўз ичига табиий муҳит таълими ва уни англашни қамраб олгани ҳолда, мазкур фаолиятни бошқариш экологик, ижтимоий ва маданий барқарорликни таъминлаган ҳолда бошқарилиши керак.[3]

Алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар (АМЭТҲ)га шу кунларда қўриқхоналар, миллий ва ёдгорлик боғлари, “табиатдаги музейлар”, заказниклар (якка қўриқчалар), табиатнинг нодир ёдгорликлари киради. Ҳозирги кунларда Ўзбекистон ҳудудида – қўриқхона, миллий боғлар, табиатнинг нодир ёдгорликлари бор.[4]

Қуйи Амударё давлат биосфера резервати, шунингдек Судочье ва Сайгачий буюртмахоналарига туристларни жалб қилиш бугунги куннинг талаби ҳисобланади. Шунинг учун қўриқланадиган ҳудудларнинг кўламини кенгайтириш ва сифатини ошириш жуда муҳим.

Қуйи Амударё давлат биосфера резервати, Судочье ва Сайгачий буюртмахоналари фақат бир мақсадни, яъни, биологик хилма-хилликни сақлаш

мақсадини кўзда тутган ҳудудлар ҳисобланади. Туристларни қўриқхона марказига олиб борувчи, отда ёки пиёда сайр қилиш учун мўлжалланган йўлаклар, ҳаваскорлар ва профессионаллар учун билимларни ошириш мақсади кўзланган ботаник, орнитологик, энтомологик ва тарихий турлар бўлиши, хорижлик туристлар гуруҳлари ва якка тадқиқотчилари қўриқхонага илмий тадқиқотлар ва ўрганиш учун ташриф буюришлари мумкин.

Алоҳида муҳофаза этиладиган табиий худудларга ташриф буюрувчиларнинг кириши учун ҳақ тўлаш тизимини жорий қилиш зарур. Мамлакатдаги қўриқланадиган табиий ҳудудларга кириш учун ҳақ тўлаш тизими туроператорлар ва якка ташриф буюрувчилар учун ҳозирча аниқ эмас. Миллий даражада ҳақ тўлаш тизими уйғунлаштирилиши ва аниқлаштирилиши лозим. Қуйиамударё давлат биосфера резервати, Судочье ва Сайгачий буюртмахоналари доирасида жойлашган ҳар бир қўриқланадиган табиий ҳудуд бўйича ташриф буюрувчилар учун хариталар, маршрутлар ишлаб чиқилиши лозим. Бундан ташқари, кириш ҳақини қабул қиладиган ходимлар ташриф буюрувчиларни қабул қилиш тартибига ўргатилиши зарур.

Бундан ташқари, бу ҳудудларда Жампиқ қалъа, Гаур қалъа, Чилпиқ қўрғони, Ургa мажмуаси, Пульжай археологик мажмуаси, Шайх Жалил бобо каби тарихий ёдгорликлар билан бирга Султон Увайс тоғи, Устюрт платоси, кўллар, чинклар, Амударё соҳилида кўпгина табиий экотуристик объектлар ҳам мавжуд.

Туристларни қабул қилиш ва уларга хизмат кўрсатиш Қорақалпоғистонда қўриқланадиган табиий ҳудудлар ҳодимлари учун нисбатан янги вазифа ҳисобланади. Ҳудудларда фаолият кўрсатаётган ходимлари учун тренинг машғулотларни доимий равишда олиб бориш ва уларнинг салоҳиятини ошириш жуда муҳим.

Ходимларнинг хизмат кўрсатиш савиясини ошириш учун биринчи навбатда қўриқланадиган ҳудудларнинг менежерлари учун тренинг машғулотлари, қўлланма ва семинарлар ташкил қилиш, Қорақалпоғистондаги қўриқланадиган ҳудудлардаги туризм буйича ходимларга қўлланма ишлаб чиқиш лозим.

Бир кунлик турлар учун бу ҳудудларда маъмурий биносидан токи қўриқхона ичкарисига олиб борадиган ва аник белгилаб қўйилган сўқмоқлар тизимини ишлаб чиқиш керак. Сўқмоқларнинг керакли жойларига шийпончалар қуриш мақсадга мувофиқ. Гидлар шу шийпончаларда туристларга табиат хақида гапириб беради, бу ерга ичимлик суви ва бошқа зарур нарсалар қаердалигини билдирувчи кўрсаткичлар ва белгилар ўрнатиш керак.

Туристларни зарур маълумотлар билан таъминлаш ва таржима улар ўзларининг тушинишлари ва масъулиятни хис қилишлари учун жуда муҳим омил бўлади.

Юқорида кўрсатилган объектларда туристик фаолиятни ташкилларштириш учун резерватнинг интернет сайтини яратиш, экскурсия йўналишларини белгилаш, боғлар яратиш, резерват ичида йўл белгиларини ўрнатиш, бошқа алоҳида муҳофаза қилинадиган ҳудудлар билан алоқада бўлиш, ҳайвон турларини кўпайтириш, реклама қилиш, акциялар ташкил қилиш, саёҳат қилиш учун керакли анжомларни ижарага бериш шаҳобчасини ташкил қилиш, олий ўқув юртларидаги биология, ветеринария, география, иқтисодиёт, экология, тарих каби таълим

йўналишларида ўқиётган талабаларни амалиётга шунингдек волонтер сифатида резерватга жалб қилиш орқали биосфера резерват ҳудудида йўлга қўйиш мумкин.

Алоҳида муҳофаза этиладиган ҳудудларда ва атрофларида турмаршрутларни йўлга қўйиш орқали қуйидаги вазифаларни амалда бажарган бўламиз:

-атроф муҳит муҳофазасига аҳолини жалб қилиш;
-резерват ҳудудида биохилма-хилликни асраш;
-ҳайвонот боғларини ташкил қилиш;
-аҳоли қўшимча иш билан таъминлаш;
-тарихий обидаларни муҳофаза қилиш;
-ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш;
-ҳудуд маданиятини, табиатини дунёга танитиш;
-илмий тадқиқотлар олиб бориш;
-ҳудуднинг туристик инфратузилмасини ривожлантириш.

TURIZM VA MEHMONXONALARDA INTERNET TARMOQLARIDAN FOYDALANISH MASALALARI

I.S.Tuxliyev Professor SamISI
A.Berdimurodov Assistent SamISI
A.Suyarov Talaba SamISI

Annotatsiya: *Maqola turizm va mehmonxonalar biznesida qo'llash mumkin bo'lgan internet saytlari va tarmoqlariga bag'ishlanadi. Xususan, eng ko'p foydalanuvchiga ega bo'lgan xalqaro tarmoqlar, ularda yaratilgan imkoniyatlar va funksional vazifalar to'g'risida ma'lumotlar keltirilgan.*

Kalit so'zlar: *internet, veb-saytlar, ijtimoiy tarmoqlar, axborot texnologiyalari, turizm, mehmonxona biznesi.*

Аннотация: *В данной статье проведён анализ интернет-сайтов и социальных сетей, которые могут быть использованы в индустрии туризма и гостеприимства. В частности, обобщены цели и задачи для пользователя информации об интернет сети, функциональных их возможностях, а также их вызовах в период глобализации.*

Ключевые слова: *Интернет, веб-сайты, социальные сети, информационные технологии, туризм, гостиничный бизнес.*

Annotation: *The article is dedicated on the theme of international internet networks which are useful for tourism and hotel business. Especially, there are information about social sites which have the most users and their functions for users in this article.*

Key words: *Internet, web-sites, social networks, information technologies, tourism, hotel business.*

XX asr oxiri va XXI asr boshlarida dunyo rivojlanishining yangi bosqichi bo‘lgan axborot texnologiyalarining yangi avlodlari paydo bo‘la boshladi. Xususan, qachonlardir inson hayoliga ham kelmagan ba’zi gadjetlar (elektron qurilmalar) hozirgi kunda hayot faoliyatining asosini tashkil qiladi. Shuningdek, inson uzog‘ini yaqin qiluvchi usul sifatida yaratilgan Internet ham yaqin 10 yil ichida ko‘plab turli funksiyalarni bajara olish imkoniyatiga ega bo‘ldi. Jumladan, Internet saytlarining maqsad va vazifalariga ko‘ra tasnifida turlari ortib bormoqda. Bugungi internet foydalanuvchisi “Butunjahon

o‘rgimchak to‘ri (www)” tarmog‘idan quyida keltirilgan maqsadlar bilan foydalanishi mumkin bo‘lmoqda:

- xabar jo‘natish va qabul qilish (elektron pochta saytlari);
- turli milliy va jahon adabiyotlaridan foydalanish (elektron kutubxona saytlari);
- yangiliklar va axborotlardan xabardor bo‘lish (informatsion saytlar);
- rasmlar, musiqalar, dasturlar va o‘yinlar yuklab olish (ko‘ngilochar saytlar);
- turli interaktiv xizmatlar (tarmoqdagi portallar, hukumat saytlari);
- xalqaro qidiruv xizmatlari (google, yandex kabi saytlar);
- ijtimoiy va muloqot saytlari (ijtimoiy tarmoqlar, messenjerlar);
- reklama va tijorat saytlari (olx.uz, orexca.com kabilar);
- ijtimoiy hamkorlik tarmoqlari (booking.com, tripadvisor kabilar) va boshqa turdagi internet saytlari.

Yuqorida keltirilgan Internet saytlarning barchasi minglab foydalanuvchilarga ega bo‘lib, ayniqsa hozirgi kunda ommalashib ulgurgan ijtimoiy internet tarmoqlarida ularning soni millionlab kishilarni tashkil qilmoqda.

Ijtimoiy tarmoqlar – ma’lum doira ichida do‘stlar orttirish, muloqot qilish va fayllar jo‘natish kabi vazifalarni bajarish imkoniyatiga ega saytlardir. Hozirgi kunda muloqotlarning aksar qismi ijtimoiy tarmoqlarda sodir bo‘lmoqda. Ularning eng mashhurlariga Facebook, Twitter, Linked in, Instagram va YouTube kabilar kiradi.[99]

Shuni ta’kidlash joizki, virtual muloqot jarayonidagi yangiliklar va xabarlar oddiy muloqotdan ko‘ra tezroq va kengroq yoyiladi. Yaqin kungacha biror hududga turizm maqsadida tashrif buyurishni xohlagan shaxs hudud haqidagi aniq va ishonchli ma’lumotlarni deyarli bila olmasdi. Ijtimoiy tarmoqlar va ulardagi turli mamlakat xalqlaridan iborat foydalanuvchilarning beminnat ko‘magi va do‘stligi tufayli endi sayohatchi hudud va undagi sharoit haqida aniq ma’lumotlarga ega bo‘la oladi. Ijtimoiy tarmoqlar bilan tur rejasini aniq tuzish va tur resurslarni tanlash bo‘yicha aniq qarorga kelish osonroq kechadi.[100] Sayyohlarning 74%i biror hududdagi sayohatlari davomida o‘zining ijtimoiy tarmoqdagi sahifasiga turli taassurotlarini yozib boradi. 98% sayyohlar TripAdvisor tarmog‘ini aniq va ishonchli deb hisoblashadi. Izlanishlar shu narsani ham ko‘rsatganki, turistlarning 53%i biror hududga tashrif buyurganda mehmonxona izlash va band qilish uchun vaqt sarf qilmas ekan. Chunki, ushbu turist ijtimoiy tarmoqlar yordamida bunday vazifani amalga oshirgan. Ko‘plab sayyohlar shuni aytishadiki, ularning 70%i ijtimoiy saytdagi har 2 ta xabardan biriga aniq ishonsa bo‘lar ekan. 52% turistlar sayohat uchun mamlakat tanlashga yoki rejani o‘zgartirishga sababchi sifatida ijtimoiy tarmoqlardagi do‘stlari tomonidan o‘rnatilgan suratlar sabab bo‘ladi, deya tan olishadi.[101]

Turizm insdustriyasidagi xizmatlardan bahra olish va turistik mintaqani tanlay olish hozirgi kun sayyohlari uchun global maqsad bo‘lib bormoqda. Xususan, onlayn tarzda biror mehmonxonani tanlash, uning sifatiga mehmonxona xodimlari tomonidan qo‘yilgan baho bilan emas, sayyohlar bergan baho orqali qarash, hattoki turistlar tomonidan tushirilgan suratlardan bahra olish ijtimoiy saytlardagi imkoniyatlar orqali

[99] “Sayohat va turizmda ijtimoiy tarmoqlarning ta’siri (The impact of social sites on tourism and travel)”, maqola (2014). www.socialsamosa.com/2014/09

[100] Manoy Kumar, Turizm rivojlanishi uchun ijtimoiy tarmoqlar marketingi, Vatel xalqaro biznes maktabi, Fransiya-2011.

[101] Emi (2014) Travel and Tourism Report Promotions, Unleashing the Power of Social Media on Travel, Global Briefing, and s4 (4) pp: 4-8 Euromonitor International

amalga oshadi. Avvallari, bunday imkoniyat mavjud bo‘lmagan. Sababi, sayyoh umuman tasavvurga ega bo‘lmagan, ammo reklamarda maqtalgan biror mehmonxonani tanlagan va aksariyat hollarda bundan afsuslangan. Bundan, tashqari ijtimoiy tarmoqlarda reklamalar berish bugungi marketing taraqqiyotining innovatsion usullaridan biri bo‘lib, ko‘pchilik yirik kompaniyalar bundan samarali foydalanishmoqda. Ushbu reklamaning yana bir qulayligi – u mutlaqo bepul.

Xalqaro internet tarmoqlaridan aynan turoperatorlar va mehmonxona biznesida faoliyat olib boruvchi yuridik shaxslar dunyoning har qanday burchagidan sayyohlarni jalb qilish maqsadida foydalanishi mumkin. Bu borada hech qanday cheklovlar yoki ortiqcha harajatlar sarf qilinmaydi. Dunyoda mavjud mashhur turoperatorlarining 56%i ijtimoiy tarmoqlar orqali turistik shartnomalar imzolashadi.[102] 44% sayyohlar mehmonxonani band qilishdan oldin ijtimoiy tarmoqlardan izlangan ma’lumotlar va bildirilgan fikrlarga tayanadi.[103] Bundan ko‘rinib turibdiki, ijtimoiy tarmoqlardan foydalanish ko‘rsatkichi va ular orqali reklamalar berish xalqaro sayyohlarni jalb qilishda samara berishi aniq.

Birgina Facebook ijtimoiy tarmog‘i haqida gapiradigan bo‘lsak, ushbu tarmoqda mehmonxona yoki turoperatorlik korxonasi maxsus profil (account) ochishi, do‘stlar orttirish maqsadida turistik faoliyati sub’ektlariga tegishli xalqaro guruhlardan biriga a’zo bo‘lishi va mehmonxonaning reklamasini amalga oshiruvchi sahifa (page) ochishi lozim. Faoliyatining ma’lum davridan so‘ng internet sahifasida foydalanuvchilar soni ortib boradi va ular orqali bevosita yoki bilvosita (muloqotlar orqali) reklama amalga oshadi. Ammo, shuni unutmaslik joizki, mehmonxona tomonidan ijtimoiy tarmoqlardagi sahifalar va saytlarni nazorat qilish uchun mas’ul xodim joriy qilinishi zarur. Sababi, foydalanuvchilar tomonidan ba’zi savollar yoki takliflar paydo bo‘lsa, ular bilan muloqot amalga oshirilishi kerak.

Xulosa qilib aytadigan bo‘lsak, turizm – bu iqtisodiy taraqqiyot va kelajakka tomon yuksalish demak. Shunday ekan, ushbu sohada har qanday innovatsion texnologiyalarni qo‘llash, ulardan unumli foydalanish samarali faoliyat ko‘rsatishning omili hisoblanadi. Ijtimoiy tarmoqlar ham hozirgi davr axborot texnologiyalarining yutuqlaridan biri sifatida ham ijobiy, ham salbiy jihatlarga ega hisoblanadi. Salbiy jihatlar ijtimoiy tarmoqlarda vayronkor g‘oyalarni tadbiq qiluvchi turli guruhlar faoliyatida bilinadi. Ularning zararli jihatlarini insonlar ongida ma’naviy va milliy qadriyatlarni yuksaltirish, vatanga bo‘lgan mehr va sadoqat hissini shakllantirish orqali yengish mumkin. Qisqacha qilib aytganda, ijtimoiy tarmoqlardagi imkoniyatlardan oqilona, maqsadli foydalanilsa, turizm va mehmonxona biznesida yuqori natijaga erishish mumkin.

[102] Khan Mahmood, A., (2012) Social Media Influences on Hospitality & Tourism Management, Department of Hospitality and Tourism, Pamplin College of Business, Virginia Tech University, www.scitechnol.com

[103] Statista (2015) How Important Do You Think Social Media Will Be In 5 Years‟ Time? www.statista.com

ЖИСМОНИЙ ИМКОНИЯТЛАРИ ЧЕКЛАНГАН ИНСОНЛАРГА ТУРИСТИК ХИЗМАТЛАРНИ КЎРСАТИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ТОМОНЛАРИ

Д.З.Норкулова - СамИСИ
Аблакулов.А.А - ТДИУ:

Аннотация*: Ушбу мақолада Ўзбекистонда жисмоний имконияти маълум даражада чекланган инсонларнинг туристик хизматлар истеъмолини амалга оширишнинг ўзига хос томонлари тўғрисида баён қилинган.*

Калит сўзлар*: Ҳаракатлар стратегияси, жисмоний имконияти чекланган инсонлар, туристик хизматлар, санатор-курор хизматлари*

Аннотация: *в данной статье проанализированы возможности потребления туристических услуг лицами с определёнными физическими отклонениями Республики Узбекистан.*

Ключевые слова: *Стратегия действий, лица с определёнными физическими отклонениями, туристические услуги, санаторно-курортные услуги*

Annotation: *in this article the possibilities of consumption of tourist services by persons with certain physical deviations of the Republic of Uzbekistan are analyzed.*

Keywords: *Strategy of actions, persons with certain physical deviations, tourist services, sanatorium services.*

Президентимиз ташаббуси билан қабул қилинган 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида иқтисодиётни модернизация ва диверсификация қилиш, ҳудудларни ҳар томонлама ривожлантириш, ижтимоий соҳаларни янада такомиллаштириш, тинчлик ва осойишталикни мустаҳкамлаш борасида улкан режа ва мақсадлар белгиланган. Давлатимиз раҳбарининг фармон ва қарорлари бу мақсадларни амалга ошириш учун ҳуқуқий асос, ташкилий тизим яратмоқда. 2017—2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили»да амалга оширишга оид давлат дастурининг бир неча бандларида мамлакатимизда туризм соҳасини ривожлантириш, аҳолининг барча қатламларини туристик хизматлар истеъмол қилишини таъминлаш ва турмуш даражасини кутаришга қаратилган вазифалар белгиланган. Жумладан, дастурнинг 142-бандида "янги туристик маршрутларни яратиш, туризмнинг замонавий турларини ривожлантириш, уларнинг жозибадорлигини кучайтириш", 211-бандида "нуронийларни қўллаб-қувватлаш, рағбатлантириш, уларнинг маданий ҳордиқ чиқаришига ва соғлиқларини мустаҳкамлашга қаратилган қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш: ... уларнинг санаторий-курортларда дам олишлари учун шароит яратиш, зиѐратгоҳларга экскурсиялар уюштириш", 213-бандида "кекса авлод вакиллари

ҳамда «Меҳрибонлик» уйлари, махсус мактаб-интернатлар тарбия-ланувчилари, «Саҳоват» уйларида яшовчи якка ѐлғиз қариялар ва ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар фарзандлари учун юртимиздаги тарихий обидалар, зиѐратгоҳлар ва муқаддас қадамжоларга бепул саѐҳатлар уюштириш", 230-бандида "1941–1945 йиллардаги уруш ва меҳнат фронти фахрийлари, нафақахўрлар, ногиронлар, ѐлғиз қариялар ва аҳолининг бошқа ночор қатламларидан камида 35 минг нафарининг санаторий муассасаларида бепул даволанишини ташкил қилиш", 242-бандида "ходимлар ва улар оила аъзоларининг соғломлаштириш ва дам олишини ташкил этиш мақсадида касаба уюшмалари тизимидаги санаторийларда белгилаб қуйилган ишларни амалга ошириш" вазифалари аҳолининг барча қатламларини туристик саёҳатларда иштирок этишини ва туристик хизматлар истеъмолчисига айланишини таъминлашга имкон беради.

Бутун жаҳон туристик ташкилотининг келтирган таърифига асосан «Ногирон бу – қарилик, касаллик ёки бахтсиз воқеа сабабли инсоннинг мустақиллигини, мактаб ва ишга бориш имкониятини чекланадиган, жисмоний ёки психик фаолияти аста-секин қисқарувчи одамлар»дир. БМТнинг 1975 йил 9 декабрида ўтказилган Бош Ассамбеясида қабул қилинган Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги декларациянинг 9-моддасида «Ногиронлар барча ижтимоий, ижодий ёки рекреацион тадбирларда иштирок этиш ҳуқуқларига эгадирлар» деб таъкидланган[104].

Ҳозирги кунда жисмоний имконияти чекланган аҳоли қатламлари учун махсус туристик саёҳатларни таклиф қилиш тобора кўпайиб бормоқда. Бундай турларда таклиф этиладиган жойлашув ва овқатланиш хизматларидан ташқари, махсус малакага эга бўлган инструктор ҳамроҳлигида парашютдан сакраш, сув остига шунғиш, елканли қайиқларни бошқариш каби имкониятларни берувчи хизмат турлари киритилади. Бундай хизматлар жисмоний имкониятлари чекланган одамларнинг ўзларини «ҳамма қатори» эканлигини хис қилишларига, уларнинг жамиятнинг малакали-касбий, ижтимоий ва маданий ҳаётига интеграциясига йўл очиб беради. Европада «Туризм ҳамма учун» концепциясининг олға сурилиши, бу доирада дастлаб Буюк Британияда кейинчалик Европа Иттифоқи доирасида бу туризм турига катта эътибор қаратила бошланди. Канада ва АҚШда бу ҳаракат XX-асрнинг 70-йилларида оммавийлаша бориб, ҳозирги кунда бу соҳада катта ишлар қилинган. Франциянинг тоғли ҳудудларида жисмоний имконияти чекланган одамларга тоғ туризмида иштирок этиш учун кўпгина ишлар амалга оширилган. Жисмоний имконияти чекланган одамларнинг тоғ ҳудудларида бемалол соғлом одамлар билан биргаликда саёҳат қилишлари учун махсус юқори ўтиш имкониятига эга ўриндиқлар (3-4 ғилдираги, дискли тормоз ва амортизатори мавжуд «тоғли» ногиронлик аравачаси, кенг йўллакларда ва ўрмон ҳудудларида

[104] www.bits-int.org/en/index.php, http://www.unhchr.ch/html/menu3/b/72.htm

мустақил бошқарилиш имкониятига эга)[105] ва Жоелетт (Joelette – Жоэль Клодель ихтироси бўлиб, бир ғилдиракли, олд ва орқа қисмларида дастаклари бор ўриндиқ)[106] ўриндиқларидан фойдаланиш йўлга қўйилган. Бундан ташқари жисмоний имконияти чекланган одамлар учун спорт ва туризм соҳасида фаолият олиб борувчи инструкторнинг малакасини ифодаловчи CQH махсус сертификати жорий қилинган. Бундай турлар (аралаш турлар) соғлом ва жисмоний имконияти чекланган одамлар орасида ўзаро ишонч ва эътиборни, ўзига ва жамиятга бўлган ишончни мустаҳкамлашга имкон беради.

Ногиронлар, меҳнат лаёқатини йўқотганлар ва қарияларнинг туризмини ташкил қилиш ва унинг фаолияти билан бир қатор халқаро ташкилотлар иш олиб бормоқда: Харид қилиш имкониятига эга туризм бўйича Европа тармоғи (ENAT – ҳамма учун мўлжалланган туризмни тарғиб қилувчи ташкилотларнинг Европа мамлакатлари тармоғи), Европа ногиронлар Форуми (EDF – Европа Иттифоқи доирасида ногиронларнинг манфаатларини ҳимоя қилувчи ташкилот), ACCESS UNLIMITED (Исроилнинг ногиронлар ишлари бўйича миллий ташкилоти), CO.IN SOCIALE (Италиянинг ногиронларнинг касбий маҳоратини эгаллашлари ва иш билан таъминланишига кўмаклашувчи миллий ижтимоий ҳамкорлик), DISABILITY INDIA NETWORK (Ҳиндистоннинг ногиронларни, жумладан, болалар ва ёшларнинг таъминоти билан шуғулланувчи миллий ташкилот) FAILTE IRELAND (Ирландиянинг туризмни ривожлантиришнинг миллий администрацияси), IDEAS (Information on Disability-Equipment Access Services – Австралиянинг ногиронлар учун хизматларнинг барча турлари тўғрисида маълумотларни таҳдим этувчи ташкилот), ONCE (Organizacion Nacional de Ciegos – Испаниянинг кўзи ожиз ногиронларнинг турмуш даражасини яхшилаш билан шуғулланувчи ташкилот), PREDIF (Platforma Representativa Estatal de Discapacitados Fisicos – Испаниянинг ногиронлар ишлари бўйича давлат ташкилоти), SATH (АҚШнинг ногиронлар туризми билан боғлиқ барча мавзуларда маълумотларни тақдим этувчи ташкилот), VISITBRITAIN (Қўшма Қиролликнинг ногиронлар туризмини рағбатлантирувчи ташкилот)[107] ва шу кабилар. Социал туризм бўйича халқаро бюро фаолияти доирасида ногиронлар ва меҳнат лаёқатини йўқотганлар учун туристик саёҳат қилиш имкониятларни яратиш бўйича Европа Иттифоқи даражасида бир нечта лойиҳалар фаолиятини олиб бормоқдалар (C.A.R.E. Европа ҳудудидаги шаҳарларга бориш имконияти, EU.FOR.ME, OSSATE, POLIS ва шу кабилар). Бу лойиҳаларнинг асосий мақсади жисмоний ёки психик нуқсонларга эга одамларнинг туристик саёҳат қилиш имкониятларини ўрганиш, шу масалада турли информацион воситалардан

[105] http://ftt.free.fr
[106] www.hce.asso.fr
[107] www.bits-int.org/en/index.php

фойдаланиш, бундай аҳоли гуруҳларига туристик саёҳатлар тўғрисидаги ахборотларни етказиш каби масалалар билан шуғулланиш ҳисобланади.

Ҳозирги кунда Самарқанд вилоятида Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш Вазирлиги тизимида амал қиладиган имтиёз ва хизматлардан 100 мингдан ортиқ нафақахўр, пенсионер ва ногиронлар истиқомад қилади. Ушбу аҳоли гуруҳининг катта қисмини (56-57%ини) умумий касаллик бўйича ногиронлар, 22-23%ини болаликдан ногиронлар, 13%ини иккинчи жаҳон уруши йилларида Меҳнат фронти қатнашчилари, қолган қисмларини иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва ногиронлари ҳамда уларга тенглаштирилган шаҳслар, ҳарбий хизмат бурчини бажариш вақтида жароҳатланган армия ногиронлари, ҳалок бўлган жангчиларнинг оила аъзолари, ЧАЭС оқибатларини бартараф этишда қатнашиб ногирон бўлганлар, меҳнатда майибланганлар, ёлғиз пенсионерлар ва шаҳсий пенсионерлар ташкил этади. Аммо уларнинг фақат 4,6%и бир йилда имтиёзли йўлланмаларни харид қилиши мумкин. Бепул йўлланмалардан фойдаланганларнинг катта қисмини (97%) пенсионерлар ва ногиронларнинг 2-3 йилда бу имтиёздан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлган тоифалари ташкил этади. Шуни таъкидлаш керакки, улар пенсионерлар ва нафақахўрларнинг 5-6%и қисмидан иборат. Бу эса ички туризмни ривожлантиришга катта тўсиқ деб қабул қилиш, пенсионерларнинг ички туризмда иштирок этиш кўламини оширишга чора-тадбирларнинг қўлланилиши талаб этилади.

Самарқанд вилоятининг Каттақўрғон шаҳрида Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигига қарашли «Марварид» сиҳатгоҳи фаолиятини 2008 йилдан бери бошлаган бўлиб, 2008 йилни «Ижтимоий ҳимоя» йилида бажариладиган ишлар чора-дастурларига киритилган эди. Бу сиҳатгоҳ таянч-ҳаракат аъзоларининг касалликлари, хазм аъзоларининг касалликлари, асаб касалликлари ва тери касалликлари билан оғриган беморларга хизмат кўрсатишга мўлжалланган. Сиҳатгоҳ бошқарув аппарати, ходимлари штатлар жадвали Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган ходимлар сони доирасида Республика Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги томонидан тасдиқланади. Унда 16та лавозим бўйича ходимлар иш фаолиятини олиб бормоқдалар. Сиҳатгоҳнинг раҳбарлигини вилоят ҳокими розилиги билан Вазирликнинг буйруғи асосида тайинланган бош шифокор бажаради.

Сиҳатгоҳ Ўзбекистон Республикаси бюджетидан таъминланади, унинг мол-мулкини асосий воситалар, айланма маблағлар, асосий ва резерв фондларининг пул маблағлари ҳамда бошқа тушумлари ташкил этади. Сиҳатгоҳнинг моддий-техник базаси ва ходимлар сони даволаш ва маиший хизмат услубига қараб аниқланади. Унинг молиявий ва хўжалик фаолияти жорий қоидаларга биноан тасдиқланган смета билан аниқланади.

«Марварид» сиҳатгоҳига йўлланма вилоятлар, шаҳар ва туман ижтимоий таъминот бўлимлари томонидан Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, Молия вазирликларининг 2005 йил 24 майдаги 99/4 сонли қарори билан тасдиқланган ногиронлар ва пенсионерларни санатория-курорт йўлланмалари билан бепул таъминлаш тартиби тўғрисидаги йўриқномага асосан берилади. Сиҳатгоҳда иккинчи жаҳон уруши ногиронлари ва уларга тенглаштирилган шахслар, шунингдек 1-гуруҳ уруш ногиронларини кўзатиб борувчи шахс, иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва уларга тенглаштирилган шахслар ҳамда фронт ортидаги меҳнат қатнашчилари, ҳалок бўлган ҳарбий хизматчиларнинг оилалари, республика бўйича шаҳсий пенсия олувчи шаҳслар, Чернобль АЭС ҳалокати оқибатида нурланиш касаллигига чалинган ва уни бошидан чечирган шаҳслар, ҳарбий хизматни ядро полигонлари ҳамда бошқа радиация ядро объектларида ўтаган шаҳслар, ёлҳиз пенсионерлар, ёши бўйича пенсионерлар, 1-, 2-гуруҳ ногиронлари, 1-гуруҳ кўзи ожиз ногиронни кузатиб борувчи шахслар дам олиб даволаниш ҳуқуқига эгадирлар. «Марварид» сиҳатгоҳи томонидан даволанувчиларга 20га яқин хизмат турлари таклиф этилади. Улар таркибига кирувчи врач кўриги, игна ёки сув билан даволаш, массаж, парафин, амплипульсотерапия, электросон, УВЧ, дарсенваль, гальванизация, электрофарез, инголяция, кислородотерапия каби хизмат турлари врачнинг кўрсатмасига биноан режимли тарзда хизмат кўрсатади, УЗИ, умумий қон ва сийдик, биозимия ҳамда қонда қанднинг миқдори таҳлиллари хизмат турлари бир марта таклиф этилади, яъни булар асосан даволанувчи, дам олувчи сиҳатгоҳга қабул қилинаётган вақтда таклиф этиладиган дастлабки хизмат турлари хисобланади. Сиҳатгоҳда бир киши учун бир кунлик муолажа қиймати 20618 сумни ташкил қилади, дам олиш муддати 14 кунни ташкил этишини ҳисобга олганда бир кишилик йўлланманинг қиймати 288656 сўмни ташкил этади. Сиҳатгоҳ томонидан кўрсатиладиган хизматлардан игна билан даволаш ва кислородотерапия хизмат турлари қиймати қолганларга нисбатан каттароқ. Умуман олганда сиҳатгоҳ бир вақтнинг ўзида 130 кишини қабул қилиши мумкин, улардан 30 нафари пуллик хизмат кўрсатиш асосида қабул қилинади. Демак, санаторий бир йилда бепул йўлланмалар асосида 2860га яқин (Самарқанд вилоятида имтиёздан фойдаланиш ҳуқуқига эга аҳоли гуруҳининг 2,8%и) мижозга хизмат кўрсатиши мумкин бўлса, уларнинг 660га яқини пуллик хизматлардан фойдаланадилар.

Ўзбекистонда Касаба уюшмалари федерацияси Кенгаши Курортлар бошқармаси тасарруфидаги санатория-курорт масканлари йўлланмалар қийматининг 25-30%ини даволаниш муолажалари, 25-30%ини овқатланиш хизматлари, қолган 70-75%ини жойлашув хизматлари учун харажатлар ташкил этади. Ҳозирги кунда Ўзбекистонда турли Вазирлик ва тармоқлар тасарруфидаги 300дан ортиқ санаторий ва дам олиш ташкилотлари фаолият кўрсатиб келмоқда

ҳамда улар бир вақтда 35.7 минг кишини, бир йилда эса 280 минг кишига яқин аҳолига хизмат кўрсатилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 10 ноябрдаги «Ўзбекистон Республикасида соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш Давлат дастури тўғрисида»ги ПФ-2107 сонли Фармонига мувофиқ, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши Курортлар бошқармаси тасарруфидаги санаторийларда қўшимча пуллик хизмат кўрсатишни тартибга солиш тўғрисида «Қўлланма» ва «Йўриқнома» ишлаб чиқилиб, улар асосида пуллик тиббий ва маиший хизмат кўрсатиш йўлга қўйилди. Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши хўжалик юритишнинг янгича усулларини ҳаётга татбиқ эта бориб, Курортлар бошқармаси тасарруфидаги санаторийларни бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида ўзини-ўзи молиялаштириш мақсадида «Очиқ акциядорлик жамияти» ва «Масъулияти чекланган жамият»га айлантириш борасида бир қатор ижобий ишларни амалга оширди[108].

Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 3 сентябрдаги 414-сонли қарорига асосан даволанувчиларга пуллик тиббий хизмат кўрсатиш 30 ўринга белгиланиб, тиббий тавсияси бўлган шаҳсларни қабул қилиш мумкин. Шундай ҳолларда йўлланма нархи дам олувчиларга кетадиган сарф миқдори билан ўлчанади, тушган маблағ эса махсус ҳисобга ўтказилади, бу маблағлар бюджет маблағидан ажратилган ҳолда алоҳида ҳисоб-китоб қилинади ҳамда тиббий ҳодимларни моддий рағбатлантириш, тиббий-асбоб-ускуна сотиб олиш, сиҳатгоҳ моддий техника асосини мустаҳкамлаш ва амалдаги қонунлар доирасида бошқа ҳаражатларга сарф қилинади[109].

Юқорида келтирилган ташкилотлардн ташқари Ўзбекистонда фаолият кўрсатаётган “Нуроний” жамғармаси 1 йилда ўртача ҳисобда 67-68 минг фаҳрийларнинг Бухоро, Самарқанд, Хива, Тошкент, Шаҳрисабз каби тарихий шаҳарларга, муқаддас қадамжоларга ҳокимликлар ва ҳомийларнинг беғараз ёрдами туфайли бепул ташкиллаштирмоқда[110]. “Ўзбекистон темир йўллари” ДАТЙК томонидан ҳар йили 3000га яқин кишининг[111], Навоий тоғ-кон металлургия комбинати административ бошқаруви ва касаба уюшмаси ғар йили 70%га яқин ҳодимларининг[112] мамлакат дам олиш масканлари ва санаторийларида даволанишини ташкил этиб келмоқда.

Жисмоний имкониятлари чекланган инсонларнинг туризмини таҳлил қилиш натижасида қуйидагиларни хулоса қилиш мумкин: қариялар ва ногиронлар

[108] Курортлар бошқармаси – қурултойдан қурултойгача. Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси курортлари. Тошкент – 2010. 14-15 бетлар.
[109] Самарқанд вилояти Меҳнат ва аҳолини ижтимоий мухофаза қилиш бош бошқармаси бошлиғи томонидан тасдиқланган ва Каттақўрғон шаҳар ҳокимининг 2007 йил 5 январдаги 6-Қ рақами билан руйхатга олинган «Самарқанд вилояти Каттақўрғон шаҳар фаҳрийларнинг «Марварид» сиҳатгоҳининг Низоми», Каттақўрғон-2007 йил.
[110] http://nuroniy.gov.uz/ сайти маълумотлари
[111] http://uzrailway.uz/okompaniieng_p_31.html сайти маълумотлари
[112] http://www.ngmk.uz/ru/about/social сайти маълумотлари

туризми бошқа туризм турларидан фарқи алоҳида эътибор талаб этиши, тиббий назоратга муҳтожлиги, экстремал вазиятларнинг чекланганлигида намоён бўлади; Ўзбекистонда қариялар ва ногиронлар туризми билан Соғлиқни сақлаш ҳамда Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирликлари томонидан амалга оширилади, аммо туристик фирмалар бу фаолият билан етарлича шуғулланмайди.

ICHKI TURIZMNI RIVOJLANTIRISH MASALALARI

Babaev.F.T SamISI assistenti.
Urakov.A.B SamISI,mr-113 guruh talabasi.

Anotatsiya: *Ushbu maqola O'zbekistonda ichki turizmni rivojlantirishda axborot ta'minoti manzilli dasturlar, turistik firmalarning o'rni haqida fikr yuritilgan.*

Kalit so'zlar: *turizm sanoati, axborot ta'minoti, manzilli dasturlar, turistik salohiyat, turizm turlari, turizmdagi izlanishlar.*

Аннотация: *В данной статье идет речь о роли информационных технологии, целевых программ и тур фирм в развитие внутреннего туризма.*

Ключевые слова: *туристская индустрия, информационная обеспечение, целевые программы, туристический потенциал, виды туризма, исследование в тур фирмах.*

Annotation: *This article is about the role of information supply, target development programs and travel companies in development of domestic tourism.*

Key words: *tourism industry, information supply, target programs, tourist potential, types of tourism, research in tourism.*

Barchamizga ma'lumki Turizm - iqtisodiyotning yuqori daromad keltiradigan va jadal rivojlanayotgan yirik tarmoqlaridan. Ayni paytda, mazkur tarmoq dunyo mamlakatlari va xalqlarining madaniyat sohasidagi amaliy muloqotida o'ziga xos robita vazifasini o'tamoqda. Jahon sayyohlik sanoatida turizmdan tushayotgan daromad avtomobil ishlab chiqarish, neft va gaz sanoatidan keyin uchinchi o'rinda turadi. Dunyoda turizm sohasida 195 million kishi – ish bilan band aholining sakkiz foizi mehnat qilmoqda. Jahon sayyohlik tashkiloti ma'lumotlariga ko'ra, dunyo bo'yicha sayyohlar oqimi yiliga 4-5 foiz o'smoqda.

Prezidentimizning 2016-yil 2-dekabrdagi «O'zbekiston Respublikasining turizm sohasini jadal rivojlantirishni ta'minlash chora-tadbirlari to'g'risida»gi farmoni hamda 2017-2021-yillarda O'zbekiston Respublikasini rivojlantirishning beshta ustuvor yo'nalishi bo'yicha Harakatlar strategiyasida belgilangan vazifalar muhim dasturilamal bo'lmoqda. Mamlakatning turistik sohadagi imkoniyatlarini ro'yobga chiqarishda ichki turizmni rivojlantirish muhim o'rin tutadi. Zero, har qanday yangi turistik mahsulotga, avvalo, mahalliy sayyohlarda qiziqish uyg'otib, so'ngra uni xorijiy sayyohlarga taqdim etish samarali yo'l ekanligi xalqaro tajribada tasdig'ini topgan. Masalan, jahon sayyohlik sanoatida yetakchi o'rinni egallagan Ispaniyada aholining 90 foizi mamlakat bo'ylab sayohat qiladi. Ushbu davlatga keluvchi xorijiy sayyohlar soni esa 2017-yil yakuni

bo‘yicha 68 millionga yetishi kutilmoqda. Umuman olganda, biror mamlakat miqyosida turizm intensivligi 50 foizdan oshsa, ya’ni mamlakat umumiy aholisining 14 yoshdan katta qismining yarmidan ko‘pi bir yilda hech bo‘lmaganda bir marotaba sayohat qilsa, bu o‘sha mamlakatda turizm ommaviy tus olganidan dalolatdir.

Mamlakat turizm sanoatini rivojlantirish, iqtisodiyotning tez o‘sishini ta’minlashda uning rolini oshirish, yangi ish o‘rinlari yaratish, dunyo bozorida milliy turistik mahsulot salohiyatini yuksaltirishga xizmat qiluvchi barcha sharoitlar yaratilmoqda. Mazkur faoliyat milliy turizm sohasini axborot bilan ta’minlash, turistik operatorlar uchun zamonaviy axborot texnologiyalari yechimlari va komputer dasturlarini ishlab chiqish, axborot bozori subyektlariga uyg‘unlashgan holda ishlash, xalqaro miqyosda mamlakatimiz nufuzini oshirish bo‘yicha ommaviy axborot vositalarida keng targ‘ibot ishlarini olib borishni taqozo etadi.

Prezidentimiz Shavkat Mirziyoyev rahnamoligida mamlakatimizda sayyohlik sohasini taraqqiy ettirish borasida olib borilayotgan keng ko‘lamli ishlar jarayonida ichki turizmni rivojlantirishga alohida e’tibor qaratilmoqda va bu borada qator hududiy dasturlar hayotga tatbiq etilmoqda. Sayyohlik xizmatlari ko‘rsatish sohasiga madaniyat, telekommunikatsiya, savdo, ovqatlanish, sanoat sohasi tashkilotlari hamda muassasalari, ommaviy axborot vositalari faol jalb etilmoqda. Mamlakatimizda ichki turizm salohiyatini keng targ‘ib etish, hududlardagi sayyohlik bazalari, dam olish zonalari, pansionatlar, sanatoriy va kurortlar, rekreatsion va ekoturistik tashkilotlar faoliyatini yanada takomillashtirish borasida keng qamrovli ishlar amalga oshirilayotir.

Har bir hudud uchun 2017-2021-yillargacha mo‘ljallangan manzilli chora-tadbirlar dasturlarida viloyatlar, tumanlar, shahar va qishloqlarda ichki turizmni rivojlantirish yuzasidan amalga oshirilishi zarur bo‘lgan aniq tadbirlar belgilab qo’yilgan “Turizmni rivojlantirish davlat qo’mitasi” tomonidan bir qator chor tadbirlar amalga oshirilmoqda ushbu tadbirlarning o‘ziga xos jihatlari va ichki imkoniyatlaridan kelib chiqqan holda belgilangan. Masalan, tarixiy va me’moriy obidalar nisbatan kamroq hududlarda faol turdagi turistik xizmatlarni yo‘lga qo‘yish, shuningdek, tog‘li zonalar, qishloq joylarga mo‘ljallangan alohida turdagi turistik xizmatlarni tashkil qilish kabi vazifalar nazarda tutilgan. “Turizmni rivojlantirish davlat qo’mitasi “tomonidan tegishli idora va tashkilotlar bilan hamkorlikda mazkur tadbirlarni amalga oshirish yuzasidan muayyan ishlar olib borilmoqda. Bunday say-harakatlar samarasida Qoraqalpog‘iston Respublikasi, Navoiy, Jizzax va Xorazm viloyatlarida bir qancha o‘tov oromgohlari, kempinglar, dam olish va sog‘lomlashtirish maskanlari barpo etilib, sayyohlar uchun turli turistik xizmatlardan foydalanish imkoniyatlari yaratildi.

Samarqand, Buxoro, Toshkent, Xiva, Shahrisabz, Marg‘ilon singari shaharlarimizda xalqimizning boy tarixi haqida hikoya qiluvchi qadimiy obidalar avaylab saqlanayotganligi hamda milliy hunarmandlik markazlari faoliyat ko‘rsatayotgani mazkur hududlarda nafaqat xalqaro, balki ichki turizmni ham jadal rivojlantirishda muhim omil bo‘layotir. Xususan, Buxorodagi madaniy va tarixiy

yodgorliklar, jumladan, Masjidi Kalon va Chor Bakr majmualari, Bahouddin Naqshband, Abduxoliq G‘ijduvoniy kabi buyuk ajdodlarimizning qadamjolarini ziyorat qilish maqsadida minglab hamyurtlarimiz mazkur viloyatga sayohat qilmoqdalar. Tegishli tashkilot va o‘quv muassasalari bilan hamkorlikda ichki yo‘nalishlar bo‘yicha safarga chiqish istagida bo‘lgan yurtdoshlarimiz uchun avtobuslarda imtiyozli narxlarda sayohatlar uyushtirilmoqda. Bu yurtdoshlarimizning o‘lkamiz boy madaniy merosi va qadimiy tarixi, shuningdek, istiqlol yillarida shahar va qishloqlarimizda amalga oshirilayotgan ulkan bunyodkorlik ishlari bilan yaqindan tanishishida muhim ahamiyat kasb etmoqda.Mamlakatimizning chekka hududlari, xususan, Orolbo‘yida ham ichki turizmni rivojlantirish ishlari doirasida yangi sayyohlik yo‘nalishlari tashkil etilmoqda. Qoraqalpog‘iston Respublikasi hududidagi qadimiy qal’alar hamda diqqatga sazovor joylar bo‘ylab uch yo‘nalishda sayohatlar taklif etilmoqda.

Mamlakatimizda BMT Taraqqiyot dasturi bilan hamkorlikda amalga oshirilayotgan "Mahalliy boshqaruv tizimini qo‘llab-quvvatlash: fuqarolik ishtiroki va hamkorlik" loyihasi olti yo‘nalishdan iborat bo‘lib, ulardan biri hududlarning turistik salohiyatidan samarali foydalanishga qaratilgan. Bu borada ikkita boshlang‘ich hudud: Jizzax viloyatining Zomin hamda Namangan viloyatining Chortoq tumanlari tanlab olingan. Mazkur tumanlar ichki turizmni rivojlantirish uchun qulay hudud hisoblanadi. Xususan, Zominda rekreatsion – dam olish va sog‘liqni tiklash maqsadlariga xizmat qiluvchi ko‘plab resurslar mavjud. Hududning tog‘ ekotizimi, arxeologik yodkorliklari u yerda ekologik, speleologik (g‘orlarga sayohat qilish), tarixiy, qishloq va sport turizmi – chang‘ida uchish, piyoda sayohat, tog‘ velosipedini rivojlantirish imkonini beradi. Loyiha ijrosi doirasida Zominda mahalliy va xorijiy sayyohlar uchun qiziqarli ikki turistik yo‘nalish ishlab chiqildi. Mamlakatimizda ichki turizm infratuzilmasini rivojlantirish borasida olib borilayotgan keng ko‘lamli ishlar sayyohlarga qulay sharoit yaratish va ularning o‘z sayohatlarini mazmunli o‘tkazishiga xizmat qilishi bilan bir qatorda O‘zbekistonimizning ijtimoiy-iqtisodiy taraqqiyotiga munosib hissa qo’shish maqsadida, ichki turizmni YaIMdagi ulushini yanada oshirish uchun qator izlanishlar va tadbirlar amalga oshirilmoqda. Aholiningda turizmga bo’lgan tushuchasini oshirish va turizmdagi yangiliklardan boxabar qilish maqsadida “Azimut Samarkand Travel” MCHJ turistik firmasi tomonidan O’zbekistonda birinchi marta “Turizm” gazetasini sotuvga chiqara boshladi. Bu gazetada nafaqat yangilklar balki, yurtimizdagi biz bilmagan yangi sayyohlik obektlari haqida ko’plab malumotlarga ega bo’lishimiz ham mumkindir.

V ШЎЪБА. ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИ УЧУН РАҚОБАТБАРДОШ КАДРЛАРНИ ТАЙЁРЛАШ МАСАЛАЛАРИ

KORPORATIV BOSHQARUV SHAROITIDA BUXGALTERLIK XIZMATI FAOLIYATI XODIMLARINI TAYYORLASHDA XORIJIY TILLARNING AHAMIYATI.

Sobirova N.A. o'qituvchi, SamISI.
Umarova Sh.K. BH-314 guruh talabasi, SamISI.

Annotatsiya: *Maqola korporativ boshqaruv sharoitida buxgalterlik xizmati faoliyati xodimlarini tayyorlashda xorijiy tillarning ahamiyati masalasiga bag'ishlangan. Bunda mamlakatimizda hozirgi zamon talablariga mos buxgalteriya xizmati faoliyati bilan shug'ullanuvchi kadrlar tayyorlashda olib borilayotgan islohatlar hamda ularning samarasi va aynan ushbu soha vakillarining faoliyatida yutuqlarga erishish uchun xorijiy tillarni bilishi zarurligi haqida fikrlar bildirilgan. Shuningdek, buxgalterlarni tayyorlash va qayta tayyorlash jarayonlarida e'tibor qaratilishi lozim bo'lgan masalalar yuzasidan o'z takliflarimizni bildirganmiz.*

Kalit so'zlar*: korporativ, standart, integratsiyalashuv, investitsiya, karyera, EHM (elektron hisoblash mashinalari),valuta.*

Таълим хизматларининг индивидуал тавсифга эга эканлиги унинг яна бир белгисидир. Таълим хизматларини кўрсатиш ижодий жараён бўлиб, уни хизмат кўрсатаётган субъектлардан ажратиб бўлмайди. Билим беришнинг турли

услублари мавжуд. Шу нуқтаи назардан улар индивидуал тавсифга эгадирлар. Демак, сифат нуқтаи назаридан таълим хизматлари бир биридан фарқ қилади.

Таълим хизматларини кўрсатиш ва истеъмол қилиш жараёнинг бир вақтнинг ўзида рўй бериши таълим хизматларининг яна бир белгисидир. Моддий ишлаб чиқаришда яратилган маҳсулот ва уни айрбошлаш орқали истеъмол қилиш ўртасида маълум вақт мавжуд бўлади, таълим тизимида эса хизматлар бир вақтнинг ўзида ҳам кўрсатилади ва истеъмол қилинади. Масалан, таълим хизматларининг у ёки бу турига талабнинг ошиб кетиши натижасида уларни омборхоналарда сақлаб, тегишли вақтда истеъмолчига тезкорлик билан етказиб бериб бўлмайди.

Маълумки бозор иқтисодиёти шароити замонавий иктисодчи кадрлар томонидан амалга оширилади. Бу жараённинг ўзига хос тарафи шундан иборатки таълим хизматлари кўрсаттилаётган даврда педагоглар билан бир вақтда талабалар ҳам меҳнат қилишилари лозим бўлади. Шу боис, ўқув жараёнида берилган билимнинг ҳажми ва янги таълим хизматлари миқдори ўртасида, у тамом бўлган вақтдаги истеъмолчи олган билим ҳажми, яъни билимга қилинган ҳаражатлар қиймати ва олинган билим қиймати хар доим ҳам тенг бўлмайди. Худи ана шу ҳолат таълим хизматларининг яна бир белгиси бўлиб ҳисобланади.

Таълим хизматларининг кейинги ўзига хос белгиси бу инсон ва жамиятнинг ундан оладиган самарасини миқдор жиҳатидан баҳолашнинг қийинлиги, натижаларининг тезда намоён бўлмаслиги ва уларнинг ташқи омилларга боғлиқ эканлиги.

Хақиқатдан, таълимга қилинган ҳаражатлар ва олинадиган даромадлар ўртасида маълум давр бор, шунинг учун ҳам, инсон капиталига баҳо берилганда унга сарфланган харажатлардан олинадиган даромадларни инобатга олиш зарур.

Таълим хизматларига талабнинг юқори этилувчанлик даражаси ҳам бу хизматларининг ўзига хос хусусияти бўлиб ҳисобланади. Истеъмолчилар таълим хизматларига ҳаражатларини онгли равишда қисқартиришлари мумкин. Чунки, мажбурий ўқишдан кейин истеъмолчилар, масалан олий ўқув юртида ўқишга кетадиган ҳаражатларни ўқимасдан ишлаганларида топган даромадлари ёки қўлдан бой берган даромадлари билан, таққослайдилар.

Шундай қилиб таълим хизматларининг ўзига хос хусусиятлари қуйидагилардан иборат:

- ҳар хил неъмат турларига тегишли эканлиги;
- неъмат сифатида чекланмаганлиги;
- истеъмол қийматига эгалиги, таълимга бўлган эҳтиёжларни қондирувчи хизматлар ўзига хос товар эканлиги (моддий тавсифга эга эмаслиги, ташиш, сақлаш ва йўқ қилиб ташлашнинг мумкин эмаслиги);
- таълим хизматларининг индивидуал тавсифга эга эканлиги;
- таълим хизматларини кўрсатиш ва истеъмол қилиш жараёнининг бир вақтнинг ўзида бериши;
- истеъмолчиларнинг таълим хизматларининг кўрсатилиши жараёнида бевосита иштирок этиши;
- таълимга сарфланадиган харажатлардан оладиган самарани миқдор жиҳатидан баҳолашнинг қийинлиги;
- таълим хизматларига талабнинг юқори даражада эгилувчан эканлиги.

Бизнинг фикримизча, айнан иқтисодий ва педагогик назария нуқтаи назаридан таълим хизматлари кадрлар тайёрлашнинг объекти бўлиб ҳисобланади.

ҚИШЛОҚ ИНФРАТУЗИЛМАСИНИ ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНТИРИШДА МАЛАКАЛИ КАДРЛАР БИЛАН ТАЪМИНЛАШНИНГ ТАШКИЛИЙ-ИҚТИСОДИЙ МЕХАНИЗМЛАРНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Хамраева С.Н. – ҚарМИИ, “Иқтисодиёт” кафедраси доценти, и.ф.н
Уралов А.И. – ҚарМИИ, “Иқтисодиёт” йўналиши талабаси

Аннотоция:*Мақолада аграр соҳани ва, шу жумладан, унга хизмат кўрсатувчи инфратузилма тармоғини инновацион ривожлантиришда малакали кадрлар билан таъминлаш масалалари ёритилган ҳамда истиқболда уни таъминлашнинг ташкилий-иқтисодий механизмларни такомиллаштириш йўналишлари ишлаб чиқилган.*

Аннотоция:*В статье раскрыты вопросы обеспечения квалифицированными кадрами при инновационом развитии аграрного сектора, в том числе, сферы услуг этой отрасли , а также разработанны направления по обеспечению в перспективе совершенствования организационно-экономических механизмов.*

Annotation:*The article covers the issues of providing skilled personnel with innovative development of the agrarian sector, including the sphere of services of this sector, as well as directions for ensuring, in the long term, the improvement of the organizational and economic mechanisms.*

Калит сўзлар: *инновация, инфратузилма, аграр соҳа, кадрлар тайёрлаш, хизмат кўрсатиш.*

Ключевые слова: *инновация, инфраструктура, аграрный сектор, подготовка кадров, сфера услуг.*

Key words: *innovation, infrastructure, agrarian sector, personnel training, services*

Ўзбекистонда таълим республика ижтимоий-иқтисодий, ғоявий-маданий ҳаётининг энг муҳим йўналишидир. Таълимнинг ҳуқуқий асослари мамлакатимиз Конституцияси, «Таълим тўғрисида»ги Қонуни ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида ўз аксини топган. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелда “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори қабул қилинди ва у ўз моҳиятига кўра олий таълим тизимидаги ислоҳотларнинг янги босқичини ифода этади.

Бу қарор олий таълим тизимини тубдан такомиллаштириш, мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш борасидаги устувор вазифаларга мос ҳолда, кадрлар тайёрлашнинг маъно-мазмунини тубдан қайта кўриб чиқиш, халқаро стандартлар даражасида олий малакали мутахассислар тайёрлаш учун зарур шароитлар яратиш сифатини тубдан яхшилашга қаратилган.

Дарҳақиқат, таълим соҳаси доимо илм, маданият ва маънавият учоғи ҳисобланган, илмли инсонлар доимо қадрланиб келинган. Айниқса фан-техника тараққиёти натижалари шиддат билан иқтисодиёт тармоқларига жорий этилаётган бир вақтда жамиятга энг аввало ташаббускор ижодкор кадрлар зарур. Шунингдек, иқтисодиётни инновацион ривожлантириш йўлидан борар эканмиз, аграр соҳанинг

рақобатбардошлиги ва унинг самарадорлигини ошириб бориш кўп жиҳатдан кадрлар таъминотининг янги тизимини шакллантириш омилларига боғлиқ бўлмоқда.

Маълумки, қишлоқ хўжалигида олиб борилган аграр-иқтсодий ислоҳотлар натижасида хўжалик юритишнинг янги шакли фермер ва деҳқон хўжаликлари пайдо бўлди ва ҳозирги кунда ушбу хўжаликлар қишлоқ хўжалигининг асосий хўжалик юритувчи субъектлари ҳисобланади. Бозор иқтисодиётига ўтишнинг дастлабки йилларида республикамизда қишлоқ хўжалигида хусусий мулкдорлар синфини шакллантиришга катта эътибор қаратилди ва "ёппасига фермерлаштириш ҳаракати" вужудга келди. Ушбу чора-тадбирлар натижасида қишлоқ хўжалигининг иқтисодий самарадорлиги юксалтирилди, иқтисодий ўсишга эришилди, аммо фермерлар ўртасида "универсал фермер" тушунчаси пайдо бўлди. Яъни фермер ҳам ҳисобчи, ҳам агроном, ҳам ирригатор бўлиши керак деган фикр ва тушунчалар пайдо бўлди.

Аммо жаҳон тажрибаси кўрсатишича, инновацион ривожланиш жараёнида кадрлар таъминоти тизимида арзимаган камчиликлар ҳам самарадорликнинг кескин пасайишига, корхонанинг банкротлик ҳолатига олиб келиши мумкин[115].

Аграр соҳани, шу жумладан қишлоқ инфратузилмасини инновацион ривожлантириш шароитида қишлоқ хўжалигининг бошқа тармоқлардан фарқ қилувчи ўзига хос ҳусусиятларини ҳисобга олган ҳолда кадрлар сиёсати тизимини янги босқичга кўтариш муҳим аҳамият касб этиб келмоқда. Муаммонинг долзарблигини ҳисобга олган ҳолда ҳукуматимиз томонидан қишлоқ ва сув хўжалиги, ветеринария соҳасида кадрлар таъминотини яхшилашга доир бир қатор ҳуқуқий меъёрий ҳужжатлар қабул қилди.

Қишлоқ ва сув хўжалиги тармоқларида талаб юқори бўлган олий маълумотли кадрлар тайёрлаш сифатини тубдан ошириш, қишлоқ ва сув хўжалиги соҳаси олий таълим муассасаларининг моддий-техника базасини янада мустаҳкамлаш, таълим жараёнига замонавий юқори самарали педагогика ва ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда ўқитишнинг илғор усулларини фаол жорий этиш, қишлоқ ва сув хўжалиги тармоқлари педагог кадрлари ва мутахассислари малакасини ошириш ҳамда уларни қайта тайёрлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2015 йил 3 ноябрда №311-сонли "Қишлоқ ва сув хўжалиги тармоқларини олий маълумотли юқори малакали кадрлар билан таъминлашни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида" Қарор қабул қилинди. Мазкур қарорга кўра 2015 — 2017 йиллар даврида қишлоқ ва сув хўжалиги тармоқларини олий маълумотли юқори малакали кадрлар билан таъминлашни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари дастури тасдиқланди. Ушбу қарорга асосан Тошкент давлат аграр университети, Тошкент давлат аграр университети Нукус филиали, Тошкент ирригация ва мелиорация институти, Тошкент ирригация ва мелиорация институти Бухоро филиали, Самарқанд қишлоқ хўжалиги институти, Андижон қишлоқ хўжалиги институтларининг янгиланган тузилмаси тасдиқланди.

[115]Козлов А.В. Формирование кадровой политики сельского хозяйства России в условиях его инновационного развития / А.В. Козлов // Сб. Мате-риалы Международной научно-практической конференции «Актуальные проблемы формирования кадрового потенциала для инновационного развития АПК (Минск 5-7 июня 2013 г.)» - Минск: БГАТУ, 2013. с. 26-30. 0,8 п.л.

Жаҳон тажрибасини олиб қарайдиган бўлсак, аграр соҳага оид мутахассисларни етказиш камайиб бормоқда, аммо ривожланган хорижий мамлакатларда қишлоқ хўжалиги соҳасига хизмат кўрсатаётган агротехнополис, агротехнопарк, экстейшн-сервис ва шу каби маслаҳат консалтинг инфратузилмаси юксак даражада ривожланган. Албатта Ўзбекистонда шу каби инфратузилма хизматларини ривожлантириб бориш лозим, аммо бу инфратузилма хизматларини ривожлантириш учун, ташкил эта оладиган, уни юрита оладиган етук мутахассисларни етиштириш лозим.

Кадрлар малакасини ошириш тизимини такомиллаштириб бориш ушбу муаммони ҳал қилиш имконини беради, аммо ушбу таълим тури анча маблағ талаб қилишини ҳам ҳисобга олишимиз лозим. Шунинг учун, бизнинг фикримизча, аграр соҳа учун керакли бакалавр ва магистрларни тайёрлаб бориш мақсадга мувофиқдир. Аммо шуни ҳам таъкидлаб ўтиш лозимки, олий маълумотли бўлиш бу салоҳиятли кадр дегани эмас, бу кўпроқ меҳнат салоҳияти тушунчасига мос келади. Салоҳиятли кадрда маълумот билан бирга, меҳнат стажи, тажриба, интеллектуал салоҳият, малака каби фазилатларга ҳам эга бўлмоғи лозим. Бизнинг фикримизча, аграр соҳа корхоналарида меҳнат ва кадр салоҳиятини аниқлашда айнан ушбу фазилатларни ҳисобга олиш зарур.

Ҳозирги кунда аграр соҳада инновацион фаолиятни ривожланишига тўсқинлик қилаётган муаммолардан бири бу раҳбар ходимларнинг инновацион жараёнга тайёр эмаслиги. Аграр соҳада фаолият кўрсатаётган кўпгина корхонларнинг раҳбарлари олий маълумотга эга бўлишига қарамай инновацион маҳсулот (хизмат) яратиш, уни бозорга тақдим эта олиш учун етарли тажрибага эга эмаслар. Ҳозирги кунда аграр соҳа учун менежер-инноватор, маркетолог, аналитик каби мутахассислар умуман йўқ деб айтсак ҳам бўлади. Инновацион ривожланиш шароитида эса раҳбар ходимлар ва мутахассислар мувафақиятли ишлашлари учун инновацион жараённинг ўзига хос ҳусусиятларини билишлари лозим. Тўғри ҳозирги кунда ОТМларда “Инновацион инфратузилма”, “Инновацион иқтисодиёт”, “Инновацион менежмент”, “Инновацион маркетинг”, “Инновацион логистика” каби фанлардан дарс машғулотлари ўтиб келинмоқда. Аммо ушбу фан дастурлари асосан саноат тармоқлари иқтисодиёти кадлар тайёрлашга мўлжалланган ўқув режаларни ўз ичига қамраб олган. Аграр соҳа эса бошқа тармоқлардан ўзига хос ҳусусиятларга эга эканлиги маълум, демак аграр соҳа учун кадрларни етказиб бераётган олий таълим муассасалари ва касб-ҳунар коллежлари айнан соҳанинг ўзига хос ҳусусиятларини ҳисобга олган ҳолда аграр соҳани инновацион ривожлантиришга ҳисса қўша оладиган мутахассисларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш ўқув режаларига ўзгартиришлар киритишлари мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Чорвачилик соҳасига хизмат кўрсатувчи ветеринария инфратузилмасини ривожлантириш мақсадида ҳамда “Ветеринария тўғрисида” Ўзбекистон Республикасининг Қонуни ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2016-2020 йилларда қишлоқ хўжалигини янада ислоҳ қилиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2015 йил 29 декабрдаги ПҚ – 2460-сонли Қарорини бажариш юзасидан Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 8-августдаги 253-сонли “Ветеринария хизмати ёш кадрларини тайёрлашни янада такомиллаштириш, мутахассисларининг малакасини ошириш, шунингдек, уларни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори қабул қилинди.

Ушбу қарорга асосан ветеринария хизмати мутахассисларининг малакасини ошириш тартиби тўрисидаги Низом тасдиқланди. Шунингдек, ушбу қарор тармоқнинг кадрла салоҳиятини ўрганиш ва таҳлил қилиш асосида минтақавий ҳусусиятларни ва иқтисодиёт реал секторининг аниқ эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда ветеринария соҳасида бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари бўйича олий таълим муассасаларига ҳар йилги квоталарни кўпайтириш юзасидан Ўзбекистон Республикасининг таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш бўйича Давлат комиссиясига таклифлар киритиш белгилаб қўйилган.

Истиқболда қишлоқ инфратузилмасини инновацион ривожлантириш мақсадида малакали кадрлар билан таъминлашнинг ташкилий-иқтисодий механизмларни такомиллаштиришни қуйидаги йўналишларда олиб боришни тавсия этамиз:

- қишлоқ хўжалиги, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш ва қишлоқ инфратузилмаси соҳалари учун мутахассисларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш мақсадида қишлоқ ва сув хўжалиги соҳасидаги олий таълим муассасаларида илмий марказларни ташкил этиш. Шуни таъкидлаб ўтиш лозимки, Ўзбекистонда бу борада дастлабки пойдевор қуйилган, яъни Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2015 йил 3 ноябрда №311-сонли “Қишлоқ ва сув хўжалиги тармоқларини олий маълумотли юқори малакали кадрлар билан таъминлашни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” Қарорига кўра Тошкент вилояти Зангиота туманининг «Гулистон» қишлоғи ҳудудида жойлашган 3 қаватли маъмурий бинони тезкор бошқариш ҳуқуқи билан, шунингдек Ўқув ва ишлаб чиқариш амалиёти марказини жойлаштириш учун академик М. Мирзаев номидаги боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институтининг 10 гектар ер участкасини доимий фойдаланиш ҳуқуқи билан Тошкент давлат аграр университетига белгиланган тартибда текин бериш белгилаб қуйилган;
- АСМда юқори технологиялар ва фан-техника ютуқлари ҳамда юқори самарали ва рақобатбардош инновацион маҳсулот ишлаб чиқиш тўғрисидаги билимларга эга бўлган мутахассисларни тайёрлаш мақсадида фундаментал фан ва етакчи илмий-тадқиқот институтларнинг ютуқларини ҳисобга олган ҳолда янги инновацион ўқув дастурларини ишлаб чиқиш;
- аграр соҳада фаолият кўрсатаётган мутахассис ходимларни ўзлуксиз малакасини ошириб бориш ва инновацион маҳсулот ишлаб чиқариш, инновацион фаолиятни ривожлантиришда мутахассисларнинг жавобгарлигини ҳис этиш мақсадида ходимларни аттестациядан ўтказиш.

Умуман олганда, иқтисодиёт тармоқларини инновацион ривожлантириш жараёнини телаштириш мақсадида, биринчи навбатда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларда, инновацияларга бўлган қизиқишни шакллантириш лозим. Бунинг учун эса, республика ва жаҳондаги фан ва илғор тажриба тўғрисидаги маълумотларни етказиш ва тарғиб қилиш яхши самара беради, шунингдек инновацияларга бўлган ҳайрихохликни янада кенгайтиришда кадрларни тайёрлаш, танлаш ва улардан фойдаланиш тизимидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИ УЧУН РАҚОБАТБАРДОШ КАДРЛАРНИ ТАЙЁРЛАШ МЕТОДОЛОГИЯСИ.

Ф.Ф. Саломов “Касб таълим” кафедраси ассистент-ўқитувчиси
Адашов Д, КТБ-114 гурух талабаси

Аннотация: *Мақолада хизмат кўрсатиш соҳаси учун рақобатбардош кадрларни тайёрлаш методологияси билан боғлиқ муаммолар ёритилган.*

Калит сўзлар: *хизмат кўрсатиш соҳаси, рақобатбардош,глобализация, методология, таълим, тарбия, модернизация, инфраструктура.*

Аннотация: *На этой статье освещено основные проблемы методологии подготовки конкурентноспособных кадров для сферы услуг.*

Ключевые слова: *сфера услуг, конкурентноспособность, глобализация, методология, обучения, воспитание, модернизация, инфраструктура.*

Annotation*: In this article described main problems the methodology preparing competency personality to service sphere.*

Key words: *service sphere, competency, globalization, methodology, education, training, modernization, infrastructure.*

Ер юзида, умумий тараққиётни таъминлашни ҳозирги ижтимоий-иқтисодий ҳаётнинг глобаллащуви тақоза этмоқда. Лекин ҳар бир мамлакат бу умумий тараққиёт оқимида иқтисодий имкониятларига қараб турлича даражада тараққиётга эришаётирлар. Тарихий таълимотлардан маълумки, халқларнинг тараққиёт даражаси шу халқнинг илм-фан тарақиётига, касб-ҳунар таълимига ҳамда унинг маънавиятига боғлиқ бўлиб, халқларнинг билимлилик даражаси тараққиёт гарови бўлиши ҳар томонлама асослангандир.

Мамлакатларнинг ривожланишларидаги асосий мезон бу ер юзида аҳолининг тараққиётга интилиши барча мамлакатларда таълим тизимига, ахборотлар технологиясининг ривожланиши, халқаро ташкилотларни қолоқ мамлакатларни қўллаб-қувватлаши ва бошқа объектив сабабларга асос бўлмоқда.

Таълим тизимини шакллантириш, ривожлантириш ва такомиллаштириш йўллари орқали ер юзида жуда кўп мамлакатлар қисқа давр ичида ўз иқтисодий қудратини тиклаб олиб ривожланган мамлакатлар даражасига етишиш учун курашмоқдалар. Шу сабабли, республикамизда таълим тизимини ислоҳ қилиш, қайта тузиш, ривожлантириш, такомиллаштириш масалаларига катта эътибор бериб ҳозирги даврда мукаммал таълим тизимини шакллантирилмоқда. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ишлаб чиқилди ва ҳаётга тадбиқ этилди. Бугунги кунда мамлакатимизда аҳолининг таълим савиясини ошириш, таълим тизимини ўзгартириш, янги шаклдаги таълим хизматлари, ўқув юртлари ташкил этиш масалаларига катта эътибор берилмоқда. Натижада мамлакатимизда узлуксиз таълим тизимини жорий қилиниши аҳоли саводхонлик даражаси юқори бўлишини таъминламоқда. Ёшлар муайян касб эгаллаб, баъзан бир неча йўналишлар бўйича малакали, замонавий техника ва технологияларни пухта ўзлаштирган мутахассислар тариқасида шаклланмоқда.

Мамлакатимизда олиб борилаётган кенг қамровли, ҳар томонлама ўйлаб қилинаётган ишлар, иқтисодиётимизни 5-10 йиллар ичида иқтисодий “сакраш” учун асос яратиб беради. Иқтисодиётимиздаги бундай тезкор ўзгаришлар барча тармоқ ва соҳаларда мутаносиб ҳолда олиб борилиши, тармоқ ва соҳалар учун

замон талабларига жавоб берадиган кадрлар тайёрлашни, уларнинг касбий мутахассисликларни доимо такомиллаштириб, ўзгартириб, юқори техник ва технологик жараёнларга монанд ва мос қилиб тайёрлаш муаммоларини келтириб чиқаради ва бу жараён объектив заруратдир.

Ишлаб чиқаришнинг барча тармоқ ва соҳаларида бошланган таркибий ўзгаришлар иқтисодиётни ўзак тармоқларини техника ва технология билан қайта жиҳозлаш, юқори технологияларни ва илмий янгиликларни жорий қилиш. Касб таълими соҳасида мутахассислар тайёрлашни кўриб чиқишни, ишлаб чиқариш таркибий ўзгаришларига мос келадиган, замон талабларига жавоб берадиган мутахассислар тайёрлашни кун тартибига қўймоқда.

Таълим тизимини такомиллаштириш ижтимоий-иқтисодий жараёнлар билан, умуминсоний тараққиёт билан боғлиқ бўлганлиги уни доимий равишда такомиллаштириб боришни, ишлаб чиқаришни ва бошқа соҳаларга илғор, юқори технологиялари билан узвий боғлиқлиги асосида, айрим жойларда эса ишлаб чиқариш соҳасидаги ютуқлардан ҳам илгарилаб кетиши, яъни бир қадам олдин юриши асосида олиб борилиши даркор. Чунки иқтисодиётимизнинг илғор тармоқларида юз бераётган ўзгаришлар фан-техника янгиликлари ва уларни ишлаб чиқаришга жорий қилиш маълум вақт талаб этади. Умуман таълим хизматлари ишлаб чиқаришга жорий этилиши мумкин бўлган касб-ҳунар мутахассисларини тайёрлашни ҳам олдиндан кўзда тутиши лозим бўлади.

Республикамиз иқтисодий ҳаётидаги ўзгаришлар таълим хизматлари олдига янги, мураккаброқ бўлган вазифаларни қўймоқда, таълим хизматларини кўрсатувчилардан, юқори даражадаги маҳоратни талаб қилмоқда. Мамлакатимиз ривожланишининг муҳим шарти замонавий иқтисодиётни ривожи асосида кадрлар тайёрлашнинг такомиллашган тизимининг амал қилишига эришишдир. Таълим хизматлари соҳасидаги давлат сиёсати узлуксиз таълим тизими орқали шахснинг ҳар томонлама баркамол фуқаро бўлиб етишишини кўзда тутади. Талабаларни кун сайин ошиб бораётган ахборот – таълим мухити шароитида мустақил равишда фаолият кўрсата олишга, ахборот оқимидан оқилона фойдаланишга ўргатишда таълим хизматларини технологиялаштириш муҳим аҳамият касб этади.

Хизматлар кўрсатиш бозорини ривожлантириш ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини шакллантиришнинг муҳим омили ҳисобланади. Бозор иқтисодиёти моҳияти жихатидан кучли, бақувват, тадбиркор, ташабускор кишилар учун кенг имкониятлар эшигини очиб беради. Ана шундай хусусиятли ёш кадрларни тайёрлаш кўрсатилаётган таълим хизматларига ва унинг технологик ташкил этилишига боғлиқ. Бозор иқтисодиёти юқори малакасиз, интелекти ривожланманган, меҳнатга яроқсиз, ночор, нотавонлар учун моддий қийинчилик ва машаққатлар туғдиради. Бунда таълим хизматлари ёшларга берилган топшириқни ўз вақтида бажариш қобилятини шаклантиришдан иборат. Ушбу қобилят нафақат таълим хизматларининг балки бутун ижтимоий-иқтисодий соҳаларнинг ривожланишига асос бўлади. Ҳар қандай хизматлар бозорида хизмат уни таклиф қилувчидан истеъмолчиларнинг эҳтиёжларини бевосита қондирилишини талаб қилади. Айниқса интеграциялашув жараёнида таълим хизматлари бозорининг ўзаро сингиб бориши жаҳон стандартлари даражасида таълим хизматлари кўрсатилишини талаб этади. Интеграциялашув иқтисодий-ижтимоий муносабатларни қамраб олувчи жараён сифатида намоён бўлмоқда,

иқтисодий- ижтимоий соҳалар учун тегишли бўлган таълим хизматлари бозорида ҳам сезиларли таъсир қилмоқда.

Таълим хизматлари бозорининг ривожланиши ва тараққий этиши маълум жамиятнинг маданийлашишидан дарак беради. Жахонда жуда кўп мамлакатлар, халқлар тарихий тараққиётига разм солар эканмиз, кишилик жамияти тарихий тарққиёти барча даврларда, барча халқларда доимо унинг таълим тизими, таълим хизматлари ва илм- фан тараққиёти билан чамбар-част боғлиқлигини кўрамиз бунга тарих гувохлик беради.

Жахон хўжалигининг иқтисодий таркибий қисми бўлиб транспорт тармоқлари, сервис соҳаси, алоқа. Мехмонхона хизматлари, умумий овқатланиш, савдо тармоқлари ваҳо казолар, ижтимоий таркибий қисми бўлиб таълим, фан , маданият, маиший хизматлар, камунал хизматлари ва бошқалар. Қуйида келтирилган соҳа ва тармоқларнинг ривожланиши таълим хизматлари бозорининг ривожланишига эхтиёж сезади. Бу эхтиёжларни кераклича ва сифатли қондирилиши албатда фан ва таълим хизматлари бозорига боғлиқ. Бундан кўриниб турибдики жамиятнинг, халқнинг ижтимоий- иқтисодий барқарорлигини таъминлаш илм-фан, таълим –тарбия ҳамда бу соҳада кўрсатилаётган хизматларга боғлиқ. Бизга маълумки, иқтисодиётни эркинлаштириш таълим хизматларининг маданий рақобатини ривожланиши билан боғлиқ, рақобатдаги тадбиркорлар ўзаро рақобатда маълум, қонун қоида асосида ўзаро иқтисодий курашда бўлишидир. Бу эса ўз навбатида рақобатлашаётган бозор субъектларидан ўта юқори маънавият, тарбия ва таълимни талаб этади. Бу ерда ўта цивилизациялашган бозор иқтисодиётига ўтиш тўғрисидаги принцип илгари сурилмоқда. Шундай экан ҳеч бир мамлакатда ғиром тадбиркорлик билан тараққиётни таъминлаб бўлмайди. Шу сабабли республика таълим тизими томонидан бозор иқтисодиёти учун тайёрланаётган кадрлар, мутахассислар, ходимлар ўта маънавиятли, ғоявий баркамол ўз халқи ва ватанини севувчи, жонкуяр кишилар бўлиши шарт. Келгуси тараққиёт талабларидан келиб чиққан ҳолда мактаб, академик лицей, коллежлар ва олий таълим соҳаларида ушбу муаммога эътиборни қаратиш зарур деб ўйлаймиз.

Таълим хизматлари бозорини ривожлантириш жараёнига назарий ва амалий жиҳатдан ҳар томонлама комил инсонни, унинг тарбияси, маънавияти бозор иқтисодиёти муносабатларида, хамкорликда, ўзаро ёрдамга асосланган ва миллий манфаатни қатъий химоя қилаоладиган кадрлар тайёрлаш муаммосини асосий вазифа қилиб қўйиш зарурдир.

Таълим хизматлари бозори, агар миллий, умуминсоний эътиқодни ифодаловчи ғояларни ўзида ифодалай олмас экан ундай тақдирда у бозор иқтисодиётининг асосий принципларига қарши иш куради ва бозор иқтисодиёти механизмини нормал бориши учун тўғаноқ бўлади. Бу эса ўз навбатида жамиятни ривожланишига қарши бориш билан баробардир.

Кишилар асрлар давомида қарор топган маънавий тажриба, таълим хизматлари асосида шаклланган дунёқараш негизида, маълум мафкурага таяниб хаёт кечириб келмоқда.

Таълим хизматлари бозорининг асосий муаммоларидан бири илмий муассасалар, ишлаб чиқариш ва ижтимоий институтлар кадрларни тайёрлаш жараёнига етарли даражада қўшилганлари йўқ.

Таълим хизмалари тизимини қандай бўлиши билан мамлакат ва халқларнинг жаҳон ҳамжамиятидаги ўрни белгиланади. Таълим тизими кишилар, ёшлар онгини, хулқини, маънавиятини, бурчини чин маънода шакллантиради.

Илғор таълим хизматлари халқларни юксак тараққиётга кўтариб чиқади ва жаҳон ҳамжамиятида ўз ўрнини топишини ва мамлакатни келажагини буюк бўлишини таъминлайди.

XIZMAT KO'RSATISH SOHASI UCHUN RAQOBATBARDOSH KADRLARNI TAYYORLASH MUAMMOLARI

Kipchakova S.B. Xorijiy tillar kafedrasi o'qituvchisi
Usmonova L. SamISI, MN-316 guruh talabasi

Annotatsiya: *Ushbu maqolada xizmat ko'rsatish sahosani malakali mutaxassislar bilan ta'minlash, axborot texnologiyalari samaradorligini oshirish, raqobatbardosh kadrlar tayyorlashda chet el tajribalaridan foydalanishning nazariy asoslari keltirilgan.*

Kalit so'zlar: *xizmat ko'rsatish, axborot texnologiyalari, oily ta'lim, raqobatbardosh kadrlar, ta'lim tizimi.*

Аннотация: *В данной статье приведена теоретические основы обеспечения квалифицированными кадрами сферы обслуживания, повышения эффективности информационных технологий, использования зарубежного опыта в подготовке конкурентоспособных кадров.*

Ключевые слова: *обслуживание, информационные технологий, высшее образование, конкурентоспособные кадры, система образование.*

Annotation: *In this article, the theoretical foundations of providing qualified personnel in the service sector, improving the efficiency of information technology, using foreign experience in the preparation of competitive personnel are presented.*

Keywords: *service, information technology, higher education, competitive personnel, education system.*

Bugun va ertangi kunning bozorida muvaffaqiyatli raqobat olib borish uchun sifatli mahsulotni maqbul narxlarda, maqbul vaqtda mijozlarga yetkazish uchun xizmat ko'rstish sohasining hamma bosqichlarida muvaffaqlashgan holda ish olib borish zarur. Buni uddalay olmaslik zaxiralarning ortib qolishiga, iste'mol mahsulotlari va xizmat ko'rsatish sifatining pasayishiga, barcha imkoniyatlarni qo'llay olmaslik va ortiqcha xarajatlarga olib keladi. Xizmat ko'rsatishda sohani malakali mutaxassislar bilan ta'minlash va axborot texnologiyalaridan samarali foydalanish bu jarayonni o'z vaqtida maqsadga yo'naltirilgan holda boshqarish va nazorat qilishga yordam beradi.

Xizmat ko'rsatishda axborot texnologiyalari samaradorligini oshirish kerakli ma'lumotdan vaqtida foydalanish imkoniyatini beradi. Bu qimmatga tushadigan xotalarning kamayishiga, aniqroq bashorat qilinishiga, mahsuldorlikning oshishiga va marketingga oid yangiliklardan foydalanishga olib keladi. Katta hajmdagi xujjatlar, avvallari mavhum qolgan dinamikalarni ko'rsatadigan компьyuterda bajariladigan hisobotlar bilan almashtiriladi.

Xizmat ko'rsatish sohasi butun dunyoda davlat iqtisodiyotining asosiy tarmog'i hisoblanadi. Xizmat ko'rsatish murakkab jarayon bo'lib, uning asosida ilm-fan, madaniyat,ta'lim yotadi.

Bugungi kunda Respublikamizda xizmat ko'rsatish sohasi ham iqtisodiyotning yetakchi tarmoqlardan biri hisoblanadi. Mamlakatga kirib keluvchi turistlar oqimining ortib borishi nafaqat milliy iqtisodiyotimizni, balki jahon xo'jaligining ustivor tarmoqlaridan biridir.Mamlakatimizda turizmni rivojlantirish uchun zarur manbalar mavjuddir. Avvalo vatanimizning buyuk ipak yo'li ustida joylashganligi, qulay tabiiy iqlim sharoiti, boy tarixiy, madaniy merosi ham ichki, ham xalqaro turizmni rivojlantirishda yuqori salohiyatga ega. Bunday mavjud imkoniyatlardan samarali foydalanishda xizmat ko'rsatish sohasini rivojlantirish, malakali, har tomonlama raqobatbardosh kadrlar sifatini oshirish muhim ahamiyat kasb etmoqda.

Xizmat ko'rsatish sohasining rivojlanishi ko'p jihatdan shu sohada faoliyat yurituvchi, hozirgi davr talabiga javob beradigan,bilimdon, malakali, xalqaro maydonda xizmat ko'rsatish sohasidagi kuchli raqobatga bardosh beradigan kadrlarga bog'liqdir.

Shu maqsadda yurtimizda, Mustaqillik yillarida ko'plab turizm va servis kolejlari, litseylar, oliy o'quv yurtlari ochildi va ular malakali kadrlar yetkazib berishga harakat qilmoqdalar.

Talim sifatiga ta'sir etuvchi omillardan biri bu ushbu ta'lim tizimida dars berayotgan kadrlarning bilim darajasi va ularning mahoratidir, ya'ni raqobatbardoshligidir.

Agar pedagog o'z fanini mukammal bilsayu , uni talabaga yetkaza olmasa, talaba shaxsini qiziqtira olmasa, hech qanday natija bo'lmaydi. Shuningdek egallayotgan kasbiga qiziqtirish uni oldindan kasbiga nisbatan psixologik jixattan tayyorlab borish ham ta'limning pedagoglari zimmasidagi muhim shartidir.

Yana bir dolzarb masala shuki moddiy -texnik bazaning yetarli emasligi, sinf xonalaridagi didaktik yoki elektron jihozlarning ishlamasligi, ishlatilmasligi ta'lim dargohidagi auditoriyalarining bugungi zamon talabidagi elektron moslamalar bilan taminlanmaganligidir.

Shuningdek kasb mutaxassisligi fanlarini o'qitishda, innovatsion yondashish, rivojlangan davlatlar tajribasini o'rganish va uni amalyotga tadbiq etish orqali muammolarni yechish yuzasidan natijaga erishish mumkin. Jamiyatning qaysi sohasiga kadrlar yetishtirishdan qatiy nazar malakali pedagog kadrlar eng muhim, eng kerakli va dolzarbligini anglamog'imiz shart.

Ko'pgina xorijiy mamlakatlarda turizm sohasining davlat iqtisodiyotidagi o'rni benihoya kattadir. Misol uchun, 2015- yil ma'lumotlariga qaraganda, Buyuk Britaniyaga xalqaro turistlaming tashrifi soni 34.4 millionni tashkil etgan va bu ko'rsatkich 2014-yiIga nisbatan *5.6 %* ga o'sgan. Bunday o'sish bilan Buyuk Britaniya turizm rivojlangan kuchli 10 ta davlatdan turistlar tashrifi soni bo'yicha 8- o'rinni egalladi. 2015-yilda Buyuk Britaniya xalqaro turizmdan 48.5 milliard AQSH dollarida daromad ko'rdi va turizmdagi daromad bo'yicha 5-o'ringa chiqdi.

Dunyo sayohat va turizm kengashi (World Travel & Tourism Council) ma'lumotlariga ko'ra, Buyuk Britaniyada turizmning YalMdagi ulushi 11.2 % ni tashkil etadi. Umumiy ish sonining (4 293 000) 12.7 % turizm xizmatlariga, jami investitsiyalaming 4.4 foizi turizmga to'g'ri keldi.

Albatta bunday ko'rsatkichlarga erishishda mamlakatdagi soha mutaxassislari va malakali kadrlaming o'rni va xizmati kattadir. Buyuk Britaniyada ta'Iim tizimi 4 ta asosiy bosqichdan iborat. Bular: dastlabki ta'lim (primary education) (5-11 yosh) o'rta ta'Iim (secondary education) (11-16 yosh) maktabdan keying ta'lim (further education)

(Universitet va kollejga hujjat topshirishni istaydigan har bir Buyuk Britaniya talabasi ushbu ta’limda tahsil olgan bo'lishi shart) oliy ta’lim (higher education)

Oliy ta’lim buyuk Britaniyada 3 yil bakalavr darajasida kadrlami tayyorlaydi. Bakalavrdan keyingi ta’lim o’z ichiga magistrlik unvoni va doktorlik darajasini oladi. Doktorlikda 3- yil ta'lim beriladi.

Oliy ta’lim statistika agentligi (Higher Education Statistics Agency) ma’lumotlariga ko’ra, 2014-2015- o’quv yilida Buyuk Britaniyada 166 ta oliy ta’lim muassasalari mavjud.

Ulardan 134 tasida 646 taga yaqin turizm kurslari mavjuddir. Bulardan quyidagi 10 tasini tahlil qilamiz:

a) Abeiystwyth University
b) University of East London
c) University of Gloucestershire
d) Teesside University
e) University of West London
f) Bath Spa University
g) University of Portsmouth
h) The London Geller College of Hospitality and Tourism
i) University of Kent

Yuqoridagi oliy ta’lim muassasalarini tahlil qiladigan bo’lsak bu oliy o’quv yurtlari xizmatlar industriyasida malakali kadrlarni yetkazib berayotganligining guvohi bo’lamiz. Bu oliy ta’lim muassasalarida talabalarga mehmondo’stlik va turizm sanoatida menejer va liderlar bo’lib yetishishlari uchun amaliy va nazariy bilimlar o’rgatiladi. Ushbu oliy ta’lim muassasalarining aksariyatida ma’ruzalar turizm va mehmondo’stlik sanoatida katta obro’ va nufuzga ega bo’lgan dunyoning turli turizm tashkilotlarining menejerlari va vakillari tomonidan o’tiladi. Talabalar o’zlarining maqsadlari, qiziqishlari va qobiliyatlariga qarab belgilangan o’quv kurslarini tanlaydilar Kurslarda fanlar ixtiyoriy hamda majburiy fanlar asosida o’tiladi. Bu oliy ta’lim muassasalari darslarda amaliyotdagi bajarilishi shart bo’lgan vazifalar haqida ko’nikmalai beradi. Ushbu oliy ta’lim muassasalarida asosan quyidagi kurslar bo’yichi kadrlar tayyorlanadi.

1) Sayohat va turizm (Travel and Tourism)
2) Mehmondo’stlik va turizm menejmenti (Hospitality and tourist management)
3) Turizm marketing va madaniy turizmn darajasini oshirish (Tourisi Marketing and the Promotion of Cultural Heritage)
4) Ekoturizm va qishloq hududlarda turizmni rivojlantirish (Ecotourism and Rural Development Field)
5) Rivojlanayotgan davlatlarda turizm (Tourism in Developing Countries)
6) Havo yo’llari va aeropoit menejmenti (Airline and Airport Management)
7) Kulinariya san’ati va professional oshpazlik (Culinary Arts and Professional Cookery)
8) Voqea-hodisalar menejmenti (Event Management)
9) Mehmondo’stlik (Hospitality)
10) Heritage Management va boshqalar.

Talabalar 3-yili o’z xohishlari va qiziqishlariga qarab fan va kurslarni tanlaydilar. Bitiruvchi talabalaming deyarli barchasi ish bilan ta’minlangan bo’ladl. Chunki, Buyuk

Britaniyada ish beruvchilar va yosh kadrlar o'rtasida ko’prik vazifasini o’tuvchi People I kompaniyasi mavjuddir.

People I kompaniyasi mehmondo’ stlik, sayohat, turizm, yo’lovchi transporti, madaniyatlar industriyasida ishlashni xohlovchi kadrlar uchun xolis, ishonarli, effektiv va strategik hamkor hisoblanadi. 50-yildan ko’proq vaqt mobaynida bu kompaniya mamlakatda biznesning o’sishi va raqobatbardoshligini oshirishda, turizm sohasida odamlarni jalb qilish va ushbu sohaga yo’naltirishda muhim ahamiyat kasb etib kelmoqda. Kompaniyadagi mutaxassislar mamlakatda turizm biznesini samaradorligini va foydaliligini oshirishda kadrlarning bilimi va qobilyatini qo’llab - quvvatlaydilar. People 1 ekspertlari kadrlarni biznes bilan hamkorlikka o’rgatadilar Ushbu amaliy ko’nikma natijasida yosh kadrlar o’z soha va mutaxassisliklari bo’yicha ishlab ulkan natijalarga erishadilar.

Mamlakatimizda ham xizmat ko’rsatish sohasida kadrlar tayyorlash masalasi eng dolzarb vazifalardan biri bo'lib kelmoqda. “ Bugungi kunda O’zbekistonda zamonaviy mutaxassislar tayyorlaydigan 6 ta oliy o’quv yurti, jumladan, Singapur menejmentni rivojlantirish institutining Toshkent filiali va shuningdek, bir qancha kasb-hunar kollejlari faoliyat ko’rsatmoqda ”. Ushbu o’quv muassasalarida malakali kadrlami tayyorlash muhim ahamiyat kasb etmoqda. Bu boradagi masalalar qator normativ hujjatlarda o’z aksini topmoqda. “Xizmat ko’rsatish sohasi uchun, ayniqsa, menejment va marketing sohasida malakali kadrlarni sifatli tayyorlash tizimini tubdan takomillashtirish, gidlar (ekskursiya yetakchilari) tayyorlash, turizm faoliyati subyektlari xodimlarini muntazam ravishda qayta tayyorlash va malakasini oshirish” kabi masalalar turizm sohasidagi davlat siyosatining maqsadli vazifalari va ustuvor yo’nalishlari etib belgilangan.

Shuningdek, “O’zbekiston Respublikasi xizmat ko’rsatish va turizmni rivojlantirish davlat qo’mitasi faoliyatini tashkil etish tog’risida”gi O’zbekiston Respublikasi Prezidentining qaroriga ko’ra: “Respublika ilmiy- o’quv konsalting markazi ” davlat korxonasi negizida “ Turizm sohasida kadrlar malakasini oshirish va qayta tayyorlash Respublika markazi” ning qo’mita tuzilmasida mustaqil bo’linma sifatida tashkil etilishi ham soha bo’yicha kadrlar tayyorlash masalasining dolzarbliligidan dalolatdir.

Shunday ekan biz turizm sohasida kadrlar tayyorlash tizimming modemizatsiyasida xalqaro tajribalardan foydalanishimiz zarurdir. Jumladan:

- yuqorida sanab o’tilgan Buyuk Britaniya turizm yo’nalishidagi kurslar va fanlami Oliy ta’lim muassasalarimizda tashkil etish,
- fanlaming o’qitilish jarayonida turizm biznesi bilan shug’ullanuvchi kompaniya rahbarlari va menejerlarini taklif qilish;
- nazariya va amaliyotni chambarchas holda o’rgatish;
- xizmat ko’rsatish sohasi mutaxassislari tayyorlaydigan oliy ta’lim muassasalari va kollejlarda darslarni xorijiy adabiyotlar va tajribalar asosida olib borish;
- xizmat ko’rsatish sohasida kadrlar tayyorlaydigan oliy ta’lim muassasalari va kollejlarning mehmonxonalar, transport tarmoqlari, aviakompaniyalar, aeroportlar, ovqatlantirish korxonalari, ckskursiya byurolari, davolash -sog’lomlashtirish markazlari bilan aloqalarim yanada mustahkamlash,
- talabalarni oliy va o’rta - maxsus ta’Iimni tugatgandan so’ng ish bilan ta’minlashiga ko’maklashuvchi kompaniyalami tashkil etish;

- 3- va 4-bosqich talabalari o’z qiaqishlari, qobilyatlariga asosan majburiy fanlardan tashqari kelajakdagi ishlari uchun zarur amaliy va nazariy bilimlar beradigan fanlami tanlashlari;

ИНСОН КАПИТАЛИНИ РИВОЖЛАНИШИДА ТАЪЛИМ ХИЗМАТЛАРИНИНГ АҲАМИЯТИ

Ҳусенов С.– СамИСИ катта илмий ходим-изланувчиси

Аннотация*: Мақолада инсон капитали тушунчаси ва уни ривожланишида “Кадрлар тайёрлаш миллий модели”ни ўрни ва аҳамияти тўғрисида фикр юритилган.*

Калит сўзлар: *Таълим хизматлари, билимлар иқтисодиёти, инсон капитали, модел, узлуксиз таълим, давлат ва жамият, ишлаб чиқариш, фан, инсон.*

Аннотация*: В статье рассматривается понятие человеческого капитала и роль, сущность «Национального моделя по подготовке кадров» в его развитии.*

Ключевые слова*: Образовательные услуги, экономическое знание, человеческий капитал, модель, непрерывное образование, государство и общество, производство, наука, человек.*

Annotation: *This article is about the notion of human capital, the role and essence of “National model of staff preparation” in its development.*

Key word*: Education services, economics knowledge, human capital, model, continuous education, state and society, production, science, human.*

Хозирги глобаллашув жараёнлари вақтида рақобатга бардош бериш ва иқтисодиётни барқарор ривожланиши мамлакатлардаги таълим тизими ва ундаги таълим хизматлари сифатига боғлиқ бўлмоқда. Таълим тизимида тайёрланаётган кадрлар ва илмий ишланмалар, лойиҳалар, инновацион ғоялар, техник ишланмалар, ахборот технологиялар иқтисодиётнинг барча соҳа ва тармоқлари ривожланишининг асосини ташкил этиб бориши таълимни иқтисодиётнинг реал сектори каби муҳим аҳамият касб этадиган локоматив соҳалардан бирига айлантирди. Бундай ижтимоий-иқтисодий муноса-батларнинг ривожланиб бориши иқтисодиёт фанларида “билимлар иқтисодиёти” назариясининг яратилишида туртки бўлди. Бу назариянинг асосини “инсон капитали” концепцияси ташкил этади ҳамда у мамлакатнинг иқтисодий ўсишида асосий омил бўлиб хизмат қилади.

“Инсон капитали” тушунчасининг маъно-мазмуни ва долзарблиги борасида мамлакатимиз биринчи Президенти И.А.Каримов шундай деган: “…ҳозирги кунда тараққиёт йўлидан изчил ривожланиб боришимизда, эзгу мақсадларимизни рўёбга чиқаришда ҳал қилувчи рол ўйнайдиган муҳим бир мезон борки, у ҳам бўлса, инсон капитали, яъни инсон омили, замонавий билим ва касб-ҳунарларни эгаллаган, мамлакатимиз истиқболи учун масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир бўлган, ҳаётга дадил қадамлар билан кириб келаётган ёшларимиздир”[1].

XX асрнинг иккинчи ярмида инсон капитали назарияси мустақил илмий йўналиш сифатида шаклланди. Инсон капитали назарияси бўйича чуқур тадқиқот

[1] И.А.Каримов. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг қабул қилинганлигининг 18 йиллигига бағишланган тантанали маросимидаги маърузаси. Ҳалқ сўзи газетаси, №336, 2010 йил 8 декабр. -3 б

олиб борган ва нобел мукофоти олган олимлар Т.Шулц ва Г.Беккерлар ҳисобланади.

Ушбу олимларнинг инсон капитали назарияси хусусида олиб борган улкан тадқиқотлари натижасида инсон капитали назарияси таълим муассасаларида фаол ўрганила бошланди ва жаҳон умумэтироф этган илмий йўналиш даражасига кўтарилди. Бу йўналиш асосида бошқа фан соҳаларида пойдевор қўйилди. Жумладан, таълим иқтисодиёти, билимлар иқтисодиёти, интелектуал мулк иқтисодиёти каби фан соҳаларида инсон капитали муҳим категория сифатида тушинтириладиган бўлди.

Г.Беккер инсон хулқ-атворининг ўзига хос "иқтисодий ёндашуви"ни ажратиб ўзининг универсал методологик ёндашувини яратишга эришди. Унинг таърифига кўра, "инсон капитали – бу, ҳар бир кишида мавжуд билим хазинаси, малака кўлами ва мотивациялар заҳирасидир. Инсон капиталининг жисмоний капиталдан фарқи шундаги, у алоҳида капитал тури бўлиб, унда ўхшаш ҳаракат қилади. Лекин унда бир қатор фундаментал тафовутлар ҳам борки, улар орасида бу капиталнинг ўз эгасидан ажралмаслиги билан алоҳида аҳамият касб этади. Инсон капиталининг жамғарилиши жисмоний капитал сингари катта харажатларни талаб этади ва бу мураккаб инвестицион жараён билан боғлиқдир"[6].

Жаҳон банкининг 192 мамлакат бўйича олиб борган тадқиқотлари маълумотларига қараганда, хозирги пайтда умумий бойликнинг 20 фоизи табиий бойликлар, 16 фоизи жисмоний капитал ва 64 фоизи инсон капитали ҳиссасига тўғри келади. Ривожланган мамлакатларда инсон капиталининг улуши 80 фоизгача етади. Бугунги кунга келиб, нафақат алоҳида бир шахс, балки бутун давлат тақдири шу давлат аҳолисининг таълим даражасига боғлиқлиги аён бўлмоқда. Иқтисодий нуқтаи назардан, таълим соҳасига қилинган инвестициялар ўзини жуда тез муддатга оқлайди. Экспертларнинг ҳисоб китобларига қараганда, таълим тизимидаги 1 долл.лик харажат 3-6 долл. даромад келтиради[9]. Бу борада биринчи Президентимиз И.А.Каримов таъкинлаганидек, "XXI аср – интеллектуал тафаккур асрида инсон капиталига инвестиция йўналтиришни устувор вазифа сифатида танлаган мамлакатларгина юксак тараққиётга эришиши мумкин. Фақат шундай жамиятгина замонавий таҳдид ва муаммоларни енгиб ўтишга қодир бўлади"[10].

Ушбу кўрилаётган масалани долзарб эканлигини англаган ҳолда мамлакатимизда "Кадрлар тайёрлаш миллий модели" асосида жуда катта амалий аҳамиятга эга бўлган ишлар олиб борилмоқда.

Бу модел қуйидаги муҳим ўзига хос хусусиятларга эга.

Яъни, **биринчидан**, ҳар қандай давлатнинг миллий сиёсатида, авволо, илм-фан, маънавият, иқтисодни ривожлантиришга қаратилган саъй-ҳаракатлар асосий ўринни эгаллайди.

Чунки иқтисодиётнинг ривожланиши қолган соҳаларни, қолаверса, жамият тараққиётига туртки беради. Демак, махсус билимлар, мехнат кўникмалари ёки

---

[6] Беккер Г.С. Человеческое поведение: экономический подход. Избранные труды по экономической теории: Пер. с англ. /Сост., науч. ред., послесл. Р.И. Капелюшников; предисл. М.И.Левин.—М.: ГУ ВШЭ, 2003, —90,96 с

[9] Акромова Ш. Таълим хизматларига қўйилмалар –инсон капиталига инвестициянинг асосий шакли// Иқтисодиёт ва таълим .- Тошкент, 2014 . №1 .-Б. 137

[10] Каримов.И.А. "Юксак билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш – мамлакатни барқарор тараққий эттириш ва модернизация қилишнинг энг муҳим шарти" мавзусидаги халқаро конференциянинг якуний ҳужжати – резолюцияси.// "Халқ сўзи" 2012 йил 22 февраль.

танланган соҳа фаолияти бўйича тажрибага эга бўлган малакали ходимлар, яъни инсон капитали зарур. Миллий дастур эса ана шундай малакали кадрларни тайёрлаб жамиятга тақдим этишни бош мақсад қилиб белгиланган.

1-расм. Кадрлар тайёрлаш миллий модели



Иккинчидан, тайёрланаётган кадрларнинг савияси (инсон капитали сифати) уларнинг сиёсий етуклиги, хуқуқий жиҳатдан маданиятлилиги жамиятдаги хар қандай муаммони ҳал этишда муҳим аҳамият касб этади. Бундан ташқари инсон капитали сифати- бу бевосита таълим сифати ва уни инсон фаолияти натижаларига айлантириш қобилиятини ҳам назарда тутади.

Учинчидан, бу миллий модел нафақат мутахасисларни тайёрлаш воситаси, балки жамиятни интелектуал, технологик ва маданий даражасини ошириш, инновациялар ва тараққиётга бўлган интилишини қўлллаб-қувватлаш билан бирга, хусусий секторнинг таълим соҳасидаги ташаббусларини режалаштириш, жамиятда замонавий турмуш тарзини шакллантиришни онгига сингдириш ва давлат сиёсатига жорий этишга кўмак беради.

Кадрлар тайёрлаш миллий моделининг (1-расм. Кадрлар тайёрлаш миллий модели)асосий таркибий қисмларини ишлаш механизми келтирилган булиб, эътибор билан қараганда моделнинг биринчиси таркибий қисми, шахс яъни булғуси инсон капитали — кадрлар тайёрлаш тизимининг бош субъекти ва объекти, таълим соҳасидаги хизматларининг истеъмолчиси ва уларни амалга оширувчи;

давлат ва жамият — таълим ва кадрлар тайёрлаш тизимининг фаолиятини тартибга солиш ва назорат қилишни амалга оширувчи кадрлар тайёрлаш ва уларни қабул қилиб олишнинг кафиллари;

узлуксиз таълим—малакали рақобатбардош кадрлар тайёрлашнинг асоси бўлиб, таълимнинг барча турларини, давлат таълим стандартларини, кадрлар тайёрлаш тизими тузилмаси ва унинг фаолият кўрсатиш муҳитини ўз ичига олади;

фан — юқори малакали мутахассислар тайёрловчи ва улардан фойдаланувчи, илғор педагогик ва ахборот технологияларини ишлаб чиқувчи;

ишлаб чиқариш —кадрларга бўлган эҳтиёжни, шунингдек уларнинг тайёргарлик сифати ва савиясига нисбатан қўйиладиган талабларни белгиловчи асосий буюртмачи, кадрлар тайёрлаш тизимини молия ва моддий-техника жиҳатидан таъминлаш жараёнининг қатнашчиси.

Давлат ва жамият узлуксиз таълим ва кадрлар тайёрлаш тизими барча учун очиқ бўлишини ва ҳаёт ўзгаришларига мослашувчанлигини таъминлайди.

Бизга маълумки, кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг бош мақсади ва вазифаси ҳам мамлакатда инсон капиталини ривожлантириш орқали ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ва аҳолининг турмуш даражасини яхшилашдир. Кадрлар тайёрлаш миллий моделидаги энг муҳим компанент узлуксиз таълимдир. Айнан шу узлуксиз таълим тизими ва ундаги таълим хизматлари мамлакатимизда инсон капиталини ривожлантиришнинг асоси ва мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётини таъминловчи муҳим механизм ҳамдир.

Узлуксиз таълим тизими инсон капиталини дастлаб шаклланиши ва ривожланишига ўзининг таълим хизматлари орқали таъсир кўрсатади. Инсон капиталининг ривожланиши мамлакатдаги таълим хизматлари соҳасининг ҳолати, унинг самараси билан узвий боғлиқ. Бунда таълим хизматлари кўрсатадиган соҳанинг асосий энг муҳим вазифаларидан бири -сифатли таълим хизматлари кўрсатиш орқали инсон капитали сифатини янада яхшилашдан ва сақлашдан иборатдир.

Хулоса ўрнида шуни айтишимиз мумкинки, хозирги кун талаби таълимни тубдан ўзгартириш, янгилаш, уни замонавий талаблар даражасига етказиш вазифасини қўймоқда. Таълимни, хусусан, ундаги хизматлар сифатини яхшилаш, имкониятларни ишга солиш, бу борадаги мавжуд муаммоларнинг оқилона ечимини топиш вазифаси турибди. Бу вазифани ҳал қилиш таълим хизматларини сифатини ошириш йўли билан унинг рақобатбардошлиги таъминланади. Таълим хизматларининг рақобатбардош бўлиши, яъни талабни қондириш учун уларнинг сифати истемолчига мос келиши эса таълим тизимини барқарор ривожлантиришга кўмак беради.

Калит сўзлар: *Инновация, модернизация, диверсификация, бизнес субъектлари, инновацион технопарк, макроиқтисодий сиёсат.*

Аннотация: *Статья демонстрирует развитие экономической деятельности и обеспечение, а также обращают внимание на интенсивную экономику. В конце статьи также были представлены необходимые предложения и рекомендации.*

Ключевые слова: *Инновация, модернизация, диверсификация, инновационные предприятия, , технопарки и макроэкономическая политика.*

Annotatiton: *The article demonstrates development of innovative technologies of small business and private entrepreneurship and paying attention to intensive rise of small business and private entrepreneurship. At the end of the article necessary proposals and recommendations were also given.*

Key words: *Innovation, modernization, diversification, innovative businesses, technoparks, and macroeconomic policy.*

Ҳозирги замон талабларига мувофиқ миллий иқтисодиётни жадал суръатлар билан юксалтириш янгича қарашлар, янгича ёндашув ва албатта янги инновацион ғояларни талаб этади. Бир сўз билан айтганда янги инновацион ғоялар иқтисодий

ўсишнинг асосий тамойили ҳисобланади. Дарҳақиқат, XXI аср инновацион ғоялар, янги техника ва технологияларни қамраб олган давр бўлмоқда. Ишлаб чиқариш соҳасини ҳар бир бўғинида янги технологиялар, янги хизмат турлари, янги маҳсулотлар пайдо бўлди ва бизнеснинг интенсивлигини оширди. Маълумки, дунёда иқтисодий ривожланишнинг муҳим омили сифатида эътироф этилган илмий-техник тараққиёт бевосита инновацион жараён билан боғлиқ ва инновацион технологияларни янада ривожлантириш, таълим, илм-фан ва ишлаб чиқаришнинг самарали итеграциялашувини таъминлайди. 2017-йил 7-февралида Президент Ш.М.Мирзиёевнинг "Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида фармони қабул қилинди. Унга кўра: "илмий-тадқиқот ва инновация фаолиятини рағбатлантириш, илмий ва инновация ютуқларини амалиётга жорий этишнинг самарали механизмларини яратиш, олий ўқув юртлари ва илмий-тадқиқот институтлари ҳузурида ихтисослаштирилган илмий-экспериментал лабораториялар, юқори технология марказлари ва технопаркларни ташкил этиш."[121] белгилаб қўйилди. Инновацион ривожланишнинг аҳамиятига янада чуқурроқ назар солсак қуйидагиларни таъкидлаб ўтишимиз мумкин:

1. Иқтисодий ўсиш жараёнида иқтисодий ўсишнинг мақсадга эришиш йўли ёки йўналишидир. Саноатда маҳсулот ишлаб чиқариш юксалмоқда, шу сабабли, бозор талаби кундан-кун ошиб бормоқда, янги билимлар ва янги кашфиётларни саноатда, ишлаб чиқариш жараёнларида амалда қўллай билиш инновациянинг асосий омили ҳисобланади. Бундан ташқари, инновация янги тадбиркорлик фаолиятларини кашф этади ва тадбиркорликда иқтисодий ўсишнинг фундаментал омили ҳисобланади. Ҳозирги вақтда инновацион технологиялар энг муҳим стратегик ресурслардан бирига айланди. Ижтимоий-иқтисодий масалаларнинг муваффақиятли ҳал қилиниши, янги саноат ва молиявий технологияларнинг амалиётга жорий этилиши, инвестиция инфратузилмасининг ривожланиши, интеллектуал салоҳиятнинг ошиши, экспортга йўналтирилган, импорт ўрнини босувчи маҳсулотларнинг ишлаб чиқарилиши ҳамда мамлакатда валюта заҳираларининг жамғарилиши, кўп жиҳатдан, миллий инновацион фаолият даражасига боғлиқ.

2. Инновациялар ишлаб чиқаришни кучайтиришда, янги иш ўрнини яратишда, инсоннинг моддий ва номоддий эҳтиёжларини етарли даражада қондиришда ва инсониятнинг тараққий этишида янги имкониятлар эшигини очиб беради. Инновация исталган жамиятнинг тараққиётида катта аҳамиятга эга. Мамлакатимизнинг мустақилликка эришган дастлабки давридаги миллий хўжалиги, жумладан, саноат таркиби юқори технологияга асосланмаганлиги, илмий-техника тараққиёти ютуқларидан кенг фойдаланишга етарли даражада йўналмаганлиги ва экстенсив омилларга асосланганлиги билан тавсифланса, ҳозирда интенсив омилларга таянган, қўшилган қиймат улуши юқори, ички ва ташқи бозорда рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқараётган, замонавий технологиялар билан жиҳозланган саноат корхоналари кўпайди. Миллий саноат ва унинг соҳалари иқтисодиётнинг динамик ўзгаришда бўлган ҳамда ишлаб чиқариш суръатлари жадал ошаётган тармоқлари ҳисобланади. Айниқса, саноатнинг қора

[121] www.Lex.uz

металлургия, нефть ва нефть кимёси, машинасозлик, қурилиш материаллари, енгил ва озиқ-овқат соҳаларида ишлаб чиқариш ҳажми сўнгги йилларда тез ўсмоқда.

3. Бозор иқтисодиёти шароитида энг асосий ролни рақобат эгаллайди. Рақобат ишлаб чиқариш жараёнини кучайтиришга, корхоналар ўртасида беллашувнинг кучайишига сабаб бўлади. Бу ўз-ўзидан ишлаб чиқариш жараёнини кенгайтиришга, бир ишлаб чиқариш жараёнидан бозор талабига биноан кўп тармоққа ўтишга ундайди ва янги инновацион ғоялар орқали юксак натижага эришилади. Рақобат жараёни даврида эса кўпроқ фойда олишга имкон туғдиради.

Шуниси аҳамиятлики, инновация янги имкониятлар калити бўлиб, инновацион ғоя, фикрлар орқали жамиятимизда. иқтисодий тузумимизда юксак марраларга эришишимиз мумкин. Бунинг ҳаммаси инсондан тўғри фикрлай олиш, билимни етарли ва тўғри даражада тақсимлай олишгагина боғлиқ. Давлат инновацион сиёсати маҳаллий маҳсулотлар рақобатбардошлигини ошириш, барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш, аҳолининг турмуш сифати ва даражасини ошириш, технологик ва экологик хавфсизлигини таъминлаш учун инновацион фаолият устуворликларини тан олишдан келиб чиқиб шакллантирилади ва амалга оширилади. Инновацияни ривожлантиришни республикамиз миқёсида қарайдиган бўлсак, инновацион ғоялар орқали кўпгина иқтисодий фаолият турларини ривожлантира олишимиз мумкин. Биринчи Президентимиз И.А.Каримовнинг 2008-йил 15-июлдаги “ Инновацион лойиҳалар ва технологияларни ишлаб чиқаришга тадбиқ этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори бу борада муҳим аҳамиятга эга бўлди.[122] 2009-йилнинг 22-майидан эса “Хўжалик бошқаруви органларини модернизациялаш ва янги технологиялар билан таъминлаш ҳақидаги низом” кучга кирган бўлиб, унга мувофиқ улар ўзларида ишлаб чиқариш соҳалари ва корхоналарнинг инновацион ривожланишига ёрдам берувчи шундай фондларни ташкил этиш имкониятига эга бўлдилар.[123] Авваламбор таъкидлаб ўтиш жоизки, мамлакатимизда қабул қилинган қатор қарорлар инновацион тараққиёт учун хизмат қилади ва инновация келгусида ишлаб чиқариш корхонаси мисолида оладиган бўлсак, ривожланиш омили ва муваффақият калити ҳисобланади.

Айни пайтда, Ўзбекистоннинг инновацион тараққиёти жараёнларини янада жадаллаштиришга доир стратегик муҳим вазифаларни ҳал қилишда саноат соҳаси вакиллари, олимлар, тадбиркорлар саъй-харакатларини бирлаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги ва Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш кўмитаси томонидан кўплаб ишлар амалга оширилмоқда. Айни пайтда Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексида кўплаб имтиёз ва енгилликлар яратилган. Далил сифатида шуни таъкидлаш лозимки, Солиқ кодексида корхоналар мулкдорларида стратегик режалаштириш ҳамда ўз тадқиқот ва лойиҳаларини ўтказишга етарли даражада йўналтирилгандир. Шу сабабли, илмий-техник секторида мамлакатни инновацион ривожлантириш вазифаларини ҳал қилишга йўналтириш учун қуйидагиларни амалга ошириш зарурлиги белгилаб қуйилган:

[122] Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й., 38-сон, 446-модда Lex.uz

[123] www.academy.uz

1. Ишларни бажаришнинг ташкилий шаклларини диверсификациялаш: давлат томонидан тадқиқот ва лойиҳаларни инвестициялашда давлат шартномалари, грантлар ва кооператив битимлардан фойдаланишнинг ҳуқуқий ва институционал асосларини ишлаб чиқиш.

2. Давлатнинг анъанавий жавобгарлик ҳудудларида қуйидагилар йўли билан дастурлашни ислоҳ қилиш: давлат инновацион ва технологик сиёсатининг бошқа мақсадлари билан давлат ижтимоий ролининг мақсад ва вазифаларига максимал тузатишлар киритиш тамойилини амалга ошириш; фан, саноат ва ҳукумат намоёндалари билан мулоқот қилиш интерактив жараёнларига асосланган дастурлар шакллантиришнинг очиқ жараёнларини ишлаб чиқиш.

3. «Фуқаролик йўналишидаги фан ва техникани ривожлантиришнинг устувор йўналишлари бўйича тадқиқот ва лойиҳалар» минтақавий мақсадли дастурини ислоҳ қилиш: илмий-техник ривожланиш ва технологияларнинг устувор йўналишларини ҳукумат, давлат ва нодавлат секторидаги илмий ташкилотлар, саноат ва молия бизнеси вакиллари билан қалин ўзаро алоқаларда махсус интерактив жараёнлар асосида шакллантириш.

4. Давлат молия ташкилотларини молиялаштириш тизимини улар томонидан ҳақиқатда амалга оширилаётган фаолиятга мувофиқ ҳолга келтириш. Ташкилотларнинг илмий фаолиятининг базавий молиялаштиришдан илмий лойиҳаларда иштирок этишга асосланган молиялаштиришга ўтиш; хўжалик фаолиятининг молиявий таъминлаш ва ташкилот фаолиятидан олинган даромаддан фойдаланишни аниқ тартибга солиш.

5. Давлат секторида илмий тадқиқот ишлари ижрочиси ҳисобланган ташкилотлар фаолиятини баҳолаш ва уларнинг структурасини ислоҳ қилиш жараёнларини ривожлантириш. Ташкилот илмий-тадқиқотчилик фаолияти сифатини баҳолаш иккита мезон – ўтказилаётган илмий тадқиқотлар ишларининг сифати ва уларнинг ташкилот муаммоли йўналишига мувофиқлигидан келиб чиқиб амалга оширилиши лозим. Релевант таркибий қисм ташкилотнинг давлат жавобгарлик ҳудудидаги вазифаларини ҳал қилишга қўшадиган ҳиссасини (жумладан шартнома ва грантларни молиялаштириш ҳажмини) ва унинг мамлакат иқтисодиёти рақобатбардошлигини оширишга қўшадиган ҳиссасини (патент ва лицензия фаолияти, саноат билан кооперация) баҳолаш бўйича белгиланади.

6. Солиқ имтиёзлари, пасайтирилган кредит ставкалари бўйича заёмлар йўли билан саноатнинг тадқиқот ва лойиҳаларига инвестициялар киритишни рағбатлантириш.[124]

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш лозимки, Мустақиллик йилларида иқтисодий ва ижтимоий муносабатлар тизимида чуқур сифат ўзгаришлар амалга оширилди, миллий иқтисодиётнинг тармоқ тузилиши инновация хисобига янгиланди. Айни пайда, мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамиятидаги ўрни ва мавқеи тобора мустаҳкамланиб бормоқда. Бозор иқтисодиётига ўтишнинг талабларидан бири иқтисодиёт тармоқларида инновацион ислоҳотлар қилиш ҳисобланади ва бу борада қуйида ўз таклиф ва мулохазаларимизни келтириб ўтамиз:

[124] Абдусаттарова Х.М. «Инновация стратегияси» - ўқув ўлланма. Тошкент 2011-й, 60-бет.

Биринчидан, ташқаридан импорт қилинадиган маҳсулотни ички ишлаб чиқариш жараёнига мослаштириш ва маҳаллийлаштириш албатта инновацион ғояларга таянади. Яъни, давлат бюджетидан катта миқдордаги нақд пулни тежаш имконини беради.

Иккинчидан, Инноватцион ғояларни ривожланитириш хорижий моделлардан андоза олган ҳолда натижага эришиш мақсадга мувофиқ йўлдир. Чунки, янги ёндашув ва фикрларни амалда тадбиқ этиш иқтисодий жиҳатдан кўп маблағ ва меҳнат талаб этади. Шунинг учун, чет эл моделларидан андоза олиш кам ҳаражат ва синалган услуб ҳисобланади. Далил сифатида шуни таъкидлаш лозимки, АҚШ ва Европада мавжуд инновацион технопарклар республикамиз пойтахтида ҳам қад кўтариш арафасида бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Тошкент шаҳрининг Яшнаобод ва Олмазор туманларида инновацион технопаркларни яратиш тўғрисида"ги қарор қабул қилинди.[125]

Учинчидан, яна бир муҳим аҳамиятга молик омиллардан бири бу хорижий инвестиция бўлиб, ҳар томонлама давлат ва ишлаб чиқариш корхонасига фойда келтиради. Бу орқали моддий техник база тубдан инновацион тарзда янгидан вужудга келади.

Шу жумладан, Ўзбекистон ҳам шу йўлдан дадил одимламоқда. Республикамизнинг биринчи Президенти И.А.Каримов таъкидлаганидек "Ушбу сиёсат, аввало, мамлакатнинг иқтисодий қудратини янада мустаҳкамлаш, бой табиий, хом-ашё ва меҳнат ресурслари, интелектуал ва илмий-техникавий салоҳиятимиздан тўла ва самарали фойдаланишга йўналтирилган бўлиши даркор. Шуни такрор айтиш жоизки, бугунги кунда мамлакатимизни, аввало иқтисодиётимизни ислоҳ этиш, эркинлаштириш ва модернизация қилиш, унинг таркибий тузилишини диверсификация қилиш борасида амалга оширилаётган, ҳар томонлама асосли ва чуқур ўйланган сиёсат бизни инқирозлар ва бошқа таҳдидларнинг салбий таъсиридан ҳимоя қиладиган кучли тўсиқ, айтиш мумкинки, мустаҳкам ва ишончли ҳимоя воситасини кўрсатди".[126] Дарҳақиқат иқтисодиётни модернизация қилиш, унинг таркибий тузилишини диверсификация қилиш жуда ҳам муҳимдир. Бу эса ҳар бир мамлакат учун инновацияни ривожлантириш зарурлигини кўрсатади. Шундай экан биз мамалакатимизда янада кучли инновацион муҳитни яратишимиз керак. Зеро инновация – кучли иқтисодиёт олиб боришнинг кучли омилларидан биридир.

АГРАР СОҲАДА ИННОВАЦИОН ИНФРАТУЗИЛМА ХИЗМАТЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

Хамраева С.Н. – ҚарМИИ, "Иқтисодиёт" кафедраси доценти, и.ф.н
Йўлдошев Ш. – СамҚХИ, ассистент

Аннотация:*Мазкур мақолада қишлоқ хўжалаги барқарорлигини таъминловчи инновацион инфратузилма хизматларини ташкил этиш шакллари, турлари, вазифалари ёритилган бўлиб, Ўзбекистон шароитида инновацион инфратузилма хизматларани ривожлантириш масалалари кўриб чиқилган.*

[125] www.kun.uz ma'lumotlari asosida
[126] Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. И.А.Каримов, "Ўзбекистон" 2009-й. 31-бет.

Аннотация:*В данной статье раскрыты формы организации, виды задачи инновационной инфраструктуры, обеспечивающие стабильное развитие сельского хозяйства, и рассмотрены вопросы инновационного развития инфраструктуры в условиях Узбекистана.*

Annotation:*In this article, the organizational forms, types of the task of innovative infrastructure that ensure the stable development of agriculture, and the issues of innovative infrastructure development in the conditions of Uzbekistan are disclosed.*

Калит сўзлар: *инновация, инфратузилма, инновацион фаолият, агротехнопарк, технополис, бизнес - инкубатор*

Ключевые слова: *инновация, инфраструктура, инновационная деятельность, агротехнопарк, технополис, бизнес – инкубатор*

Key words: *innovation, infrastructure, innovative activity, agrotechnopark, technopolis, business incubator*

Ривожланган мамлакатлар тажрибаси кўрсатишича, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши самарадорлигини оширишнинг асосий шартларидан бири юқори даражада техник жиҳозланганлик, илғор технологияларни қўллашга хизмат қилади, яъни инновацион фаолият - ривожланган мамлакатлар иқтисодий стратегияси асосидир. Ҳисоб-китобларга кўра, иқтисодий ўсишнинг 30% меҳнат харажатларини ошиши, 40% - меҳнат унумдорлигини ошиши ҳисобига таъминланади ва 30% эса инновацион технологияларни қўллаш ҳисобига таъминланар экан[127]

Республикамизда аграр илм-фан ривожлантириш борасида кўпгина амалий ишлар қилинди, фундаментал, амалий ва инновацион лойиҳалар ишлаб чиқилди.

Аграр соҳада инновацияларни шакллантириш ва ўзлаштириш мамлакатда аграр илм-фанни ривожланиш даражаси, соҳанинг илмий-техник салоҳияти, тармоқдаги хўжалик юритувчи субъектлари (қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилар, қишлоқ инфратузилмаси субъектлари)нинг инновацияларни, фан-техника ютуқларини ўзлаштиришга тайёргарлиги ва салоҳияти (иқтисодий ва молиявий салоҳият, корхона раҳбарлари ва мутахассисларининг фан-техника ютуқлари ва янгиликларга хайри хохлиги ва бошқалар) билан боғлиқ. Ижобий муҳитдаги ҳолатда жамиятда барча таркибий элементларни қамраб олган инновацион тизим шаклланади, шу жумладан инновацион инфратузилма ҳам ва уларнинг ўзаро таъсирини таъминлайди.

Инновацион инфратузилма ўз таркибига инновацион салоҳиятни юксалтириш асосида инновацион фаолиятни самарали амалга оширишга ва янгиликларни ўзлаштиришга қаратилган инновацион-саноат мажмуларни, инновацион-технологик марказларни, технологик инкубаторларни, технопарк, ўқув – тадбиркорлик марказлар ва бошқа ташкилотларни қамраб олган.[128]

Шунингдек, инновацион инфратузилма таркибига инновацион менеджмент, инвестицион, консалтинг, венчур, суғурта ва бошқа турдаги хизматлар ҳам киради.

---

[127] Карташов Е.Ф. Модернизация сельскохозяйственного производства на основе трансфера инновационных технологий // Фундаментальные исследования. – 2012. – № 11 (часть 2) – с.493-497.

[128] Шлепкин А.К., Паршуков Д.В. Формирование инновационной инфраструктуры АПК Красноярского края/ В е с т н и к Кр а с Г АУ. 2 011. №12. Стр. - 42

Аграр соҳада инновацион инфратузилма таркибини қуйидагича шакллантириш мақсадга мувофиқ:

- илмий-инновацион фаолиятнинг институционал асосини ташкил қилувчи давлат;
- илмий – техник ривожланишининг асосини шакллантирувчи ҳамда фундаментал ва амалий тадқиқотларни амалга оширувчи илмий-тадқиқот муассасалар;
- инновацион кадрлар салоҳиятини ривожланишини таъминловчи , инновацион ривожланиш учун шароитларни шакллантирувчи, шунингдек, инновацияларни ишлаб чиқиш, мослаштириш ва оммавий жорий этишни таъминловчи таълим муассасалари;
- банк тизими, турли йўналишдаги давлат ва хусусий инвестицион фондлар, кичик инновацион бизнесни қўллаб-қувватловчи молиявий институтлар;
- инновацион инфратузилманинг воситачилик элементлари ҳисобланган бизнес-инкубаторлар, технопарклар, илмий-технологик марказлар, инновацион-технологик марказлар, инновацион марказлар, бизнес-инкубаторлар, қишлоқ хўжалиги марказлари, технологиялар трансферти марказлари;
- илмий-тадқиқот ва серияли ишлаб чиқариш ўртасида алоқани таъминловчи кичик инновацион ва тажриба конструкторлик корхоналар ;
- якка тарзда тадқиқот ва кашфиёт билан шуғулланувчи тадбиркорлар ва ихтирочилар;
- инновация истеъмолчилари – давлат, хўжалик юритувчи субъектлар ёки оммавий истеъмолчи бўлиши мумкин.

Инновацион инфратузилмага технополис, инновацион-техник ва технологик марказлар, технопарклар, бизнес-инкубаторлар, трансфер –технологиялар марказлари, инновацион фаолият учун кадрларни тайёрлаш марказлари, венчур фондлар ва бошқа таълим муассасалари киради.

Аграр соҳада инновацион ишланмаларни ишлаб чиқишда ўзлаштираётган ташкилий тузилмалардан агротехнополис ва агротехнопаркларнинг ташкил этилиши муҳим аҳамият касб этади. Айнан ушбу инновацион ташкилолотлар давлат, тармоқ, ҳудудий илмий – техник дастурларни ва халқаро лойиҳаларни амалга оширишда илмий – техник маҳсулотларни мажмуавий тарзда ўзлаштириш имконини беради.

Хорижий мамлакатларда технопарклар нафақат информацион технологиялар соҳасида, балки бошқа соҳалар бўйича, ҳаттоки бир неча соҳаларни қамраб олган ҳолда ҳудудий ёки тармоқ тамойилларига асосланган ҳолда ташкил этилиши мумкин. Технопарклар одатда давлат ва соҳа мутассади ташкилотларнинг кўмагида юқори илмий-техник ва кадр салоҳиятига эга бўлган илмий жамоа ташаббуси билан ташкил этилади. Бозор коньюктурасига жавоб берадиган юқори самарали ишланмаларни олишга манфаатдор бўлган тижорат тузилмалар ва корхонлар технопаркларнинг ҳомийлари бўлиши мумкин. Технопарклар майда инновацион фирмалар ва йирик илмий жамоалар ўртасидаги алоқаларни боғлайди. Агротехнопарклар илмий муассасаларга инновацион жараёнда фаол иштирок этишини ва ўзининг инновацион маҳсулотлари билан бозорга кириб боришини таъминлайди ва шу асосда инновацион маҳсулот ва илмий ишланмаларга сарфланган харажатларини тезда қоплаш имконини беради. Айнан агротехнопарк

орқали ўзларининг инновацион маҳсулотларини (ишланма, хизмат) маҳсулотларини реализация қилишганида уларни қисқа вақтда ва бозор нархида амалга оширишлари мумкин.

Агротехнопарклар бошқа тармоқларда ташкил этилган технопарклардан фарқли равишда уларнинг фаолияти қишлоқ хўжалигида ҳам асосий ишлаб чиқариш воситаси, ҳам меҳнат предмети ҳисобланган ер билан боғлиқ, шунингдек, тирик организмлар, яъни қишлоқ хўжалиги экинлари, чорва моллар билан ҳамда қишлоқ хўжалиги техникаси ва бошқа шу каби воситалар билан чамбарчас боғлиқ, бу эса унинг ўзига хос ҳусусиятини белгилайди. Аммо шу билан бирга ушбу ҳусусият агротехнопаркларнинг фаолиятини бошқариш тизимига камроқ таъсир этади. Қишлоқ хўжалигида технопарклар қишлоқ хўжалиги экинларини етиштириш технологияларни ўзлаштириш жараёнида фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Агротехнопарклар ушбу агротехнологияларни комплекс баҳолаб боради ва келажакда табиий, иқлим ва ишлаб чиқариш шароитлари бир ҳил бўлган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларга оммавий тарзда жорий этишга кўмаклашади. Мазкур ишланмага янги техника ёки техникаларнинг янги авлоди, чорва молларнинг янги зотлари, кимёлаштириш усуллари, ҳаттоки корхонани ташкил этиш ва бошқариш усуллари бўлиши мумкин.

Илмий таъминот марказлари доирасида технопарклар ўзларининг эришган ютуқларини тарғиб ва реклама қилиш, ярмарка, аукцион, кўргазма, ижодий кечалар ва семинарларни ташкил этиш учун кенг имкониятларга эга.

Агротехнопарклар ўз таркибига қуйидагиларни қамраб олади:

- агротехпарк жойлашган ҳудуднинг ижтимоий инфратузилмаси (турар жойлар, тиббиёт ва ўқув муассасалари, маиший ва маданий объектлар);
- агротехнопаркларнинг инновацион лойиҳалари жорий этилиши лозим бўлган ҳудуднинг маҳаллий администрацияси;
- аграр соҳадаги якунланган илмий – техник ишланмаларнинг ижрочилари ҳисобланган илмий – тадқиқот институтлари, илмий – ишлаб чиқариш бирлашмалари ва бошқа ижрочилар;
- аграр соҳадаги янги технология ва инновацияларнинг эгаларининг вақтинчалик илмий жамоалари;
- аграр соҳа учун юқори технологияли маҳсулот ишлаб чиқараётган вазирлик ва аграр соҳа тизимидаги турли хил конструкторлик бюролар ва заводлар;
- агротехнопаркнинг илмий-техник маркази.

Аграр соҳада агротехнопаркларни ташкил қилиш ва уларда тугалланган илмий ишланмаларни жорий этиш бўйича инновацион лойиҳаларни амалга ошириш бир қатор вазифаларни ҳал этиш имконини беради:

- танлов асосида ишлаб чиқаришга илмий – техник ишланмаларни жорий этиш мақсадида илмий ташкилот ва аграр соҳадаги ишлаб чиқариш корхоналари ўртасидаги ўзаро манфаатдор ҳамкорликни таъминлайди;
- аграр соҳада фаолият кўрсатаётган корхоналарда (қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилар ва унга хизмат кўрсатувчи инфратузилма объектларида) якунланган илмий-техник ишланмаларни жорий этиш, ишлаб чиқариш тажрибаларини ўтказиш ва серияли ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш муддатларини анча камайтиради;

- агротехнопарк объектларида юқори технологиялар, машина ва ускуналарни жорий этиш учун турли хил инвесторларнинг молиявий воситаларини концентрациялаш.

Аграр соҳада инновацион инфратузилмани ривожлантиришга макро ва мезодаражада таъсир этувчи омилларга қуйидагиларни киритиш мумкин:

- ўз олдига аниқ мақсад ва вазифаларни белгилаб олган давлатнинг инновацион сиёсати;
- инновацион иқтисодиётни шакллантириш ва инновацион сиёсатни амалга оширишда мавжуд бўлган инновацион салоҳиятдан унумли ва самарали фойдалиниш;
- қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилар, тадқиқотчилар ва таълим соҳалари ўртасида ҳакорликни доимий равишда яхшилаб бориш;
- инновацион инфратузилма объектлари (инновацион марказ, агротехнопарк, бизнес – инкубаторлар) орқали давлат томонидан аграр соҳада инновацион жиҳатдан салоҳиятли ҳисобланган хўжалик юритувчи субъектларни қўллаб-қувватлаш;
- инновацион инфратузилма объектларга нисбатан солиқ тортишда ва кредит ажратишда имтиёзлар қўллаш;
- ривожланган мамлакатлар тажрибасини ўрганиб, Ўзбекистон шароитида уларни жорий этиш.

Шуни таъкидлаб ўтиш лозимки, аграр соҳада инновацион инфратузилмани шакллантириш ва ривожлантириб боришда давлатнинг ўрни муҳим аҳамият касб этади.

УМУМИЙ ОВҚАТЛАНИШ ХИЗМАТЛАРИНИ КЎРСАТИШДА СИФАТ ВА САМАРАДОРЛИК

С.А.Ташназаров – СамИСИ катта илмий ходим, изланувчиси

Анотация: *Ушбу мақолада умумий овқатланиш корхоналари хизматларининг сифати ва мазкур корхоналарнинг самарадорлиги билан боғлиқ айрим жиҳатлар кўриб чиқилган.*

Калит сўзлар: *хизмат, сервис, сифат, рақобатбардошлик, самарадорлик*

Аннотация: *В данном стате предоставлено некоторых аспектах качеством услуги общественного питания, и эффективностью этих предприятий.*

Ключовые слава: *Обслуживание, сервис, качество, конкурентоспособность, эффективность*

Annotation: *In this article provides some aspects of the quality of catering services, and the efficiency of these enterprises.*

Keywords*:* Service, quality, competitiveness, efficiency.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республткасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожини рағбатлантириш масаласига алоҳида этибор

қаратилиши мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ўрни беқиёс эканлигини яққол кўрсатиб турибди. Қолаверса, Республикамизда жадал суратлар билан ривожланаётган хизматлар соҳасида фаолият олиб бораётган хўжалик юритувчи суъектларининг асосий қисми кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналари ҳисобланади. Ушбу типдаги корхоналар ўртасида умумий овқатланиш хизматларини кўрсатувчи корхоналарнинг ҳиссаси салмоқли бўлиб, айни даврда умумий овқатланиш корхоналари сон ва қамров жиҳатидан кенг кўлам ёйиб бормоқда. Шу билан бирга Ўзбекистоннинг табий-ресурслари захирасининг мавжудлиги ва масштаби, такрорланмас табиий-ландшафт потенциали ва тарихий-архитектура ҳамда маданий ёдгорликларнинг мавжудлиги, республикада туризмни ривожлантиришга қаратилаётган эътибор келажакда туризмни ривожлантириш имконият-ларини оширади, бу эса умумий овқатланиш корхоналари ривожланиши динамикасига таъсир этиб, умумий овқатланиш корхоналари сонининг янада ўсишига олиб келади. Ушбу турдаги корхоналарнинг сон жиҳатдан кўпайиши тармоқда мувоффақиятли фаолиятни таъминлаш билан боғлиқ масалаларни ҳал этилишини тақозо қилади. Мижозларга умумий овқатланш тармоқлари орқали хизмат кўрсатиш муваффақиятининг муҳим компонентларидан бири сервиснинг сифатидир, яъни юқори даражада хизмат кўрсатиш мижозларни овқатланиш корхонасига жалб қилиш имконни оширади, ёқимли ҳолатни шакллантиради, умумий овқатланиш корхонасининг обрўйини юқори даражага кўтаради, унинг фаолиятини молиявий-иқтисодий кўрсаткичларига таъсир кўрсатади.

Бизнинг нуқтаи назаримизга кўра, овқатланиш хизматини сифатини оширишда аввало ушбу хизматлар кўрсатиш жараёнида намоён бўлаётган, хизмат кўрсатиш сифатига таъсир кўрсатадиган, энг кўп учрайдиган салбий жиҳатларни аниқлаш, ушбу жиҳатларнинг келиб чиқиш сабабларини таҳлил қилиш лозимдир. Соҳага оид кўплаб адабиётларда овқатланиш хизматларини кўрсатишда сифатга таъсир этадиган энг кўп учровчи салбий жиҳатлар қаторида асосан қуйидагилар келтирилган:

- баланд овозда мусиқа қўйилиши;
- менюда кўрсатилган баъзи таомларнинг бўлмаслиги;
- таомларни кеч қолиб тортиш;
- официант буюртмада баъзи таомларни ёзишни эсидан чиқариши ёки буюртмани хато бажариши;
- ўзи ишлаб чиқарган маҳсулотнинг сифатсиз эканлиги;
- мижозлар ўртасидаги келишмовчиликка маъмуриятнинг аралашмаслиги;
- секин хизмат кўрсатилиши;
- таомнинг совуқлиги;
- хизмат кўрсатувчиларнинг қайси таом борлигидан хабардор эмаслиги (ишончли эмаслиги);
- официантларнинг ҳаддан ташқари диққати;

- таомларнинг кеч таклиф этилиши.

Ушбу жиҳатлар кузатилган умумий овқатланиш корхоналари фаолияти натижаси бўйича мижозларда асосан қуйидаги ҳулосалар пайдо бўлади;

- Кўрсатиладиган хизматларнинг сифати етарлича юқори эмаслиги;
- Нарх ва сифатнинг ўзаро номутаносиблиги;

Аҳолига турли хизматларни энг юқори сифат даражасида кўрсатиш ва бу орқали уларнинг турмуш даражасини янада ошириш хизматлар соҳасининг олдида турган долзарб вазифа ва айни давр талаби бўлиб турган бир пайтда, овқатланиш корхоналарида кўрсатилаётган хизматлар сифатини таъминлаш билан боғлиқ масалалр доимий диққат марказида бўлмоғи зарур. Хизмат кўрсатишнинг сифатини оширишни мавжуд муаммолари одатда асосан икки усул ёрдамида ҳал этилади;

- Мижозлар ўртасида сўровнома ўтказиш;
- Ходимларни ўқитиш (ўқув тренинг).

Мижозлар ўртасида сўровнома ўтказиш ва олинган маълумотларни таҳлил қилиниши, тегишли қарор қабул қилиниши, назорат ўрнатилишини таъминлаш орқали сифатни яхшилаш бўйича зарур ишлар амалга оширилади. Бошқариш буйича самарали қарорлар қабул қилиш ва ходимларни рағбатлантириш имкониятини берувчи, натижаларни ва назорат натижаларини қўллашнинг аниқ механизмларини яратиш талаб этилади.

Ходимларнинг тренинги сўзсиз овқатланиш корхоналарида хизмат кўрсатиш сифатига ижобий таъсир қила олади. Аммо, тренинглар натижасида ходимлар айнан олган билимларини хизмат кўрсатиш жараёнида қўллаш ёки қўлламасликлари, мижозлар билан ишлаш кўникмаларидан қай даражада самарали фойдаланишлари маълум эмас.

Умумий овқатланиш корхоналари хизматининг сифати улар фаолиятининг самарадорлигини таъминловчи асосий омиллардан бири ҳисобланади. Хизмат сифати корхонанинг ижтимоий самарадорлигини ифода этса, иқтисодий самарадорлик эса ресурслар самарадорлиги, корхонанинг натижавий фаолият кўрсатиши ва рақобатбардошлилик ҳолатларига боғлиқдир.

Умумий овқатланиш корхоналари фаолият самарадорлиги олдинга қўйилган мақсадга энг кам маблағ сарфлаб эришишни ифодалайди. Уларда самарадорлик қуйидаги кўрсаткичлар тизимлари орқали аниқланади:

- ишлаб чиқариш - технологик самарадорлик моддий ва меҳнат ресурсларидан фойдаланиш даражасини ифодалайди ва фондлар қайтими, фондлар сиғими, меҳнат унумдорлиги каби кўрсаткичлар орқали аниқланади;

- ишлаб чиқариш - иқтисодий самарадорлиги ишлаб чиқаришнинг умумий натижавий кўрсаткичлари билан ўлчанади; ялпи маҳсулот қиймати, фойда, рентабеллик, харажатларнинг қопланиши[129].

[129] Шарипов Т.С. Умумий овқатланиш корхоналари самарадорлигини оширишнинг ташкилий-иқтисодий механизмларини такомиллаштириш (Самарқанд вилояти мисолида). Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. Самарқанд-2010

Т.И.Николаева овқатланиш корхоналари самарадорлигини комплекс баҳолаш асосида, ушбу кўрсаткични қуйидаги даражаларини ажратиб кўрсатади:

- абсолют самарадорликка эга булган умумий овқатланиш корхонаси - бу бозорда ўз потенциалидан максимал самарали фойдаланадиган, ўзини ўраб турган муҳитга мослашган корхона назарий моделидир;
- юқори самарадорликка эга бўлган умумий овқатланиш корхонаси – бу хўжалик юритувчи субъект ўзининг бозор стратегиясини тўла амалга оширади, мазкур бозорда етакчи ўрин эгаллайди, истеъмолчилар томонидан абсолют тан олинади, ўзоқ муддатли режалар асосида ривожланади;
- самарадорликка эга бўлган умумий овқатланиш корхонаси - бу хўжалик юритувчи субъект бозор стратегиясида мустахкам ўринга эга, соҳада ўз қизиқишларини амалга оширишда рақобатчиларга қарши туриш имкониятига эга ва ўртача давр давомида (5 йилгача) истеъмолчилар томонидан тан олинадиган корхона;
- самарадорлиги паст бўлган умумий овқатланиш корхонаси - бу хўжалик юритувчи субъект рақобатчиларга актив қаршилик кўрсата олмайдиган, ўз фаолиятига ўзгариш кирита олмайдиган, паст рентабелли корхона. Бозордан сиқиб чикарилиш эхтимоли 1 йилдан 3 йилгача;
- самарасиз умумий овқатланиш корхонаси - бозор талабларига жавоб бера олмайдиган, хўжалик фаолияти самарадорлиги паст, актив ривожланиш учун имкониятга эга бўлмаган, хўжалик ва тижорат хавфи остида бўлган корхона[130]. Ушбу нуқтаи назарга кўра бозорда қайси позицияни эгаллаши корхонанинг истиқболини белгилайди, келажак режалари ва мақсадларига аниқлик киритади.

Хулоса сифатида шуни айтиш жоизки умумий овқатланиш корхоналарида хозирги замон сифатни бошқариш услубларини қўллаш, бу соҳада замонавий билим ва тажрибадан самарали фойдаланиш, корхонада сифатни бошқариш тизимини яратиш, кўрсатиладиган хизматлар сифати буйича мижозларнинг фикрларини доимий равишда ўрганиш, хизмат сифатини доимий равишда ошириб бориш имкониятларини яратади. Мижозларнинг мустақил равишда умумий овқатланиш корхонасидаги хизмат кўрсатиш сифатига баҳо бера олиш имкониятининг яратилганлиги, уларнинг фикр-мулоҳазалари ва тавсияларини доимий ўрганиб боришни йўлга қўйилганлиги корхонанинг рақобатбардошлик имкониятларини оширади. Рақобатбардошлик эса самарадорлик ва самарали фаолият гаровидир.

[130] Николаева, Т. И. Организация общественного питания: резервы и оценка эффективности /Т.И.Николаева, З.О. Фадеева// учеб. пособие – Екатеринбург : Изд-во Урал. гос. экон. ун-та, 2008. – 183 с.

М У Н Д А Р И Ж А

I ШЎЪБА. ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИ ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНИШИНИНГ НАЗАРИЙ МАСАЛАЛАРИ

Иммомов Н. XXI-АСРДА ИҚТИСОДИЙ-СИЁСИЙ ВА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИДА ГЛОБАЛЛАШУВ ЖАРАЁНЛАРИ, ОҚИБАТЛАРИ ВА ЕЧИМИ……. 3

Рузибаева Н. Х., Абдурасулов Ж. А., Рахимов М. Ў. ИҚТИСОДИЁТНИ ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ……..... 6

Саттарова З.И., Рузиева Н., Норқулов Ф.Т. РЕСПУБЛИКАМИЗДА ТРАНСПОРТ ХИЗМАТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ……..... 11

Инобатов А.Б. ИШЛАБ ЧИКАРИШНИ ВА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ИНФРАТУЗИЛМАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ХОРИЖИЙ МАМЛАКАТЛАР ТАЖРИБАЛАРИ……. 14

Ахроров З.О., Амонов Б. ХЎЖАЛИК ЮРИТУВЧИ СУБЪЕКТЛАРНИНГ ИННОВАЦИЯ ФАОЛИЯТИ ЗАРУРИЯТИ……..……. 18

Ахмедова А.Т.,Умаров Ш. ТЕХНОЛОГИЧЕСКОЕ ИНКУБИРОВАНИЕ В РАЗВИТИИ ИНФРАСТРУКТУРЫ РЫНКА ИННОВАЦИЙ В УЗБЕКИСТАНЕ……... 21

Мадиллоева Х.М. АҲОЛИ ТУРМУШ ДАРАЖАСИНИ ОШИРИШ ВА ФАРОВОНЛИГИНИ ЮКСАЛТИРИШНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ. 25

Хасанов Б.Т., Рахимова И. ИННОВАЦИОННЫЕ ПОДХОДЫ К УПРАВЛЕНИЮ В СФЕРЕ ПРОМЫШЛЕННЫХ ПРЕДПРИЯТИЕМ…….. 28

Тухлиев Б., **Турсунов О., Алимов А.** ХУСУСИЙ БИЗНЕС СУБЪЕКТЛАРИ ВА ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ЎРТАСИДАГИ ИННОВАЦИОН ҲАМКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ.… 32

Ғайбуллаев О.Б., Алиева Н.А. ТАЪЛИМ ХИЗМАТЛАРИНИНГ ИЖТИМОИЙ - ИҚТИСОДИЙ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ЙЎЛЛАРИ…..…… 36

Алиева Н.А., Ғайбуллаев О.Б. ЧОРВАЧИЛИК ТАРМОҒИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА СЕРВИЗ ХИЗМАТИНИ ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ АҲАМИЯТИ……..….. 42

Абдукадиров Б.А. РОЛЬ ИННОВАЦИИ В СФЕРЕ УСЛУГ……..…… 46

Абдукадиров Б.А.ОСНОВНЫЕ ПОНЯТИЯ И КЛАССИФИКАЦИЯ СФЕРЫ УСЛУГ И ИННОВАЦИЙ…… 49

Бердиев Ж.Қ. ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ВА СЕРВИС ТАРМОҚЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ САМАРАДОРЛИГИ…….…….. 52

Назаров С. ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ-ДА АХБОРОТ ТИЗИМЛАРИНИНГ АҲАМИЯТИ……..…….…….. 54

Касимова Ю. АГРОСЕРВИС СОХАСИДА ИНФРАТУЗИЛМА СУБЪЕКТЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ…….….. 57

Kubayeva Sh.T INNOVASION TAFAKKUR IQTISODIYOT POTENSIALINI

YUKSALTIRISH OMILI SIFATIDA…….. 60
Qayumov A., Ro‘ziyeva N. XIZMAT KO’RSATISH SOHASIDA AHOLI BANDLIGINI TA’MINLASH BO’YICHA XORIJ TAJRIBASI…….…….... 64
Нуралиев Ҳ.С. КОМПЬЮТЕР ТАРМОҚЛАРИ ВА УЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ…….…… 67
Тажибоева Х.М., Тожибоев Ш.М. РОЛЬ СФЕРЫ УСЛУГ В РАЗВИТИИ ЭКОНОМИКИ УЗБЕКИСТАНА……... 70
Наркулов Ш.З. ХИЗМАТЛАР СОХАСИ ТАРМОҚЛАРИДА КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ХУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ……... 74

II ШЎЪБА. ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИНИ ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНИШИНИНГ ИҚТИСОДИЙ-МОЛИЯВИЙ МЕХАНИЗМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

Soliyev A.U., Sultonov Sh.A. XIZMAT KO’RSATISH SOHASINI INNOVATSION RIVOJLANTIRISHDA MIKROKREDITLASH MEXANIZMINING ISTIQBOLLARI……. 79
Каримбердиев Ж., Ражабов З.Ж., Хамраев М.С. МОЛИЯВИЙ НАЗОРАТНИНГ КОРХОНАЛАР БАРҚАРОРЛИГИНИ ОШИРИШДАГИ РОЛИ…… 82
Собиржонов Ж., Зубайдуллаев Ф.Ф., Курбанова С.Б. ХИЗМАТ КЎРСАТИШ КОРХОНАЛАРИДА РЕСУРСЛАР САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ЙЎЛЛАРИ…… 85
Normuxammedov S R., Jamolov B., M Xamroyev. BANKLAR INVESTIT-SYAVIY SIYOSATI……..…….. 88
Ташназарова Д., Очилов М., Ҳамроев М.С. ПЕНСИЯ ЖАМҒАРМА-СИДА АМАЛГА ОШИРИЛАДИГАН ТЎЛОВЛАР, УЛАРНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎЛЛАРИ…….. 90
Умаров Б., Умирзоқов Д., Ходжимамедов А. БАНК ВА САВДО КОРХОНАЛАРНИНГ ЎЗАРО ТАЪСИРИДА ИНВЕСТИЦИОН ФАОЛЛИКНИ РАҒБАТЛАНТИРИШ МАСАЛАЛАРИ…… 93
Хайитов О., Ахроров З., Мусаев Р. ХИЗМАТ КЎРСАТИШ КОРХОНАЛАРИНИ МОЛИЯВИЙ ФАОЛИЯТИНИ ОҚИЛОНА ТАШКИЛ ЭТИШ ЙЎЛЛАРИ…….……... 97
Хамрокулов М., Курбанова С., Ахроров З. САВДО ВА УМУМИЙ ОВҚАТЛАНИШ КОРХОНАЛАРИНИ СОЛИҚҚА ТОРТИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ…… 99
Shakarboyeyev U., Qosimova F. G’AZNACHILIK TIZIMIDA BUDJETLARO MUNOSABATLARNI BOSHQARISHNING XITOY XALQ RESPUBLIKASI TAJRIBASI…….…..... 102
Шарипов Ф., Толипова У., Ходжимамедов А. КОРХОНАЛАРНИ

ИНВЕСТИЦИЯ ЖАЛБ ЭТИШ АҲАМИЯТИ…….. 104
Жабборов Х.И., Абдураимжонов А.В. ВЛИЯНИЕ ИНФОРМАЦИОННЫХ И КОММУНИКАЦИОННЫХ ТЕХНОЛОГИИ НА ТЕХНИКУ ОБСЛУЖИВАНИЯ И ОБРАЗОВАНИЕ…….……... 107
Уразов К.Б., Анвар Б ХОДИМЛАР БИЛАН БЎЛАДИГАН МОЛИЯВИЙ МУНОСАБАТЛАРНИНГ АУДИТ ОБЪЕКТЛАРИ СИФАТИДАГИ ТАСНИФИЙ ВА ТАВСИФИЙ АСОСЛАРИ…….……... 111
Джалилова Н.М. КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ИНВЕСТИЦИОН ВА ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛЛИГИНИ ОШИРИШ…….……... 114
Musaev X. N., Jumanov O. X.METHODOLOGY AUDIT PROCEDURES AND ITS RISK ASSESSMENT……. 118
Накипова Г.Е., Калкабаева Г.М. УПРАВЛЕНИЕ КАЧЕСТВОМ КРЕДИТНОГО ПОРТФЕЛЯ БАНКОВ ВТОРОГО УРОВНЯ РЕСПУБЛИКИ КАЗАХСТАН: ПРОБЛЕМЫ И ПУТИ РЕШЕНИЯ…….……. 121
Hamidova D.M., Eshonqulova S.R. BANK TIZIMIDA XALQARO HISOB-KITOBLARDA KELIB CHIQADIGAN RISKLAR VA ULARNI SAMARALI BOSHQARISH MASALALARI…….…. 125

III ШЎЪБА. ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИДА АХБОРОТ КОММУНИКАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ЖОРИЙ ҚИЛИШ, МЕНЕЖМЕНТ ВА МАРКЕТИНГ МУАММОЛАРИ

Nurjabova D.Sh. AUTOMATED SYSTEMS IN THE ELECTRON TOURISM COMPANY…… 130
Нормуродов. У.Н., Нормуродов Т.Н. ЎЗБЕКИСТОНДА АЛОҚА ВА АХБОРОТЛАШТИРИШ ХИЗМАТЛАРИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ…… 133
Жабборов Х.И., Абдураимжонов А.В. ВЛИЯНИЕ ИНФОРМАЦИОННЫЕ И КОММУНИКАЦИОННЫЕ ТЕХНОЛОГИИ В ТЕХНИКИ ОБСЛУЖИВАНИЕ И ОБРАЗОВАНИЕ……..... 136
Ruzibayeva N., Umarova Sh. ELEKTRON SAVDOLARNI AMALGA OSHIRISHDA BROKERLIK XIZMATI FAOLIYATINI INNOVATSION RIVOJLANTIRISH MASALALARI…….……... 139
Xudayberdiyeva X., Xudayberdiyev A.Yu., Qahhorov J.A.VENDING BIZNESI VA UNI O’ZBEKISTONDA JORIY ETISH…….….. 142
Ruzibayeva N. X., **Xudoyqulova N. R**., **Ro’ziyev E. Z**. XIZMAT KO’RSATISH SOHASINI MODERNIZATSIYA VA DIVERSIFIKATSIYA QILISHDA MARKETING VA AXBOROTNING O’RNI…….. 145
Маматкулова Ш.Ж., Наркулова Ш.Ш., Ғаффорова М.О. ХИЗМАТ КЎРСАТИШ КОРХОНАЛАРИДА МАРКЕТИНГНИ БОШҚАРИШ САМАРАДОРЛИГИ…….…….. 148

Лутфиллаев М.Х, Лутфиллаева Ф .М КУТУБХОНА РЕСУРСЛАРИДАН МОБИЛ АЛОҚА АСОСИДА ТАРМОҚДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ ДАСТУРИЙ ТАЪМИНОТИНИ ЯРАТИШ ВА ТАТБИҚ ЭТИШ (ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ МИСОЛИДА)……. 154
Назаров С. АХБОРОТ КОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ ТАЪЛИМ ТИЗИМИГА ЖОРИЙ ЭТИШ…….. 155
Уразов Д.К. РОЛЬ ВНУТРЕННИХ АУДИТОРОВ КАК МЕНЕДЖЕРОВ В ПОВЫШЕНИИ ЭФФЕКТИВНОСТИ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ ХОЗЯЙСТВУЮЩИХ СУБЪЕКТОВ И ПРОБЛЕМЫ ОЦЕНКИ РЕЗУЛЬТАТОВ ИХ РАБОТЫ…….. 157

IV ШЎЪБА.ТУРИЗМ СОҲАСИНИ ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНТИРИШ МУАММОЛАРИ

Тухлиев И.С. ТУРИЗМ ИНДУСТРИЯСИ ХИЗМАТЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ……..…. 163
Baxriddinov J., Babayev F, Haydarov O. TURIZM SOHASIDA KADRLARNI TAYYORLASHDA AQSH TAJRIBASI..... 172
Suyarov A.Sh.o'g'li., Abdullayeva Y.Q.qizi. DUNYODA MAVJUD NOAN'ANAVIY MEHMONXONALAR VA U YERDA TAKLIF ETILADIGAN XIZMATLAR..... 176
Kipchakova S.B., Jabborov F.TURIZMNI RIVOJLANTIRISH VA XIZMAT KO'RSATISH HUDUDIY DASTURINING NAZARIY ASOSLARI..... 179
Samandarov R.D., Inoyatov O.S. THE PREPARATION OF SPECIALISTS FOR TOURISM SPHERE…… 182
Бабаев Ф., Зохидов Ф., Ахраров Ф. ОБРАЗОВАТЕЛЬНАЯ СИСТЕМА В СФЕРЕ ТУРИЗМА НА ПРИМЕРЕ США……. 185
Babaev F., Mutalibova I. TURISTLARGA MUZEYLARDA XIZMAT KO'RSATISHDA ANIMATSIYADAN FOYDALANISH ISTIQBOLLARI…… 189
Шодмонқулов К.М. ТУРИЗМ СОҲАСИ РИВОЖЛАНИШИДА ТУРИСТЛАРГА ТРАНСПОРТ ХИЗМАТЛАРИ КЎРСАТИШНИНГ АҲАМИЯТИ……..... 193
Шодмонқулов К. М. МИНТАҚАДА ТУРИСТИК ХИЗМАТЛАР БОЗОРИНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ ВА ТУРИСТИК ХИЗМАТЛАРНИ СИФАТ МЕЗОНЛАРИ. 197
Ибрагимов Н.С. ТУРИСТИК ҲУДУД ВА КЛАСТЕРЛАР РАҚОБАТБАРДОШЛИГИ……. 202
Навруз-Зода. Б.Н. МУЛЬТИУРОВНЕВАЯ МОДЕЛЬ ОЦЕНКИ КОНКУРЕНТОСПОСОБНОСТИ ТУРИСТИЧЕСКОЙ ИНДУСТРИИ…….. 205
Абдуназаров С.А., Нурхонов Н. ИННОВАЦИОННОЕ РАЗВИТИЕ ТУРИЗМА……. 207
Даминов Ф.М., Тоштемиров Д.Ў. ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИ ТАШКИЛОТЛАРИДА СТРАТЕГИК РЕЖАЛАШТИРИШ ТИЗИМИНИ

ШАКЛЛАНТИРИШ МУАММОЛАРИ..... 210
Назарбаев О., Калмуратов Б.С. ФАКТОРЫ ВЛИЯЮЩИЕ НА РАЗВИТИЯ ТУРИЗМА В УСЛОВИЯХ МОДЕРНИЗАЦИЙ ЭКОНОМИКИ……..……... 213
Салаев С.К., Алымов А.К. ҚОРАҚАЛПОҒИСТОНДА АЛОҲИДА МУҲОФАЗА ҚИЛИНАДИГАН ТАБИИЙ ХУДУДЛАРДА ЭКОЛОГИК ТУРИЗМНИ ТАШКИЛ ЭТИШ..... 216
Tuxliyev. I.S., Berdimurodov A. TURIZM VA MEHMONXONALARDA INTERNET TARMOQLARIDAN FOYDALANISH MASALALARI……..…….. 218
Норкулова Д.З., Аблакулов.А.А. ЖИСМОНИЙ ИМКОНИЯТЛАРИ ЧЕКЛАНГАН ИНСОНЛАРГА ТУРИСТИК ХИЗМАТЛАРНИ КЎРСАТИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ТОМОНЛАРИ..... 221
Babaev.F.T., Urakov.A.B. ICHKI TURIZMNI RIVOJLANTIRISH MASALALARI…….…… 227

V ШЎЪБА. ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИ УЧУН РАҚОБАТБАРДОШ КАДРЛАРНИ ТАЙЁРЛАШ МАСАЛАЛАРИ

Sobirova N.A., **Umarova Sh.K**. KORPORATIV BOSHQARUV SHAROITIDA BUXGALTERLIK XIZMATI FAOLIYATI XODIMLARINI TAYYORLASH-DA XORIJIY TILLARNING AHAMIYATI……..... 230
Akhmedova A., Mamurjonov Sh. THE PROBLEMS AND TASKS OF TRAINING OF COMPETITIVE PERSONNEL IN THE SERVICE SECTOR…..…. 233
Хайитава У.Т., Хайитава С.Т. РАЗВИТИЕ ФИЗИЧЕСКИХ КАЧЕСТВ У ДЕВУШЕК НА ЗАНЯТИЯХ ПО ФИЗИЧЕСКОМУ ВОСПИТАНИЮ…….…… 235
Мансурова Н. ОСНОВНЫЕ НАПРАВЛЕНИЯ СИСТЕМНОГО ПОДХОДА К РЕГУЛИРОВАНИЮ РЫНКА ТРУДА…….. 238
Мамажонов. И., Файзуллаева Д. БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИ ШАРОИТИДА КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШДА ТАЪЛИМ ХИЗМАТЛАРИНИНГ ЎРНИ…….. 242
Хамраева С.Н., Уралов А.И. ҚИШЛОҚ ИНФРАТУЗИЛМАСИНИ ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНТИРИШДА МАЛАКАЛИ КАДРЛАР БИЛАН ТАЪМИНЛАШНИНГ ТАШКИЛИЙ-ИҚТИСОДИЙ МЕХАНИЗМЛАРНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ……..... 247
Саломов. Ф.Ф., Адашов Д. ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИ УЧУН РАҚОБАТБАРДОШ КАДРЛАРНИ ТАЙЁРЛАШ МЕТОДОЛОГИЯСИ……... 251
Kipchakova S.B., Usmonova L. XIZMAT KO’RSATISH SOHASI UCHUN RAQOBATBARDOSH KADRLARNI TAYYORLASH MUAMMOLARI……..... 254
Ҳусенов С. ИНСОН КАПИТАЛИНИ РИВОЖЛАНИШИДА ТАЪЛИМ ХИЗМАТЛАРИНИНГ АҲАМИЯТИ…….…… 258

VI ШЎЪБА. ИҚТИСОДИЁТНИНГ БОШҚА ТАРМОҚЛАРИНИ ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНТИРИШ МУАММОЛАРИ

Ғайбуллаев У., Давлатова М М.,Хамроев М ИШЛАБ ЧИҚАРИШ КОРХОНАЛАРНИНГ ЭКСПОРТ КЎЛАМИ…… 262
Маматова М.Н., Аламова Ф.С. ЖАҲОНДА ҚУТУРИШ КАСАЛЛИГИНИНГ ЭПИЗООТИЯСИДА ДАЙДИ ИТЛАРНИНГ РОЛИ…..... 265
Ахмедиева., **Алимова Н.Р.** КЛАСТЕРНЫЙ МОДЕЛЬ ИННОВАЦИОН-НОГО РАЗВИТИЯ ЭКОНОМИКИ РЕГИОНОВ…… 269
Кадыров А.М., Базаров Ф.О. КЛАСТЕРНЫЙ МЕХАНИЗМ ПОВЫШЕНИЯ КОНКУРЕНТОСПОСОБНОСТИ ЭКОНОМИКИ РЕГИОНОВ……. 272
Умарова А., Адильчаев Р.Т. РЕГИОНАЛЬНАЯ ПОЛИТИКА В КОНТЕКСТЕ ЭКОНОМИЧЕСКОГО РАЗВИТИЯ РЕГИОНОВ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН……. 274
Норов. **С.**, **Муҳаммадиев А.** МАДАНИЙ-МАЪНАВИЙ МЕРОСИМИЗ МИЛЛАТ ИФТИХОРИДИР…….. 281
Mukhitdinova Z. INNOVATIONS IN ATTRACTING FOREIGN INVESTMENT IN OUR COUNTRY…… 284
Абдуллаев С., Адилова С. ПРАЗДНИК ВЕСНЫ В УЗБЕКИСТАНЕ И У ДРУГИХ НАРОДОВ……... 287
Хасанов Б.Т., Рахимова И. ИННОВАЦИОННАЯ ПОДХОДЫ К УПРАВЛЕНИЮ В СФЕРЕ ПРОМЫШЛЕННЫХ ПРЕДПРИЯТИЕМ…….. 290
Рузибаева Н. Х., Абдурасулов Ж. А., Рахимов М. Ў. ИҚТИСОДИЁТНИ ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ……... 293
Хамраева С.Н., Йўлдошев Ш. АГРАР СОҲАДА ИННОВАЦИОН ИНФРАТУЗИЛМА ХИЗМАТЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МАСАЛАЛАРИ. 297
Ташназаров С.А. УМУМИЙ ОВҚАТЛАНИШ ХИЗМАТЛАРИНИ КЎРСАТИШДА СИФАТ ВА САМАРАДОРЛИК…….. 301

«ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИ ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНИШИНИНГ МУАММОЛАРИ»
мавзусида халқаро илмий-амалий анжумани

(2017 йил, 25-27 май)

2017 йил. Қоғоз бичими А5,
Офсет қоғози. "Times New Roman" гарнитураси
Босма табоқ 19,5
Буюртма № 56 Адади 50 нусха

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти
босмахонасида чоп этилди.
Манзил: А.Темур кўчаси, 9 уй.